

ДУШАН ФАЙЗИ
ЗАРАФШОНӢ



ИМОМ
АЛ - БУХОРИЙ

*Масъуди мұхаррир--Ўзбекистон Фанлар академиясы
мұхбір ақzosи Б. Валихұжаев*

*Тақризчи -- Ўзбекистон халқ шоюри
Жуманиёз Жабборов*

Ислом оламида Мұхаммад алайхиссаломнинг чориёрларидан сўнгги ўринда турувин буюк инсон, улуг ҳадисшуное Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорининг ҳаёті ва памий-илодии фаолияти хусусида шу дамгача Шарқда бирор бадин асар яратылмаган ёди. Таниқти шоюр, Ўзбекистонда хизмат кўргатган санъат арбоби Душан Файзи Зарадашоний мазкур бўйлиқни тўлдирнига — имом ал-Бухорийнинг бадини сиймосини яратишга жазм этиб, ижодининг янги саҳифасини очди.

Мухаллис олимнинг кечмиш-кечирмислари, улкан салоҳияти ва шижоатни меҳнати шеърий сатрларга меҳр ила жо этилганки, улар китобхонни бефарқ колдирманаиди.

Ф 4702620201-25
М 362(64)-98 қатъий буюртма – 1998

ISBN 5-8255-0514-8

© Душан Файзи Зарадашоний.
«Ёзувчи» нашриёти, 1998 й.

МУҚАДДИМА

Мен ул каби бошқа бирор алломани
уцратмайды.

Худо уни пайғамбар умматларининг бе-
заги қилиб яратгандир.

Имом ат-Термизий

Имом ал-Бухорийнинг тенги дунёда
шүкдир.

Ибн Мадийнӣ

Осмониниг кўк гумбази остида ҳадис-
шунуносликда ва ҳофизликда ул каби бошқа
аллома шүкдир.

Ибн Хузайма

Бисмиллоҳир раҳмонаир раҳим

Яна фасли баҳор, Наврӯзи олам,
Кирларни безамини зангори гилям.

Лойшувоқ томларда қизғалдоқ базми,
Рангни каналаклар қувнатар кўзни.

Кўклам оғушида қадим Бухоро,
Кўчалар ородир, расталар оро.

Бодом гулларига бурканмиш боғлар,
Ловуллаб ёниши дилларни чоғлар.

Жизнаглар инидирар, оҳанити майин,
Ҳизга ором берар юргуған сайин.

Шоҳруд бўйирида ям-яшия майса,
Мажнунотоллар яшиаб понугин ёйса.

Жозибага кириб шу чоқ навбаҳор,
Жонланимини оламда не мавжудот бор.

Ариқларта оқар баҳор тошқини,
Сойларни тўлдиран седлар босқини.

Шоҳруд ... Бухородан оқиб ўтувиш шоҳариқ.

Тарновлар бошида қүшлар нағмаси.
Чүпон чолирида дўмбира саси.

Чұднинг әтаклари қип-қизил атлас,
Мини рангда товланиб ёттаған бандорас.

Атиргул гүнчаси — булбұл фигони,
Ошиқ күнгілларнинг дарылар армони.

Мөвий уфқдарда күклем жилоси,
Табиатнинг нурлы, мавжли дүнёси.

БИРИНЧИ ҚИСМ

1. БУХОРО

Тонг ониоқ ёлусин ёйгани маҳм,
Шарқ осемони шу дам ёришиб ял-ял,
Бухоро бошнага ёғиларди нур,
Нур демаким, түё сочиларади дур.
Наҳорда уйғонтан аҳди фуқаро,
Тирикчилик бошлар шу он шаҳр аро...
Не бир тарихларга гувоҳ бу шаҳар,
Неча бир йўсинда аталди магар:
Гоҳидга Бумискат, гоҳо Фохира,¹
Мадинат ус-Суфрия, гоҳ Вихара.²
Асрлар губори деворларида,
Мозий нафасидир губорларида.
Муавзам Арқ әрур қадимий ошён,
Не ошёндир валие қадим бир жаҳон.
Сиёвуш руҳи бор унинг лойида³,
Ҳар тинти, ҳар нақни, ҳар бир жойида.
Мана — ўша майдон, сокин Регистон,
Табаррук маскандир ўша Шахристон.
Бир ёқда баҳайбат мадраса, минор,
Бир ёқда мачиту сарой ва бозор.

¹ Қадига замонларда Бухоро шу номлар билан аталған.
² Араблар Мадинат ус-Суфрия (мис шаҳар), ҳиндлар Вихара деб атап алалар.
³ Бухоро Арқини подиоҳ Сиёвуш қурған.

Бирор ибодатта шошилар бу чоқ,
Бирор дўконларни кезади узоқ...

Шу аспо шаҳардан чиқди бир карвон,
Кўзлаган манзили -- мулки Ҳурросон.

Карвонига ҳамсафар борар Абдуллоҳ,
Енида: онаси, оғаси ҳамроҳ.

Эзгу ниятлари Маккага етмоқ,
Тангри даргоҳини зиёрат этмоқ...

* * *

Ота вафот этиб, иккита ўғлон,
Онанинг илқида қолди шул замон.

Онаки, шунчалар мунисе, меҳрибон,
Болаларим лей фидо этар жон.

Ҳам ота ёрди-ю, ҳам она ёрди.
Иккисига бирдек парвона ёрди.

Абдуллоҳ -- идрокчи, зеҳнда тенгиз,
Илму маърифатла ҳаваси сўнгиз.

Ҳадис таълимоти -- илоҳий туйғу,
Шу туғууни туйди, меҳр қўйди у.

Ҳадис ишқи тушиб мурғак дилига,
Борлигини баҳи этип унинг йўлига.

Устоз ал-Пойқандий берминиди таълим,
Маснадий ҳадисдан маъруф муаллим.

Туну кун баҳслар тинмасди сира,
Абдуллоҳ наздида эди бир зина:

Ал-Муборак ҳамда Ибн ал-Жарроҳ¹,
Шайх Доҳиий ила «жан» қиласиди тоҳ².

¹ Ҳадис илмида китоб яратган буҳородик олимлар. Абдуллоҳ ул-қибодарини ёт олган эди.

² Шайх Доҳиий -- ҳадис илмидан Абдуллоҳининг устози.

Бухородаї буюк шаҳри азимда,
Ўтмоқ вақти энди янги тизимга.

Ул билмган ҳадис қолмади, не тонг,
Яна бошланғуси янги баҳсу жанг...

* * *

Карвон нул босади, қўнироқ саси,
Атрофда ҳансирар баҳор нафаси.

Шу он Абдуллоҳ бурилиб ортига.
Мехр-ла гикилди она юртига.

О исла қолмишиди энди Бухоро,
Чорбоқлар, работлар, минорлар аро.

Хайр энди, менинг қадрдан шаҳрим,
Сенинг-ла қолмоқда суюнчим, меҳрим.

Үн олти баҳорим сенинг қўйинингда,
Ҳар на бору йўғим сенинг қўйинингда.

Сенинг йўлларингда қолди изларим,
Иzlарим лемаким, қолди қўзларим.

Кулдан гарибда бир субҳ ногоҳ.
Ейибдан илкимга етли бир нидо.

Қўнгилга қўйили бир эзгу ният,
Гангриининг хоҳини шу бўлди ғоят:

«Оламда неки бор, яхшилик бўлса,
Аҳди авом учун ҳамият қиласа.

Бир шам қилиб ёққил иқтидорингни,
Ақдү идрокингни, ҳар на борингни,

Ол-юрга багишла одлоҳ йўлида,
Эзгулик ато қили инсон дилида».

Шу нидо сафарга бошлиди бу чоқ,
Биламан йўлларим йироқдир, йироқ.

Омон бұлсам бир вақт қайтурман, шаҳрим,
Сенинг бошларынған сочурман мәхрим.

Будаң хайр-хүшіләниб кетесем-да, бироқ,
Сен қалбим түрила бұлурсаң ҳар чоқ.

* * *

Абдуллох сафарға жұнаң одыдан,
Илк қашырларның қарлоғылар билди.

Лусту әр діннори печоги лазиз,
Анниңса, иккиси дилина азиз.

Бири — шаих Дохиий — қадролу устоз,
Бириен — Фотима — дилбару дилоз.

Хұтим, — дели устод ингілли сүніб,
Күнніңда оғанык шафқаттың туиіб,

Неки юқырибман ташна дилингта,
Әзгу шаҳолаттар беріб құннингта,

Илохий заковат жиесу жонинда,
Наниңи жонинда, ваде қоннингда.

Бутун ягонасан — тегісіз, бекіссе,
Халыс дүнесінде сүнгез өхнірос...

Дони атоқттың құлдайтын ҳаёт,
Дели мен әмасмен, сен узин устод.

Мен құллук қылдым-у құл бердім сенга,
Сенга тан бердім-у, шұл бердім сенга.

Баҳе ва «жанғ»дарда еннелдім, не тоңе,
Ожизлігім билдім, йиңілдім, не тоңе.

Бухоро ирфонинің зур маконидір,
Макони демаким, бир уммонаидір.

Еарчи илму доңиș тоңмишідір оро,
Торлик қиелі буқун сенга Бухоро.

Буюк сардаңларға етмөнин даркор,
Қанча сұқмоқтардан утмөнинг даркор.

Файлакүс, Арасту — не бир даҳодар,
Зұлматин әріткен ақын расолар.

Маккай Мадина — мұқағас жаргох,
Іқболнинға бүлениң ҳамтаму ҳамрох.

Неки әзүлдик бор сенға ёр бүленин,
Оғлохиминин үзи маңадкор бүленин.

— 6 —

ІНУ заҳоғ азилди хәснини гори,
Абұлғлоҳжон! — деди онанзорит.

Даббай, меҳрибоним, құлогым Сизде,
Бир нима келдими хәснинизга?

Үйканиб қолдииңиз, бұлдың шарнишон?
Фикру ҳодиңизни баңдағын шу он?

Шундай, онажоним, хәсвим көлди,
Шағрымиз шу чоқ күз үнімдай үеди...

Денескірки, бола — онанин жони,
Жоними ва ёки бутун жаҳони.

Сиралы бир оғунала она шу заҳоғ,
Раҳмат құлтур оры, одий таъб бир зот,

Абдуллох уч ёшта киргап замони,
Бир ифтихор ила сийловдан оны;

— Шағын, билурмисан, Абу¹ не құлтур? —
Нисек күзде да самога интилур.

Бу қылнана күрүрмен бир ҳикмат
Наҳоғ, бу гониблан яраған фикрат?

¹ Абу — Абұлғлоҳ Мұхаммад ибн Исаим ал-Бухорий, ота-она-
си Абұлғлоҳшын діркесінде «Абу» деб атапар өши.

Онанинг дилида бир дунё шодлик,
Шодлик не? Бир дунё күнгил ободлик.

Хис қылар фарзанли иқтидорини,
Хамда иқболида иелар борини.

II. ЖАЙХУН – БАЛХ – ХИРОТ

Карвон йўл босади тонгдан то оқшом,
Тижорат аҳдидир – билмасди ором.

Олисларда қолди Бухоро, Фороб,
Неча ухлаб, неча уйғонди офтоб.

Орида қолли Жайхун – «төлба» бу дунё.
Оролга бош уриб тўлғанаар гўё.

Ваҳимага солар ҳар тўлғаниши,
Осойиш айламоқ тангриниг иши.

Абдуллоҳ дарёга тикилиб узоқ,
Буюк бир қудратни англали шу чоқ:

— Оллоҳнинг паноҳи – сирли бир олам,
Кичик бир зарра ҳам, бунича қудрат ҳам...

Мана рўпарада Балх қасабаси,
Боғи чорбогларда кўклам нафаси.

Мозийдан нишона «Уммул билол»дир¹,
Момо Ҳаво билан тенгдош ҳаётдир.

Карвон аҳли учун азалий одат,
Шаҳар яқинида тўхтар бир муддат,

Таъзим бажо этмоқ таомил эрур,
Хамда нафасни бир ростламоқ зарур...

«Тепаи Заргарон»² – кўркам, ораста,
Неча бир гузарлар, неча бир раста.

¹ Уммул билол – шаҳарлар оиласи.
² Тепаи Заргарон – Балх шаҳридаги мавзелардан бири.

Мана, ўна ҳовли ва ўна мезбон,
Ҳамда Бухородан келган уч меҳмон.

Дохилий шогирди ҳовли хўжаси,
Қизғин суҳбат аро эли барчаси.

Үй әгаси сергак, зеҳнили ўғлон,
Абдуллоҳи зимдан кузатар шу он.

Унинг иқнидорин илрок этар у,
Ва лишила жўнар ажиб бир туйгу.

Иннум, Абу, -- шу чоқ сўз бошлар мезбон, --
Ниятингиз буюк, лек эмас осон...

Ўтган куз Бухоро сафари чоғи,
Устод Дохилийнинг илму сабоги...

Хуб таъриф этмишди сизни ёрлақаб.
Заковатингизга суюниб, мақтаб.

Ҷемишки, илоҳий бир иноятдир,
Иншодло, бир кун ул ижобатдир.

Бухоро шуҳрати оламни тутгай,
Неча бир минг мамлакат, эйларга етгай...

Абунинг волидаи муҳтарамаси,
Ҳамда лияга тулаш жони -- оғаси.

Бедал шоъ эйлар бу хил таърифдан,
Таъриф не бўлибди, юз бир тавсифдан.

Сўнг ором олишиди, серҳашам айвон,
Баҳор оқномида роҳат этиб жон.

Балх осмони, қаранг, нақадар тиник,
Олис сайдералар бунчалик ёниқ.

Абу юлдузларга тикди-ю кўзин.
Хаёл оғушида кўрди у ўзин.

Ширин туйгулар тўлганиб ногаҳон,
Олис Бухорога учди шу замон.

Мана, рўпарада ўша мунис қиз,
Ўрикзор четида туарар у ёлғиз.

Кимнидир кутмоқда дилдан энтикиб,
Айрилиқлар ичра йўлга кўз тикиб.

Хаёллар... түғёнлар -- сўнгсиз... бир дунё,
Олча гулларидек тўзгимиш гўё...

Қанийди, Абдуллоҳ қуш бўлиб шу чоқ,
Ўша қиз ёнига етса ҳозироқ.

Хаёл, бунча узун аргамчиларинг,
Бунчалар олисдир йўлларинг санинг?

Хаёл кетар экан, унинг изидан,
Севинч учқуилари чақнаб кўзида,

Йигит югуради ўша боғ сари,
Қизни ахтаради унинг кўзлари.

-- Хайрият, кетмабди! Туарали қулиб,
Боққа хусн бўлиб, ширин ноз қилиб!

Хаёлла жонланди: ул наврўз чоғи,
Қизилқон бўлганла гуллар янроги,

Фотимани кўриб қолиб ногаён.
Юраги жиз этиб кетганили шу он.

Бир оташ табассум, бир сирли имо,
Остин-устин бўлди шу ламда дунё,

-- Абдуллоҳ, лолалар теринг-чи менга,
Гулдан баргак ясад беринг-чи менга, —

Кўнгироқ овоз-ла ўтиши ул қиз.
Кўзлари шаҳдолир, ёноқлар қирмиз.

Йигит ҳайрат ичра лол эли буткул,
Бу сифат иқболдан сархун эди ул...

Сўнг дер: Айтганингиз қиласайин, бегим,
Бир умр хизматда бўлайин, бегим.

Лолалар минг нисор бўлишисин сизга,
Сочилсин бошдин то оёғингизга.

Наинки лолалар, қурбондир жоним,
Бир жоним не ёкан -- борлиқ жаҳоним.

Қиз қаҳ қаҳлаб лейди: Ошиқмисиз не,
Берурсиз жонингиз, жаҳонингизи?

Аблуллоҳ жимгина кулиб қўяди,
Қизнинг сўзларига меҳр туюди...

Фотима! Гарчи йўқман ёнингизда,
Лек хаёлим сизда, хаёлим сизда!

Хаёлнинг торлари узилди шу он,
Тонг отиб, ёришиб келарди осмон.

* * *

Карвон йўл босарди, тонгдан то оқишом,
Сорбонлар туни кун билмайди ором.

Туриқатор бўлиб ўтарди кунлар,
Хорғин қиёфали, чарчаган тунлар.

Орга қолди не бир шаҳару овул,
Неча бир сўқмоғу ва неча бир йўл.

Неча бир дарёлар ва неча бир тоғ,
Неча бир саҳролар ва неча бир боғ.

Баҳорнинг сўнтидир, ёз бошланиши,
Кетиши, янгиланиши -- табиат иши,

Кундан кун тепадан қиздирап офтоб,
Қирлар этагила симобий сароб...

Абу кетар ёкан хаёл ичра жим,
Бир маҳал бақириб қолди аллаким.

Шу дам қарасаки икки йўловчи,
Сўкинар оғзига етганча кучи,

Бири иккинчиесин ёқасин тутиб,
Муштлашар бир-бирин ҳақорат этиб.

Абу чопиб келди: Оғалар, қүйінг,
Дилязорлик қилманг, яхшилик түйинг.

— Сен кимсан, йигитча, ўргатма бизга,
Хамла аралашма жанжалимизга.

— Оллохга хүш келмас бу қилингиз,
Унині хоҳишини бажо қилингиз.

Муроса қылмоқдик ақлинг иши,
Еқай құл чұзмоқ — нодон қиямии...

Раббим, әзгуликка бошлагин бизни,
Раббим, ўзинг кечир гүнохимизни.

Осий баңдалармиз, күрсөт түғри йүл,
Яхшиликка бошла ва раҳнамо бүл.

Ўзинг пок, Улугсан, Оллоху акбар,
Закийсан, тұлықсан, Оллоху акбар.

Раббим пок, буюқдир, Оллоху акбар.
Раббим пок, суюқдир, Оллоху акбар.

Сукунат чўқди, оғалар хижолат,
Иннодлоҳ, әзгулик бўлгай ижобат.

* * *

Мана, рўнарада қатъян Ҳирот,
Оргла қолди неча мавзе, туманот.

Ҳируруд¹ бўйнига тиз чўқди карвон,
Оқшом салқинида тин оларди жон.

Шаҳрибону уйғоқ. Ҳаёлдир чопқир,
Бари кўз ўнгидан ўтади бир-бир:

Эри қазо қилди — не мудҳииш, ё раб,
Икки ўғил билан қолди чирқираб.

¹ Айрируд — Ҳирот ёнидан оқиб ўтувчи шоҳариқ.

Раҳматли эди хуб расо, жонсиюр¹,
Падари бузруквор, меҳрли бисёр.

Нетсин, пешонага сиғмади ул зот,
Дилда армон бўлиб қолди умрбод.

Икки ўғил: Аҳмад, бири Абдуллоҳ,
Бири бирисидан оқилу доно.

Кўзин қаросидир иккатаси ҳам,
Не десин, иккиси — иккига олам.

Эрининг васияти қулонидадир,
Фарзандлар ҳар нафас қарогидадир.

Ўзи емади-ю, уларга едириди,
Ўзи киймади-ю шуларга кийдиди.

Оллоҳдан уларга умр сўради,
Тун-кун опичлаб бошларин силади.

Тангрига минг шукр, муроди ҳосил,
Не баҳт, хурсанд эди армонзада дил.

Абу зукколиги — кўнгилда ҳайрат,
Наҳот, бу истиқబол, наҳотки, рифъат²?

Бир индо келди-ю, ногоҳ кўнгилга,
Шу заҳот уларни бошлади йўлга.

Абу журъат этди... ва Ҳаж сафари,
Йўл олдик худонинг даргоҳи сари.

Унинг омади деб, биллоки, бу лам,
Борурман дунёнинг ул бурчига ҳам.

Жоним ҳам садага керак бўлса гар,
Парвардигор, бизга ўзингсан сарвар³.

Шундай фарзанд ато этганинг ҳаққи,
Пешонамга уни битганинг ҳаққи,

¹ Жонсиюр — садоқатли, жонини қурбон қилувчи.

² Рифъат — батанд мартаба, омад.

³ Сарвар — йўл бошловчи, етакчи.

Багримин нурағынан қылғанинг учун,
Севинчим бир жағон қылғанинг учун,

Миң шукур, дегумдир сенга, оллоҳим,
Юз йил құл бұлғумдир сенга, оллоҳим.

III. НИШОПУР — МАШХАД — ИСФАХОН

Нишопур осмонин ёритмоқта тонг,
Үфқа товланиб неча туелі ранг,

Шаҳар үйкесидан уйғонмай ҳалы,
Йұна шашланмоқта тижорат ағын,

Доригымусоғирда¹ карвон сардори,
Салқинда жүпамоқ бұлыб қарори.

Хайру хүн истаги лизига ҳамдам,
Абу Абдуллохни изларлы шу дам.

Нақдини наңжаралан уй ичра ёеду,
Бу чоқ тонг намозин үқири Абу...

Сардорнинг күнгеліда бир илиқ түйгу,
Мұмтоз бу йигитдан шодмоп әли у.

Шу маҳал хонадан чиқди Абдуллох,
Шоён иқтидорға ярашиқ сиймо.

-- Иним, -- сүз бошлади сардор шу аспо.
Биз әнді сиз билан қардой, онын,

Қаран, хайрланимок фурсати етли,
Нече күн, ҳафтадар лаҳзадек ўтди.

Сизлар Исфаҳонга, биз Техрон сари,
Сұнг шаҳри Табриздири ва ундан нари,

Юони, Фарангистон, Андалус², мұлки,
Сұраманың, ҳудудсиз олие бир йүл-ки...

¹Доригымусоғир -- пұловчы мусоғирыар тұхтаб үтадынан мәнзил.

²Андалусия -- шарқ халқтары қадымдан Испанияниң шу ном билан атап алғандар.

— Минг құллук, бек оға, ва ҳамда ағесе,
Биз үчүн бўлган ҳимматингиз хусусе.

Ҳироту Машҳадга кўрик илтифот,
Эслаб юргумизнир сизни умрбод.

Бек оға, йуниги бехатар бўлсин,
Ганирим ерлақаб, омадинги келсин... .

Кунбогар маҳали оғаси Аҳмад,
Бир ҳабар келтирди шодланиб беҳадъ.

Лориламорага¹ қўнимин бир карвон,
Гони та жўнар эмини Ҳижозга томон.

* * *

Кун чонтоҳга етиб тўхтади карвон,
Юзма-юз туарди шу дам Иефаҳон,

Унинг таърифидир дунёга кетган,
Не Хуросон, ҳалго Туронга етган.

Гиник осмон ичра мовий гумбазлар,
Баланд миноралар юлдузни қўзлар.

Шовқинли расталар, нақшин саройлар,
Ям-янил боғларлар серҳашам жойлар.

Абу ниҳоҳини узмас бир нафас,
Лилила мавжданар ажиб бир ҳавас.

Жомеъ мачиттида ул мусоҳаба,
Кекса бир мудларис, бен-ён талаба,

Илму ҳикмат боне қизир эли баҳс,
Куруқ мунозара, жидди жаҳд² — абас³.

Абу тинглар эли — арабий лисон,
Уни аинглаб етмоқ эмасли осон.

Лориламора — ҳукмдорлар саройи.
Жидди жаҳд — зур беріб инкор этиш.
Абас — беҳуда, фойдасиз.



Эслади бир лаҳза юмиб күзларин,
Устод Дохилийнинг сабоқ-сўзларин;

— «Тил билмоқ — дил билмоқ» эрур, чирогим,
Сўқир сўқмоқларда ўсмирилик чоғим,

Гумроҳликда ожиз аданиб чунон,
Афтода руҳ аро тополмай имкон.

Яна ибтидога қайтиш, жусту жў¹,
Не бир ровийларга² бўлиб рўба-рў,

Игна билан қудуқ қазмоқ машакқат,
Тош устида гул ўстирмоқ шижоат.

Сабру тоқат ато қилгай худойим,
Куч ва қудрат ато қилгай, илойим.

Абу ярим оқшом қайтди наришон,
Хаёлга гарқ эди борлиги шу он.

Ё чўққига чиқар, ё жарга қулар,
Ё маррага етар, ёки йиқилар.

Шунчалар чигалми ёраб, бу нигун,
Наҳотки, то абад ечилемас тугун?

Тангри мададкорсан, ўзинг мадалкор,
Ҳимматингни дариф тутмагил зинҳор.

Хаёлин банд ётли Бухоро шу чоқ,
Еаройиб анжумай — турунг ва сабоқ,

Тонготар баҳслар, жозиб суҳбатлар,
Еаразу бегараз турфа улфатлар.

Биттаси Суқротдан излар бўлса ганж,
Бирининг дилида ҳасал тўла ранж.

Ажаб — букридан излашар тўғрилик,
Тўғри ёғочдан изларлар эгрилик.

¹ Жусту жў — қидириш, ахтариш.

² Ровий — қисса айтувчи, ҳикоя қилувчи шахс.

Тун ўтар, тонг отар – баҳс бўлмас адо,
На ибтидо бордир ва на интиҳо.

Абу билмас эди бу нечук савдо,
Боши берк кўчада турарди гўё.

IV. БАГДОД – БАСРА.

Туну кун йўл юриб аҳзи тижорат,
Багдол қопқасига етди инҳоят.

Мана, ўша манзия, табаррук тунроқ,
Марварид шодани безаган мунчоқ.

Қадим бир ошён – Мадинат ус-Салом¹,
Таъзимла турибмиз, сенга эҳтиром.

Дажла² соҳилида сўлим бир гўша,
Зумрад бир оламсан, сулув ҳамиша.

Абу ҳавас билан боқар шаҳарга,
Сокин оқаётган мавжли наҳрга.

Йигит онасига юзланди шу дам,
Инисин кузатиб турар Аҳмад ҳам.

Бир гирдоб иҷраким гарқ эди Абу,
Уни қуриамиши ажиб бир түйгу.

Қизиқ бир ҳолатга тунгани аниқ,
Этирослар ичра кўзлари ёниқ.

Бағдол Макка бўлиб қўринар гўё,
Бу бир афсонами ва ёки рўё.

Балки туншир, балки сирли ҳаёлдир,
Балки муваққатдир, ўткиничи ҳолдир.

Бу ер ё Маккадир, ё остонаси,
Балки соясидир, ё келур саси.

¹ *Мадинат ус-Салом* – тиҷзийк шаҳри.

² *Дажла* – Бағдоа шаҳри ўртасидан оқиб ўтувчи дарё.

Абу түлқиндами ва ёки дарё,
Түлқин уммонларга айланар гүё.

Шу чоқ әхтирослар қанот боғларди,
Мовий кенгілеклар багрини чөгларди.

Она кузатаркан ўєлинни шу он,
Холатини күриб, бўларди ҳайрон.

* * *

Бир ҳафта бўлдики аҳли тижорат,
Олди-сотди билан банд бўлиб гоят,

Боғод бозоридир таърифда тенгсиз,
Турфа расталарки — бир дунё лейсиз...

Абу бозор аро айланиб юрди,
Саратон қүёши қизлирап эрди.

Турли матолардир — қамаштирап кўз,
Улар мақтовига тополмайсиз сўз.

Олис Чин юргидан то Фарангистон,
Бухородир, Балхдир ҳамда Ҳипилистон.

Атторда тонилмас неча бир мато,
Лаълу жавоҳирдир, мушк — анбар, ҳатто.

Одамнинг жонидан бошқа неки бор,
Барчаси бу ерда мавжудлар зинҳор.

Китоб растасига дуч келиб Абу,
«Ҳадис» мажмуъларин излар эди у.

Кўзлари чараклаб кетди бир маҳал:
Мана Ал-Мадиний ва ибн Ҳанбал!.

Нима қиласини билмас Абдуллоҳ,
Буюк бир хазина топганди гүё.

Китобларни харид қилди-ю, шу чоқ,
Бағрига босгансча югурап қувноқ.

Ал-Мадиний, ибн Ҳанбал — машҳур ҳадис билимдошлари, бу ерда
улариниң китоблари назарда тутилаётir.

Йўқ, китоб олмади, дунё олди у,
Анвал гадо эди, подшоҳ бўлди у.

Она ҳам, оға ҳам ҳайрон эдилар,
Абу шодлигидан шодмон эдилар.

Абу дер: Муродга етдим, азизлар,
Наҳотки, наҳотки англамайсизлар,

Бағдод леканилари «Байтул ҳикма»дир,
«Байтул ҳикма» бўлмаса, Бағдод надир!

Бағдод эрур Макканинг қутлуғ эшиги,
Итм ва ҳикматининг зарҳал бенини...

Оллоҳим, бизларни ўзинг қўллагин,
Эзгулик томонга бизни йўллагин.

Раббим пок, буюклур, оллоҳу акбар,
Раббим пок, суюклир, оллоҳу акбар.

* * *

Ниҳоят Басрани қолдириб карвон,
Тонгда йўлга тушди Маккага томон.

Басра таровати беназирлир хуб.
Ҳайратли дилларга бўлмишиди марғуб.

Шатт ул-Араб¹ унинг зебига кўзгу,
Ям-яшил соҳилга ястанмишидир у.

Гаърифин қилувди Дохилий устод,
Умар² давронида бўлмишиди бунёд.

Осмонида порлар тонг юлдузлари,
Ерла донишларнинг қутлуғ излари.

Абу шаҳар кезди тинмай өрта-кеч,
Юриб ҳориганин билмас эди ҳеч.

¹ Шатт ул-Араб — Баора ёнидан оқиб ўтувчи дарё.

² Басрани халифа Умар бунёд ғтанандир (634—644 йиллар).

Бир оҳанрабодир меҳри, зиёси,
Гӯё сеҳрларли араб дунёси.

Ўзга бир кайфият, ўзга ҳисснёт,
Идрокни банд этмини сирли бир ҳаёт,

Мачиту мадрасаса, ибодат, иймон,
Пок бир руҳиятдир, покиза виждан.

Борига ғарқ бўлган Абу Абдуллоҳ,
Ўзга бир дунёда юариди гўё...

V. МАККА — ҲАЖ — ХАЙРЛАШУВ

Осмону заминни қиздирар офтоб,
Гӯё олов сели ёғилар шу тоб.

Нақ пешин қоришиб олов наҳрига,
Карвон кириб борди Макка шаҳрига.

Абдуллоҳ, онаси ва ҳамда Аҳмад,
Ҳаяжон ичида қолиб бир мулат,

Ишонмас эдилар ўз кўзларига,
Ишонмас эдилар ўз-ўзларига.

Бир ҳолат әлики — ҳайрат ва тўлқин,
Изоҳсиз, жавобсиз, минг битта тугун»

Ёқасини ушлаб туарди Абу,
Шуурин йўқотиб кўйган эди у.

— Уч ой кечакундуз юрибмиз, ё раб,
Пойи останангга келибмиз, ё раб.

Ассалом! Ассалом, муқаддас даргоҳ,
Ассалом! Ассалом, эй олампаноҳ.

Минг шукур илкингга еткурди бизни,
Қабул эт олқишу таъзимимизни.

Пойингга бош қўйдим, эй Байтул ҳарам¹,
Сени тавоғ қиласар жумлаи олам.

¹ *Байтул ҳарам* — муқаддас даргоҳ.

Абу интиларкан Каъбатуллоҳга,
Шукронай аввал — қолир оллоҳга.

Бисемиллоҳир раҳмонир раҳийм,
Ҳамду сано бўлсан сенга, оллоҳим.

Иноят сўрайман ўзингдан яккаш,
Ибодат қилгайман ўзингга яккаш.

Раббим пок, улугсан, улугсан ўзинг,
Раббим пок, буюксан, буюксан ўзинг.

Бисемиллоҳир раҳмонир раҳийм,
Ҳамду сано бўлсан сенга, оллоҳим..

Ўзинг кечиргайсан гуноҳимизни,
Ўзинг тўғри йўлга бошлагин бизни.

Ёмонлардан бизни ўзинг асрагин,
Шайтонлардан бизни ўзинг асрагин,

Сен ўзинг буюксан, улугсан шаксиз,
Мехру саҳоватга тўлиқсан шаксиз.

Биздан дарис тутма марҳаматингни,
Биздан дарис тутма саҳоватингни.

Рост йўлдан тоймаган инсонларга қўш,
Яхшилик ташувчи карвонларга қўш.

Раббим пок, улугсан, оллоҳу акбар,
Раббим сен буюксан, оллоҳу акбар.

Таянчим ўзингсан, эй парвардигор,
Суянчим ўзингсан, эй парвардигор.

Еуссадан пок этгин дилларимизни,
Ҳаромдан қайтаргин қўлларимизни.

Иноят сўрайман ўзингдан яккаш,
Ибодат қилгайман ўзингга яккаш.

Бандангни таловчи, юлувчиларга,
Дилларга васваса солувчиларга.

Езабингни сочгин — илтижойим шу.
Дұзахингни очгин — илтижойим шу.

Саловат, ибодат тангрим, ўзиннга.
Салому барокат тангрим, ўзиннга.

Раббим нок, улугсан, раббим нок, улу.
Раббим, нок, улугсан, ҳимматта тұлұ.

Раббим, сенға олқини, оллоху акбар,
Раббим, сенға олқини, оллоху акбар!

* * *

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳиим

Ассалому алайка, ё Кәъбатуллох,
Ассалому алайка, ё Кәъбатуллох,

Иноят сұрайман ўзинндан фақат.
И болат қылгайман ўзиннің фақат.

Олис Бухордан келибман бу дам,
Хамту сано сенға, әй Байтүл ҳарам.

Ұзин мениң құдла, ё Кәъбатуллох,
Әзүлікка іўлла, ё Кәъбатуллох,

Рұхим нок этгани келдім қоннинта,
Дилим оқ этгани келдім қоннинта.

Күнгли қаролардан ўзинг аерагин,
Дарлу балолардан ўзинг аерагин.

Гуноҳларим кечир, тавбам қабул ет,
Алолатта боңла, құлларимдан тут.

Меҳру марҳаматин әшикларин оч,
Бухоро боңидан ҳимматларин соч,

Азиз волидаминнің умрінің нойнор қыл,
Оғама мадал бер, йұнини бор қыл.

Июнят сұрайман үзінгдан фақат,
Ибодат қылтаман үзінгің фақат.

Німон бер, иисеоф бер, ё Каъбатуллох,
Рахіт қыл, савоб бер, ё Каъбатуллох.

Ассалому алайка, ё Каъбатуллох,
Ассалому алайка, ё Каъбатуллох.

Бұхоро шарифдан келибман бу чоқ,
Номи остананда түрібман бу чоқ,

Ниятим – әзізшік йұнини тұтмоқ,
Ділімдің олдоқнің номин жо әтмоқ,

Неки яхнишік бор – юқимоқ, билмоқ,
Шу йұлда умримни баһиңда құлмоқ,

Неки хоҳиннің бор – анласам үқесам,
Қалбларға яхнишік уругиң әкесам.

Шу әзіз ниятим ижобат қылғыл,
Олдоқим, шу йұлда раҳнамо бүлғыл.

Июнят сұрайман үзінгдан яққан,
Ибодат қылтаман үзінгің яққан.

Медрин дарин тутма – меҳр ато әт,
Бир умр күйлайни сенға қасоид¹.

Үзін мени құла, ё Каъбатуллох,
Яхнишікка йұлда ё Каъбатуллох.

Ассалому алайка, ё Каъбатуллох,
Ассалому алайка, ё Каъбатуллох.

¹ Қасоид – қасилялар, мадания.

Хаж сафари тугаб, күнгиллар хушнуд,
Не бир машаққатлар — барчаси унут,

Хаж бу муслим учун муқаддас қарзидир,
Яъни, Байтulloхга ҳаж құлмоқ фарздир¹.

Барча тариқатлар бир-бир ўтилди,
Барча ҳақиқатлар нақш этилди,

Оллоқ ларгоҳига етишмоқ — бир баҳт,
Арши ағылодаги ягона ул тахт,

Күнгиллар қатига битилди абал,
Ва барча тилаклар бўлмиш ижобат.

Каъба зиёрати, ул оби Замзам,
«Ҳажар ал-асвад»ни² кўзга суртмоқ ҳам.

Энди ҳожи она ва ҳожи Аҳмад,
Бу чоқ Абдуллоҳ ҳам шод эди ғоят.

Кунгиллар пок эди ва руҳият пок,
Мақсадлар пок эди, ҳамда ният пок,

Бори юмуш ҳамда тақбирлар битди.
Бухорога қайтиш фурсати етди.

Не ҳайратлар, қаранг, Абдуллоҳ шу он,
Маккада қолмоғин айлади баён.

Она ҳам, оға ҳам ҳайрон әдилар,
Бу ногоҳ қарордан нолон әдилар,

Она ич-ичидан йиғларди сим-сим,
Оға сукут аро тураг эди жим.

Үелига тикилиб она шу замон,
Дилини эзарді аччиқ бир фифон:

¹ «Кимнинг Құдрати етгаидир, оддоқ йўлида Байтulloхга ҳаж құлмоғи фарздир» — «Ҳадис», ҳаж китоби, I-боб.

² Ҳажар ал-асвад — Каъбатulloхдаги муқаддас қора тош.

-- Абу, ахир сенсиз қандай қайтамиз,
Ва дүстү дунманга не леб айтамиз.

Мен нечук чидарман, ўзинг айт, Абу,
Бу не синоатдир, не күргулик бу.

Бу ишинг мен учун кулфат бўлғуси,
Бунда ўелим эмас, қалбим қолғуси.

Наҳот, раҳму шафқат қилмасанг, болам,
Балки, одлоҳимга етар бу нолам...

* * *

Абу изтиробда қолди бир муддат,
Алиялан не гаплар кечди шу фурсат.

Менинг ҳожи онам ва ҳожи оғам,
Не учун кўз ёши, не учун алам?

Илмининг йўлига тикибман жонни,
Мен кезмоғим даркор ярим жаҳонни.

Аҳмал ҳам ўшадир, Абу ҳам ўша,
Тушунар эдингиз бизни ҳамиша.

Гарчи отасизмиз, кўнглимиз ярим,
Ҳам онамсиз менинг, ҳамда падарим.

Яхшиям сиз борсиз ёруғ дунёда,
Толеъимиз бордир ва баҳт зиёда,

Одлоҳимдан сизга умр тилайман,
Жонимни сиз учун нисор қилгайман.

Ҳижозда қолмоғим кўнглим хоҳиши,
Гангрим иродаси, тақдирнинг иши.

Араб лунёсини кезмоғим даркор,
Ҳадис ласталарин тизмоғим даркор.

Буюк мақсад ила қалбим тўлиғидир,
Қалбимга қўйилган мақсад улуғидир!

Түғилған тупроғим унугасман ҳеч,
Бағрига қайтurmан әртами ё кеч.

Бухоросиз менга дунё бормидир?
Бухоросиз менга омад ёрмидир?...

Онанинг чехраси ёришли шу чоқ,
Зим-зиб хонада ёнгандек чироқ,

Эигу фотиҳага қўл очди она,
Фарзандин бошидан дур сочди она.

— Одлоҳга топнирлим сени, болажон,
Ўзи ларгоҳида аерасин омон.

Боламни қўллагин, ё Каъбатуллоҳ!
Омадга йўллагин, ё Каъбатуллоҳ!

* * *

Ҳожи Аҳмад хабар келтириди шу он,
Тонгда Бухорога жўнармиш карвон.

Сафар тадорикин кўрмоқлик даркор,
Киприкларда кўз ёш ул онаизор,

Илкидан бир тугун чиқариб шу дам,
Ўртага ташлади: — Кўрингиз баҳам.

Раҳматли дадангиз энг сўнгги нафас,
Ҳаёли ўзига келди-ю бир нае,

Ёстини остидан олиб тутганин,
Сизларга васият қилганди уни.

Иккингиз бўлингиз уни тенгма-тенг,
Ота арвоҳига раҳматлар айтинг.

Аҳмад тугунчани очсаки, ё раб,
Тилло тангалар турарди ярқираб!...

Ўртага сокинлик чўкли бир мудлат.
Ва она жимликни бузди ниҳоят;

— Олис манзилларда қоларкан Абу,
Учдан иккисига әга бўлсин у.

Бир ҳиссаси сенга бўлсин, Аҳмаджон,
Бухорога етсан экону омон...

Абу баён этии фикрини шу дам:
— Мени авф этгайсан, азиз волидам,

Отамиз руҳин қўлласин оллоҳим,
Жойлари жаннатда бўлсан илоҳим,

Адолат пешаси доим рост бўлғай,
Ҳар кимса ўзининг улушин олғай,

Учга тенг бўлурмиз отамеросни,
Оллоҳ ҳам хуш кўрар, инчунин, ростни...

Ониоқ тонг ёғдуси ёйилган маҳал,
Шаҳар уйқусидан турмасдан аввал,

Бухоро карвони нўлга тушар дам,
Тақдир буюрганин кўришиб баҳам.

Кўяларда ёш билан хайрлашдилар,
Йиғланшиб-йиғлашиб меҳр улашлилар.

Дардли бир тўфонга ғарқ бўлган она,
Абуниң бошида бўлиб парвона,

Фарзанди томонга тикилар сўнг бор:
Азиз авлиёлар сенга бўлсан ёр.

Эшикларин очсин сенга бу олам,
Бошинг тоидан бўлсан илоҳим, болам.

Ўзим кетяпману хаёлим сенда,
Қарорим йўқ менинг, қарорим сенда..

— Онажон, акажон, — кўзда ёш Абу,
Шу он қучоқданиб хайрланар у. —

Оқ йул, сафарингиз бўлсан бехатар,
Пирит комиллар йўлингиз ёритар.

* * *

Она ва оғаси кетаркап, Абу,
Кўнглида ингранди потинч бир туйғу,

Уларнинг йўлида қолди кўзлари,
Қулогида эса уларнинг сўзлари,

Хаёл дарё экан, хаёл бир дарё.
Абу улар билан кетганли гүё...

Бу оқшом қулбада қолганда ёлғиз,
Не бир фикрларга чулғанди шу кез,

Нигоҳда Бухоро, ул олис диёр,
Абу бир муждага бўлганида зор,

Хаёл қанотида етди бир хабар,
Хабарки, жонга жон, дил учун дилбар,

Шу чоқ Абдуллоҳнинг бодида баҳор,
Бу хабар дилини этди лолазор.

Софинчининг торлари бўлғанди таранг,
Ранг сарғайиб, мунгли бўлғанди оҳанг,

Сўнгги нуқтасига етганда ҳижрон,
Ҳижрон аро хира бўлғанди жаҳон.

Кўнгил осмонида чақнади қуёш,
Севинч дарёсидир киприкстарда ёш,

Хаёл, сенга қуллуқ, минг бир ташаккур,
Кўзда нур, қалбда нур, дунё тўла нур.

Хайрият, ул қизга етди нигоҳи,
Нигоҳи эмаслир, кўнгилнинг оҳи...

Гулшанлар кўркидир қизилқон гуллар,
Севги билан тирик асли кўнгиллар,

Ёшлиқдир, баҳордир севгига макон,
Севгисиз ғаридир, бечора инсон.

Фотима, сен борсан ёруғ оламда,
Ахир, кимдир бўлар тирик одамда.

Сен борсан — севги бор, севинч бор, мен бор.
Севги бўлмаса гул очмасди баҳор.

Сени биринчи бор кўрганим замон,
Дилга оташ бўлиб ёнишди ҳижрон.

Сен хаёлимни тарқ этганинг чоғи,
Хира тортиб қолди кўнглим чироги.

Хайрият, бор экан севинчим, севгим,
Мени ёрлақаган тақдирни севдим...

Хаёл, қанотларийг сунмасин, ё раб,
Салоқат чироги сўнмасин, ё раб.

VI. БОДОМ ДАРАХТИ

Абу бир энтикиб кетди шу онда,
Бухоро қайда-ю, хаёл қаёнда.

Сабо ул йигитнинг қўлидан тутди,
Ва уни боғ сари етаклаб кетди.

Богининг чеккасида ёлғиз бир бодом,
Фотима Абуни кугар бу оқшом.

Баҳор гуркираган бинафша рангdir,
Күплар навосида ўзга оҳангdir.

Осмон чаманида сузиб юрмиш ой,
Гуллар япроғида ажиб бир чирой.

Ой кумуш тангалар сочар беҳисоб,
Ониоқ бир оқшомдир сеҳрли, ноёб.

Шу маҳал йўлакла кўринди Абу,
Фотима томонга елар эди у.

Олиедан йигитни кўргани замон,
Қиззининг юрагини чулгар ҳаяжон,

Бир зум тикилини күзларга күзлар,
Севинч, өхтиросдан ёнарды юздар.

Бир зумда чарақташ кетди бутун бор,
Харир шұыла иңра қолын ҳаммаң.

Фотиманн жонидан сұярды йигит,
Шалодада соңдарини силарды йигит.

Бир зум туташади бодомгул лаблар,
Тутаниб кетали қалбларга қалблар.

Хәйл, қанотлариниң сінмасин, ё раб,
Салоқат чироғи сұнмасин, ё раб.

* * *

Оқшом бир лақзадек ўтиб кетди гүё,
Үша ёлғиз бодом суҳбатта гувоҳ.

Түн ўтиб, тоңғ отди ошиқтар билмади,
Икки ёңған қалб нарво ҳам құлмади.

Севи зиналари тоx баланди, тоx наст,
Абдуллох муҳаббат оғунида маст,

Тонғы салқыннан ҳам нарвойи налак,
Бутун борлиқни упугиб қўйғандек.

Фотимахонининг құнғир кокиллари,
Мүшкни уфуриб хүшбүй зулғи зари.

Йигит бўйнига занжирлек ўралиди,
Нозик қад-қомат инакдек тараиди.

Абдуллох бағрини ёқди бу оқшом,
Эзиу аҳду паймон гүё олтин жом.

Бутун бор саҳнида жаранглаб кетди,
Сұнгра... хайрлашмоқ фурсати етди.

Хайр, гулдар аро излаб тонганим,
Сен баҳтимсан, сен ҳаётимсан маним.

Менинг моҳирўйим, тоза палагим,
Хайр, жону дилим, хайр, малагим.

Сени қарофумда тутаман доим,
Кўп кўрмасин сени менга илоийм...

Хаёл, қанотларинг синмасин, ё раб,
Муҳаббат чироги сўнмасин, ё раб.

* * *

Маккада жазира бўлар ёз фасли,
Бу ер табиати шу хилдири асли...

Бугун шаҳар кезди Абу Абдуллоҳ,
Кўчалар тандирдек қизимиш гўё.

Китоб дўконларин айланди узоқ,
Излаган нарсасини топмади бироқ.

На аз-Зухрийни деңг, на ибн Анас¹,
Не тонг, мурод ҳосил бўлмади, хуллас.

Неки Бухорола бўлмишидир таълиф²,
Доҳилий борини этмишли таъриф.

Муборак, Марвазий, аш-Шофиий, Ҳофиз³,
Ва неча ровийдан тинглагани сўз,

Мунҷоқ тизмасидек бўлиб минг қатор,
Ёнда сақлагани яна неки бор,

Қоғозга туширмоқ бўлиб мулдао,
Тун-оқшомдин бошлаб тонг отгунча то.

Мумтоз ҳадисларни нақш айлабон,
Элаклан ўтказиб, дилга жойлабон,

¹ Аз-Зухрий, ибн Анас — биринчи бўлиб ҳадис китобларини тартиб қилиб берган муҳадислар.

² Таълиф — тузини, тартиб берини маъносига.

³ Муборак Марвазий, аш-Шофиий, Ҳофиз ал-Хоразмий — Мовароуиниҳарлик ҳадисинунос олимлар.

Сунани — сунанга, муснадни-муснад¹,
Бирини ақлға, бириң ҳүсні хат:

«Намоз ўқишини ва раҳму шафқатини,
Ростгүйликни ҳамда әзгу иффатини,

Эътиқол, оқибат илкіла бўлмоқ,
Ҳамиша яхшилар сафила қолмоқ.

Куръони каримни дилга жой этмоқ,
Бошдан то охири ёдингла тутмоқ,

Иймонли одамлар бўлур баркамол,
Иймонсизлар ҳаргиз топади завол,

Иймондандир севилмоқ ҳам, севмоқ ҳам,
Ёмон кунда бирор ҳолин сўрмоқ ҳам...»²

Балҳда, Нишонурда не бир ровийлар.
Билган, билмаганин сўйларди улар,

Неча бир ривоят, неча бир нақл,
Гоҳо аросатда шуур ва ақл,

Аралаш-қуралаш бўлиб кетмишdir,
Росту ёлғон — бори элга етмишdir.

Ҳирот, Исфаҳонда тинглади неча,
Неча оқшомлару, ҳисобсиз кеча,

Неча бир баҳе бўлди, не мунозара,
Неча бир ранг, рухсор, неча манзара.

Зарралардан тоғлар бўлғандек бунёд,
Нафис нақлларда тошқин ҳисснёт...

Ҳали манзил йироқ, Абу йўлдадир,
Сомон билан дони ҳали биргадир.

Беором оқшомлар, уйқусиз тунлар,
Гулханга айланур ҳали учқунлар.

¹ Сунан, муснад — Ҳадисларни тартиб берини усуллари

² «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» китобидан олинган ҳадисларниң маснавий баёни.

* * *

Карвон йўл босарди, жарангдор қўнғироқ,
Акс-садо бериб тебранар шу чоқ.

Неча бир работлар, неча қишлоқлар,
Сарғайган водиілар, саррин ўтлоқлар.

Бетларни силайди куз шабадаси,
Чулдираб оқувчи ирмоқлар саси.

Кўнгилларга берар бир дунё севинч,
Она ер ҳидидан қалбларда овунч.

Олис йўллар юриб аҳли тижорат,
Бухорога кириб келди ниҳоят,

Мана ўша кулба, қадрдон даргоҳ,
Багрини кенг очиб турарди гўё.

Шаҳрибону ая ва ўғли Аҳмад,
Бир ҳаяжон ичра эдилар фоят.

Неки бўлса бунда бўлиб парвона,
Пойи остоная бош қўйди она.

Аҳмад кўзларида соғинч ёшлари,
Дилдан энтикишлар ва қараашлари.

Ҳамон ўшагидай меҳрибон гўша,
Уйу жойлар ўша, Бухоро ўша.

Зумда хабар топиб қўни — қўшнилар,
Хешу ақраболар, яқин ошнолар,

Ҳожи она билан ва ҳожи Аҳмад,
Зиёфату, сўнгра тонггача суҳбат.

Тонг чоғи эшикда кўринди ул қиз,
Гўёки парлираб турар бир юлдуз,

Абуни изларди унинг кўзлари,
Қизил гул барги лаби — қирмизлари,

Юз мингта назокат, юз мингта ҳаё,
Парилар қавмидан эли у гүё.

Хуснда танҳодир, ўн тўрт кунилик ой,
Ё Тангри, кимда бор бу сифат чирой?

Сўраб сўрайолмас, титрар борлиги,
Истаган кишисин бунда йўқлиги,

Қалбини куйлирар бир ёниқ отани,
Висол ва ҳижрондир бир-бирга тутани.

Энтикиб-энтикиб куярди жони,
Не жони куярди, куяр жаҳони.

Шахрибону қарап, эзилар эрди:
— Она қизим, келгин, келақол, — дерди,

Саломлар келтирдим Абдуллоҳжондан,
Келгин, онагинанг айлансанин сандан.

Кора киприкларда шабнам қатраси,
Сехрли туюлар муҳаббат саси.

Шу заҳот бурилиб қочиб кетди қиз.
Йўқ, қочиб кетмади, учиб кетди қиз...

Бир пайт остоида Дохилий найдо,
Қадли сал букилган, кўлила асо,

Тетик бир қиёфа, турарли кулиб,
Ҳаждан қайтганиларни кўрмоқчи бўлиб.

Зиёрат қилмоқни ният айлабон,
Қадрдои ҳовлига келминдири бу он:

— Ҳажлар қабул бўлгай ёни, ҳожилар,
Бу ҳам иенонага азал ёзилар.

— Ташаккур пиримиз, хун келиблилар,
Аҳмад қарияга омонтик тилар.

Гўкизар Абуиниг дил саломини,
Эгу миннатдорлик ва қаломини.

Абу қолганидан ўкинди она,
Ва гина-гузори бошланди яна.

— Абдуллоҳдан хафа бўлмангиз, бўтам,
Оллоҳ иродаси, хоҳини бу ҳам.

Нарвардигор ўзи асрасин уни,
Мен ҳам истагандим қолмоқлигини.

Иншоллоҳ, истиқболи ўнг бўлур,
Бўлур қўзи-пенонаси дўнг бўлур.

Дуо қилинг, Абу доим бор бўлсин,
Оллоҳимнинг ўзи унга ёр бўлсин.

VII. ФОТИМА

Фотима хонада ёлғиз бир ўзи,
Олис самоларга тикилмиш қўзи.

Абу қолганини эшитиб, э воҳ,
Кўзига қоронғу бўлмишири дунё.

Хонага сифмайди, сифмас ҳовлига,
Ҳечким парво қилмас унинг ҳолига.

Хонагамас, сифмас ўзи-ўзига,
Борлиқ хазондек кўринар кўзига.

Қалбини ёнлирар бир оташ бир ғам,
Киприклардан оқар бир дарл, бир алам.

Хаёл қаёққадир шайлентиради,
Гирдобга ўрайли, айлантиради.

Уни васвасага солади шайтон,
«Севги ёлғон, — дейди. — Мұхаббат ёлғон»,

Беҳудалир, — дейди, — сенинг куйганинг,
Ва ишқни авайлаб қалбга туйганинг.

Алдоқ бир рўёга ишондингми сен?
Ёлғон бир дунёга ишондингми сен?

— Бас қилинг, хәллар, бас қилинг, кетинг!
Ёлвораман сизга, мени тарк этинг!

Изтироб ичилда турар қалтираб,
Бир илтижо қилас самога қараб...

Сүнг гүёки унуг бўлади бари,
Чопиб кетар шу дам ўрикзор сари.

Мана, ўша чорбог ва ўша йўлак,
Боғда ҳечким йўқдир ўзидан бўлак.

Хазон япроқларга тикилар беҳол,
Нечук бир ситамдир ва бу нечук ҳол.

Ҳижрон айлантирас уни галма-гал,
Тақдирга абётлар ўқир шу маҳал:

— Абу, тахтиравон йўлларинг қолди,
Бизни боғлаб турган ишонч йўқолди.

Ёлғиз айланаман ул сўқмоқ бўйлаб,
Ўксинаман ўша кунларни ўйлаб.

Ажаб, нигоҳлар тикилган чоғида,
Бизлар дарёниг икки қирғоғида.

Иккита муаллақ ва дардли тақдир,
Юракни эговлар шафқатсиз таҳқир.

Энди йўқликнинг уфқига тикилиб,
Сароб ортидан туртиниб, йиқилиб,

Мехрсиз дунёдан меҳр излайман,
Аввал сенлаганим, энди сизлайман.

Остонагга борувдим истаб шафқат,
Куйиб кул бўлганди сабр ва тоқат.

Чўзилган қўлларим севги баёни,
Баҳридан ўтувдим борлиқ дунёни.

Бизнинг ганимларга керак эди шу,
Уларга ётдир меҳр леган туйғу.

Дунёни бузган ҳам ўша нокаслар,
Итдай изфишади совуқ нафаслар.

Нонингга шерикдир, дардингга эмас,
Сенинг кўз ёшингни кўриб турса бас.

Бошингдаги қулфат уларга байрам,
Афуски, шуларга боқар дунё ҳам.

Балки, сен ўзинг ҳам меҳрга зорсан,
У ёқда бўлсанг ҳам, хайрият, борсан.

Мен учун ҳамиша сен ўзинг бордек,
Шунга ҳам шукур, бир ширин армондек.

Мен бори дунёдан маҳрумман бугун,
Бўғзимга қадалиб турар бир тугун.

Ўша йўлак бўйлаб кезарман ёлғиз,
Не қиларим билмай нотавон, ожиз.

Сен кетиб боряпсан мендан олислаб,
Бирга кечган ўша кунларни эслаб,

Ортингдан тикилиб дилим порадир,
Қалбим изларингдан йиглаб борадир.

Айрилиқнинг дарди умрга завол,
Борлигимни ёқди аянч бир аҳвол.

Мен ўшанда сезиб қолдим ногаҳон,
Кўксимни тешганди сен тортган камон.

Бу олам ичида муаллақ боғдай,
Сўниб бораётган олис чироқдай.

Жарнинг ёқасида турибман бу чоқ,
Хира тортиб, ҳамон кетяпсан йироқ,

Хувиллади қалбим тақир бир сахро,
Вале, сен омон бўл тургунча дунё.

Мени адo қилар бу дард оқибат,
Энди фақат сенга тилайман омад.

Фотима йўлакда кезар саросар,
На ер, на самодан бордир бир хабар,

Сирли шарпалар айланар рўёда,
Хазон япроқлари тўзғийди ҳавола.

Уни васвасага солади шайтон,
Севги ёлғон, — дейди, — муҳаббат ёлғон,

Хаёл қаёққадир шайлантариради,
Гирдобга ўрайди, айлантиради.

VIII. МАДИНА АН-НАБИЙ

Қизил денгиз чайқалади беором,
Чайқалгандек шароб тўла олтин жом.

Қирғоққа бош ураг мовий тўлқинлар,
Тўлқинлар бағридан сапчир учқунлар.

Денгиз соҳилида мулки Ҳижоздир,
Бу сифат ўлкалар иқлимда оздир...

Карвон қадам ташлаб бормоқда бардам,
Карвонга ҳамсафар кетар Абу ҳам,

Мадина ан-Набий¹ бу сира манзил,
Барча умматларга зиёрат фарзидир.

Неча кун йўл босиб толикқан карвон,
Шаҳар чеккасида тўхгади шу он.

Абу зеҳн солди шаҳристон сари,
Мачиту мадраса зар қуббалари.

Шу чоқ борлигини чулғади ҳайрат,
Барча саҳобалар ва барча уммат,

Интилар Тангрининг Расули томони,
Силқи бир эътиқод дуюо иймон.

Оллоҳнинг ердаги ишонган тоғи,
Эзгулик йўлида ёққан чироги...

¹ Мадина ан-Набий -- Пайгамбар шаҳри.

— Буюк ҳамиятнинг күнглигінде ҳамдам,
Пойи остананғда турибман бу дам,

Үзиншта илтижо қылдым, ё Расул,
Үзиншта сиғиниб келдим, ё Расул.

Қадим Ясриб¹, менга даргоҳынгни оч,
Мұслимларға аллу әзгуликлар соч.

Бори ҳамду сано ўзиншта, Расул,
Бори нуру зиё ўзиншта, Расул.

* * *

Ассалому алайкум, ё Расулуллох,
Ассалому алайкум, ё Расулуллох,

Бу маҳал туребман қабринг бошида,
Таъзимда бош әгиб руҳинг қошида.

Бухоро фарзанди Абдуллоҳдурман,
Ё набий, сенға ҳамду сано дерман.

Сен Оллох Расули, ҳазрати Инсон,
Дастураң амалдир муқаддас Қуръон.

Зиёратта келур мұслимий жаҳон,
Мехриншта интилар ҳар бир тирик жон,

Барчамиз таңгрининг дуогүйимиз,
Ҳазратим, етказшынг илтижоимиз.

Шўрлик бандаларга ишоят қиласин,
Шафқат истаганга саховат қиласин.

Бизни ёмонлардан арасин ўзи,
Турфа шайтонлардан арасин ўзи.

Иймонсизларга иймон ато қиласин,
Бева бечорага ўзи паноҳ булесин.

¹ Ясриб — Мадина шаҳерининг қадимий номы.

Виждоним олдида бўлайин иқрор,
Ҳақнинг рост йўлидан қайтганлар ҳам бор.

Иноят сўраймиз ўзидан фақат,
Ибодат қиласиз ўзига фақат.

Рост йўлга қайтарсин, гуноҳкорларни,
Ғазабга олмасин айби борларни.

Ниятларим покдир, мақсадим улуғ,
Орзуларим оқдир, меҳрга тўлиқ.

Иноят сўрайман ўзидан яккаш,
Ибодат қилгайман ўзига яккаш...

Шу асно қабрдан келди бир садо,
Бирор гапиргандек туюлди гўё,

Абу ҳайрат ичра эди гунгу лол:
— Ё, Раббим, нечукдир бу фаройиб ҳол?...

Ниҳоят хаёли қайтди ўзига,
Лек ҳеч ким кўринмас эди кўзига.

Шу заҳот фойибдан келди бир овоз,
Бу ўша садодир ва бу ўша роз:

— Қулоқ сол, мен қўриб турибман ҳолинг,
Иншолло, кушойиш топар иқболинг,

Кимки яхшиликни ният айласа,
Оллоҳнинг номини дилга жойласа,

Меҳру ишқ йўлида қилса илтижо,
Ундан бандаларин қўллагай худо.

Инон, муродларинг бўлғай ижобат,
Йўлингни ёритар нури ҳидоят...

Ногоҳ ҳамду сано бошлади Абу,
Энтикиб қироат қилар эди у:

— Иноят сўрайман ўзингдан фақат,
Ибодат қилгайман ўзингга фақат.

Үзинг пок, улуғсан, Оллоху акбар,
Үзинг пок, улуғсан Оллоху акбар.

Қабул айлагайсан пок ниятларим,
Қабул айлагайсан ибодатларим,

Сен ўзинг улуғсан, буюксан шаксиз,
Мехру муҳаббатга тўлиқсан шаксиз,

Салавот, идобат, тангрим ўзингга,
Салому баракот, тангрим ўзингга.

Бандангман, рост йўлдан қайтмасман асло,
Бирорвга хиёнат этмасман асло.

Ўзинг пок, улуғсан, Оллоху акбар,
Ўзинг пок, улуғсан, Оллоху акбар,

Яна овоз келди ғойибдан шу чоқ,
Абу сергакланиб тутади қулоқ;

— Қулоқ сол, мен қўриб турибман ҳолинг,
Инишоолло, кушойини топар иқболинг,

Бори муродларинг бўлғай ижобат,
Йўлингни ёритар нури ҳидоят.

* * *

Бир йил ўтди, қаранг, яна келди ёз,
Яна расталарда пардозу андоз.

Яна Ҳаж мавриди бошланди бу дам,
Кўча-кўйга яна сиғмайди одам.

Абу учун Макка энди қадрдон,
Наинки қадрдон, балки бир ошён.

Ниҳоят аз-Зухрий¹ топилди ногоҳ,
Абу бир хазина топганди тўё.

¹ Аз-Зухрий — бу ерда аз-Зухрийнинг «Ҳадислар» китоби ҳақида гап бормоқда.

Мушоҳада қилар — ёзар, ўчирап,
Неча бор синчиклар, неча кўчирап,

Бир қур мадрасада авж мунозара,
Бунинг ниҳояси бўлсайли зора.

Ҳар ким ўзиникин маъқуллар эли,
Бири бор, бошқаси йўқ қилар эли,

Бири аз-Зуҳрийни кўтарса кўкка,
Бошқаси уни чиқарарди йўққа.

Бир ерга келганда қизиб кетди жанг,
Чинакам жанжалга айланди, қаранг,

Бири дер — аз-Зуҳрий қилганда таълиф,
«Ҳадиси қудсий»¹ деб қилмишидир таъриф.

Офарин ул зотга, билимда яксар²,
Ҳеч ким қавий жўша³ эмас бу қадар.

Шу маҳал баҳсга киришди Абу:
— Бу фикр нодуруст, ғалат, — деди у.

Уни моҳиятан ким таҳдил этур,
Оддий бир нимарса, жўн мутавотир⁴.

Ҳожат йўқдир ортиқ мубоҳасага,
Не учун тортишув йўқ бир нарсага!

Ҳамма Абу сари бурилди шу он,
Зеро, ростлигига келтирди иймон.

IX. ФАСЛИ БАҲОР

Турна қатор бўлиб кунлар ўтарди,
Абу Бухордан мужда кутарди.

¹ Ҳадиси қудсий — Оллоҳга нисбат берилган ҳадис.

² Яксар — ташҳо, якка.

³ Қавий жўша — куч-кувватга тўлган, кучи қайнаган.

⁴ Мутавотир — оғиздан оғизга кўчиб юрувчи оддий хабар.

Бир хатми, хабарми — билмоқдик учун,
Дорилмусофирга қатнарди ҳар кун.

Юргини ўйлашни қымади канда,
Ўзи Маккада-ю, хаёли анда.

Омон юрганимикин онанзори?
Оғаси Аҳмаджон, ёғизи, бори.

Ҳар келган карвондан сўрайди таクロр,
Кўзлари интизор, дили интизор.

Яна Бухорога кетди хаёли,
Тилининг учидаги минг бир саволи,

Яна фасли баҳор келгандир элга,
Яна ўрикзорлар тўлгандир гулга.

Шоҳариқлар яна тўлиб оққандир,
Моҳирўйлар яна гуллар таққандир.

Лолақизгалдоқлар очилгани рост,
Қириу адирларга сочиlgани рост.

Нелар қиласар экаш ўшил шаддод қиз?
Тонг маҳал порлаган ул Зухро юлдуз.

Наҳотки мактубим етмамиш унга?
Менинг дил сўзларим этмамиши унга?

Фотима, қалаісан, кўзлари чўлион,
Кинриклари ханжар, эй куйдиргижон?

Нелар билан бандир бу лам хаёлинг,
Нечуқдир, қизгина, бу чоқ аҳволинг?

Қанини ёнигда бўлсам бир нафас,
Ҳечса хаёлингда бўлсам бир нафас.

Қонингла бир лаҳза туреайдим эни,
Бир лаҳза ёнма-ён юреайдим эни.

Сен қонсанг, оринеглан қувласаидим мен,
Кокнегаринг тортиб қиннасаидим мен.

Бир лаҳза қўлингдан уиласам ёрди,
Ва лола базмига бошласам ёрди.

На чора, Фотима, сендан йироқман,
Йироқман-у, бу дам сўниқ чироқман...

Фотима, дилимда борини битиб,
Бу дам яна сенга жўнатдим мактуб:

— Ним ёруғ кулбамда ёлғизман бу чоқ,
Оқ чойшаб ўранмиш гўё ҳаммаёқ.

Атир уфурармиш шу он навбаҳор,
Маржон гулларини тақмиш олчазор.

Виджадиқ ўз унто ва ски рус,

Оқ ҳарир либосда кўряпман сени,
Ки сенга рўбару қилмиши мени.

Ногаҳон хаёлим чулғанди бирдан,
Ақл ҳам ҳайратда бу пинҳон сирдан.

Хаёлки лаҳзада қезар дунёни,
Ҳамда бирлаштирир икки дарёни.

Инон, кўзларингни кўрмоқ, истармен,
Бир нафас юзма-юз турмоқ истармен...

Бир мужда куттармен, Фотима, билгин,
Йўлга кўз тутармен, Фотима, билгил.

Илтижойим будир: эслагин мени,
Тангрим паноҳида асрасин сени.

Бир энлик хатингни дариф тутмагин,
Мехру шафқатингни дариф тутмагин.

Сенга деб оллоҳдан баҳт тилагумдир,
Баҳт билан бир йўла таҳт тилагумдир.

Иноят сўргайман ўзидан яккаш,
Ибодат қилгайман ўзига яккаш,

Раббим нок, улуғдир, Оллоху акбар,
Раббим нок, улуғдир, Оллоху акбар.

* * *

Кўнтил қувнар эди Басрага қарааб,
Мавжланиб оқар эди Шатта ул-Араб,

Абу хаёл ичра сувга боқарди,
Дарёла сув эмас умр оқарди.

Бугун йигирмага кирибди Абу,
Қизиқ бир сукутда турар эди у.

Кўз юмиб очгуича фурсатда, ё раб,
Умрнинг тўрт йили ўтибди, ажаб...

Ҳижоз водийсидир — ўзи бир олам,
Кезиб чиқди уни қадамба-қадам,

Маккадир, Абводир, токи Ар-Риёд,
Ҳамда бир томони дарёйи Фурот...

Наҳла, Тоиф, ҳамда Укоз бозори¹,
Ҳамда Мадинанинг ҳар бир гузари,

.Кезли Қизил денгиз қиргоқларини,
Ўлканинг яқину йироқларини.

Неча бир сабоқдир, неча ҳикоят,
Боринни айласам бир қун китобат,

Юсуф ал-Фартобий-зукко муҳаддис,
Абу Абдуллоҳга устози азиз.

Ҳалислар сандигин калитий берди,
Доно шогирдига меҳрибон эрди,

Муса ал-Абасий ўткир билимдон,
Унинг равнақига қўйдиарди жон,

¹ Абво, Ар-Риёд, Наҳла, Тоиф, Укоз — Ҳижоз диёридаги катта-кичик шахарлар.

Тасанин айтарди иқтидорига,
Ишонарды унинг истиқбодига...

Абунинг дилида Оллоҳ таоло,
Раҳнамоси бўлди ул Расулуялоҳ.

Хижжалар Бусайри¹ қасидасини,
Минглаб ривоятлар -- ҳар биттасини.

Ул чўпон йигитнинг бор фазилатин²,
Одиллик, камтарлик -- юз бир сифатин,

Қалби ҳам, ўзи ҳам гўзал бир ўглон,
Мехру саховатда тенгти йўқ инсон,

Мўъжизалар ичра бир жаҳон эли,
Кўнгил кўзгусида намоён эди...

Муҳаммад ҳаёти қалбин муҳрлаб,
Наинки муҳрлаб, балки сеҳрлаб,

Ўнгда ҳам, тунида ҳам гойибдан пайдо,
Ва айламиш унинг қалбини шайдо.

Ҳайратки, икки юз йиллик ул муллат³,
Бир лаҳзалик бўлиб туюлар фоят.

Абу Муҳаммадни билмоқ истарди.
Бошдан оёқ таҳлил қилмоқ истарди,

Сўнгсиз уммон эди унинг ҳаёти,
Не уммон, жаҳондир унинг ҳаёти.

Ҳавас қиласи эди юракдан, бесал,
Ҳавас қиласи эди соңсиз, беалад.

Хаёлида эди Мадина доим,
Ва дерди: «Бенасиб этма, илойим»,

¹ *Бусайри* — пайғамбарга атаб қасида ёзган шоир.

² Муҳаммад ўшигига бирорларнинг қўйини боқиб кун кўрган.

³ Муҳаммад пайғамбар вафоти билан 20 ўшли ал-Бухорий ўртасида 198 йиллик масофа бор эди.

Пайғамбар ҳаёти гўзал бир бўстон,
Қанийди малҳ этиб, айласа достон.

Назокату ҳаё, сабру тоқати.
Дунёни тутсаиди унинг шуҳрати

* * *

Осмонда чақнарди беҳад юлдузлар,
Макка чароғондир худди кундузлар,

Мачити Харомда қизгин эди баҳе,
Саволу жавоблар гўёки бир даре.

«Меъроҳ воқеаси»¹ бу оқшом мавзу,
Барча тортишувга сабаб эди у.

Мушрик вакиллари этишар инкор:
— Бу ёлғон, — дейишар такрору такрор.

Анас иби Молик ривоятлари,
Ва Қози Иёзниң китобатлари,

Ойиша бонунинг қатъий сўзицир,
Айни муддаодир, худди ўзидир.

Баҳсга қулоқ тутган Абу Абдуллоҳ,
Воқеалар ичра юарди гўё.

— Мени авф этгайсиз, эй аҳли мажлис, —
Нутқ ирод қилди Абдуллоҳ шу кез: —

Мен узр сўрармен, бўлса ҳам такрор,
Ва қилурмен бу дам инкорни инкор²,

Байтулмуқаддасга тил текизмоқчиқ,
Оллоҳ даргоҳига шак еткизмоқчиқ.

¹ Меъроҳ воқеаси — Мұхаммад Пайғамбар С.А.В.нинг еттиничи осмонда оллоҳ билан кўрининши ҳақида ривоят.

² Инкорни инкор — баҳс-мунозараларда фикр баён қилиши усуслари-дан бири.

Гуноҳи азмдир, тавба қилингиз.
Магар кофирсиз — мусулмон бўлингиз.

Айнан ҳақиқатдир «Меъроj кечаси»,
Ва нақлу ривоят ростдир барчаси.

Оллоҳнинг қудрати чексиз ва танҳо,
Унинг измидаидир бори бу дунё.

Тангри висолига мұяссар бўлмоқ,
Ҳамда иродасин ижобат қилмоқ,

Мусулмон аҳлига пок бир зийнатдир
Борин адo этмоқ бир заруратдир.

Мажлис тин олгандек жимили бир зум,
Барча Абдуллоҳга этарди таъзим,

Ажиб бир сокинлик — на сўз, на овоз,
Якун учун қолмаган эди эътиroz.

Раббим, ўзинг поксан, Оллоҳу акбар,
Раббим, ўзинг поксан, Оллоҳу акбар.

X. ШАТТ УЛ-АРАБ

Ҳамон оқиб ётарди Шатт ул-Араб,
Абу ҳайратланар дарёга қараб,

Сувларга қўшилиб ўзи ҳам кетди,
Тўрт йиллик ҳаёти хаёлдан ўтди.

Неча устозлардан тинглади сабоқ,
Ё иншо этарли, ё ёдлар шу чоқ.

Не бир китобларни ҳижжалаб чиқди,
Минглаб ҳадисларни ўқиди, уқди.

Не бир ровийлардан дафтари дафтар,
Нақлларни ёзиб олар ҳар сафар:

— Иноят сўргайман ўзингдан, Макка,
Ибодат қилгайман ўзингта, Макка,

Ҳар битта илохий ул сўзинг учун,
Дастурхонингдаги нон, тузинг учун,

Салавот, ибодат, Макка, ўзингга,
Салому баракот, Макка, ўзингга...

Ҳамон оқиб ётарди Шатт ул-Араб,
Абу хаёл сурар дарёга қараб.

Рўнарада Басра — таниш ул даргоҳ,
Қучоқ очиб уни кутарди гүё,

Шаҳристон ёнида ул мачит ичра,
Абуға ошёндир кичик бир ҳужра.

Кундуз дўконлардан китоб изламоқ,
Оқшом ёшлиар учун қисса сўзламоқ.

Устоз Мадийнийни топди ниҳоят,
Унинг суҳбатлари пурмаъно **ғоят**,

Устоз Абу билан дарсни бошларди,
Унинг зеҳнин кўриб ёқа ушларди,

Мадийний ҳайратда: бу не иқтидор,
Ҳали унақасин кўрмадим зинҳор.

Олис Бухородан келгани **бу толиб**,
Не бир баҳс бўлмагай, албатта, ғолиб,

Қуръони каримни то бошдан оёқ,
Ҳофиздек қироат қилади мутлак,

Иншоolloҳ, омад қўлидан тутгай,
Юксак мартабага мушарраф этгай.

* * *

Қуёш нурларини ёймасдан аввал,
Басрада янги кун бошланган маҳал,

Абу ҳужрасига бош сукди бирорв,
Уй соҳиби уни қаршилар дарров.

- Мени маъзур тутинг, Абу Абдуллоҳ,
Бемаҳал безовта қилдим, ё оллоҳ.
- Кимсиз, ота, менинг отим билурсиз,
Танирмисиз мени, зотим билурсиз?
- Исмим Мустафодир, мен бир дўкондор,
Китоб растасида ҳар куни такрор,
- Сизни кузатардим, бир кун мачитда,
Баҳс бўлган оқшоми туриб бир четда,
- Лол бўлиб тингладим ҳадисларингиз,
Сўнгра билиб олдим турар ерингиз.
- Хуш келибсиз, ота, хурсандман гоят,
Қадрдон бўлишиб кетармиз шояд.
- Муродингиз недир, этингиз баён,
Бирга чой ичайлик, бўлингиз меҳмон.
- Миннатдорман, ўғлим, не десам сизга,
Бир юмуш-ла келдим мен ёнингизга,
- Кеча дўконимда меҳмон бўлибсиз,
Мадийний китобин харид қилибсиз,
- Хурсандман, сиз каби марҳаматли зот,
Менинг тор кулбамни қилдингиз ғбол.
- Мен узоқ изладим ўша китобни,
Китобни демангиз, нурли офтобни.
- Авф этгайсиз, Абу ва чекманг озор,
Ҳамда кўнглингизга олмангиз зинҳор.
- Мен ҳадя айладим сизга китобни,
Айтганингиз — янглиг ўша офтобни.
- Модомики шунлай, мана пулиниз.
Яхши қолинг, ўғлим, хунбахт бўлиниз.
- Тұхтангиз, отахон, йўқ, шошилманингиз.
Ва мени бир умр қарздор қилмангиз.

Хаёт деганидир тошу тарози,
Бундай ноҳақликка бўлмасман рози.

Алолатсиз бўлмоқ нечун, отахон,
Диёнатсиз бўлмоқ нечук, отахон.

Гар пулни олмассиз — айб ўзингизда,
Китобни қайтариб берарман сизга.

Сиз ё фурушанла, ё мусанифсиз¹,
Не бўлса ҳам уни нозил қилибсиз.

Хеч нарса осмондан тушмагай тайёр,
Не бир меҳнати бор, не заҳмати бор.

— Абдуллоҳ, тинглангиз, мен савобталаб,
Инсонни пайқайман рангига қараб,

Сизнинг сиймонгизда буюклиқ мавжуд,
Унга қоришиқдир, суюклиқ мавжуд.

— Узр, отахоним, текин олмоқлик,
Куппа-кундуз куни ўғри бўлмоқлик.

Бирор заҳмат чекса ва бирор текин,
Бундай ноҳақликка тангрим не деркин?!

Лозимдир адолат йўлидан кетмоқ,
Кимки неъмат берур — шукронда айтмоқ.

Гар инсон иззатин этмасмиз қадр,
Унда йўлишимиз ҳам бошка-бошқадир.

Ё пулни олингиз, ёки китобни,
Ва мен хуш кўурмэн шундай савобин...

Отахон лол эди ва эди ҳайрон,
Не қиларин билмай турарди шу он:

— Мен ютқаздим ва сиз ғолиб бўлдингиз,
Тангрим ёрлақасин, оқдир йўлингиз.

¹ Мусаниф — китоб тартиб берувчи шахс.

Икки ўғлим бордир, бир қизалогим,
Түртингиз фарзандим бўлинг, чироғим.

Айтганингиз бўлсин, эй азиз ўғлон,
Токи қиёматдир бўлдири қадрдон.

Меҳмонимиз бўлиб, шод этинг бизни,
Эрта кун қайтарда кутамиз Сизни.

* * *

Яна кўклам келди, қадрдон баҳор,
Далалар ям-яшил, қирлар лолазор.

Яна бинафшалар қувнатар кўзни,
Еллар олиб қочар хаёлингизни.

Наъматак гуллари чиройи олам,
Чўлларга ёйилмиш зангори гилам...

Баҳор кунларига бўлиб ҳамоҳанг,
Ўзгача кайфият, ўзгача бир ранг.

Аҳмадлар уйида катта шодёна,
Чилдирмалар ўйнар, янграр тарона.

Ҳовлини тўлдирмиш кўп азиз меҳмон,
Бугун тўй базмидир — келин биёрон.

Аҳмад ва Зуҳронинг никоҳ тўйлари,
Чимишлиқ ичра ярашиб бўйлари.

Машъаллар ёқилиб, айтишиб ёр-ёр,
Оқшом қиз уйида бир фасли баҳор.

Бир-бирга пайванддир иккита тақдир,
Ҳаёт йўлларида ёрқин чироқдир.

Шаҳрибону бугун ўзида йўқ шод,
Уйи ҳам, дили ҳам — барчаси обод.

Келин қилди ўша — истаганини,
Келин қилди ўғли қистаганини.

Үйига осмоннинг Зуҳроси келди,
Париваш қизларнинг танҳоси келди.

Зуҳро ул Саъдихон табибнинг қизи,
Кўшни бир гузарнинг қарори-кўзи.

Бир тўй оқшомида Аҳмадни кўриб,
Туйғулари эриб ва қалби эриб,

Йўқотиб орому ҳаловатини,
Аҳмадга йўлламиш севги хатини.

Аҳмад ўқиди-ю, ҳанг манг бўлди,
Кутилмаган баҳтдан сеҳрга тўлди.

Сўнг — пинҳона суҳбат, кўнгил баёни,
Бирлаштириди тезда икки дунёни.

Аҳмаднинг боғида гуллади баҳор,
Тақдир ул парини айламиш нисор.

Чимилдиқда экан ошиқ ва маъшуқ,
Олисдан янгради ажиб бир қўшиқ:

«Бухоро йўлларинг тор, деб йиғлайман,
Бўйимга муносиб ёр, деб йиғлайман».

Мана, кириб келди Фотима қиз ҳам,
Ёришиб кетгандай бутун бир ҳарам.

Унинг чиройига бормидир қиёс,
Йўқ, у танҳо эрур, у — танҳо, холос.

Фотима қутлайди келин-куёвни,
Иккита оташни, икки оловни

Гоҳида хаёлда жонланар Абу,
Фотима ёнига чопиб келар у.

Қиз гангиб ҳайратга тушади шу он,
Бир зумда чарақлаб кетади жаҳон.

Гоҳ Абу эшикла кулиб тургандай,
Гоҳо жўралари билан юргандай.

Ўша хаёл уни этади сархуш,
Гоҳила хуш эрур, гоҳила бехуш...

Бу ёқда тўй базми этади давом,
Гулгун ранг шаробдир, жаранглайди жом,

Варақи, қатлама, барра қабоблар,
Танбур ва дутордир, уд ва рубоблар,

«Чоргоҳ»га тулашиб кетади «баёт»,
Қўшиғу айтишув, ашъору абъёт...

Базм авжга чиқиб турганди, шу он,
Мўъжиза рўй берди бирдан ногаҳон,

Шайх Дохилий келди, қўлида бир хат,
Ҳамма ҳайрат ичра қолди бир фурсат:

— Шаҳрия! Абудан келди хушхабар,
Бермайман ўйинга тушмасанг агар.

Тўй устига тўйлир, севинчлар қат-қат,
Куй устига куйдир, суюнчлар қат-қат.

Эшитган барчанинг шодлиги дунё,
Бу бир ҳақиқатми ва ёки рўс.

Оллоҳга шукурки, бор экан Абу,
Не мўъжиза, тўйга шерик экан у.

Бундай хурсандчилик сиғмас ақлга,
Сиғмас афсонага, сиғмас нақлга.

Она ҳаяжонин ҳеч тутолмайди,
Ўзини қўярга жой тополмайди.

Кўрингиз тангримнинг кароматини,
Тўйга тухфа этди Абу хатини.

Бир эмас икки тўй бўлаётгандай,
Хозир Абу кириб келаётгандай.

Она Фотимани ахтарар шу вақт,
Бу мужда қиз учун ато этди баҳт.

Фотима күксіла ёришди осмон,
Фалаён қиласын соғинч ва ҳижрон.

Хаёлидан ўтди ўша сұнгги дам,
Оқшом оғушыла борлық бу олам.

Ўша муюлишда учрашды улар,
Абу ҳажга кетар, Фотима билар.

Йигит термулади қизнинг құзига,
Жон қулоғын тутар унинг сўзига.

Зангори либосли дараҳтлар гувоҳ,
Ўша сокин Шоҳруд құтларди гүё.

Иккиси бир-бирин жондан севишар,
Жондан севишилару, жондан суюшар.

Улар севишилар болаларга хос,
Бир-бирига пинҳона талпинар, холос.

Ҳали билишмасди бу не савдодир,
Севги иши шудыр, қадим дунёдир.

Хайрлашиш они — сабр ва бардош,
Қизнинг ёноғида икки томчи ёш.

Қызыл гул барғида шабнам қатраси,
Изҳори ишқ эрур дилларнинг саси...

— Хайрнат, бор әкан, соғ-омон әкан,
Не дейин, айрилиқ күп ёмон әкан.

Хабаринг эшитиб тирилган жонман,
Тирилган жонману, минг бир жаҳонман.

Нақадар хурсандман, билсайдинг, Абу,
Мени қамраб олмин тошин бир туйғу,

Хөвлінг нурға түлди, оғанғ ва Зухро,
Икки юлдуз бўлиб чақнашар гүё.

Бизга ҳам шундай күн ато айласин,
Үзи ёрлақасин, үзи сийласин.

Икки кўзим йўлда, сени кутарман,
Билмам, муродимга қачон етарман?

Иноят сўрарман, тангримдан яккаш,
Ибодат қиласман тангримга яккаш.

* * *

Бу оқшом ҳужрада ёлғиздир Абу,
Хаёл гирдобида айланарди у.

Сўнг хаёл тиниди, босилди тўфон,
Бир ёрқин саҳифа бўлди намоён.

Шу дам сирли сандиқ очилди гўё,
Ва чигал бир тугун ечилди гўё.

— Ҳаёт асосидир — ул тўртта унсур,
Тупроқ ва сув, ҳамда ҳаво ила нур.

Ернинг ҳам тўрт учи — сарҳади бордир,
Яна: «Чор китобдир» ва «Чори-ёр»дир.

Яна: «Тўрт кўз тугал, хотири жамдир»,
Тўрт фасл, тўрт қутб ва тўртта шамдир.

Демак, бир ҳикмат бор тўрт саноғида,
Бори тартибот яралган чоғида.

Тўрт жилли китобат тузсан не тонгдир?
Тўрт иқлим, тўрт жило ва тўртта рангдир.

Бир манқабат¹ этсан барчага марғуб,
Бу ният кўпдандир дилимда матлуб.

Ҳижозда ўтгани тўрт йиллик муддат,
Расулуллоҳ мадҳига сарф бўлди фақат.

¹ Манқабат — бирор зотининг яхши хислатлари мақталган асар.

Ислом сулоласи гүё бир ёғду,
Қуръони Каримни бунёд этиб у.

Гүёки дунёни ёритди шу чоқ,
Гүё зулмат ичра ёқди бир чироқ.

Ҳалол ила ҳаром аралаш ғоят,
Нечук күргуликлар бу жоҳилият?¹

Ростлигу ҳалоллик бор бўлсин учун,
Ҳазрати пайғамбар «жанг» бошлар бугун.

Оллоҳ иродаси — «мехр-оқибат,
Бандалар кўнглига жо бўлсин, албат.

Яхшилик ҳамда хуш одобу ахлоқ,
Феъли бузуқларга бўлсин бир сабоқ!»

Расулуллоҳ айтар оллоҳ номидан,
Ваҳийдан келгани ул қаломидан,

Фақат меҳнатидан топгани ҳалол,
Қолгани минг бора ҳаромдир, увол.

Текин томоқларга келсайди қирон,
Калондимоқларга келсайди қирон,

Олиб сотувчига қирон келсайди,
Зарар этгувчига қирон келсайди.

Тошдан-тарозидан урганга қирон,
Ўғри дўкончалар қурганга қирон.

Қардошлиқ илларин узганга лаънат,
Уруғ аймоқликни бузганга лаънат.

Жоҳиллик, разолат не учун, айтинг,
Қон тўкиш, ғазоват не учун, айтинг.

Қай кавакдан чиқди жоҳил кимсалар,
Ақлинни йўқотган тоғил кимсалар.

¹ Жоҳилият — араблар Исломдан олдинги даврии шундай деб атаганилар.

Оға-ини бўлиб юрсангиз нетар?
Эзгуликни баҳам кўрсангиз нетар?

Айтинг, ақли расо инсонлар қани?
Диёнатли, порсо инсонлар қани?

Нечун жоҳилият, не учун газаб,
Фарофат ўрнига не учун азоб?

Оллоҳ иродаси — фақат эзгулик,
Тақдири азалга мангу ёзгулик...

Абу илкидадир қофозу қалам,
Барчасин бирма-бир зикр этар шу дам.

Ўзинг мадад бергил менга оллоҳим,
Қўлла, ниятимга етай илоҳим.

Раббим, ўзинг поксан, оллоҳу акбар!
Раббим, ўзинг поксан, оллоҳу акбар!

* * *

Бу оқшом Мустафо уйида шодлик,
Хурмату эҳтиром, кўнгил ободлик,

Меҳмон бўлиб келмиш Абу Абдуллоҳ,
Дастурхон ёзиғлиқ — тўкин ва зебо.

Бир ёқ — турли неъмат, тўқис зиёфат,
Бир ёқда — сехрли, дилбар бир суҳбат.

Ҳайратда лол эди бу дам Абдуллоҳ,
Бир ноёб хазина топгандек гўё,

Мустафо бунчалик ақли расодир.
Ҳадсиз камтаринлик, вале доноидир.

Ҳасан ал-Басрийнинг¹ издош шогирди,
Тасаввуф илмида ҳамфикр эрди.

¹ Ал-Басрий — Ал-Ҳасан Ал-Басрий — улуг' руҳшунос олим. Басрада тасаввуф илмининг асосчиси.

Одамдир оламининг маркази, кўзи,
Борин ато этмиши оллоҳнинг ўзи.

Поклик ва донолик — иккита дарё,
Кўнилса бир уммон бўлгуси пайдо.

Ҳалол яшамоқчилик — нисонга зийнат,
Хусну назокатдир тўзал руҳият...

Мустафо сўзларли, тингларди Абу,
Сирли бир оламда кезар эди у.

Дунё бир дарёдир — иккита қирғоқ,
Бир-биридан жуда олис ва йироқ.

Бир ёқла — адолат, бир ёқ разолат,
Биродаркушликлар-тинмас бир муддат.

Ажабки шайтоний васваса устун,
Фосиқларининг қўли баланддир букун...

— Ҳақ сўзни ледингиз, устози аъзам —
Абу Мустафога айлади таъзим.

— Тангрини севмоқчилик биз учун фарздири,
Ҳамина пок бўлмоқ елкада қарздири,

Тасаввуфла бордир иккита қанот,
Назариёт эрур ва амалиёт.

Кумурсқатдан таълим олмоқ — ҳаётдан,
Лўқонлорлик қаебим — амалиётдан.

Сиз Шақиқ Балхийни² ўрганинг, иним,
Ундан ёнзор қолмини бир дунё илм.

Үл вафот этини чоқ, сиз тунишсаниз,
Ё ҳамнафас ёки излони булсаниз.

Бизга китобати стувти бир чоқ,
Аҳди тасаввуфга бебаҳо сабоқ...

²Шақиқ ал-Балхий — IX аср тасаввуф олимни.

Басра тасаввуфнинг илк қўрғонидир,
Уни йўргаклаган бир ошёнидир.

Муносиб аҳкомлар топурсиз, Абу,
Ижобат бўлгуси ҳар нечук орзу...

Мустафо Абуни сийлаб бу дафъя,
«Ал-Балхий»ни унга айлади тухфа.

* * *

Бағдод сафарига навбат ҳам келди,
Дажла бўйларига йўл олди энди.

Ҳайрат оғушида Абу Абдуллоҳ,
Ўзи-ўзи билан фикрда танҳо.

Неларни хотирга келтирдинг, эй дил,
Умрдан ўтибди яна икки йил.

Ортда қолди Басра, ширин суҳбатлар,
Дониш устозлару тенгдош улфатлар...

Дунё юзин кўрди «Китоби аввал»¹,
Буюк орзу эди дилда бир маҳал.

Мустафо китобни ўқиб ҳайратда,
Уни сеҳрлади китоб ғоятда.

Оллоҳ ва Расулга буюк муҳаббат,
Минг бир фазилату юз мингта сифат.

Ўқимаган эди бу хил китобни,
«Қуръон»ни мадҳ этган нурӯ офтобни.

На Шиҳоб аз-Зуҳрий, на Абдулазиз²,
Ибн Мусо, Ҳанбал — илмда ҳадсиз,

¹ «Китоби аввал» — Имом ал-Бухорий — «Ҳадис» асарининг биринчи китоби.

² Абдулазиз — Умар ибн Абдулазиз — халифа, у биринчи марта ҳадисларни йигидирган шахс.

На ибн Анаасдир, на Абу Толиб,
Афсус, бирори ҳам бўлмади ғолиб.

Фақат Бухоролик Абу Абдуллоҳ,
«Китоби аввал»да ягона, танҳо...

Юз минг ривояту, қиссаю, нақл,
Неча юз ровийлар доною оқил.

Ҳадислар дунёси — ул баҳри уммон,
Ойиша бегимдир¹ ўзи бир жаҳон.

«Севмоқ иймондандири ҳаё — иймондан
«Ҳидоят — иймондан, зиё — иймондан»...

Иймондир, илмдир, ҳаждир, намоздир,
Маккадир, Мадина, Ҳайбар — Ҳижоздир.

Ваҳийлик муждаси, таҳорат, гусл,
Сажлаи саҳвдир неча тавр, усул.

Закотдир, рӯзадир, ийди рамазон,
Умралир, таровиҳ², мавзеи аzon...

— Неларни хотирга келтирдинг, эй дил,
Умрдан ўтибли яна икки йил.

XI. ЗАҲРО

Офтоб чиқиб нурга тўлди ҳаммаёқ,
Абу ёлғиз эди ҳужрада бу чоқ.

Бир саватча хурмо кўтариб шу кез,
Ногоҳ кириб келди кулбага бир қиз.

Қўллари кўксига салом берди у,
Лол қолиб, шошилиб қолганди Абу.

Ким бўлди бу меҳмон, париваш сулув?
Абдуллоҳ қалбига туниди бир ғулу.

¹ Ойиша — Мұхаммад пайғамбар С.А.В.нинг хотини, кўпгина ҳадислар у кинни тилидан келтирилади.

² Умра — кишик ҳаж, таровиҳ — намознинг бир тури, рамазонда ўқилади.

Ақлни ром этар бул сарвиқомат,
Лаблари гулбарги, бир охусифат.

Бу ё Зулайходир ва ёки Лайлло,
Хусну малоҳатда оламда танҳо.

— Афу этинг мени, беҳаё қизни,
Китоб дўконида кўргандим сизни.

Сўнг қўшни ҳовлида бўлдингиз меҳмон,
Суриштириб сизни билгандим шу он.

Кечиргайсиз, узр сўрармен сиздан,
Мева териб келдим ўз боғимиздан.

Ўшанда кўрдим-у.. Сизга не десам,
Ёмон қилмабманми, меҳмонга келсам?

Мусофирик экансиз, юртлан йироқда,
Бухоро қайдо-ю, Басра қаёқда?

Мен нодон нималар деяпман сизга,
Ва не сабаб келдим мен ёнингизга,

Дилимда чўғмидир, чироғми ёниқ,
Ва менга бир бало бўлгани аниқ...

Абу қаҳ-қаҳ кулди: Нелар деяпсиз,
Ўзингизча ёниб, ўзиз куяпсиз?

— Сизда... ўзингиз-да... исмимдир Заҳро,
Сизда... ўзингиз-да ўзингиз танҳо!

Бир карашма қилиб, қочиб кетди қиз,
Абу ҳайрон — қайга учиб кетди қиз?

* * *

Заҳро қочиб кетган ўша бир дамда,
Гўё бир ажиб ҳол кечди оламда.

Нима бўлганини билмасди Абу,
Ўйлаб ҳеч тасаввур қилолмасди у.

Қочган Фотимами ва ёки Заҳро,
Абдуллоҳ ақдидан адашли гўё.

Фотима Барага қаердан келди?
Абу, ақдингни йиғ, сенга не бўлди?

Хаёл ҳазон каби тўзғитар эди,
Йигитлик ҳисларин қўзғатар эди.

Фотима эдими, Заҳро эдими,
Ё шайтон йўллаган рўё эдими?

Абу бир орзиқиши ҳисларга тўлиб,
Хаёл Бухорога учди қуш бўлиб:

— Фотима, қанисан, ўзингсан танҳо?
Тонгларим ёритиб, порлаган Зуҳро...

Сен бир Заҳро бўлиб кўришсанг менга.
Гузал дунё бўлиб кўрининг менга.

Олис, олисадсан, лек ёдимдасан,
Йўқ, ёдимда эмас, сен ёнимдасан.

Кўзимга кўриниб юрасан доим,
Тушларимга кириб турасан доим.

Заҳро қочиб кетган ўша бир дамда,
Ажиб бир ҳол кечди гўё оламда.

Фотима эдими ва ёки Заҳро,
Шайтон бир васваса қилганмиди ё...

Кўнғироқ садоси... йўл босар карвон,
Бу сафар Абуга яна бир довон.

Ҳижоздан Барага кетаркан йўлда,
Ажиб бир орзиқиши қўзғалди дилда.

Тўрт йил бўлибди, Фотима йироқдир,
Йироқдаги ўша битта чироқдир.

Йўқ, чироқ эмассан, кўрар кўзимсан,
Кўрар кўзим эмас, тонг юлдузимсан.

* * *

Тонг маҳал мачитдан қайтар чоғида,
Абу тўхтади Дажла қирғоғида.

Сувнинг ойнасига тикилиб шу он,
Осмоннинг аксини кўрди шу замон,

Абу ҳамон мавжли сувга боқарди,
Сув оқарди, сувда хаёл оқарди.

Мовий тўлқинларда тебранган осмон,
Осмон демагинким, мовий бир жаҳон.

Абуни миндириб тўлқинларига,
Ҳамда кумушқанот ёлқинларига.

Олиб чопар эди Бухоро томон,
Пастда сарҳадсиз ер, тепади осмон.

Мана, ўша ҳовли, қадрдон гўша,
Абуга бағрини очар ҳамиша.

Фарзандин йўлига тикилган она,
Унинг атрофида бўлар парвона.

Кучоқ очиб келар оғаси Аҳмад,
Барваста бир йигит, чинордек қомат.

Севинч кўз ёшлари она юзида,
Ва меҳр чақнайди унинг кўзида.

Қошу кўзларини силар, сийпалар,
Бир гўдак мисоли ўпар, эркалар:

— Бунча қолиб кетдинг, Абу, жон болам?
Сенсиз тор бўлди-ку бизга бу олам.

Қанчалар соғиндик сени, билсайдинг,
Кошки ҳолимизга парво қилсайдинг.

Хайрият, соғ-омон қайтдинг, минг шукур,
Бизнинг армонимиз, бахтимиз шудир.

Севинчдан бошимиз осмонга етди,
Осмонга демаким жаҳонга етди.

Шунча йил йўлинигга бўлдик интизор,
Неча ёзлар ўтди ва неча баҳор.

Энди иқболимиз кулгани бўлсин,
Бағримиз шодликка тўлгани бўлсин...

Хаёл саҳифаси ўзгарар шу чоқ,
Кўзгуда намоён — ўрикзор чорбоқ.

Ўн олтида эди ўша ёз чорги,
Умр баҳорининг кўм-кўқ япроғи.

Йигитликнинг ўша авж палласидир,
Тоза бир нафаски — сочар эди нур.

Оппоқ ўрикзорда оқшиомги чирой,
Кумуш тангаларни сочар эди ой.

Ширин бир дард ила турар эди қиз,
Кимнидир кутарди пинҳона ёлғиз.

Майин шабадада чайқалар гуллар,
Гуллар япроғида диллар чайқалар.

Баҳор чайқалади атрин уфуриб,
Анҳор чайқалади тошиб, кўпирниб...

Фотима — ҳислари тошқин бир ларё,
Шу тошқинлар аро тўлғанар гўё.

Қора киприкларда олмос қатралар,
Сирин ўзи билар, бир ўзи билар.

Ерла Фотимадир, осмонда оллоҳ,
Вафони билмаган шафқатсиз дунё.

Яна интизорлик торлари таранг,
Узилиб кетгудай турибди аранг.

Қора киприкларда олмос қатралар,
Сирин ўзи билар, фақат ўзи билар.

Ҳижрон, арқонларинг узун бунчалар,
Бунчалар узун ҳижронли кечалар.

Наҳот, тонг отмоғи шунчалар қийин,
Ва унга етмоғим шунчалар қийин.

Менга бир нарсалар десанг-чи, баҳор!
Ва менинг раҳмимни есанг-чи, баҳор!

Қора киприкларла олмос қатралар.
Сирин ўзи билар, фақат ўзи билар.

— Фотима! — янгради шу дам бир нидо,
Фотима! — янгарди бир акси садо, —

Абу келар эди қучогин очиб,
Келар эди чопиб, қуш каби учиб.

Майин титрар эди гул япроқлари,
Ловуллаб ёнарди қиз ёноқлари.

Қалтираб турарди шабнам қатраси,
Қалтираб турарди гуллар нафаси.

Мұхаббат ёғдусин сочар боғ аро,
Иккита чирмовиқ чирмашди гүё.

Фақат севги эди хаёл ва ўйда,
Бутун бир оқшомки ўтди шу күйда.

Бундай оқшом қайта бўлмагай такрор,
Бу хил завққа ҳеч вақт етмагай баҳор.

Бундай тонглар ҳамки қайта отмагай,
Бундай оқшомга ҳам ҳеч ким етмагай.

Бодом шохларида булбул навоси,
Боғнинг сеҳрловчи хунбўй ҳавоси.

Куй янграр, севгининг оҳанглари дири,
Ва уни безаган нур-ранглари дири.

Сүнгсиз бўсаларки-сирдир, сеҳрдир,
Мехр, муҳаббатдир, дилга муҳдир.

Муҳаббат, асло фироқинг бўлмагай,
Мангуга яшна, япроғинг сўлмагай.

Майин титрар эди гул яноқлари,
Ловуллаб ёнарди қиз япроқлари.

Бундай тонглар ҳамки қайта отмагай,
Бундай оқшомга ҳам ҳеч ким етмагай.

Тонг отарди, унинг чехраси оппоқ,
Қиз йигит кўксига бош қўяр шу чоқ...

Ўша тароватли, оппоқ тонг чоғида,
Абу турарди Дажла қирғоғида.

Бир армон сеҳрида сувга боқарди,
Сув оқарди, сувда хаёл оқарди.

-- Иноят сўргайман ўзингдан, хаёл,
Ибодат қилгайман ўзингга хаёл.

* * *

Мана, рўпарала қадрдон Бағдод,
Кўчалар, расталар шинам ва обод.

Дилга ором берар Дажла салқини,
Мовий гумбазларда офтоб ёлқини.

Дорилмусофирга йўл олди Абу,
Бир ҳужрани яна макон этди у —

Қуёш ботиб, оқшом фира-шираси,
Тинганди кундузги шовқинлар саси.

Ёлғиз ўзи эди Абу Абдуллоҳ,
Бир гирдоб ичраким айланар гүё.

Сўнгсиз ташвишлардан холи бўлган чоқ,
Хира тортгандайин ҳужрада чироқ.

Мунгли инграгандай кўнглининг тори.
Ва таранг тортилиб сабру қарори.

Сарҳадсиз самога тикди кўзини,
Бир ғарип бечора сезди ўзини.

Осмон пештоқида юлдузлар аро,
Намоён бўлгандек олис Бухоро.

Мана, икки йилки на хабар, на хат,
Борлигини ўртаб сабру қаноат.

Гоҳида бошланиб дилда ғалаён,
Бирдан хиралашиб кетар ер-осмон.

Баъзан хаёл уни олиб қочарди,
Шунда Бухорога қараб чопарди.

Қани, қуш бўлса-ю учиб кетсайди,
Бир зумда юртига бориб етсайди.

Не бир карвоңлардан жўнатди мактуб,
Кўзлари тўрт бўлди бир хабар кутиб.

Не аҳволда экан онаизори,
Ҳаловати кетиб, қуриб мадори.

Оғаси нечукдир, Фотима нечук?
Устози, дўйстлари — каттаю кичик?

Ўйлаб, ўйловига етмасди Абу,
Бир изтироб ичра қолган эди у.

Ўзини қўярга жой тополмайин,
Дилдан эзиларди ўйлаган сайин.

Асаблари қақшаб, толиқиб шу он,
Кўзлари уйқуга кетди ногаҳон...

XII. «БАЙТУЛ» ҲИКМА

Китобдан бошини кўтариб Абу,
Ҳужра туйнугига кўзин тикли у.

Ундан кўринарди бир бўлак осмон,
Осмон демагилким, бир бўлак жаҳон.

Неларни хотирга келтирдинг, эй дил,
Умрдан ўтибди янга икки йил.

Бағлодни айланди қадамба-қадам,
Бунда кўрганлари янги бир олам.

Мачиту мадраса, баҳс мунозара,
Кошки, интиҳоси бўлсайди зора.

Теран мушоҳада — фиқҳ ва мантиқ,
Не янги мажмулар даврага тортиқ.

Афлотун, Арасту китобатлари,
Ва «Байтул ҳикма»нинг иноялари.

Не бир қиссаҳонлар, не бир ровийлар,
Баро ибн Озиб ва Аробийлар.

Ибн Абу Ҳола, ибн Анасдир,
Ибн Маъсуд ҳамда ибн Аббосдир.

Абу Талҳа эрур, Абу Толибдир,
Ибн Салом ҳамда ал-Мутталибдир...

«Исломдан муродки иймон демакдир»,
Сўзда ва амалда иймон керакдир, —

Неча китобларни ўқиди, билди,
Ҳижжалади, кўрди ва ажрим қилди,

Сохта ва ёлғонлик — иймондан эмас,
Файри илмандир, меҳнати абас.

Ул кун тинглагани — қирқ икки ҳадис,
Худди бугунгидай ёдида ҳануз.

Энди иншо этар уларни бу дам,
Қоғозга бирма-бир муҳрлар қалам...

Юсуф ал-Фартобий¹ китобин излаб,
Топилса — не толеъ, бошқасин қўзлаб,

Китоб растасини айланди тинмай,
Сўраб-сурештиридан асло тортилмай.

Топилмади, не тонг, келмади омад,
Яна изламоқдир таомил, одат.

Ҳорғин қайтиб келди ҳужрага Абу,
Лекин умидини узмаганди у...

Бир маҳал, ажабо, чошгоҳ деганда,
Ибн Ҳанбал² келди кутилмаганда.

Хурсанд бўлиб кетди шу чоқ Абдуллоҳ,
Ўзини қўярга жой топмас гўё.

— Марҳамат қилгайсиз, эй табаррук зот,
Қадамларингизга бўлсин ҳасанот,

Бошим осмондадир, устод, ташаккур,
Гўёки кулбамга кириб келди нур.

— Ўтаётган эдим, эсладим ногоҳ,
Бўлай дедим Абу ҳолидан огоҳ.

Анча кўришмадик, соғ-омонмисиз,
Вақт ҳам ўтмоқда чопиб, тўхтовсиз?

— Ҳаш-паш дейилгунча; мана, ўн йил ҳам,
Ўтиб кетибди денг, гўёки бир дам.

— Умр — дарё, оқар, орқага қайтмас,
Гар қувмоқ истарсен — умринг ҳам етмас.

¹ Юсуф ал-Фартобий — ҳадис илми бўйича имом ал-Бухорий устозларидан бири.

² Ибн Ҳанбал — Имом ал-Бухорийнинг ҳадис бўйича устозларидан бири.

— Менки ул Ҳазратнинг¹ қўйчивон бўлиб,
Умргузаронлик қилганин билиб,

Пешона тер билан этиб ризқ ато,
Бир чимдим туз, бир пар² нонигача то,

Ҳалолу покиза — маҳсули меҳнат,
Беминнатдир ҳамда тотлидир фоят.

Ҳеч нарса тушмагай осмондан тайёр,
Дерлар: текинхўрдан худо ҳам безор.

На зўри, на зори, на бойлик, на зар,
Нағсни тиймоқлик, ҳаромдан — ҳазар,

— Офарин, Абдуллоҳ, теран акс-садо,
Хоҳ ул подшоҳ бўлсин, хоҳ бўлсин гадо,

Оз бўлса, озига — қаноат этмоқ,
Кўп бўлса — ярмини муҳтожга тутмоқ.

— Мен шукр қилурмен, валлоҳу аълам,
Сизлек бир зот ила бўлмишман ҳамдам.

Илми тааммулнинг не унсурлари,
Мени етаклади ёруғлик сари.

Бирор бир бузрукнинг этагин тутмоқ,
Унинг соясида муродга етмоқ.

Минг таъзим этарман Сизга, эй устод,
Ўзимга тиларман сабр ва сабот.

— Мен қадр қилурмен иқтидорингиз,
Шу иқтидор бўлсин мададкорингиз.

Эртанги йиғилиш биринчи довон,
Йигитлик фаслига эрур имтиҳон.

¹ Ҳазрат — Муҳаммад пайғамбар С.А.В.

² Бир пар — шева, бир тўғрам, парча.

Мадрасайи Аъзам гавжум бўлгуси,
Барча акобир, уламо келгуси.

Келур муҳаддису арбоби тарих,
Ҳар бири ўзича этгуси татъриф.

Ироди тааммул¹ ва ҳам нозик таъб,
Мунокаша² чоғи — ройишга қараб...

Менга рухсат, йигит, ҳушвақт қолингиз,
— Ташаккур, бузруквор, яхши борингиз.

Минбарга чиқаркан Абу Абдуллоҳ,
Баланд тоғ олдида турарди гўё.

Бу тепалик бунча юксак, улуғвор,
Чиқмоғи бор экан, тушимоғи ҳам бор.

— Сиз устози ашраф, ҳамкасб оғалар,
Неки бор оламда илмдан туғилар.

Тақтирда бор экан дунёни кезмоқ,
Неки фасоҳатдир — англамоқ, сезмоқ.

• Маккай Мадина ва Каъбатуллоҳ,
Муҳаммад пайғамбар-ул расулуллоҳ.

Сулук йўлин тутмоқ ва унга тавҳид,
Айни муддаодир — худойим шоҳид.

Туғилиган масканим шаҳри Бухоро,
Илму донишликда Машриқда ташо.

Кўп қалим замондир, отаинпараст юрт,
Муқаддас Авесто — кўнглида беҳбуд³.

Орхун, Энасойдан тарқалган зиё,
Кўк тангри⁴ илкида борлиқ бу дунё.

¹ Ироди тааммул — мушоҳадали, мунозарали нутқ.

² Мунокаша — жанжал, тортишув, баҳс.

³ Беҳбуд — яхшилик, најот қилиш.

⁴ Кўк тангри — тангри.

Бир ёқда ёруғлик, порлоқ, зиёдир,
Бир ёқда зулматдир, ср-күк сиёдир.

Хоқон Алп Эр түнга — ул Афросиёб,
Жонин фидо қилган Туроний ансоб¹.

Маккор Кайхусравнинг қабиҳлик иши,
Иснод тамғасидир унинг қилмиши².

Улуғ Турк қавмидир Олтой бобомиз,
Туркистон заминин фарзандларимиз.

Үртада Жайхундир, Машриқда — Турон,
Мағриб ёқда эса — Ажаму Эрон.

Турон Бухородир, Турон — Самарқанд,
Менинг толеъим ҳам шундан сарбаланд.

Турон Фарғонадир, Хоразмдир, Шош,
Ақлни безаган донишманд наққош.

Бир овоз янгради: «На ҳожат тарих,
Олис Бухорони қилурсиз таъриф?».

— Мени маъзур тутиңг, тарих — бу ҳаёт,
Ва милён йиллардан қолган хотирот.

Ҳаётки мавжуддир, у — эрур кўзгу,
Барча билимларнинг онасидир у.

Тарих бўлмасайди, ул «Ибитдо»ни³,
Қачон яралганин билмасдик они.

Нуҳ алайҳиссалом, Сом, Ҳом ва Ёфас,
Одам ва Ҳавони эсланг бир нафас.

Яъжуж ва маъжуждир ўртанчи бўғин,
Геродот нақл этмиш ундан буёғин.

¹ Туроний ансоб — насл-насаби туронларидир.

² Эрон подшоси Кайхисрав Афросиёб шарафиға зиёфат чогида уни заҳарлаб ўлдиради.

³ «Ибитдо» — қадимий даврда яратилган китоб.

Қадим фирмавнлар, фотиҳ Искандар,
Тарих қанотида келмаса агар.

Тафаккур султони Арасту бобо,
Нурсиз қолар эди бу ёргуғ дунё...

Ўттиз мударрисдан тингладим сабоқ,
Билганим дарёдан томчиидир бироқ.

Ўша қадим Турон мамлакатида,
Ва ҳисобсиз жиллар қатма қатида.

Не ажаб афсона, ривоятлар бор,
Бир-биридан сулув ҳикоятлар бор.

Қадим аждодларнинг хаёл дунёси,
Инсон тафаккурин тошқин дарёси,

Бу бир тафаккурки бекиёс уммон,
Ҳар битта хаёлди ғ бир жаҳон.

Жаҳонни сўймоқлик, уни севмоқлик,
Инсонни сўймоқлик, уни севмоқлик,

Дунёга менгзарли инсон севгиси,
Инсоннинг дунёга жаҳон севгиси,

Не ажиг афсона, ривоятлар бор,
Бир-биридан гўзал ҳикоятлар бор.

Хаёл дунёсидир меҳр-муҳаббат,
Ҳаёт зиёсидир меҳр-муҳаббат.

Теран хаёлотнинг ҳадсиз кенглиги,
Ўн саккиз оламга қиёс — тенглиги.

Оллоҳ даргоҳига сажда қилмоқлик,
Эзгуликни дея фидо бўлмоқлик.

Ёвузликка лаънат, яхшига — олқиши,
Иймонга садоқат, шайтондан қўрқиши...

Ўзингдан ҳидоят тиларман, хаёл,
Ўзингга ибодат қиласман, хаёл.

Ўзга бир тарихдир, ҳалис айтмоқ ҳам,
Ҳадис айтмоқлик ҳам ўзга бир олам.

Зеро, ҳадис айтмоқ эрмак эмасдир,
Илмий заруратдир, олий ҳавасдир.

Неки бор жамғарид этилса таълиф,
Лозимдир ҳижжалаб айламоқ тақрир¹...

Абдуллоҳ сўзлашдан тўхтади шу чоқ,
Ҳамда нафасини ростлади озроқ.

Абу Ҳанбал бу дам кўзи чараклаб,
Туарар эди мажлис аҳлига қараб.

Сўнг деди: Офарин, фикрингиз мумтоз,
Илми мантиқ унга бермишдир пардоз...

Баҳсу мунозара қизиди таранг,
Баъзи густоҳлар ҳам топилди, қаранг.

Не бир муҳаддислар гўё ранжишиб,
Бири-бири билан расо манжашиб.

Ровийларни гўё камситмиш Абу,
Жангту жаҳд эмасдир, мунозара бу.

Бирор сўкар, бирор мақтар Абуни,
Асли чидаганга чиқарган буни.

Абдуллоҳ турарди шодмон ва мамнун,
Улоқ унга кетди, рости гап, бугун...

Бағдол кўкида чараклар юлдузлар,
Гўё чараклайди саноқсиз кўзлар.

¹ Тақрир — Пайғамбар С.А.В маъқуллаган сўз, ҳатти-ҳаракат.

XIII. ҚОҲИРА

Карвон кетаётир, унга эргашиб,
Гоҳида пиёда, гоҳо тиркашиб,

Олис йўлга чиқмиш бугун Абу ҳам,
Аҳли тижоратга бўлиб бир ҳамдам.

Истиқболда турар шаҳри Қоҳира,
Шуни раво қўрмиш тақдир бу сира...

Бу тонг ортда қолли қадрдан Бағдод,
Ва унда кечгани тўрт йиллик ҳаёт.

Устоз Сижистоний ва ибн Ҳанбал,
Хаёлда тикланар ҳаммадан аввал.

Яна неча ўнлаб ровий, муҳаддис,
Ибн Абу Ҳола ва ибн Анис.

Неча бир мажмуълар, неча бир китоб,
Бири — ёрқин қүёш, биридир моҳтоб.

Бориси элакдан ўтган кун каби,
Юракдан сирқиган чакра хун каби...

Бир кеч Ибн Ҳанбал суҳбат маҳали,
Абу хаёлини пайқамай ҳали,

Қоҳира сафарин маслаҳат қурди,
Не бир ўғитларни яна уқдирди.

Абу хаёллари тўзғийди бир зум,
Гўёки шовуллар Дарёйи қулзум¹.

Нечун Бухородан йўқ бирор ҳабар,
Юракка бир ғашлик тушар ҳар сафар.

«Наҳот мактубларим етиб бормайди;
Тангрим бир муждани раво қўрмайди?»

Ўйловларнинг сўнгсиз гирдоби аро,
Фикрлар хазонда тўзғирди гўё.

¹ Дарёни қулзум — Қизил денигизни шу ном билан ҳам атайдилар.

* * *

Абу ҳужрасига қайтди-ю, шу чоқ,
Гирдобрлар ичида айланди узок.

Иккига бўлинниб кетганди ирдок,
Иккисин ажратиб турар бир сўроқ.

Қоҳира сафари... ёки Бухоро,
Кўксига қадалиб турарди гўё.

Бухорони ҳаддан согинган эди,
Ва уни неча бор тушида қўрди.

«Қоҳирага бор!» -- деб қистарди Ҳанбал,
Бошқа устозлар ҳам қистар галма-гал.

Икки ёққа тортар уни икки куч,
Бириси — эътиқод, бириси — соғинч.

Бири Бухорога тортар қўлидан,
Бири қайтармоқчи бўлар йўлидан.

Бир ёқ билим ишқи, тавҳид асрори,
Бир ёқда — Фотима, онаизори.

Кўнглида оллоҳга етишмоқ фикри,
Туну кун «Қуръони Карим»нинг зикри.

Қай бири муқаллас, қай бири азиз,
Қай бири нафису, қай бири мунис.

Бир дилда иккита туйғу ҳукмрон,
Иккиси ҳам бирдек комилу комрон.

Абу билмас эди — борсин қаёнга,
Икки куч ундарди — икки томонга.

Рўёда Фотима турарди кулиб,
Ул шаҳло кўзлари меҳрга тўлиб...

Кўзин юмиб бир дам хаёл сурди у,
Гўё Мадинада ўзин қўрди у.

Шу маҳал ўнгига Мұхаммад пайдо,
Күлөнің келди ғойибдан ниде:

«Абдуллоҳ, Қоҳира сафарини тут,
Оллоҳнинг йўлида бошқасин унуг!»

Хаёлнинг торлари узилди шу он,
Абу аросатда туради ҳайрон.

* * *

Кунлар ўтар эди, тонг отгар эди,
Карвон Миср сари йўл босар эди.

Тонг чоги, қаршида — дарёйи уммон,
Сувдан иборатдир бутун бир жаҳон.

Шу чоқ карвон аҳли кемага минди,
Шовқин, ғала-ғовур бир муддат тинди.

Кема кетаётир сувда чайқалиб,
Оломон қўл силкир қирғоқда қолиб.

Сўнг карвон қирғоқдан олислаб кетди,
Гўёки ул уммон барчани ютди.

Гоҳ тўлқин кемани таиг этар эди,
Писта пўчоғидек ўйнатар эди.

Ниҳоят — Қоҳира, янги бир жаҳон,
Шаҳар чеккасида қўнганиди карвон.

Абу ҳордиқ ёзар, нафасин ростлар,
Ва икки ҳафталик сафарни эслар.

Кўргани гоҳ бут, гоҳида узилиб,
Нигоҳидан ўтар маржондек тизилиб.

Биринчи қўналға Басра шаҳридир,
Дилни ром этгувчи унинг сеҳридир.

Қўноқдир Мустафо хонадонида,
Қизғин бир сұхбатдир дўсти ёнида,

Бағдодда ўтгани — тўрт йиллик умр,
Тилга олинади бориси бир-бир.

Ҳаммадан қизиди — сўнгги имтиҳон,
Баҳсларга қоришгани юксак бир довон.

Сўнг Абу қоларкан хонада ёлғиз,
Бирдан кўз олдига келди ўша қиз.

Атиргул рухсорли париваши Заҳро,
Абу қаршисида турарди гүё,

Гирдобига ўралиб кетади хаёл,
Чирпираб айланар чархналак мисол.

Кўрар қизнинг жозиб кулишларини,
Ипакдек жилоли туришларини.

Қулоққа чалинар жарангдор овоз,
Ҳаёли интилиши, беҳад эҳтирос.

Қарашларда қалбнинг сирли изҳори,
Қуюлиб келгандай меҳр шарори.

Жонни қўйдиргувчи сирли назокат,
Ақжини олғувучи ҳусну маюҳат.

Олов тафтли ўшал самиимиytдан,
Мұхаббат баёни, эзгу ниятдан.

Абунинг борлиғи энтикиб кетди,
Заҳро! Ўша Заҳро хаёлдан ўтди.

Юракка ғулгула солганча шу кез,
Худди ўшагидай қочиб кетди қиз..

Рўпарада Макка, муқаддас даргоҳ,
Абуға қучогин очмишиди гүё,

Ўша Каъбатуллоҳ, сеҳрли олам,
Буюк саждагоҳдир ул Байтул ҳарам.

Каъба деворларини сийнаб, сийлади,
Саждага бош кўйиб, тавоғ айлади.

Оллоҳ ҳақлигига келтириди иймон,
Висолга етгандай бўлди шу замон...

Карвон йўл босмоқда, Ҳижоз дараси,
Мавж уриб оқарди Фурот дарёси.

Бозори чаққондир аҳли тижорат,
Омад юришгандан хурсандир фоят.

Абу бу йўллардан ўтган неча бор,
Ҳар гўшасин кезган неча бор такрор.

Таниш бу жойларнинг яқин йироги,
Ҳар битта йўлаги, ҳар бир сўқмоғи.

Қоҳира гаройиб бир дунё экан,
Туну кун оқувчи бир дарё экан.

Мана, бир ойдирки Абу Абдуллоҳ,
Ўзга бир оламда юрарди гўё:

— Нақадар қадимий бу ер, бу тупроқ,
Ибтидоси унинг нақадар йироқ.

Рўзи бунёдин билурми инсонлар?
Унинг саноғига етгайму сонлар?

Улуғ фиръавнларнинг ул сулоласи,
Асрлар қаъридан ингроқ бир саси.

Тоғ каби осмоний буюқ эҳромлар,
Тош уюб, тош қотган ўша инсонлар.

Оллоҳнинг бандаси, подшоҳнинг қули,
Букчайган елкаю, қабариқ қўли.

Ягона суянчиқ сабру бардошdir,
Нилнинг ярми сувдир, ярми кўз ёшdir.

Чунон бениҳоя тангри қудрати,
Шу қадар ароким инсон меҳнати.

Бу не мўъжизадир, бу не ҳайратдир,
Ҳайратга сиғмаган бу не қудратдир.

Бу не кароматдир, эй парвардигор?
Бундан бўлак нечук кароматинг бор?

Бу инсонлар сени сүйганидандир,
Сенга бир салоқат түйганидандир.

Булар тошдан эмас, иниңден ясалган,
Фиръавинга эмас, сенга аталган.

Сен ўзин gsan ахир, ягона құдрат,
Үша құдратингдан яралған ҳайрат.

Инсон меңнатига иймон келтирмоқ,
Оллох құдратига иймои келтирмоқ,

Оlam азаллиги Аллох құдрати,
Дунё гүзәллиги инсон меңнати...

* * *

Бори мұхалдислар йығылмиш бу чоқ,
Масжиди жомеъда бириңчи сабоқ,

Жим туриб тингларди Абу Абдуллох,
Бошин қүйи солиб мудтарды гүё.

Покизалик сулуки — бугун мавзу,
Дини ислом учун муқаддас түйғу.

Мисрлик мұхалдис, сўз билимдони,
Кўкларга кўтарди ибн Мусони.

«Нурни хира этган ул жоҳилият,
Барча ровийларни чалғитди ғоят.

Неки тингламишсиз — этингиз таълиф,
Ўзиникин айтсинг ҳар бир муаллиф.

Бирори наст әрур, бирори баданда — рөст,
Ортиқча зебликклер кибру эҳтирос.
Кўнгулда хиракиқ қолмасун учун,
Алифбо тартиби — яхни бир йўсун».

Шу чоқ ғала-ғовур бўлди бир муддат,
Авжга чиқиб кетди баҳедаги шилдат.

Бирор дер: — Бўлсайди Можа ва Ҳанбал,
Бу баҳс оқилона бўлар эди ҳал.

Шу асно бирори гап ташлар сескин:
— Бухоролик йигит, қани не деркин,

Яна бирори дер: «Хўп, кўрайлик-чи,
Неларга етаркин меҳмоннинг кучи».

Кимдир елкасидан туртгандек гўё,
Шу заҳот минбарга чиқди Абдуллоҳ.

Мени авф этгайсиз, муҳтарам зотлар,
Буюк бир эътиқод мени қувватлар.

Сизлар тортишурсиз қуруқдан қуруқ,
Бунда баҳс қилурли бирор нарса йўқ.

Ранжиш ўринисиздир сўрарман узр,
Ва фикру ожизим этурман зуҳур:

Барча эшиятганим саёздир гоят,
Бориси сунандир¹ — оддий ҳикоят.

Икки йилки Луқсор, Қоҳира, Қудлус,
Мен ҳадис тингладим кеча ва қундуз.

Неча бир мусанниф², неча бир ровий,
Ҳар қайси ўзича аллома, доҳий.

Не мақсад — ҳадиснинг қўпи ё ози,
Ҳақиқат эмасми тошу тарози?

Мұхаммад пайғамбар ул расулуллоҳ,
Ростлик тариқатин айламиш иншо.

Бунда саҳийҳ йўлин тутмоқлик даркор.
Ҳадисда сунан ҳам, муснад³ ҳам бекор,

¹ Сунан — ҳадисда ҳақиқий ва сохта ривоятларнинг аралаш ва қуралаш ёзилиши, уч йўналишдан бири.

² Мусанниф — китоб тартиб берувчи шахс.

³ Муснад — ҳадисларни алифбо тарзida тартиб бериш усули, йўналиш.

Саҳийҳ бу тўғрилик ва ҳамда мумтоз,
Илм оламида қилинур эъзоз.

Ҳақиқатга етмоқ иймондан эрур,
Ҳаққа ишонмоқлик инсондан эрур.

Расулуллоҳ айтган тариқат — тақрир,
Етишмоқ йўлидир тавҳид ва тадбир¹.

Уч унсур тариқат йўлин очгуси,
Ҳар неки муаммо бўлса, ечгуси.

Илми ғайб — ваҳийдан келмиш бир дарак
Илми маонийки ул учун безак.

Илми мантиқ ила бўй, энин бичмоқ,
Ҳақиқатга етиш йўлини очмоқ...

Менинг билғанларим ҳосиласидир,
Илм дунёсин бир силсиласидир...

Ҳикматлар сандигин очгани учун,
Бухорога таъзим этурман букун.

Мажлис аҳли тарқаб кетди шу асно,
Мамнун бир ҳолатда эди Абдуллоҳ.

XIV. ШАҲРИБОНУ

Бугун Шаҳрибону уйида байрам,
Ногаҳон ёришиб кетди бу олам,

Гўё офтоб чиқиб чарақлаб кетди,
Бугун бир Бухоро ярақлаб кетди.

Қарангки, неча йил жим бўлиб кетиб,
Бугун Абдуллоҳдан келганди мактуб!

Шаҳрибону бу кун ўзида йўқ шод,
Хонаси ободдир, борлиғи обод.

¹ Такбир — худони улуглаш, «оллоҳу акбар» иборасини қўллаш.

Аҳмаднинг севинчи бир дунё эрур,
Шарқираб оқувчи бир дарё эрур.

Йўқ, мактуб келмади, саодат келди!
Саодат илкида садоқат келди!

Ҳовлини тўлирди шодлик уммони,
Севинчга фарқ этди бори дунёни.

Шайх Доҳилий келди, дилда ҳаяжон,
Ўзини қўярга жой топмас шу он:

«Абу омон экан, бор экан, ё раб,
Парвардигор ўзи ёр экан, ё раб.

Саломат, соғ юрсин, оллоҳу акбар,
Умри пойдор бўлсин, оллоҳу акбар».

Гузар аҳли эди хурсанду хуррам,
Бу хабар шукуҳин кўрдилар баҳам.

Шамолдек тез ўтар бундайин дамлар,
Тонгга яқин тарқаб кетди одамлар.

Шаҳрибону суюнч илкида ҳамон,
Уни тарқ этмади ўша ҳаяжон.

— Шукурлар бўлсин, болагинам тирик,
Абдуллом ёнимда кулиб тургандек.

Ахир йиллар ўтди, замонлар ўтди.
Баҳору ёз кетиб, кузак ҳам етди.

Иккита невара кўрдим, минг шукур,
Абужон соғ экан — нур устига нур.

Бечора Фотима интизор ҳамон,
Не қиларин билмас, сарсон, саргардон

Оғзида ошидир, кўзида ёши,
Тугаб борар ахир сабр-бардоши.

Шу бир ожизага раҳм қил, оллоҳ!
Ўзинг қудратлисан, ўзингсан паноҳ!

Ватан соғинчин сол Абу дилига,
Зеро болагинам қайтса элига.

Үзингдан иноят тиларман, тангрим!
Үзингга ибодат қиларман, тангрим!

* * *

Бухоро, йўлларинг нега қўп йироқ,
Ҳамонки қалбимда туар шу сўроқ...

Сув оқар, сув билан замон оқарди,
Янгисин қуриб, эскисин йиқарди.

Фотима Абуга кўз тутар эди,
Кўз тутар эди-ю, қон ютар эди.

Аммо, Абдуллоҳдан йўқ эди дарак,
Кутавериб зориқиб кетарди юрак.

Фотима куярди, куюнар эди,
Куюнар эди-ю ва ёнар эди,

Не қиларин билмас тўрт девор аро
Гўё қисар эди уни Бухоро.

Олис-олсиларга кетмоқ бўларди,
Абунинг ёнига етмоқ бўларди.

Аммо билмас эди қайдадир Абу,
Қайси манзилларда юрар эди у.

Фақат кўз ёшига етарди кучи,
Фақат тақдирига бор эди ўчи.

— Мана ўн тўрт йилки кўзларим йўлда,
Кўзларим йўлда-ю сўзларим йўлда.

Қайданам йўлиқдинг, эй куюкижон?
Бир умр дилимга ёпишди ҳижрон.

Кошкийди кўзингга боқмаса эрди,
Кошки сўзларингни уқмасам эрди.

Нега тақдир бизни рўба-рў этди,
Нега аро йўлда ташлади, кетди.

Не учун сен йироқ, мен ҳам йироқда?
Не учун иккимиз икки қирғоқда?

Иккимизга битта дунё яратди,
Сўнг ўртада оқар дарё яратди.

Гуноҳимиз недир, савобимиз не?
Савобимиз недир, жавобимиз не?

Чегара бормидир бу кутишларга,
Мұхаббатни дея қон ютишларга.

Сенинг кўзларингни кўрап кун борми?
Сенинг ёнларингда юрап кун борми?

Абу, билсанг эди ҳолим ёмондир,
Рангларим сомондир, ранггим сомондир.

Отам мен туфайли бўлиб уётлик,
Тўйимни кўролмай кетди, раҳматлик.

Ҳар оқшом одатдир онам кўз ёши,
Йигига айланар сабру бардоши.

Ўзим ҳам бир қари қиз бўлиб қолдим,
Бир чоқ шоҳи эдим, бўз бўлиб қолдим.

Совчилар келарди, отам ҳоли танг,
Не деярин билмай бўларди гаранг.

Мен бир қайсар эдим, тегмайман дердим,
Ўша ўзинг билган — бир сўзлик эрдим.

Овора-ю жаҳон ўртада онам,
Не дейишин билмай, қон эди у ҳам.

Сўнг мендан бир нуқсон излаб ҳам кўрли,
Гоҳида гаплашмай, фазабда юрди.

Фақат сени дердим, сени айтардим,
Не бир бойваччалар келди, қайтардим.

Менинг юрагимда сен эдинг фақат,
Орзу, тилагимда сен эдинг фақат.

Абу, бир умр ёд этарман сени,
Токи тирикдурмен, кутарман сени...

Иноят тиларман ўзингдан, тангрим,
Ибодат қилгайман ўзингга, тангрим.

* * *

Бухоро аҳли уйғонмасдан ҳали,
Салқин шабадали бир тонг маҳали,

Шайх Дохилий кезар ҳовлида ёлғиз,
Фотима күринди эшиқда шу кез.

Бобо шошиб қолди: кела қол, энам,
Мени шод этгали келдинг-да сенам.

Хабарим бор, қизим, шукрим зиёда,
Ҳали умидларим кўпdir дунёда.

Иншоллоҳ, тўйингни **кўрарман ҳали**,
Ёр-ёр оҳангти янграган маҳали...

... Айтганингиз келсин илоҳим, бобо,
Қанийди энди ёрлақаса оллоҳ.

Бир йўриқ кўрсатинг менга, бобожон,
Энди ўзингизсиз бизга меҳрибон.

Кўнглимга тугилди **бир азму қарор**,
Маккага бормоқни этдим ихтиёр.

Ҳар муслим бандага ҳаж қилмоқ фарздири,
Каъба зиёрати елкада қарздири.

Сиз рухсат берсангиз, кетмоқ истадим,
Абунинг ёнига стмоқ истадим.

— Хуш гап, қизалогим, ажиб бир ният,
Ёлғиз заифага мушкилдир **фоят**.

Оллоҳ қабул қилсин иболатингни,
Сендан аямасин иноятини...

Абунинг мактубин ўқидим, билсанг,
Сўзимга инонсанг, эътиқод қилсанг,

Оллоҳим кечирсин иккимизни ҳам,
Маъқули — фикрингдан қайтақол, болам.

Абунинг тайинли маскани йўқдир,
Бугун Ҳижоз бўлса, эрта Ироқдир.

Бир кўрсанг Мадина, бир кўрсанг Бағдод,
Қуддусу Қоҳира, сўнгра Ар-Риёд.

Хулласки, саккиста шаҳарни кезмиш,
Ҳадисдан икки жилд китоб ҳам ёзмиш...

Сабр қилсанг — гўра ҳалво бўлғуси,
Тирик бўлса, бир кун кириб келғуси.

Ўзидан иноят тилайлик, қизим!
Ўзига ибодат қилайлик, қизим...

* * *

Қиз уйга қайтаркан хаёлга толди,
Бир ўйлови унинг минг битта бўлди.

Саробга айланди азму қарори,
Узилиб кетганди хаёлнинг тори.

Дохилий ҳақ гапни айтди, на чора,
Сабр қилса, орзу ушалар зора...

Қанча чидаш мумкин сабру бардошга,
Энди бошин урсин қайси бир тошга.

Нима қилмоқ керак, хўш, нима қилсин?
Бунчалик сабрни қаердан олсин?

Дилида мингта дард ва мингта алам,
Шаҳрининг ёнига йўл олди шу дам:

— Фотима, қизгинам, кел, болажоним,
Түғмай, тутиңганим, жоним, жаҳоним.

Сен ҳам қувончимсан, ҳам аламимсан,
Шодлигим, севинчим ҳамда ғамимсан.

Тақдир — ҳам раҳмдил, ҳам ёвуз экан,
Инсон гоҳ бирга, гоҳ ёлғиз экан.

Қувонгин, қизгинам, Абу тириқдир.
Севинчларимизга у ҳам шерикдир.

Бахт билан, фарзанднинг кечи йўқ, болам,
Оллоҳ шафқат қиласи бир кун бизга ҳам.

— Айтганингиз келсин илоҳим, ая,
Офтоб бордир, демак, бор эрур, соя...

Ая, Аҳмад акам кўринмас нега,
Иш билан кетганми ё бирор ерга?

— Ҳа, бу севинчларни билмайди Аҳмад,
Билмайди Абудан келганини хат.

Аммасиникига кетган меҳмонга,
Самарқанд тарафга, Янги қўргонга.

Келса, болам боши осмонга етар,
Бундай хушхабардан севинчи ортар...

Фотима кўнглига бир юпанч инди,
Изтироблар гўё бир сидра тинди.

Абу мактубини ўқиди такрор,
Ҳамда кўзларига суртди неча бор.

* * *

Қоҳирада кечган ул мунозара,
Кўплар хотиридан кетмамиш сира,

Ҳамон йиғинларда баҳс давом этар,
Абдуллоҳ сабоги хаёлдан ўтар,

Баъзилар бошида ранжиб юришди,
Сўнгра тарозига қўйиб кўришди.

Ҳақ сўз рост турганда қочиб бўлурму,
Эътиқод, иймондан кечиб бўлурму?...

Қалъайи Искандар, Қоҳира, Луқсор,
Абу кезар эди такрору такрор.

Янги ҳадислар ва кўп ривоятлар,
Эртаклар, нақллар ва ҳикоятлар.

Борини тингламоқ — тоқат ва чидам,
Ёдлаб олмоқ зарур барчасини ҳам.

Зубайр ал-Ҳомийдий, ибн Иброҳим¹,
Абуга ихлосманд эдилар доим.

«Унинг сиймосида туғма иқтидор,
Бу нав бир истеъдод кўрмадик такрор.

Оллоҳ иқболини қилсин зиёда,
Ва ўзи асрасин уни паноҳида».

* * *

Абу Қоҳирани кезаркан, шу он,
Диққатини тортли китобдор дўкон,

Кўрсаки: «Мадийний», ҳамда «Фардобий»,
Иккита устоднинг нодир китоби:

— Узр, тақсирим, илтифот этсангиз,
Ушбу мажмуъаларни менга сотсангиз.

— Марҳамат, палон пул улар баҳоси,
Сотай майли, агар пишса савдоси.

— Менинг бунчаликка етмагай қурбим,
Маболо арzonроқ бўлурму дердим,

¹ Ал-Ҳомидий, ибн Иброҳим — Абу Аблулоҳининг ҳадисдан устозлари.

— Энг сүнгги баҳоси, иним, шу эрур,
Ахир бу китоблар кўп ноёб дурур.

— Борлию уларни шу нархда олсам,
Ҳамёнимда қолмас сариқ чақа ҳам.

Шу заҳот ўйланиб қолди дўкондор,
Сўнг деди: камига сотмасман зинҳор.

— Не шартингиз бўлса розиман, айтинг,
Майли, ўша нархда уларни сотинг.

— Жазман кўринасиз, эса гап будир,
Ёбонда бир сурув қўйларим бордир.

Кўнсангиз, эртага чиқарсиз йўлга,
Икки кун деганда етарсиз чўлга.

Уч ой муддат ила чўпонлик қилинг,
Сўнг ушбу китоблар сизники, олинг...

Абу не деярин билмасди ҳозир,
Дўкондор шартлари ўйлашга арзир.

Уч ой-ку, ҳа демай, ўтар-у кетар,
Китоблар Абу шуурин бойитар...

Шу заҳот Муҳаммад ул Расулулоҳ,
Абу қўлин тутиб стаклар гўё:

Ўйлар пайғамбарнинг ўша қунларин,
Даштда қўйлар боқиб, қунин кўрганин.

Ахир тириклий эмасдири уят,
Ҳалол меҳнат ила мавжуддири ҳаёт.

Одам ўз ризқини ўзи топса гар,
Бу хил эзгуликлар оллоҳга ёқар.

Китоб рўзи¹ эмас, балки иймондири,
Инсон шуурига китоб ҳам нондири.

¹ Рўзи — кунлик тириклий маъносида.

Унга қўй керакдир ва менга китоб,
Бириси бойликлар, бириси — офтоб.

Менга пайғамбарнинг йўлинни бергил,
Ўша таёқ тутган қўлини бергил.

Дилимни ёритсин покиза бир руҳ,
Қалбимга қуйилсан тоза бир шукуҳ...

Мана, ўша Ёбон, поёнсиз бир чўл,
Абуни келтирган ўша сўқмоқ йўл.

Юрибти бошига тушганин кўриб,
Кундузи қўй боқиб, тунлари қўриб.

Тунлар қизиб кетар чўпон гурунги,
Баъзи ҳикоятлар жуда бурунги.

Абу барчасини тинглар, ҳижжалар,
Баъзи ривоятлар қизиқ бунчалар.

Қиссалар айтишар тонготар қилиб,
Энг қизиқ жойлари эртага қолиб,

Ажиб афсоналар, чексиз оламлар,
Тилга олинади учар гиламлар.

Париваш қизларнинг қошу кўзлари,
Ойни уялтирган ширмон юзлари.

Араб гўзалининг ноз-карашмаси,
Муғанний созининг сеҳрли саси.

Даврада айланар қадим эртаклар,
Ғунчачи аёллар, содда эркаклар.

Сўнгра ҳадисларга келади навбат,
Абуға боқади ғаройиб омад.

Аларни тинглар-у шодликка тўлар,
Гўё бир хазина топгандек бўлар.

Неки эшитибти — ёзар, ўчирап,
Ўзича пичирлар, оққа кўчирап.

Чўл дегани чўпчак, афсона экан,
Чўпонлар ҳофизу девона¹ экан.

Шу тариқа чўлда ўтарди кунлар,
Нақлларга тўла юлдузли тунлар.

Баъзи кунлар ўтин терарди Абу,
Туякашлар келса сотар эди у.

Пулни улашарди муҳтоҷу зорга,
Куни ўтмай қолган ҳоли ночорга.

Ўзи парча нонга қилар қаноат,
Етар-етмасликка айларди тоқат.

Кунлар ўтар эди ипга тизилиб,
Гоҳида уланиб, гоҳо узилиб...

XV. САРОЙ БАЗМИ

Кунларнинг бирида мамлакат шоҳи,
Қоҳира қалъасин пушти паноҳи,

Абуни чорлади сарой базмиға,
Йўқ деб бўлармиди ҳоким азмиға:

Шоҳга етган эди Абу таърифи,
Ўша масжиддаги баҳснинг тарихи,

Шу важдан подшоҳнинг ихлоси ошиб,
Базм оқшомида тўлиб ва тошиб,

Абдуллоҳ шаънига мақтovлар айтиб,
Заррин тўну сарно илтифот этиб,

Ҳамду сано айтиб сийлади чандон ,
Зўр бир ҳурмат эди Абуга чиндан.

Сўнг базм бошланди, ёнар қандиллар,
Беҳад мамнун эди ошуфта диллар.

¹ Ҳофизу девона — ривоят айтuvчилар, қиссаҳонлар мавъносидা.

Баланд тахт ёнида ўлтирап Абу,
Маросим тарзини кузатарди у.

Қадаҳларда ёнар гулгун ранг шароб,
Неча бир шарбатдир, неча бир гулоб.

Руҳни мамнун этар ҳофиз овози,
Дилларни эритар муғанний сози.

Беҳад хушнуд эди Абу Абдуллоҳ,
Билмас эди бу иш савобми, гуноҳ.

Даврада айланар сарвиноз қизлар,
Ёноқлари гулу лаби қирмизлар.

Арабий рақслар этар эди лол,
Киприклар найзадир, қошлари ҳилол.

Абу лол эди-ю, ҳайратда эди,
Жаннатда эди-ю, роҳатда эди...

Сўнгра не бўлганин бўлмайди Абу,
Тонг маҳал ҳужрада ётар эди у.

— Ё тавба, қандайин тушди бу ҳолга?
Қачон тушган эди бундай аҳволга?

Билмайди кулбага қачон келганин,
Оқшом не кечди-ю нелар бўлганин.

Ул завқу сафодан таранг эди у,
Тунги савдолардан гаранг эди у.

Нетсин, — базми жамшид шарофатдир,
Йигитлик фаслининг шижаатидир.

Бунчалик шарқираб тошмаган эди.
Бу хил синоатга тушмаган эди.

Тоату ибодат не бўлди энди?
Наҳотки, ҳаммаси кул бўлди, сўнди?!

Таҳорат олди-ю покланди шу он
Саждага бош қўйли, келтирди иймон,

Оллохга сиғиниб иболат қилди,
Тавба-тазарруни ижобат қилди.

Тонгга яқин күнгли ёришган бўлди,
Толиққан хаёл ҳам ўрнига келди.

Не еди, не ичди билмас эди у!
Билганда бу ишини қилмас эди у!

Балки ёшлик сабаб, балки қизиқини,
Не бўлса ҳам кечди ўйланмаган иш.

Балки уни йўлдан оздириди шайтон,
Ўйлаб охирига етмасди ҳамон.

Не қилинни Абу ўйлади узоқ,
Сўнгра мадрасага йўл олди шу чоқ.

У ерда шогирдлар кутмоқда эди,
Толиби илмлар йигилган эрди.

Ўзини бир лоҳас сезарли Абу,
Ва минбарда зўрга турар эди у,

Хаёлга ғарқ бўлиб турди-ю узок,
Деди: «Макруҳ ҳақда бугунги сабоқ.

Ҳалолки недур-у, не эрур макруҳ,
Бирламчиси эрур — покиза бир рух.

Гуноҳи азмдир, нохуш бир қусур...
Иккинчиси жирканч ҳаром бир унсур,

Абу енгил тортиди ўзини шу топ,
Гўё борлиғида югурди офтоб.

Рухи тоза эди, дили пок эди,
Кайфияти яхши, күнгли чоқ эди.

— Иноят тиларман ўзингдан, тангirim,
Ибодат қиларман ўзингга, тангirim.

Ўзинг пок, тозасан, оллоху акбар,
Ўзинг пок, тозасан, оллоху акбар.

XVI. ЛУҚСОР — ИСКАНДАРИЯ — ҚУДДУС

Қанча сувлар оқди Нил дарёсидан,
Не кунлар кечди Абу дунёсида.

Ҳали Қоҳирада, ҳали Луқсорда,
Ҳали олис чўлда, ҳали бозорда.

Тирикчилик уни айлантиради,
Етар-у етмаслик ўйлантиради.

Баъзан тўқайзорда ўтин терарди,
Оқшомда ётарди, тонгда турарди.

Икки йил қўй боқди ўша Ёбонда,
Ўша қумсаҳрова, ул биёбонда.

Яна Абу учун бошланди сафар,
Кучогини очди шаҳар Искандар,

Денгиз соҳили, ораста кўчалар,
Тирикчилик қайнар туну кечалар.

Келди-кетдиларга йўқдир ниҳоя,
Ўнлаб қиссанхонлар, не бир ҳикоя.

Сўнг Луқсорга ўтар, ошно, биродар,
Масжиди Амирда суҳбатлар қурар.

Баъзида шогирдлар қиласарди меҳмон,
Ўша таниш хужра эди бир макон.

Минглаб ҳалисларни этарди иншо,
Маржон ипларига тизарди гўё.

Абу Саид Худрий ва ибн Ҳаттоб,
Ривоят қолдирмиш беҳад, беҳисоб.

Имом Абу Муслим ва Абу Саҳл¹,
Сўйлаган эканлар неча минг нақл,

¹ Абу Саҳл ва бошқалар Абу Аблуллоҳниң устозларидан.

Абу таҳририда топарди пардоз,
Ғалвирдан ўтарди, бўларди мумтоз.

Тонглар отар эди ва Абу бедор,
Не бир ҳофизларни тингларди такрор.

Сўнг эрта саҳарда тушарди йўлга,
Ўша юлғунзорга ва ўша чўлга.

Фақирлик тинкани қуритди бутун,
Қалъан Куддусга йўл олди бир кун.

* * *

Карвои кетаётир Қуддусга томони,
Қўнғироқлар вазмин жаранглаб ҳамон.

Шаҳарларни боғлаб бир-бири билан,
Улаб бир-бираининг тақдири билан.

Абу ҳам кетаркан, униқиб ғоят,
Шу маҳал юз берди туйқус бир ҳолат.

Бирдан оғриб қолмиш тевакаш¹ ул чол.
Дарднинг шиддатидан аҳволи ночор.

Одамлар билмасди не қиларини,
Саросима босиб ёшу қарини.

Чол бўлса инграрди ожиз, bemажол,
Барчани ташвишга солди бу аҳвол.

Сўнг кимдир Абуни қилди хабардор,
Қорин оғригидан додларди бемор.

Асал келтиришни буюрди Абу,
Тезда едиришни таъкидлади у.

Абу айтганини бажариб алҳол,
Шу аснода тинчиб, ухлаб қолди чол...

¹ *Тевакаш* — туя стакловчи шахс.

Ногоҳда ул китоб тушди-ю ёдга,
Абуни бошлади олис Бағдолга.

Ҳадис дарёсида кезиб бир ғаввос,
Тиббий ривоятлар пардозу Эъзоз.

Кўнгилга қуюлиб бир тоза булоқ,
«Тиббиёт китоби» аталиб у чоқ,

Ул «саҳиҳ» жилдларга бўлиб бирbezак,
Абу салоҳини қилганди юксак.

Борди-ю кафингга кирса бир тикан,
Етмиш икки томир зирқирап экан.

Ўнлаб китобларни варақлар Абу,
Тибдан ривоятлар тинглар эди у.

Не бир табиблардан ўтганди сабоқ,
Не бир гиёҳларни саралаб у чоқ.

Инсон сиҳати деб тунлар уйқусиз,
Нодир ихтиrolар яратиб туйқус,

Не бир касалларга топаркан даво,
Гўё топар эди янги бир дунё.

Абунинг шодлиги бўлур бир жаҳон,
Ўлим чангалидан қутулса инсон.

Ахир, бу оллоҳнинг иродасидир,
Эзгуликнинг ноёб ифоласидир.

Лиму, каннич ҳамла седана, мўмиё...
Табобат илмидир -- ўзи бир дунё.

Беморга ичирмоқ түя сутини,
Ҳамда қон олирмоқ хосиятини.

Иби Зубайрнини сутли хўрдаси,
Тоғ ҳавоси ҳамда жўжа шўрваси.

Анас иби Модик ва иби Аббос,
Пайгамбар сўзига қилиниб ихлое,

Тиббиёт руҳидир — ривоятларни,
Қадим нақлиёту ҳикоятларни,

Амал ҳосиласин айлади баён,
Не бир сўнник руҳга бағишлади жон...

Мана, рўпарада — қалъайи Қуддус,
Бир дарё сингари кечаю қундуз.

Тинмас карвонларнинг келди-кетдиси,
Шомлар ором олиб, тонглар отгуси.

Қулдусга етгунича хаёлдай узун,
Тақдир йўлларида кезиб туну қун.

Увайсий тариқин сўқмоқларида,
Ҳижознинг яқину йироқларида.

Неча азизларнинг номлари тилда,
Тунги чироқлардек ёришиб дилла.

Устозлар ёдини қилас Абдуллоҳ,
Жойлари жаннатда бўлсин, илоё.

Маъсуд ал-Ансорий ва ибн Сумра,
Ибн Ас-Сомитдир ва ибн Ужра,

Амир аз-Замирий ва ибн ал-Аввом,
Ибн ал-Хусайн, ҳаким ал-Ҳизом.

Жобир ал-Абдуллоҳ ва ибн Мутъим,
ва Умму Ҳониъга¹ минг таъзим этгум.

* * *

Икки юз йилдирки араб дунёси,
Не шаҳру водийси, чўлу саҳроси,

Абу Абдуллоҳнинг кезиб, кўргани,
Тинмай айлангани, тинмай юргани,

¹ Муҳаммад пайгамбар С.А.В. даврида ўтган ҳадисшунос олимлар.

Гүё бир эртакдир, гүё афсона,
Зарнигор безакдир, зеби-фасона.

Сурёндан то Макка, Нилдан то Бағдод,
Саноқсиз манзилу, саноқсиз работ,

Қирларда чечаклар очилган мисол,
Осмонда юлдузлар сочилган мисол,

Нурда ярқираган олмос доналар,
Ҳадислар, ҳадислар — ул дурдоналар,

Сочилиб ётмишdir бир чаман бўлиб,
Не бир хазиналар, сандиқлар тўлиб.

Тонгги ёғду бўлиб таратар зиё,
Офтоб нурларидаи сочилаr гўё...

Ушбу уммон ичра кезаркан Абу,
Гавҳар зарраларни терар эди у.

Ҳар ҳадис айтувчи — мевали дунё,
Сиякитсанг — «дув» этиб тўкилар гўё.

Шаҳру саҳро кезиб, қиру чўл кезиб,
Неча сўқмоқ кезиб, неча йўл кезиб,

Икки юз минг ҳадис дилга этиб жо,
Хазина йигмишди тенгсиз, бебаҳо,

Қай подшоҳда бордир бунча жавоҳир,
Қайси бир ҳокимда, қай юртда бордир...

Ўшанда айтганди Дохилий устод:
«Ўгитим унутма, олгин уни ёд,

Арабистон асл ҳадис макони,
То умринг борича тингларсан они.

Ҳадис илми бошда унда туғилган,
Унинг хамири ҳам унда йўғрилган.

Деганимни ижро этмоғинг керак,
Ул «Байтул ҳикма»га этмоғинг керак».

* * *

Арабистон, йўлларинг бунчалар олис,
Йўллар ўтган чўлларинг бунчалар олис,

Борса-келмас жойларинг, саҳроларинг кўп,
Ажойибу гаройиб дунёларинг кўп

Айтса адо бўлмас минг бир кечалар,
Сехрлию сирли экан бунчалар...

Кеча оқшом карвон чиқди Куддусдан,
Абу билиб қолиб буни туйқусдан,

Дамашқ сафарини қилди ихтиёр,
Тужкор аҳли ила ҳамроҳ, устивор,

Олис манзилларни яқин қилувчи,
Қоронғу тунларни ёрқин қилувчи,

Турфа шаҳарлару юртни боғловчи,
Эзгулик тарқатиб юрувчи элчи.

Йўқни бор қилғувчи фидойижонлар,
Фойдани кўзлаган ишбилармонлар,

Мардлиги ҳам бордир ва очиқ кўнгил,
Абу оғирини қилишар енгил.

Бугун яна бирга эски улфатлар,
Ўтган, кетганлардан қуриб суҳбатлар,

Янги манзилларни кўзлаб боришар,
Оқшомлар ортидан тонглар ёришар...

Абдулоҳ хаёли ҳамон Куддусда,
Ўша ёлгиз ҳужра ҳамонки эсда.

Бу манзилда ўтган тўрт ойлик ҳаёт,
Унинг хотирида қолди умрбод.

Түрт ой дўконларни кезди пайдар-пай,
Жобир¹ китобини излади тинмай.

Уни излаганди Қоҳирада ҳам,
Юзлаб китоб турган заҳирада ҳам.

Қолмади Луқсору Искандария,
Дўкон деганининг кирди барига.

Афсус, Қуддусда ҳам топилмади у,
Яна ушалмади дилдаги орзу.

Аммо, давраларда неча соатлаб,
Тинглаб, англагани ул ривоятлар,

Берарди кўнглига бир таскин, овунч,
Ҳар сұхбат пардаси эди бир севинч.

Ҳар битта қиссаҳон, ҳар бир қаландар,
Баъзида то қуёш чиққунга қадар,

Одам Атодан то ул Момо Ҳаво,
Лайлию Мажнундир, Йосуф — Зулайҳо,

Баъзида Абдуллоҳ лол қолар эди,
Сеҳр гирдобида ром бўлар эди...

Ширин хаёлларга ғарқ бўлган Абу,
Тонг отса ҳам кўзга келмасди уйқу...

* * *

Дамашқда, ҳужрада ётаркан Абу,
Устод Дохилийни тушда кўрди у.

Кўнгил кўзгусида мўйсафид бир чол,
Ранглари сарғайган, униқсан бир ҳол.

Ўша чорпояда, баланд сўрида,
Кичик айвончада, ҳовли тўрида.

¹ Жобир — Жобир иби Абдуллоҳ — номдор мударрис, 1540 ҳадисини ҳикоя қилиб ташилган олим.

Кимнидир кутарди эшикка қараб,
Атрофга боқарди күзлар жовдираб.

Чарчоқ қиёфада ўлтиради жим,
Гапларини айтиб бўлгандир балким.

Абу Абдулоҳни кўрди-ю, шу чоқ,
Қўлларини ёзиб, очгандек қучоқ,

Сал руҳи ёришиди, сабр ва бардош,
Сўнгра киприклардан сирқиди кўз ёш.

Негадир ҳовлида бир ўзи танҳо,
Бир нима демоқчи бўлар шу асно.

Балки гапиришга етмас мадори,
Борлигини эзар кўнгилнинг зори.

Чорпоя ёнига борди Абдуллоҳ,
Устод аҳволини сўрмоқчи гўё,

Шу заҳот қарангки, атроф гумбурлаб,
Қоп-қора булувлар тўзғиб, гуруллаб,

Босиб келар эди шиддатли тўзон,
Бир қуюн ичидагандин осмон,

Бир маҳал устози кўринмай қолди,
Гўё тўзон ичра қолиб, йўқолди.

Ҳовлини қоплаган булувлар аро,
Абу Дохилийни изларди танҳо,

«Устод, қаердасиз?» чақиради у,
Овози етгунча бақиради у...

Шу заҳот уйғониб кетсанки, тушдир,
Ё раб, не ҳодиса, бу не ташвишидир.

Абу лаҳшат ичра қалтирад эди,
Коронғу хужрада ўлтирад эди.

— Иноят тиларман ўзингдан, тангрим,
Ибодат қилтарман ўзингга, тангрим.

Үзинг раҳнамосан, эй парвардигор,
Ва ўзинг паноҳсан, эй парвардигор.

Ўзинг кечир, ё раб, гуноҳимизни,
Балолардан ўзинг асрарин бизни.

Ўзинг пок, тозасан, оллоҳу акбар,
Ўзинг пок, тозасан, оллоҳу акбар.

XVII. ДАМАШҚ

Зангори товланар Дамашқ осмони,
Мовий бир ранг тутмиш гўё дунёни,

Ер узра ёғилар қуёш нурлари,
Тонг маҳал порлаган ёғду сингари...

Масжиди жомеъда одамлар тиқин,
Ҳадис мақомига аталган йигин,

Неча мунозара, неча тортишув,
Не бир алломалар аро айтишув.

Баҳснинг на бошию, на охири бор,
Ўша бир масала ҳар сафар такрор.

Бу дафъя Абуни этишди таклиф,
Бир муҳаддис уни қилганди таъриф.

Яна мунозара бошланди шу чоқ,
Яна ўша баҳсдир, чўзилди узоқ.

Сўнг минбарга чиқди Абу Абдуллоҳ,
Ва бирдан тинчиди аҳли уламо.

Кекса бир муҳаддис бошлади савол,
Ва мақсадни баён айлади дарҳол:

— Тақсирим, Муҳаммад алайҳиссалом,
Бир куни дептилар: Эй, ҳакир авом,

Эшитинг — «Алфақру фахрий» нимадир,
Ва унинг имлоси, маъноси надир,

Яна дентиларки бир куни лутфан,
«Кадал фақру ан якуна қуфран»¹.

Бирида — яхшилик, бирида — ёмон,
Бир ёғи кофирилек, бир ёқ — мусулмон.

Унда ҳам, бунда ҳам бир сўз — фақирлик,
Инсонни безовчи ўша ҳақирилек,

Мухолиф эмасму бири —бирига,
Тушунмадик, тақсир, бунинг сирига?

Абу Абдуллоҳ жавоб қилди шунда:
— Мен ҳеч мухолифлик кўрмадим бунда.

Кимки фақр бўлса — ул фақр эрур,
Кимки они бузса — ул кофир бўлур.

Бир кун парвардигор осмон қатида,
Фақрни яратди қуш сувратида.

Деди: кезиб чиқғил бутун оламни,
Ҳамда тониб келғил фақр одамни.

Фақр олам кезди неча ойу йил,
Ва ўнта манзилга ул бўлди дохил:

Арши Аъло, қурсий, Жаннат макон ҳам,
Офтобу, Ер, ҳамда Ҳазрати Одам,

Нуҳ пайғамбар, ҳамда Иброҳим, Мусо,
Яна бир манзилдир — пайғамбар Исо.

Барчасида фақр эмиш бир эҳсон,
Ҳамла мавжуд экан турли хил нуқсон.

Мұдаммад пайғамбар — энг сўнгти манзил,
Ва фақр шу ерда муроди ҳосил:

¹ «Алфақру фахрни» — «фақирлик манинг фахримдур». «Кадал фақру ан якуна қуфран» — «фақирлик кофирилекга стқурмогин ҳавфи бордиր».

— Мақсадимга етдим, ё Расулуллоҳ,
Сен ўзинг экансан баридан аъло.

Сенинг-ла қолурман энди умрбод,
Оллоҳ иродаси — шу асл мурод.

Кимки чин Фақрдир — ул Фақр эрур,
Кимки ёлғон Фақр — ул коғир бўлур.

Барча тинглаганлар эди ҳайратда,
Бу юксак иқтидор эди фоятда.

Ҳамма Абдуллоҳга қиласарди таъзим,
Бу сифат билимга ихлос ҳам лозим.

Абу ҳам мамнундир ва дили равшан,
Бир қуш қанотида кезарди руҳан.

* * *

Абу хурсанд бўлиб ҳужрага қайтди,
Бир ўзи ёлғиздир бу оқшом пайти.

Шовқинли дунёдан бўлганди холи,
Шу маҳал Бағдодга кетди хаёли.

Ҳамон ёдидадир ул сўнгги суҳбат,
Шогирди Маснадий топиб бир фурсат,

Абу ҳузурига келганди у чоқ,
Иккиси баҳслашиб ўлтириди узоқ.

Маснадий деганди: устози азиз,
Шогирлар не қиласар — ҳали билмайсиз,

Йигирма талаба бирга бўлиб жам,
«Ҳадис» китобингиз кўчирдик бу дам.

Иккита нусхадан — бўлди қирқ нусха.
Биттаси Сиз учун эсадалик тухфа.

Бирин Халифага этишиди инъом,
ва Имом Муслимдир, ҳам Шайх-ул Ислом,

Хуллас, тарқаб кетди бутун Бағдодға,
Мачиту мадраса, өлу әлатта.

Барча ўқиганлар қылыштар ҳайрат,
«Саҳиҳ» услубида тоиминидир шұхрат.

Имон Аи-Насорий ва Ибн Ҳәйбал,
Сизде сажда құлманиң ҳаммадан аввал.

Язды Ибн Можа, Исоқ Иброҳим,
Бори ерла Сизни мақтапар доим.

Бизнинг ділімизда беҳал ифтихор,
Олдоқ умрингизни қылсан пойидор...

Маснадий сўзини әсларкан Абу,
Шунда кўнгли тўлиб фаҳр қилди у:

— Агарки шунчалик топмиш эътибор,
Иккинчи китобни тугатмоқ даркор...

Тўрт йил бўлмоқдалир бу гапларга ҳам,
Ўйласа ҳайратта тушади одам.

Сувлар оқмоқдадир, умр ўтмоқда,
Офтоб ботмоқдадир, тонглар отмоқда...

XVIII. ДАШТИ КАРБАЛО

Карвон кетаёттир, вақт ўтмоқда,
Қүён тикка келиб, авжга етмоқда.

Кўккап ёғымоқда бетиним иссиқ,
Бир манзил кўринмас ошу әек ҳордик.

Турғомон сафро ли, тирсендаки аз қум,
Ғармесел шафқатен әйтмоқ да ҳужум.

Ори жақиб кесиң Дамадиқ, болари,
Қузарин құнанған тұғырқодары...

Хәмниң бұ, шайдай, карвонта ҳамдам,
Кептө борар оли шу чөк Абу ҳам.

Бир саҳро эдики, поёнсиз, сўнгсиз,
Қақраб ётар эди бир чакра сувсиз.

На чеки бор эди, на чегараси,
Ер узра кезарли олов нафаси.

Бирори дедики: «Дашти Қарбало,
Доимо шундайdir бу қадим дунё».

«Ошиқлар манзили» — аталмиш бу жой,
Беҳад афсонаю эртакларга бой.

Ҳаёт руҳи сўнгган, сўлғин бир макон,
Йўловчилар учун доим имтиҳон.

Мана — рўпарада «Якка қайрагоч»,
Бори бир қудуқdir ва ёлғиз оғоч.

Карвои қўр ташлади қудуқ бўйига,
Ва пақир ташланди унинг суйига.

Хайрият, дунёда сув деган неъмат,
Худонинг қудрати — бу оби раҳмат,

Агар топилмаса ерниңг устида,
Топилиб қолади унинг остида.

Пақирда мавжланган заррадек тўлқин,
Одамлар кўксига теккан бир салқин,

Не бир ибодатга арзирли ҳолат,
Оллоҳнинг шаънига тоат, ибодат...

Ажиб бир йўсинда Абунинг ҳоли,
Ўзга бир дунёда эди хаёли:

Іоз бор эшитгани — ўша саҳро бу,
Ўша — ишқ саҳроси, ўша дунё бу.

Қўз олдига келар Лайли ва Мажнун,
Ўша мубталолик, ишқ ичра жунун...

Баҳор айёмидир бир гала қизлар,
Ўша оху сифат, лаби қирмизлар.

Келмишлар сахрога — лола сайрига,
Жўр бўлиб Лайлиниң истак-майлига.

Лола теришаркан қучоқ ва қучоқ,
Лайли Қайсни кўриб қолади шу чоқ.

Гуллар орасига яширингани Қайс,
Ўзини йўқотиб қўяр шу нафас,

Қизил гулдек яшина турарди Лайли,
Яшина, гул лолалар терарди Лайли.

Гўё рўнарада ўн тўргу кунлик ой,
Ё раббим, бир қизда бунчалик чирой.

Ақидан оздирар шаҳло кўзлари,
«Хой, сенга не бўлди?» — деган сўзлари.

«Билмасликка олма ўзингни, Лайли,
Қалбимга киргандинг ўша маҳали...

Ишқ дардила куйган бир мубталоман,
Ишққа мубталоман, дили яроман.

Борлигимни чирмаб сочинг толаси,
Дилимга қийилиб ишқ шалоласи,

Лайли деган отинг куйдирап мени,
Ҳусну малоҳатинг куйдирап мени.

Куйиб тамом бўлди куйгани таним ҳам,
Наинки танимдир, устихоним ҳам.

Сенинг кўзларингни кўрганим замон,
Гўзал бўлиб кетди кўзимга жаҳон.

Ибодат — муҳаббат маъбудасига,
Ибодат — оллоҳининг иродасига.

Инсонга ишқ ато этгани учун,
Ва инсон шу кунга етгани учун,

Муҳаббатсиз ҳаёт жоҳилиятдир,
Ва ҳаёт маъноси ишқ-муҳаббатдир.

Бунча гүзәлликни ким берди сенга,
Ишкәда азалликни ким берди сенга.

Юзинг офтобидан қамашар күзим,
Номингни айтишдан адашар сүзим».

Лайли кулар эли қаңқаһа уриб,
Бечора ул Қайснинг ҳолини күриб,

Ёнарди бир ёқда уннинг дили ҳам,
Сўзлан адашарди уннинг тиљи ҳам.

Қайсга, фақат Қайсга тикилар эли,
Кўнгилда ишқ ўти ёқилар эли.

Лайли жамолига ром бўлиб чунон,
Қайс ҳушин йўқотиб, йиқилди шу он.

Қиз бир ерга йигиб ўз бардошини
Тиззасига олди Қайснинг бошини.

Шу дам ишқ қўшиғин тинглади лунё,
Қайснинг қулогига келур бир иидо;

— Кўзим қарогида бўлса қарошини,
Мудомки қўйнимда бўлсаиди бошинг.

Ёниқ лабларингга қўйсам лабимни,
Сенга бағишлиласам эрли танимни.

Сенки куймоқдасан, мен ҳам куярман,
Сенки сўймоқдасан, мен ҳам суюрман.

Сенинг бағринг ёққан ўша алангага,
Гоҳо сени қўйиб, ёпишар манга.

Ақлинг адаштганда ақлим адашар,
Сени ёққан олов менга тутошар.

Иккимиз қўшилиб ёнамиз шунда,
Ишқ зарраси бўлар ҳар бир учқунла.

Фунчани очмоқдир булбул муроди,
Булбулга етмоқдир фунчанинг ёди.

Сен бир дарёсанки тұлыб оқарсан,
Үчирмоқ ўрнига баттар ёқарсан,

Севгига заррача шафқатинг йүқму,
Күйлирмоқдан ўзға одатинг йүқму.

Мен иоқис сўйларлим, ҳозиржавобсан,
Вале мажиунсану, олийжанобсан,

Қулоғинингта қўйғил дилим ризосин.
Қовунмоқ эмасми ишқнинг жазоси?

То Жунун қўлмаса, ул ишқ эмасдир,
То Жунун бўлмаса, ошиқ эмасдир,

Занжирдан кўрмагил жунунлиғингни,
Менга ҳам юқтириғил мажиунлиғингни.

Муродим шулдиру муддао шулдир,
Ибодатим шулдир ва дуо шулдир...

Шу заҳот узилиб хаёлнинг тори,
Тугади Абунинг сабру қарори.

Кўз олдига келди ўша сўлим бօғ,
Гўзал Фотимани учратган у чоқ...

Ҳушини йўқотган Қайсеми, ё Абу?
Бир ҳаяжон ичра турар эди у.

Ул қиз Фотимами ва ёки Лайлю?
Бир зумда ўзгариб кетдими дунё?

Абу билмас эди бу қандайни ҳол?
Гирдобга ўралиб, кетганиди хаёл...

* * *

Юзлаб қиссаларни тинглади, аммо,
Лайлию Мажнун бу — яккаю танҳо.

Ахир, ким кўргандир қаерда, қачон,
Ишқдан куйиб жунун бўлганин инсон?

Үзинг ажрим қилғыл, Еттинчи Осмон!
Қай бири қудратли — ишқми ё инсон?

Шафқат қымоқликка етарди кучинг,
Бунча күйи балга солдинг не учун?

Күз олдига келар занжирабанд Мажнун,
Кишанга солмашлар севгани учун.

Азалда яратиб үзинг инсонни,
Сени улуғловчи заҳматкаш жонни,

Үзинг баҳш этгандинг унга эзгулик,
Иноятинг эди деса — дегулик.

Үзинг ҳаёт бердинг, үзинг бердинг ризқ.
Үзинг эрк бердинг ва үзинг бердинг ишқ.

Нега энди раво кўрдинг занжирини?
Үзинг берган ишқа бунча таҳқирини?...

МУНОЖОТ

Сирли афсоналар учқур қаноти,
Самоларда кезиб хаёлнинг оти,

Борлиқ шууримни қамраб ҳаяжон
Шавқи-ҳиссиётим этиб бир жаҳон,

Дашти Карбалога қилди рӯбару,
Нигоҳим ўнгига сеҳрли кўзгу.

Сокин бир манзиллир, ҳудудсиз ёбон,
Жазира маҳалла сархуш биёбон.

Гўё сўниб қолмиш бу ерда ҳаёт,
Қавжироқ ҳолатла бутун мавжудот.

Лаҳзалар, хаёлда чарх ураг түфён,
Кумларга беланган занжирабанд инсон.

Бу-ўша... йўқликка михланган Мажнун,
Дунёга сифмаган саҳроийи-жуунун.

Бир лаҳза тарқ өтар мени ақл-хүш,
Гүё күрмөқдамен гаройиб бир туш.

Қайдадир шу заҳот нола қилар най,
Асаб торларини пора қилгудай.

Юракни титратган мунгли бир наво,
Ботиний бир алам, ул акси садо...

Най нола қиларди, күзларида ёш,
Дардли оҳанглардан эрир эди тош.

Кўз ёшлир, лаҳзала дарёйи қулзум,
Тўлқинилар мавжида кўз ёшу тош, қум.

Борлиғим зирқирав, руҳим афтода,
«Сайёralар тинчми, — дейман, — самода?»

Акс-садо беради еттинчи осмон!
«Кимдир ул сахрова занжирбанд инсон?»

— Мажнун! Мажнун! — дейман, — ишқнинг
гадоси?

Ўшал араб қизи Лайли шайдоси.

Севги оташидан куйган, дили хун.
Эс-хушин ўйқотган, савдойи жунун...

Қайдадир ҳамонки нола қилар най,
Юракни қайчилаб пора қилгудай.

Мунгли бир ноладир ерда, осмонда,
У етмаган манзил йўқдир жаҳонда.

Най нола қиларди... күзларида ёш,
Кўз ёш гирдобида мендаги бардош.

Бу — най ноласимас, Мажнун фарёди,
Даштни жинни қилган ошиқнинг доди.

Мусиқий осмоннинг қабатларида,
Коинотнинг олис сарҳадларида.

Сирли оҳангларни тарап самоват,
Нотинч сайёralар қилур муножот¹.

Мажнун қисматига дахлдор само,
Унинг занжирларин малҳ этар гүё.

— Лайли! — уни излар малоикалар,
Борлиқни чарх уриб айланди алар.

Ерла ва самода йўқ ундан ларак,
Яна қаерлардан изламоқ керак?

Табиблар келишдий Мажнун қошига,
Шафқат кўз ёшлари — сабр, бардошига.

— Мажнун, кел, танингга урайлик наштар,
Иншолло, тузалиб кетгайсан магар.

— Кўйинг, озор чекар Лайлиниг жони,
Мен-мен эмас! Менда — Лайлиниг тани.

У — менинг қонимда ва жонимладир,
У — менинг жонимда, жаҳонимладир.

Лайли — Лайли эмас, Лайли Мажнундир,
Мен — жунун эмасман, Лайли жунундир.

Асли ундан етмиш менга мажнунилик,
Мендан эса унга юқмини жунунилик.

Икки танда битта қои айланади,
Иккисила битта жон айланади.

Менга наштар урсанг, Лайли қилур дол
Унга наштар тесса, қилурман фарёд.

Мен жунун эмасман, инққа мубтадо,
Инқ — ўзга, инқизилик — ўзи бир лунё.

Севги оловида ёнган бир жунун,
Бир қабрда ётган иккита мажнун.

¹ Нифағор ўтиқодига кўра, сайёralардан боринъка турли оҳанглар тарашиб туради.

Дунё менинг эмас, мен ул дунёниң,
Адолат ёлғондир, лек бир рүёнинг

Роҳат азобидан кетғанман тўйиб,
Ётибман дўзахнинг ўтида қуиб...

Кўзим қамаштирган камалак ранглар,
Қулоғимда мунгли, завқли оҳанглар.

Боғу чорбоғим ҳам, тоғу тошим ҳам,
Осмоним, юлдузим ва қуёшим ҳам.

Саҳрою қирларим ва денгизим ҳам,
Олтину гавҳарим, кўрар қўзим ҳам —

Ҳаммаси Лайлидир, борим Лайлидир,
Аламим, кўзёшим, зорим Лайлидир.

Менинг дунём йўқдир Лайлидан айри,
Мосуво жунунман Лайли туфайли.

Мени шу кўйларга солгани учун,
Сарсону саргардон қилгани учун,

Ошиқни телбага йўйгани ҳаққи,
Ва занжирга солиб кўйгани ҳаққи,

Қўлимдан келса-дунёни бузардим,
Бузиб, бузиб, уни қайтадан тузардим!

Шу заҳот бир тўфон қўзғалди гўё,
Тўлғангандай эди шовқинли дарё.

Қумлар тўлғанарди бир гирлоб бўлиб,
Еру кўкни қоплаб, гирлибод бўлиб.

Най иола қиласи қумлар қаъридан,
Мусиқий наволар саҳро бағридан.

Лайлига мадҳия айтар эди қум,
Мажнунга марсия айтар эди қум.

Лайли қисматига йиеларди саҳро,
Жаҳолат кўксини тиғларди саҳро...

Севги-севги эмас мажнун қилмаса.
Занжирга солмаса, жунун қилмаса.

Ишқ ҳеч ишқ бўлмагай сўлдирмаса то
Оташларга солиб, ўлдирмаса то.

Ишқ на ишқдир — бўлмаса қурбонлар,
Ва мажруҳ бағридан оқмаса қонлар.

Ишқнинг дард-аламин қуйлар самовот,
Дашти Карбалода йиғлар муножот.

Лайли, Мажнун ўтди, келмасалар қайтиб,
Биз юрибмиз эски чўпчакни айтиб.

Бир замон саҳрода бошланди гирлибод,
Хору хас чирпирак, қўрқинч бир фарёд.

Қол-қора қуондир, қол-қора тўзон,
Бир-бирига қўшилиб кетди ер-осмон.

Ул қаро гумбазнинг олис қаъридан,
Гирдобга айланган саҳро бағридан

Бир мунгли овоздир... гўёки борлиқ,
Йиғларди, бунчалар дардли ва бўғиқ.

Само йиғлармиди, жунунми йиғлар,
Ажабки, бир-бирин бағрини тиглар.

Кумлар йиғлармиди ва ёки Лайло,
Фақат саҳроми, ё бир бутун дунё?

М а ж н у н :

Шам бўлсанг, парвонанг бўлсайдим кошки,
Дилинг дарду аламини олсайдим кошки.
Пойингта бошим қўйиб ўлсайдим кошки,
Бу дунёни остин-устун қиласайдим кошки.
Қайдасан, қайдасан, Лайли қайдасан?

Кумларнинг бағридан фигонинг келур,
Ҳижронда ёнган мингдан бир жониниг келур.

Ерданму самоданму афғонинг келур,
Ёноқ узра кўз ёшму, ё қонинг келур,
Қайдасан, қайдасан, Лайли қайдасан?

Сен бўлмасанг дунёда, дунё не керак,
Дашту биёбон нега, саҳро не керак,
Адо бўлган жунунга адо не керак,
Бозорим касод бўлган, савдо не керак,
Қайдасан, қайдасан, Лайли қайдасан?

Л а й л и :

Яна бир бор биз тарафга келсайди баҳор,
Сенинг билан қирлар аро юрсайдим такрор.
Қисматда битилгандир кўришмоқ дийдор,
Иккаламиз бир қабрда ётармиз зинҳор.
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Тангри минг инояти етсайди бизга,
Бир бор кўришмоқ насиб этсайди бизга,
Оғумас, ишқ шаробин тутсайди бизга,
Шоир бир муножот айтсайди бизга,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Инсон турлуқ иблисларга саноқ йўқ бугун,
Дунё битта арқондирки, борлиғи тугун.
Тангри, нечун аёл баҳти бунчалик нигун,
Борлик олам куйиб кетсин разолат учун,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

М а ж н у н :

Йиглай десам, ажабки, кўзимда ёш йўқ,
Йигламасдан турарга менда бардош йўқ,
Бу не хўрлик — бошимни уурға тош йўқ,
Магар бошим тош бўлса, билгилки, бош йўқ,
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Не замонки, рост гапга юрмаса қалам,
Бағритошлар қилмишидан дилда алам,
Эй, Аллоҳим, етмасму сенга бу нолам,
Биз ожиз-ку, наҳотки ожизсан сен ҳам,
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Дўзахларда куймогим бор, ибодат қилғил,
Минг бор ёд олганимга бир бор ёд олғил,
Тан биттадир, жон битта — билмасанг, билғил,
Мен — ёмон, бородурман, сени яхши қолғил.
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Л а й ли :

Фарёдларинг келур менга нарғи дунёдан,
«Лайли, Лайли, Лайли!» — деган бўғиқ нидодан,
Не бўлса ҳам, сендан эмас, кўрдим Худодан,
Сени жунун леганлар ҳам топсин Оллоҳдан,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Хижрон бизни ўлдиргунча ишқ ўлдирсин,
Ёмон бизни ўлдиргунча ишқ ўлдирсин.
Замон бизни ўлдиргунча ишқ ўлдирсин,
Осмон бизни ўлдиргунча ишқ ўлдирсин,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Лайли, деб адо бўлдинг, марҳаматли Қайс,
Дунёдан жудо бўлдинг, марҳаматли Қайс,
Ишқимга подшоҳ бўлдинг, марҳаматли Қайс,
Подшоҳликда гадо бўлдинг, марҳаматли Қайс,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

М а ж н у н :

Тангрим, ўзингдан бўлак паноҳим йўқдир,
Иллоҳки, ишқдан бўлак гуноҳим йўқдир.
Фақат Лайли! Ўзга бир гувоҳим йўқдир,
Ишқ гар илоҳий бўлса, илоҳим йўқдир.
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Ёлвориб, иймон сўраб қодир Худодан,
Мурувватсиз қаҳр, гирдобли дарёдан,
Эзгуликни ўлдирган юзи қародан.
Кетяпмиз, бевафо, омонат дунёдан,
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Бир Лайлининг ўрнида минг Лайли пайдо,
Ва ҳаммаси, ҳаммаси Мажнунга шайдо,

Яна ўша ибтидо, ўша интиҳо,
Яна ўша бедодлик... дашти Карбало,
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Ла й ли:

Биз энди кетмоқдамиз йўқлилкка сари,
Кум-тўзон этагила зарра сингари.
Етти қават ер нима, ундан ҳам нари,
Минг фарёдким, биз учун тугади бари,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Дунёни титратган мунгли бир нидолик,
Куийб чўғ бўлган, ҳам қул бўлган адолик,
Ақлдан оздирган ўшал мубталолик,
Фидоликни рад этган қайсар фидолик,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Биз бу ерда не кўрдик, жаннатда не бор,
Шунчалик кенг даргоҳинг бизга бўлди тор,
Ўн саккиз минг оламга сифмаган озор,
Сўнгги тавалло сенга — дўзахга юбор!
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Мажнун:

Биз кетаяпмиз бу ёруғ оламни ташлаб,
Қўлла бағри қон ишқининг чирогин ушлаб,
Лайли, Мажнун — афсона **буғундан бошлаб**,
Қабримизда чечаклар гирён кўз ёшлаб,
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Биз кетдик vale қолсин Тоҳир, Зухролар,
Нокаслар қасдига — Юсуф, Зулайҳолар,
Қолсин Фарҳоду Ширин — севгига фидолар,
Бир кун келар, ё насиб, нурли дунёлар,
Қайдасан, қайдасан, Лайли, қайдасан?

Ла й ли:

Бизга насиб этмаган — сизларга этсин,
Бизга этмаган меҳр сизларга этсин,
Ишқизликни ишқимиз уволи тутсин,

Бизни күйдирған дунё күйиблар кетсін,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

Биз кетурмиз, чаманлар бўстонлар қолсин,
Ишқни ёниб куйлаган достонлар қолсин,
Ям-яшил Ер, зангори осмонлар қолсин,
Қайдасан, қайдасан, эй Қайс, қайдасан?

* * *

Алвидо, эй Лайли, эй Қайс, алвидо,
Афтода руҳларни тинчит, эй Худо!

Алвидо, эй менинг баҳти қароларим,
Тақдирнинг тифидан дили яроларим.

Сиз йўқсиз, боғларда хазон нафаси,
Баҳорда сарғайган япроқлар саси.

Ўша — баҳтсизликнинг қадим дунёсида,
Ишқ ҳамонки азалик либосида...

Шу замон осмоннинг олис бағридан,
Куюнга айланган қумлар қаъридан,

— Шоир, нега жимсан? — деган бир нидо
Борлиқни ларзага келтирди ногоҳ...

— Шоир ким? — у — туғён, асабий туғён,
Ишқ учун у — фифон, фифондир, фифон!

Мен — Лайліман, мен — Қайс легани учун,
Ишқ ҳамон занжирда замонга тутқун.

Алвидо, эй, Лайли, эй, Қайс, алвидо,
Афтода руҳларни тинчит, эй Худо!

* * *

Чўл тугади, энди буёғи осон,
Карвон кетаётир Басрага томон.

Аланга ичиди Абу хаёли,
Жунунга ўхшарди унинг аҳволи.

«Занжирга солинган Жунунми, Абу?» —
Қалбига бостириб кирап шу түйфу.

— Нелар билан машғул Фотима ёлғиз?
Үша олисдаги ярқироқ юлдуз.

Танҳолик даштида ғарифми экан?
Ҳалиям мени деб юрибми экан?

Қанчага етаркин сабру бардошинг?
Оғзингда ошингү, күзингда ёшинг?

Мен ҳамон ўшаман, бевафо Абу,
Дардига чорасиз, бедаво Абу.

Чегараси борми бағритошликтини,
Бағритошликтиниу күнглиғашликни.

Наҳотки, шунчалик хирадир тақдир?
Ва унинг йўллари шунча йироқдир?

Наҳот иешонага шуни битгандир?
Хижрон иншосини ёзиб кетгандир?

Ўртада дарёдир, иккита қирғоқ,
Улар бир-биридан шунчалар йироқ...

Кўз олдига келар дашти Карбало,
Ҳамон ул гирдобда айланар гўё,

Ўша афсонавий араб сахроси,
Ошиқ-маъшуқларнинг сирли дунёси.

Қирғонидан тошган сабру бардошлар,
Дарёга айланган ўша кўз ёшлар...

Фотима, ушбу дам аҳволинг нечук?
Сабринг нечук эрур, қароринг нечку?

Оlamда бормисан, соғ-омонмисан?
Кўйиб адo бўлган куйикжонмисан?

Боидин оёқ чигал бир дунё экан,
Бевафо экан у, бевафо экан.

Начора, у шундай яралган бўлса,
Бузиб ташлар эдим қўлимдан келса!

Фотима, сен поксан, покиза , аъло,
Бу дунё бошқадир, сен бошқа дунё!

Қанийди, тингласа дилдаги оҳим,
Сенга етказсайди мени оллоҳим.

Иноят тиласман ўзидан бу чоқ,
Ибодат қиласман ўзига бу чоқ.

* * *

Бухоро, бунчалар олиссан мендан?
Сен олиссан, мен ҳам олисман сендан.

Тақдирда бор экан нетайин, шахрим,
Хаёлим сен билан, сен билан меҳрим.

Бир эзгу хабарга интиқман, зорман,
Зорликда нолонман, дили афгорман.

Ҳар кетган карвондан йўлладим мактуб,
Ҳар келган инсондан бир хабар кутиб.

Кўзларим йўлингда кечаю, кундуз,
Аҳволимни ўзим биламан ёлғиз.

Не қиласман билмай афтодаҳолман,
Боши берк кўчада ҳардамхаёлман...

Ҳаёлини чулғар онаизори,
Оғаси Аҳмадни кўрмоқ ҳумори.

Устод Дохилийнинг ҳоли не экан?
Ҳали бардаммикан, ўзи бормикан?

Шу каби ўйловлар дилин эзарди,
Гоҳида ўзидан ўзи безарди.

Не қиласмин билмай ҳоли танг эди,
Дилида бир туғён, бош гаранг эди.

Умр ҳам сув каби оқмоқда эди,
Ёши ҳам қирққа қараб кетмоқда эди.

Етар дарбадарлик, гоҳида алам,
Жонга текиб кетди мусофирилик ҳам.

Туну күн әзмоқда бу беқарорлик,
Юрт сари уидовчи ул интизорлик.

Бухоро, жонимдан соғинганим рост,
Сенинг бёғингига сиғинганим рост.

Құмсаіман ул ойлар кечаларингни,
Болалитим ўтган құчаларингни,

Қанотим бұлсайды учиб кетардым,
Пойи остананға тезда етардым.

* * *

Намозиномда карвон Басрага кирди,
Бу оқшом бир латиф, сафоли эрди,
Үша ҳұжрасида яна Аблуллох,
Бу манзил әгасин күттандек түё.

Қадрден хонада порларкан чироқ,
Бирлан равнан бўлиб кетли ҳаммаёқ,
Абуни ёнирар түё бир отани,
Итироблар ичра күнли жуда ғаш.

Ҳамон нарионилик давом этарди,
Не бир ғалаёнлар дилдан ўтарди.

Ҳамон Бухорода әли хаёзи,
Борган сари ортар күнгіт мағолис:

Етар бадаргалик ва етар узла!
Әлга қайтмоқ, учин етпандыр мұншат!
Бухоро сафари тизіл бўлди жо,
Ҳаедда тоғи маҳаб жұндаран түё.

Уни қур шаб отан ажиб бир туйу,
Ҳаяжонтар ичра кез зар әли у.

Бу үзен, фикрлар бант этан уни,
Гүнел шармоқ рұх әлдиди уни.

Қазини юмди-ю, сұкута кетди,
Не бир воқеалар хәйдан ўтди...

Билиб бўлмас эди ухлоқми, уйғоқ?
Ўзга бир оламда эди у шу чоқ:

Бир ёруғ нур сари бури юзини,
Мадина шаҳрида кўрди ўзини.

Икки йил яшаган эди бир замон,
Ўша бир маромда эди у ҳамон.

Бу жой пайғамбарнинг хосхонаси дир,
Ва мангу манзили — мақбараси дир.

Сажда учун бошин қўяркан Абу,
Ботиний бир овоз эшитарди у:

— Абу, менга аён азми қароринг,
Ўзингда эмасдир ўз ихтиёринг.

Ногоҳ Бухорога кетмоғинг нечун?
Эзгу ниятингдан қайтмоғинг нечун?

Сени салоҳият кутар олдинда,
Асл муродингга етарсан бунда.

Бунда қолиш ҳаёт ифодаси дир,
Ҳамда Оллоҳимнинг иродаси дир.

Шу замон сесканиб уйғонди Абу,
Хужрада қалтираб ётар эди у...

* * *

Бухоро. Қадрдон бу ўша манзил,
Биз-ки, олислардан келибмиз ҳозир.

Ул таниш даргоҳга биринчи қадам,
Қаранг, бу ерда — ҳовли тўла одам.

Бир ёқда янграйди сурнай навоси,
Ёзги ул оқшомнинг салқин сафоси.

Аҳмад ўғил кўрмиш, бешик тўйидир,
Бу ўша шабликнинг авжи куйидир.

Мана, Шаҳриона, кўнгли хушнуд, шод,
Момолик туйгуси дил мулки обод.

Келишиб қариндош, құну қүшнилар,
Үйнаб, хурсандчилік қилишар улар.

Дастурхон тұрида Дохилий бобо,
Үша алломаи оқылу, доно...

Оғир хаста бўлиб йиқилди бир чоқ,
Ва хонашин бўлиб ётганди узок.

Бир кечада тушида Абуни кўриб,
Хасталик ҳақида бир суҳбат қуриб.

Рұхий қувват ила топибди шифо,
Абу муолажа қилғанмиш гўё.

Шогирдининг эзгу нафаси етиб,
Чолни турғазибди қўлидан тугиб.

Шифтга тикилгунча ётар экан у,
Шу заҳот хонага кирибди Абу...

Ўзи йўқ эмиш-у, фақат сояси,
Овози йўқ эмиш, келармиш саси.

Абу бир нималар ўқибди гўё,
Шу маҳал танига келибди шифо...

Балки бу оллоҳнинг кароматидир?
Каромати ичра шафоатидир?

Бир ёқда базмидир, кулги ва ўйин,
Меҳмонлар қиздирар чақалоқ тўйин.

Аҳмад ўзида йўқ эди шод-хуррам,
Бу оқшом жўралар бўлиб жамул-жам.

Муборакбод этиб Аҳмадни чандон,
Майиноб ичишиб, бўлдилар хандон.

Давра ичра фақат йўқ эди Абу,
Қайси олис юртла юрар эди у?

Она уни эслаб әзилар эди,
Қалбининг бир чети жизиллар эди.

— Қаерда бўлса ҳам, соғ-омон бўлсин,
Тангрим ўзи унинг омадин берсин.

XIX. ТЎЙ – ШАЙХ ДОХИЛИЙ

Бу бир фожиадир, сизга не дейин?
Аҳмаднинг тўйидан икки ой кейин.

Бир кун Фотиманинг онаси йиелаб,
Минг бир алам ичра бағрини тиелаб.

Урина-урина йўқдан йўндириди,
Ҳамда қариқизни тўйга қўндирили.

Ўттиз тўрт ёшарли Фотима бу чоқ,
Барча орзулардан, истакдан йироқ.

Дунёдан умиди узилган, ожиз,
Ожизу нотавон, бахти қаро қиз.

Хотини ўлган бир қирқ ёшли гилкор,
Етим қолган бир қиз, бир ўғли ҳам бор...

Фотима тикилар она кўзига,
Сомондек сарғайган унинг юзига.

Юраги эзилар тилка порадир,
Аро йўлда қолган бир бечорадир.

На иложи бордир, тақдир шул экан,
Инсон шул тақдирга доим қул экан.

— Оллоҳим, шафқатинг дариф тутдингми?
Менинг пешонамга шуни битдингми?

Вафо истаганга жафо бердингми?
Жафони оз дединг, жазо бердингми?

Орада бошланиб борди-келдилар,
Ва охири тўйга рози бўлдилар.

Чилдирмалар янграб, бошланди базм,
Мехмонлар қилишиб тавозъе-таъзим.

Хоналарда порлаб неча бир чироқ,
Тұрда чимидиқ ҳам тикилди шу чоқ.

Күниғу лапарлар айтишар әди,
Күевнинг келишин қутишар әди.

Шу маңал қүринили қуёв-қудалар,
Пойи останага келишиди улар.

Бу дам ишқарыда ўзгача бир ҳол,
Фотима йўқ әли... бу нечук ахвол?

Бир қий чув боиланди ҳовлида шу чоқ,
Келин ҳеч қаерда йўқ әди бироқ.

Бир зумда мотамига айланди бари,
Одамлар тарқашиб кетди сар-сари.

Она сочларини юлиб йиеларди,
Йиглаб, йиги билан бағрин тиеларди.

Бақрайиб туарлар ўртада қуёв,
Чирениллаб ёнарлар тутунили олов.

Гүё ёнар әди ҳақ ва ҳақсизлик,
Ёнар әди бирга баҳту баҳтсизлик.

Фотима ҳаётнинг захридан түйиб,
Келин либосида бўлғанди гойиб.

Бир йилт этиб сўнди охирги учқун,
Атрофни қоплади қоп-қаро бир тун...

* * *

Қоронгу кечала бир ўзи ёғиз,
Борлиги қалтираб кетар әди қиз.

Уни қурнаминиди телба бир ҳолат,
Асаблари қақшаб кетганди тоят.

Занжирини узган бир арслон әди,
Дунёларни бузган бир тўфон әди.

Қалбини кемирап минг битта алам,
Нима қилганини билмас ўзи ҳам.

Күнглини ларзага солмиш бир түйғу,
Бир аросат ичра кетар эди у.

Үша бир лаҳзадир, ўша бир лаҳза,
Күзига күринмай қолди ҳеч нарса.

Ақдини йўқотди түғён олдида,
Қалбга босиб кирган түфөн олдида.

Қайга кетаётир билмас эди у,
Бунга кўп парво ҳам қилмас эди у.

Кетаётган эди уйдан йироққа,
Уйдан йироққа ва тўйдан йироққа.

Кўз олдига келар қўрқинч лаҳзалар,
Асабни титратган турфа нарсалар.

Жонини ҳовучлаб қочар эди у,
Қарчиғай мисоли учар эди у.

На осмон кўринар, на ой, на юлдуз,
Гулдираклар ичра кетар эди қиз.

Қоп-қаро булутлар айланар эди,
Бир тўзон қилмоққа шайланар эди.

Дарёлар тошмоқчи бўлар қирғоқдан.
Турфа ҳайқириқлар келар ҳар ёқдан.

Гоҳ шамол осмонга учирар эди,
Булутдан булутга кўчирап эди.

Гоҳо жар тубига улоқтиради,
Гоҳо харсанг бўлиб босиб турарди.

Гоҳо илон бўлиб ўралар эди,
Гоҳо аждар бўлиб мўралар эди.

Гоҳо ўткир қилич кесарди уни,
Сиртмоқ бўлиб дорга осарди уни...

Мана, шаҳар чети, ўша таниш боғ,
Ўша Абу билан учрашган чорбоғ.

Атроф тун қоп-қаро, ёлғиз эди, у,
Қоп-қаро боғ аро ёлғиз эди у.

Ўша йўлакларда судралиб юрар,
Бошини дараҳтдан дараҳтга урад.

Ул бодом дараҳтин излар кўзлари,
Шу кичик сўқмоқда Абу излари.

Борди-ю, тонсайди юрган жойини,
Кўзига суртарди ҳоки пойини.

Шу маҳал бўғзига келди бир нидо,
— Бир раҳминг келса-чи менга, эй худо,

Йигирма ёз кутдим, йигирма баҳор,
Ҳижрон оловида куйдим неча бор.

Кўзимнинг ёшлари дарёлар бўлди,
Неча бир савдолар, ғавғолар бўлди.

Мени ўғдан олиб, солдилар ўтга.
Этларим майдалиб отдилар итга...

Мұҳаббат ёлғондир, ёлғондир дунё!
Севги — севги эмас, алдоқчи рўё.

Севгини ёндиридинг, эй жоҳилият,
Раҳму шафқат надир билмас, шум ният.

Кимга вафо қилдинг, эй ишқ, айтсанг-чи,
Не кўйларга солдинг, эй ишқ, айтсанг-чи.

Айтсанг-чи, не учун бунчалик жазо,
Ошиқ-маъшуқларга бу қадар жазо?

— Абу! Абу! — дея чақирав эди,
Телба бир дарёдек ҳайқирав эди.

Билмадим, оловми, учқун эди у?
Ақти расоми, ё жунун эди у?

Дўзах ичра куйдим дегани ҳам рост,
Дунёга ўт қўйдим дегани ҳам рост.

Атрофга тарқарди бўғиқ бир нидо,
«Абу! Абу!» деган ул акси садо.

— Севдим деганларинг ёлғон экандир,
Сўйдим деганларинг ёлғон экандир.

Сароб экан, Абу, ҳаёт деганим,
Заҳар экан, нетай, новвот деганим.

Абу, сен то абад дилим нақшисан,
Барибир ҳаммадан ўзинг яхшисан.

Шу заҳот қайдандир келган бир овоз,
Фотима кўнглига солди гулдурос.

— Фотима, қайдасан? — излар онаси,
Чақириб чарчаган овознинг саси, —

Нега бундай қилдинг, нега, тентак қиз,
Мени мотам ичра қолдириб ёлғиз?

Эл олдида этиб мени юз қаро,
Юзи қаро ҳамда бир мотамсаро.

Наҳотки, шафқатинг, раҳминг йўқ менга?
Наҳотки, фарзандлик меҳринг йўқ менга?

— Кечиринг, онажон, мен гуноҳкорни,
Дили хун, кўзи ёш, меҳрга зорни.

Ўзим ҳам билмайман не қилганимни?
Қоядан жарликка йиқилганимни.

Қаноти қайрилган бир қушман, нетай?
Хушидан айрилган бехушман, нетай?

Иҳтиёр ўзимда бўлсайди агар,
Тун аро кезмасдим ёлғиз, дарбадар!...

Қоп-қаро булутлар айланар эди,
Бир тўфон қилмоққа шайланар эди.

Фотима ҳамонки бир телба мисол,
Күюнлар ароким бир афтодаҳол,

Тўғонлар қатига яшиниб кетди.
Туннинг қаросига қўшилиб кетди.

Фотима кетди-ю, дилда доғ қолди,
Хувиллаган ўша катта боғ қолди.

* * *

Шу замон сесканиб уйғонди Абу,
Хужрала қалтираб ётар эди у.

Қоронғу хонада кимнидир излар,
Қулоғида эса ҳамон у сўзлар:

— «Ногоҳ Бухорога кетмоғинг нечун,
Эзгу ниятингдан қайтмоғинг нечун?

Бунда қолиш ҳаёт ифодасидир,
Ҳамда оллоҳимнинг иродасидир».

Кўз олдила туарар эли пайғамбар,
Ва гўё келтирмиш оллоҳдан хабар.

Абунинг қўллари боғланди шу чоқ,
Туриб иболатга чоғланди шу чоқ.

— Раббим, ўзинг поксан, буюксан ўзинг,
Муқадласидир, поклир ҳар битта сўзинг.

Оlamda ne zoҳir senغا aёнdir,
Bизга қийин bўlsa, senغا osонdir.

Кечир мени, осий бандангни авф эт,
Адашдим, ё тангрим, гуноҳимдан ўт.

Буюрмоқ сендандир, бажармоқ биздан,
Бизни айирмагин иймонимиздан.

Оlamning taқдери sенинг қўлингда,
Жонимиз тикканмиз сенинг йўлингга.

Минг бора узрдир, минг бора узр,
Зарра шак келтирмоқ — бир дунё куфр.

Сенга бағишлидим соғинганимни,
Олис Бухорога сиғинганимни,

Сенинг нуриңг билан бори чароғон,
Сенинг даҳонг билан инсондир инсон.

Иноят тиларман ўзингдан, раббим,
Ибодат қиласман ўзингга, раббим...

Гүёки ёришиб кетди ҳаммаёқ,
Абу енгил сезди ўзини шу чоқ.

Дили пок эди-ю, тили пок эди,
Барчаси оқ эди, бори оқ эди.

Абу кўнгли равшан чиқаркан уйдин,
Тонг ёришиб келар — чеҳраси ойдин,

Уфққа бир нафас тикилди Абу,
Сўнгра Мустафони излаб кетди у.

* * *

Қалбида севинчи бўлиб бир дунё,
Абуни бағрига босди Мустафо.

Хурсанд эди улар кўришганидан,
Оlamда соғ-омон юришганидан.

— Бунча соғинтиридинг Абу, чирофим?
Қайларда юрибсан, ўйинқарофим, —

Мустафо Абуни тергаган бўлди,
Иккиси ҳам бирдан «ҳоҳ-ҳоҳ»лаб қулди.

Шу маҳал Мустафо узатар мактуб,
«Олти ойдир сени интизор кутиб,

Бир ҳамён тиллога арзирли хабар,
Арзийди шаҳрингни берсанг ҳам агар...

Абу сиғмас эди бу чоқ ўзига,
Хатни қайта-қайта суртар күзига.

Бир қадам бўлганди шу он Бухоро,
Гўзал бўлиб кетди кўзига дунё.

Ҳаммаси соғ-омон экан, хайрият,
Абу суюнч аро қолганди фоят...

Мустафо Абуни шол этмоқ учун,
Дорилмусофирга қатнаркан ҳар кун.

Йўлдан ўтаётуб Қоҳира томон,
Хатни ташлаб кегмиш энг сўнгги карвон.

Абу ўқир экан мактубни шу дам,
Кўнгил чорбоғида тантана, байрам.

Баҳор оғушида эрур Бухоро,
Гуллар чаманига ўранмиш гўё,

Дийдор кўришмоқлик ва ажиб суҳбат,
Кўнгилларни хушиуд айламиш фоят.

Абуни бағрига босар онаси,
Шодлигига сиғмай юрар огаси.

Фотима узоқдан турарди кулиб,
Софинчу, севинчу, ҳисларга тўлиб.

Хайрият, кўришмоқ, кўрмоқ бор экан,
Эзгулик бор экан, худо ёр экан.

Интилиб яшаркан кўнгил кўнгилга,
Яхши кун келаркан ўлмаган қулга...

Абу Фотимага тикилар узоқ,
Гўёки тугамиш ҳижрону фироқ.

Ўша ажиб дамлар, болалик қунлар,
Кўзларда чақнаган олов учқунлар...

Устоз Дохилийнинг нурли чеҳраси,
Сезилиб тургандай қутлуғ нафаси.

Худди ёш боладек севинар Абу,
Гүёки Басрага сиғмас эди у.

Мустафога қилар таъзим-тавозеъ,
Хушхабар айтганга — ташаккур лозим.

Бахтли толеъига қилиб шукронा,
Мустафо гирдида бўлар парвона...

XX. БИБИ ОЙША КИТОБАТИ

Кун қайтиб, пешиндан сал ўтган эди,
Абдуллоҳни излаб бир чопар келди.

Саройга боришин хабар этди у,
Басра ҳокимиининг фармонидир бу.

Абдуллоҳ саройга қўяркан қадам,
Турфа бир фикрлар чулғади шу дам.

Не воқса кечмиш билмас эди у,
Дилга кирган эди ноҳуш бир ғулу.

Абдуллоҳни қайдан билмишдир ҳоким?
Беҳосдан не учун бу сифат ҳукм?

Қўриб бу ердаги ташвишли ҳолни,
Изтиробли ҳамда сирли аҳволни.

Ҳукм сурар эди жимжит сокинлик,
Гүёки саройда мотам бўлгандек.

Ҳамманинг юзида эди бир қайғу,
Саросима ҳолат, хира бир туйғу.

Ўйлаб охирига етмасди Абу,
Сўнг бориб ҳокимга таъзим қилди у.

Ҳоким дер: Эшитиб дарагингизни,
Зарур бир юмуш-ла чақирдик сизни.

Уч кун бўлибидирки саройда мотам,
Ўлим тўшагида эрур рафиқам.

Муолажа қилди барча табиблар,
Аммо иложини топмади улар.

Хадисдан күп нараса билар эмишсиз,
Хамда табиблик ҳам қилар эмишсиз.

Энди сиздан менинг сүнгги умидим,
Йўлинигизга қараб интиқ, зор эдим...

Сал ўзига келди шу дам Абдуллоҳ,
Дилидан ваҳима кўчганди гўё.

Абу дер: — Беморни кўрайлик, тақсир,
Сабаби не дурур ва қандайин сир...

Тўшакда ётарди сулув бир жувон,
Абу зеҳн ила қаради шу он,

Бемор бехуш эди, мисоли жонсиз,
Рангидир заъфарон, юзлари қонсиз.

Тирикми, жонсизми — оллоҳ билгуси,
Сезилмасди ҳатто ҳаёт белгиси.

Абу не қилишини билмасди шу чоқ,
Сукутга чўмганича ўйлали узоқ.

Сўнг ҳокимга леди: — Берингиз рухсат,
Беморининг кўксини тинглай бир фурсат.

...Аёл кўкрагига энгашиди Абу,
Хамда юрагига қулоқ тутди у.

Уриб туарар эди bemорининг қалби,
Гўёки титрарди бир япроқ каби.

Ёниқ кўзин очиб боққан чоғида,
Ўз аксини кўрди қорачиғида.

Сўнгра бош табибга тикилиб Абу,
Деди: — Раги сакта, раги сакта бу.

Хушёр бўлинг, фақат хушёр бўлингиз,
Бўйин томирига наштар урингиз.

Иншаоллоҳ, бори дуруст бўлгуси,
Яратганнинг ўзи шифо бергуси...

Бир неча дақиқа ўтди-ю, шу он,
Бир акса урганча уйғонди жувон.

Интизор нигоҳда боқди атрофга,
Майса интилгандек гүё офтобга...

Бир зумда саройга тарқаб хушхабар,
Наинки саройдир, бутун бир шаҳар,

Шодлик тўлқинлари тошарди гүё,
Ҳайратдан тўлғаниб оқарди дарё.

Ҳокимнинг севинчи эди бир жаҳон,
Бир жаҳон не экан, неча бир жаҳон.

Ўзини кўярга жой тополмайин,
Чопқир дақиқалар ўтгани сайин,

Абдуллоҳга таъзим этарди бажо,
Бу энди фармонмас, эди илтижо.

Абу кетмоқлиқка сўради рухсат:
— Беморга керакдир уч кунлик фурсат.

Насиб бўлса туриб, ўйнаб кетғуси,
Ўқсик кўнглингизни хушнуд этғуси...

Иноят тиларман ўзингдан, тангрим!
Ибодат қиларман ўзингга, тангрим!

* * *

Абу мутолла билан банд эди,
Яна ўша чолар сўроқлаб келди.

Табиб Абдуллоҳнинг шарафи учун,
Ҳоким базму жамшид буюрмиш буқун.

Малика соғайиб ўрнидан турмиш,
Яшил хиёбонда айланиб юрмиш.

Саройга келаркан Абу Абдуллоҳ,
Кўзлари ўнгидა, қаранг, ажабо,

У дунёдан келган — қайта тирилиб,
Малика туарди ийманиб, кулиб.

Аввало оллоҳнинг иродаси, сўнг,
Сўнг эса табибнинг табобати денг...

Кимки зиёфатда ҳозир бўлмишдир,
Ҳаммаси Абуга таъзим қилмишдир.

Ҳоким дер: «Абдуллоҳ, саройда қолинг,
Магарки истарсиз — бош табиб бўлинг.

Тиланг, ҳарам берай, бир маизар берай,
Магар хоҳласангиз олтин-зар берай.

Кўнглингиз тилагин айтинг, Абдуллоҳ,
Неки истасангиз қиласай мұҳайё.

Қайтариб бердингиз мұҳаббатимни,
Ҳозирман беришга бор давлатимни.

Бу не мўъжизаки — ўлган инсонни,
Қайта тирилтирмоқ ул ўлик жонни?»

Абу дер: «Тақсирим, давронингиздан,
Хазинаи хос ул девонингиздан,

Инъом этинг танирим иноятини,
Биби Ойишанинг китобатини».

— Билурмисиз, Абу, эски нақдни,
Гарчи тухфа этиб бўлмас ақлни.

Майли, ўша китоб сизники бўлсин,
Менга буюрмали, сизга буюрсин.

Сиз инъом этдингиз менга мұҳаббат,
Наники, мұҳаббат, улуғ бир давлат.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I. БАҒДОД

Дажла қирғозда салқын оромгоҳ,
Сайр қилиш учун чиқди Абдуллоҳ.

Кече оқшом қайтди, қадрдон Бағдод,
Хамон ўша шукух, ўша тароват.

Басра сафаридан жуда ҳам мамнун,
Ажиб бир кайфият Абдуллоҳ учун.

Ўша оқшомдаги зиёфат аҳли,
Унга тасаннолар айтган маҳали.

Қалбига қуюлиб шодлик түлкүни,
Шухрат пештоқига күтарди уни.

«Биби Ойشا» эди ягона армон,
Оллоҳ ул китобни айлади эҳсон.

Не бир шаҳарлардан излади уни,
Не бир дўконларга қатиаб ҳар куни.

Макка, Мадинани қадамба-қадам,
Дамашқу Қоҳира ва Қуфада ҳам,

Тополмай кўнглини ўртарди туғён,
Гўё хазинага интилган бир жон,

Эшишиб неча бир юзлаб ривоят,
Бири — рост, бириси ёлғон ҳикоят.

Шу сабаб изларди Абу аларни,
Маржондек тизилган дурдоналарни.

Бир оқшом, тасодиғ шарофатидир,
Бу ҳам тақдирнинг бир шаҳодатидир.

Биби Ойша айтган ўша ҳадислар,
Икки аср аввал кечган мажлислар,

Абуға туҳфадир бу олтин сандиқ,
Хазина бўлурми бундан ҳам ортиқ...

Умрнинг неча бир фасли ўтганда,
Вақт келиб, ёши ҳам қирққа етганда,

Иккинчи китобни тузди Абдуллоҳ,
Марварид шодасин тизганди гўё.

Излаш, изланишлар — тўрт йиллик сафар,
Неча бир мавзелар, неча бир шаҳар.

Қолмади Мисру Шом, Ҳалаф ва Қундуз,
Тинмай айланарди кеча ва қундуз

Олтмиш минг ҳадисни тинглади, ёзди,
Гоҳ дилга, гоҳида қоғозга тизди.

Ўнлаб мударрисдан тинглади сабоқ,
Гоҳ бурда нонга зор, гоҳида чарчоқ.

Олтмиш минг ривоят — ёзиб битказди,
Барини ғалвирдан элаб ўтказди.

Сомонни — сомонга, донини — донга,
Яхиси — яхшига, ёмон — ёмонга,

Бир олам қум ичра бир зарра олтин,
Күёшдан туйнукка тушган бир ёлқин,

Саралаб оларди мингдан бирини,
Биларди сунан ва муснад сирини.

Иккинчи поғона — иккинчи девон,
Ҳадис дунёсида иккинчи довон.

Дилда бир қониқиш туярди Абу,
Олисга кўз тикиб турар эди у.

* * *

Қирқ кундир ҳужрадан чиқмас Абдуллоҳ.
Қоғоздир, қаламдир ва ўзи танҳо.

Тун-кун мутолаа — ҳадис таҳлили,
Усули, услуби, матн таҳрири.

Элакдан ўтгани саҳийҳ ва мумтоз,
Саҳифалар узра топарди пардоз.

Юз марта ўлчаниб қилинур манзум¹,
Зеро, зар заргарга бўлғуси манзур...

Бу дафъа сұхбатнинг тўрида Турон
Хонани тўлдирди бир гуруҳ меҳмон,

Аш-Шоший ва Муборак ал-Марвазий,
Хофиз Хоразмийдир, Исо Термизий,

Самарқандий ҳамда Маъқил Насафий,
Ибн Ҳанбал ила Имом Насойй²...

Бу оқшом Абдуллоҳ беҳад эди шод,
Юртдошлар ташрифи — кўнгиллар обод.

Бу хил алломалар Туронга сайқал,
Бириси — марварид, бири эса лаъл.

Каҳқашон саҳнида қатор юлдузлар,
Илми ғайб илкида зеҳнли кўзлар.

— Улар кўксимдаги ифтихоримдир,
Қаторни тўлдириб турган норимдир.

Ҳар бири илмда битта хазина,
Ягона қасрга бир олтин зина.

Ҳар бири ўзича тенгсиз дунёдир,
Бир юртни ёритган нурдир, зиёдир.

¹ Манзум — тартибга солиш, инга тизиш.

² Номлари қайд этилганилар — Мовароуннаҳрлик ҳадисшунослар.

Қүш бўлсам — шулардир менинг қанотим,
Наинки қанотим, балки ҳаётим.

Марваридлар тердим ул дарёлардан,
Хазиналар топдим ул дунёлардан.

У пайт, Бухорода болалик чоғим.
Милтиллаб турганда зеҳн чирофим,

Бўлардим аларнинг мажлисларида,
Кўнглим эрир эди ҳадисларидан.

Орзулар дилимга тугилар эди,
Ажиб бир истаклар тугилар эди...

Қолиб кетди ортда болалик йиллар,
Тақдирда бор экан неча манзиллар.

Биз энди боридан олис, йироқмиз,
Ўз-ўзин ёритган ёлғиз чироқмиз...

Абдуллоҳ тинмасди кундуз ҳам, тун ҳам,
Ёниб тугар эди неча битта шам.

Зеҳндан ўн марта ўтар ҳар ҳадис,
Ҳар бири бир фарзанд, дилига азиз.

Танлаб олар эди юздан бирини,
Фақат ўзи билар эди сирини.

Ёзарди, тузарди, ўчирап эди,
Баъзисин не қайта кўчирап эди.

Токи маромига етмагунича,
Тарозидан юз бор ўтмагунича.

На уйқу бор эди, на бир ҳаловат,
Тошга айланарди сабр ва сабот...

Бир заҳот қараса — хонаси бўм-бўш,
Кўрганлари бори — гўёки бир туш.

Хаёл кўзгусида кечмишди бари,
Китоб қатидаги ул ҳамюрлари.

Қирқ кундир ҳужрадан чиқмас Аблуллоҳ.
Қоғоздир, қаламдир ва ўзи танҳо.

II. ХАЛИФА МАЪМУН

Бу оқшом Бағдодда ўзгача бир рух,
Ажиб бир тароват, ўзга бир шукуҳ.

Масжиди жомеъда улкан машварат,
Сурурли вазият, асъаса¹ ғоят.

Йигилмиш Бағдоднинг акобирлари,
Улуғ алломалар, донишлар бари.

Тўрда Халифадир ва Шайх-ул Ислом,
Неча бир муҳаддис, неча бир имом.

Имом ал-Насорий ҳам Ал-Мадийний,
Юсуф ал-Фартобий ва Ал-Ҳамийдий,

Язид ибн Можа ва ибн Ҳанбал,
Ва Имом Муслимдир — устози аввал.

Шогирдлар келмишдир қатору қатор,
Наср ал-Марвазий, Қутайба ҳам бор.

Шайх-ул Ислом шу он минбарга чиқиб,
Ва мажлис аҳлига зеҳн-ла боқиб,

Сўз бошлар: — Бу фурсат — хайрли бир лам,
Ташриф буюрмишлар Халифамиз ҳам.

Жаноби олийга таъзим ташаккур,
Бу хил ҳимматлари нур устига нур.

Азизлар, бу оқшом, юлдузли ондир,
Бағдод тепасида нурли осмондир.

Хайрли ишдан огоҳ бўлсин дунё,
Халифамиз бунга бердилар фатво.

¹ Асъаса — дабдаба, тантанавор вазият.

Бухоролик фақир — Абу Абдуллоҳ,
Ҳадисшуносликда олиму доно,

Муборак қирқ ёшта тўлмишидир бутун,
Йигилдик йигитни қутламоқ учун.

Йигирма тўрт йилдир Абу Абдуллоҳ,
Оллоҳ даргоҳидан излаб бир зиёд,

Араб дунёсини қойил айлади,
Илм уммонида бўйлаб, бўйлади.

Унинг даҳосига тенг келар ким бор?
Унинг қаринисида — бизники бекор.

Бугун ул Шайх эрур, мен оддий фақир.
Унинг номи билан қилурман фахр.

Ўша фатво сабаб: иқтидор учун,
Имомлик нисбати берилди бугун.

Абу — Абу эмас, энди имомидир,
Имом ал-Бухорий — ярашиқ номидир.

Улуғларни танлар илм дунёси,
Исломий оламда унинг даҳоси.

«Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» — машҳури жаҳон,
Куръони Карим-ла турар ёнма-ён.

Яна не бордирки — бўлсени мўътабар,
Ҳадис уммонидан айласин хабар.

Қани, ким бўйлашар Бухорий билан,
Тенгма-тенг сўйлашар Бухорий билан.

Унинг дунёсига тенг келар ким бор?
Кутлуғ чакмонига енг бўлар ким бор?

Шайхдан рухсат сўраб, қаранг, бир маҳал,
Нутқ ирол этли ул ибн Ҳанбал:

— Бир вақт Абуниңг устози эдим,
Замона айланиб, шогирди бўлдим.

Илмда енгилмоқ — жангда снгилмоқ,
Оллоҳ иродаси — зўрни тан олмоқ.

Не ажаб, кечаги факр ул толиб,
Бугун майдон аро енгилмас ғолиб.

Мардлиқдир — енгилиб, майдонда турмоқ,
Шогирд сиймосида устозни кўрмоқ...

Сўнгра Шайх-ул Ислом қўзғалиб шу он
Яна бир истакни айлади баён.

— Бухорий номига айлашиб таъзим,
Ва Хутбага қўшиб ўқимоқ лозим.

Сўнг Шайх Абдуллоҳнинг қошига келиб,
Дилдан гарми жўшон қутловлар қилиб,

Унинг ижодига тилади омад,
Тилаклар кўнглидан, чин эди ғоят...

Абу бир тўлқинда эди бу маҳал,
Бунақа шодликни туймаган аввал.

Севинч ва фуурурдан дилда ҳаяжон,
Мунаввар кўринар кўзига жаҳон.

Сифмас эди бу дам ўзига ўзи,
Ва ишонмас эди кўзига кўзи.

Гўё келган эди ғойибдан бир баҳт,
Наинки баҳт эди, гўёки бир тахт.

«Ином ал-Бухорий» — бу юксак насад,
Ногаҳонда келиб, умрни безаб,

Бухоро номини ёймиш жаҳонга,
Ва уни ўрамиш шуҳрату шонга...

Абу Халифага айтди ташаккур,
Неъмат ҳадя этса, лозимдир шукур.

Шукронга билдириди Шайх-ул Исломга,
Бу оқшом йигилган аҳли авомга.

Бир қүш каби енгил учмоқ бўларди,
Олис фазоларни қучмоқ бўларди.

Бағдод осмонида юлдузлар қатор,
Унда Абунинг ҳам бир юлдузи бор...

* * *

Яна Бухорога келди отимиз,
Не тонг, бухоролик бўлса зотимиз.

Неча тоғлар ошиб, дарёлар ошиб,
Она юрт бағрига интилдик шошиб.

Қўнгилни тортарди оҳанрабоси,
Ҳамда мафтун этган меҳригиёси.

Қалбда севинчимиз тоширап эди,
Интиқ бўлганимиз оширап эди...

Биласиз кўнглимиз ўқсиклигини,
Бир ноҳуаш воқеа ранжитмиш уни,

Бир қоронғу тунда, катта боғ аро,
Фотимани шунда қолдириб танҳо.

Тўфонлар ароким тополмай излаб,
Қоп-қаро тун ичра атрофга бўзлаб,

Дилда изтиробу, кўзда ёш қатор,
Аро йўлда қолдик, иложсиз, почор...

Келдик бир илинжу, ишончга тўлиб,
Узилган ипларни боғламоқ бўлиб.

Яратган тангридан сўраймиз мадад,
Йўлиминиз ёришиб кетса бу соат...

* * *

Фотима кетди-ю, дилла доғ қолди,
Ҳувиллаган ўша катта боғ қолди...

Қоп-қаро булутлар айланар эди,
Бир түфөн қилмоққа шайланар эди.

Фотима ҳамонки бир телба мисол,
Ожизу, нотавон — бир афтода ҳол,

Қайга боришини билмас эди у,
Үйлаб, бир фикр ҳам қилмас эди у.

Уйдан ҳам, түйдан ҳам эди у йироқ,
Боши оққан ёққа кетарди шу чоқ.

Дала йўлларидан ўтар эди у,
Қишлоқлар оралаб кетар эди у.

Атроф жимжит эди, сокин ҳаммаёқ,
Гоҳида милтиллаб қолар бир чироқ,

Араваиз йўлдан тупроққа ботиб,
Бори аламини ичига ютиб,

Чарчаш нимадир-у, толиқиши надир,
Ва қўрқиши нимадир — ҳамон билмайдир.

Фотима пайқади тун ўтганини,
Ва уфқ оқариб, тонг отганини.

Товуқлар уйқусидан турмасдан ҳали,
Бозорга шошилар тижорат аҳли.

Офтоб эндиғина ниш урган маҳал,
Осмон гардишига тарқаб нур зарҳал,

Тунги сарсонликлар топиб хотима,
Нотаниш бир жойга етди Фотима.

— Бу қай манзил, — дея сўради шу дам,
— Бу ер Вобкент, — деди шунда бир одам.

«Вобкент» — бу жой номин эшигтан кўп бор,
Отаси раҳматлик сўйларди такрор.

Кўлида тугунин тутганча шу он,
Фотима йўл олди бир ҳовли томон...

III. БЕДАРАК

Ул чоқ чимилдиқдан қочганида қиз,
Барча ҳам ғафлатла қолганди у кез.

На бирор кўрди-ю, на бирор билди,
Фотиманинг сабр косаси тўлди.

Энг сўнгги дақиқа — тугаб бардоши,
Гумбулраб қулади тоғларнинг тоши.

У бир шўр пешона қуёвга эмас,
Тақдир тўғонига келаолмай бас,

Қалбининг шунчалик бардошлари ҳам,
Ёлғиз онасининг кўз ёшлиари ҳам.

Бундай беҳаёлик ва шарм, уят,
Барчаси кўзига кўринмас, ҳайҳот.

Ҳайҳотки, қолмади бошқа бир чора,
Ёлғиз олам ичра — ёлғиз, бечора.

Уни васвасага соларди шайтон,
Ўзини осмоқчи бўларди шу он.

Бир хаёли — ўзин оловга отса,
Бир хаёли — чўлларга бош олиб кетса.

Фақат она учун қуярди ёлғиз.
Фақат онасини ўйлар эди қиз,

Сўнг нима кечали она аҳволи,
Гирдобга ўралиб кетар хаёли.

Энг сўнгги иуқтага **етгаиди алам**,
Йиелаб-йиелаб тинди кўз ёшилари ҳам.

Не тонг, жоҳилликдан қочиб кетди ул,
Бир қушча мисоли учиб кетди ул.

Гўёки дарёга оқиб кетди қиз,
Ва уммон қаърига чўкиб кетди қиз.

Тўй ўрнида уйда бошланиб аза,
Зумда чор-атрофга бўлди овоза.

Тун бўйи излашди машъаллар ёқиб,
Бори қариндошлар ёниб, тутоқиб.

Осмонга чиқарди она фарёди,
Борлиқни титратар қалбининг доди.

Бир ёқда Шахри, бир ёқда — Аҳмад,
Бир ғам тузофига тушиб бу фурсат.

Тинмай тун қаърини излашар эди,
Кўзлари жовдираб бўзлашар эди.

Аммо Фотимадан тополмай дарак,
Қинидан чиққудай бўларди юрак.

Дилларини эзиб оғир дард-алам,
Қизни излашдилар эртасига ҳам.

Осмонга учдими ё ерга кирди,
Ўзин сувга отди ё ўтга урди.

Туну кун йифлади она бечора,
Бир ердан дараги чиқсайди зора.

Нохуш хабар етди Дохилийга ҳам,
Унинг қалбини ҳам эзар бу алам.

Кунлар ўтар эди ва ҳамонки жим,
Унинг не бўлганин билмасди ҳеч ким...

* * *

Фотима ҳовлига киаркан шу чоқ,
Дарвоза олдида ўйланди узок.

— Кимнинг уйи экан ва эгаси ким,
Менинг келишимни хоҳламас балким.

Бир аёл кўринди ҳовли юзида,
Нуроний бир сифат бордир кўзида.

Үйга таклиф қилди меҳмонни шу дам,
Эрталабки чойни кўрдилар баҳам.

Сўнгра лавом этди ўртада суҳбат,
Шу асно ўтганди анчайин фурсат.

Фотима дардлари қўнглида пинҳон,
Уни қандай қилиб айласин баён.

Айтмоқчи бўлди-ю бор гапни, аммо,
Тилини боғларди ор-номус, ҳаё.

Мабодо келса ҳам бошига қилич,
Бу хил уят гапни айтмас эди ҳеч.

Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гап,
У пинҳон тутарди юракни ўртаб.

Нотанти тақдирки — ўттиз тўрт ёшда,
Шундай ноҳақликни келтирди бошга...

Фақат шу бўлди аёлга айтгани,
Самарқанд сорига кетаётгани.

Худо билсин — аёл ишондими, йўқ,
Лек қизда қолмади бошқача йўриқ.

Бозорга кетганди аёлнинг эри,
Бошқа бирор уйда кўринимас эрди.

Минг ўлчаб, минг кесиб, энг сўнгги муддат,
Бир кеча тунашга сўради рухсат.

Шу асно ҳовлида кўринди бирор,
Фотима кимлигин англади дарров.

Аёл таништириди эрига қизни,
«Кўринг, худо берган меҳмонимизни»,

...Ўн тўрт йил бўлибди турмушларига,
Эру хотин бўлиб юришларига.

Аммо, фарзандлари йўқ экан ҳануз,
На чора, армондир кўнгилда ёлғиз.

Яхши одам экан ҳовли эгаси,
Ёши ҳам қирқ билан эллик ўртаси...

Янги патир ёпди бир тандир қилиб,
Сигирини соғди, ўйнаб ва кулиб,

Фотима күнглинин хушнуд айлади,
Топганини қўйиб, қизни сийлади.

Дастурхон бошида қизиди гурунг,
Дейишиди: «Фотима, уч-тўрт кун туринг.

Балки, қиз бўларсиз бизга умрбод,
Кўнглимиз шод бўлур, уйимиз обод.

Балки, оллоҳ сизни етказди бизга,
Кулоқ солди балки оҳ-воҳимизга...»

Фотима қувончдан қуюнар эди,
Ҳамда ич-ичидан суюнар эди.

Гурунг қизир эди, қизирди суҳбат,
Оқшом тароватли, хуш эди фоят...

* * *

Фотима ёстиққа бош қўйған чоқда,
Шу зум хаёллари кетди йироққа.

Қоронғу хонадир, қоронғу дунё,
Кўзга Абу бўлиб кўринар рўё.

Кўнгил олисларга қараб қочади,
Қизни қанотига илиб учади.

Юракдан қуюниб чиқар бир фарёд,
Фотима мунг аро қилур муножот, —

— Кўнгил иши экан, маъзур тутгайсиз,
Шаддодлигим демай, афу этгайсиз.

Йироқ йўлга чиқдим мадад сўроқлаб,
Аммо, япман Сиздан йироқлаб.

Севги-севги экан, шундай бўлмаса,
Ҳамда у дилда ғалаён қилмаса.

Юраклар куйганин қайдан биларди?
Ўйланг, Вобкент қайда, Макка қайдалир?

Қалбимни ёқди-ю ул шаби ҳижрон,
Кўзимга шу онда кўринмади жон.

Қаро тунлар аро чопдим, бўзладим,
Оlamни чарх уриб Сизни изладим.

Ул шаби ҳижронидир, Лайли тақдири,
Мажнунга аёндир севгининг сири.

Тоғма-тоғ кездим-у, дарёма-дарё,
Ошиқ кўнгил билан бир ўзим танҳо.

Тоҳир висолига етгунча Зуҳро,
Муҳаббат деганда бир қадам дунё.

Ширин — Ширин эмас, висолидир ширин,
Не кўйларга солар инсон шуурин.

Севгилир юракни ўртаган рӯё,
Ошиқ қалблар учун бир қадам дунё,

Хаёлан сиз сари етганим қадар,
Олам бир поёнсиз бўлса ҳам агар,

Неча дарё кездим, неча чўл, саҳро,
Куйган диллар учун бир қадам дунё.

Оллоҳим қачонки еткурса Сизга,
Қачон кўзим тушса кўзларингизга,

Дилимда қолмасди на дард, на армон,
Мен учун осойиш бўларди жаҳон.

Қалбим буюрганин қилдим, на чора,
Ноҳақ дунё ичра бўлдим овора.

Адолат офтоби қайларда экан,
Бечоралар учун чора бормикан.

Не савдога тушдим, ўзим ҳам ҳайрон,
Ҳаётдан зерикар бу озурда жон.

Энди фойдасиздир кўзимнинг ёши,
Тугаб бормоқдадир юрак бардоши.

Гирдобга ўралиб, шўнғиб кетди у,
Киприкларда қотди чарчоқ бир уйқу.

* * *

Қашғарга кетувчи катта бир карвон,
Зарафшон бўйида тўхтади шу он.

Шовуллаб, мавж уриб оқарди дарё,
Қирғоқларга сапчиб тўлғанар гўё.

Соҳилда туялар турарди қатор,
Карвон кемаларда дарёдан ўтар.

Ўтар экан улар Вобкентдан кечা,
Фотимани қўшиб жўнатди почча.

Эр-хотин меҳмондўст деса дегулик,
Қиз қўлига тутиб у-бу егулик.

Карвон хўжасига тайин қилдилар,
Хайр ва хўшлашиб, йиғлаб қолдилар...

Дарёдан ўтишиб эсон ва омон,
Карманага қараб йўл олди карвон.

Неча бир қишлоқлар қолишди ортда,
Тўхтаб ўтишарди ҳар битта юртда.

Етдилар бир баланд тепа тагига,
Ҳамда поёнсиз бир чўлга этагига.

Атрофла уфураг кўклам нафаси,
Асалариларнинг фувлаган саси.

Зарафшон соҳили, яшил бир баҳор,
Кирларни безамиш гулгун лолазор.

Наврўз шодёнаси бошланмиш бу чоқ,
Баргак таққан сулув қизлардир қувноқ.

Лола теришади қир этагида,
Чоллар гурунгидир — чодир тагида.

Күзларни ёндирап лолақизғалдоқ,
Лолақизғалдоққи — құчоқ ва құчоқ.

Қирмизи поёндоз қизлар пойига,
Күнгиллар ошуфта юрт чиройига.

Хурсон тепадир, бир ёқ — Зарафшон,
Бир ёқ — Абу Муслим, — қадим бир ошён.

Бир ёқ — Чўли Малик, Шаҳри Вайрондир,
Шаҳри Барбар дерлар — ўзга жаҳондир.

Саодатли дамдир, гўзалдир дунё,
Қўшиқлар, рақслар — гул, базми аро.

Тамоша қиласкан Фотима шу он,
Дардларин унуган бўлди ногиҳон.

Атрофда янграиди қизлар кулгуси,
Кулгики — дилларга оташ солгуси.

Бир фурсат дам олди карвон аҳли ҳам,
Байрам шукуҳини кўрдилар баҳам.

Бир ёқда кўқ сомса, бир ёқ — сумалак,
Ажиб мушоира, гўзал байт-барак.

Келинлар безаги ўсмаю сурма,
Базмга чорлайди карнаю сурнай...

Атлас кийган қувноқ сулув бир жувон,
Фотимани тортди даврага шу он.

Чехрасига иниб илиқ табассум,
Бир сурур қуюлди қалбига ўзу зум.

Мудраган сезгилар уйғонди қизда,
Ва ҳаёт шуъласи порлади юзда.

Қизлар билан қирда юргуси келди,
Лолақизғалдоқлар тергиси келди.

Атрофга таралар кўклам зиёси,
Шул яшил қирларнинг борми қиёси.

Эзгулик дамларга не етсин, ё раб,
Яхши одамларга не етсин, ё раб,

Наврўз базми ҳамон давом этарди,
Пастликда Зарафшон оқиб ётарди...

* * *

Бухорода бу дам ўзга ҳол эди,
Севинчларга тўла бир аҳвол эди.

Кутиш, орзиқишлиар тугаб ниҳоят.
Абу Абдуллоҳдан келган эди хат.

Хатнинг қатларида кичик бир мактуб,
Бу бошқа манзилдир ва бошқа қутб.

Фотима бегимга аталган нома,
Ўзга бир оламдир, ўзга ҳангома.

Ҳайҳот, осмон қасри бузилмиш гўё,
Бунча адолатсиз бу фожеъ дунё.

Аввало уларни суйдирмоқ нечун,
Суйдириб, суйдириб, куйдирмоқ нечун,

Бир ёқда ҳаяжон, бир ёқ изтироб,
Тун-кун интилганинг бўлганда сароб.

Не умидинг қолди энди дунёда,
Ул нома муаллақ турар ҳавода.

Фотима қайдо-ю, мактуб қайдадир,
Имкони надир ва иложи надир.

Ўртада оқмоқда катта бир дарё,
Наинки дарёдир, шафқатсиз дунё,

Не тонг, хат эгасин тополмас энди.
Меҳр, меҳрсизлик қўшилиб ёнди...

Шаҳрияда алам, Аҳмадда алам,
Адо бўлди қизнинг волидаси ҳам.

Тақдир ўйинлари нечук шафқатсиз,
Тўлқину тўғони бунча сарҳадсиз.

Гоҳ ёндириди, гоҳо сўндириди бу хат,
Сўнгандарни яна ёндириди бу хат.

— Фотима, қайдасан, берсанг-чи хабар,
Сенинг қайдалигинг билсайдик агар,

Шу заҳот қуш бўлиб учиб борардик,
Не юрт, элатларни кечиб борардик.

Абу бор экандир, Фотима йўқдир,
Не тонг, иккиси ҳам биздан йироқдир.

Абунинг муждаси — дилга суюнчиқ,
Фотима «қиссаси» заҳардек аччиқ.

Ҳайҳотдир — интизор забонсиз мактуб,
Сарғайиб ётибди эгасин кутиб...

Ўзингдан иноят тилармиз, оллоҳ,
Ўзингга ибодат қиласмиш, оллоҳ.

IV. ЗАРАФШОН СОҲИЛИ

Оқшом қир қўксига ёқилди гулхан,
Баргаклар маржони тизилмиш гулдан,

Авжи куйга чиққан ёшлар давраси,
Сулув келинларнинг қизил дурраси.

Наврўз давом этар, тунги базмдир,
Минг рангда товланган қадим тизимдир.

Дошқозонда қайнар хушбўй ҳалиса,
Минг дардга даводир ким уни еса.

Атрофга таралар чилдирма саси,
Кўм-кўк майсаларнинг илиқ нафаси.

Новдаларни безаб яшил куртаклар,
Дарада айланар қадим эртаклар.

Минг бир кечаларнинг ҳикоятлари,
Боболарнинг ажиб ривоятлари.

Ёшинмачоқ ўйнар йигитлар, қизлар.
Қирларга сочилган сонсиз юлдузлар.

Тўлин ой баркаши сочади шуъла,
Қайдадир янграйди жозиб ашула...

Дунё ташвишлари бир фасл унут,
Қизнинг кўзларига термулар йигит.

Кир аро қўр ташлаб ястанган карвон,
Оқшомги базмда бўлишди меҳмон.

Фотима қизларга қўшилиб кетди,
Кўнгил ҳоҳишлирин бир дам унудти.

Гўё қайтиб келди болалик чоги,
Куртак ёзди гўё умид япроғи.

Гўёки қалбига киргандай баҳор,
Кўз олдига келар ўша олмазор.

Бухорода не гап — билмас эди у,
Зеро, тасаввур ҳам қилмас эди у.

Ниҳоят Абудан мактуб келгани,
Беҳад бир севинчу, шодлик бўлгани,

Бу нечук мўъжиза эрур — шу заҳот,
Уларнинг барчаси бўлганин барбод.

Фотима билмасди, қайдан биларди,
Билганда — борлиғи нурга тўларди.

Ўзга бир дунёда эди бу маҳал,
Тақдир яна нени кўрсатар бу гал.

Ким уни фол кўрар, у ҳали пинҳон,
Унинг сири фақат тангрига аён.

Қанчалик ёнмасин, қанча куймасин,
Бухоро ҳавасин дилда туймасин.

Аммо, у орқага қайтолмас эди,
Бу дардни бирорвга айтолмас эди.

Бу бир кўргуликлар йўқдир интиҳо,
Охири кўринмас тилсимдир гўё.

Фотима ўзи ҳам билмасди ҳамон,
Балки бир умрлик ва сўнгсиз туғён.

Оллоҳ не истаса — айтгани бўлар,
Не тонг пешонада борини кўрар.

* * *

Мадрасайи Хосда¹ борар машғулот,
Шогирлардан бири туриб шу заҳот,

Абуни тортади мунозараага,
Бир лаҳза сукунат чўкар орага.

Абдуллоҳ сукунти бузар шу замон,
Кулиб дер: Ким кимни қилур имтиҳон.

Шу дам кўз қирида устозга қараб,
Суханини бошлар Муҳаммад Ҳалаф².

— Сўнгги дарсда, сабаб билмадик недур,
Дедингиз — оллоҳдан қўрқмоқлик зарур.

Агар оллоҳ бизга бўлса меҳрибон,
Унга азиз бўлса ҳар битта инсон.

¹ Мадрасайи Хос — номдор мударрислар дарс бералиган юқори мартабали мадраса.

² Муҳаммад Ҳалиф ибн Қутайба — Ином ал-Бухорийнинг шогирларидаи бири.

Ахир, нега ундан құрқишилик лозим,
Узр, устоз, ғалат бўлса гар сўзим.

— Ўзим ҳам шу гапни кутгандим бугун,
Айтгандим сизларни синамоқ учун.

Оллоҳдан құрқишилик — бу бир фазилат,
Кўрқмаслик аслида эрур бир иллат.

Кўрқиши не дегани — яхши кўришилик,
Унинг ишқи билан машгулот бўлишилик.

Тақводорлик бизга азалдан одат,
Демаки, оллоҳга бўлган муҳаббат.

Дилла ишқинг бўлса — қўрқмоқлик нечун,
Кўрқиши ташвишини тортмоқлик нечун.

Нелардан иборат, фазилатингиз,
Мулоҳаза қилинг, идрок этингиз,

Сабр фазилатдир, инсонга ҳусн,
Магар у инсондир, олобли бўлсин.

Тавба фазилатдир, ўзи англамоқ,
Неки эзгуликдир — борин тингламоқ.

Шафқат фазилатдир, меҳр — фазилат,
Меҳрли бўлмоқлик азиздир ғоят.

Саховат — фазилат, эҳсон — фазилат,
Етим-есирларга ҳиммат — фазилат.

Ота ва онанинг қадрига етмоқ,
Бир умр аларнинг хизматин этмоқ,

Севги фазилатдир, севмоқ — фазилат,
Муҳаббат — фазилат, суймоқ — фазилат.

Фазилатдир поклик ва покизалик,
Олтиндай соғлигу ҳамда тозалик.

Ҳаромдан жирканмоқ, ҳалолга етмоқ,
Оз бўлса, озига қаноат этмоқ.

Фазилат меваси шифил дараҳтдир,
Оллоҳ инъом этган тўқис бир баҳтдир

Муруват қилмаса, муруват қилғил,
Нелигин билмаса, нелигин билғил.

Инсоф ва диёнат — асл фазилат,
Инсофсизлик эса — заҳарли иллат.

Фазилатдир инсон гуноҳин кечиш,
Тавбаю тазаррӯ қилса авф этиш.

Ҳар кас жавоб айтсан ўз қилмишига,
Виждон кафил бўлсин қилган ишига.

Гуноҳ тавба билан ювилмоғи рост,
Тавба яхшиликка йўғрилмоғи рост.

Ёмонликка магар қилсанг яхшилик,
Яхшилик яхшидир, билсанг — яхшилик.

Яхшилик — ёмонни енгар оқибат,
Ёмонликка меҳр сингар оқибат

Яхшилик — ёмонни яхши қилғуси,
Оқибат ёмон ҳам яхши бўлғуси...

Яна нелар дейин, не дейин сизга,
Борини қўйингиз дил-дилингизга.

Оллоҳ ягонадир, ишқ ҳам ягона,
Кимки шак келтирса — унга бегона.

Адолатли бўлмоқ оллоҳ ҳоҳиши,
Адолатсиз бўлиш разилнинг иши.

Афсуски, оқ билан қаро ёнма-ён,
Ёнма-ён турибди яхши ва ёмон.

Фазилат бор ерла разолат ҳам бор,
Адолат бор ерда жаҳолат ҳам бор.

Ҳаммаси оллоҳнинг даргоҳидадир,
Унинг нигоҳида, паноҳидадир.

Кўнглингизга меҳр уруғин экдим,
Гўёки зардўзи бир палак тикдим.

Яна бир масала — дедингиз «сунан»
Тинглангиз, хабардор этайин ундан.

Бир неча «сунан»лар мавжуддир бу чоқ,
Аммо бири эрур биридан йироқ.

Мисол, Абу Ҳудрий ул китобати,
Минглаб ҳадисларнинг илк ҳикояти.

Аслдир, ғалатдир — бирга ёзилган,
Бори сараланмай ипга тизилган.

Мен лозим топардим ўбдон саралаш,
То бўлмасин тўқ ва пучи аралаш.

Бир ботмон қум аро бир зарра тилло,
Ҳар замон йилт этиб кўринар гўё.

Керакдир — юз бора эламоқ даркор,
Ва яна юз бора элангиз такрор.

Шунда сараланарап ҳақиқий олтин,
Ва юзин кўрсатур хира ва ёлқин.

Илло ҳамангизга истайман омад,
Ҳамда боқий бўлди буқунги суҳбат.

Тиларман — истиқбол доим ёр бўлсин,
Тангрим ўзи сизга мададкор бўлсин.

* * *

Абдуллоҳ дилида мавж уриб тўлқин,
Яна Бухорога хат ёзди бугун.

Дили соғинишидан энтикар эди,
Ҳамон бир муждага кўз тикар эди.

На хат бордир уйдан, на бирор хабар,
Келган-кетгандардан сўрар ҳар сафар,

Оқшомлар кўради ғалати тушлар.
Нохуш воқеалар кўнгилни ғашлар.

Сабр деб ўзига таскин беради,
Яна турфа рангли тушлар кўради.

Бу ёқда севинчи бир олам бўлиб,
Дили ифтихору фурурга тўлиб,

Олий ул Нисбанинг шухрати, шони
Бир тўлқин ароким жони, жаҳони,

Ул Байтул Ҳикмада ўқилган фармон,
«Имом ал-Бухорий» — муборак унвон,

Илму иқтидорга шаҳодат эрур,
Даҳолик туҳфаси иноят эрур.

Кошки омад кулиб боқса бу сафар,
Бухорога етса қувончли хабар.

Бухоро — бебаҳо маконим менинг,
Ҳамиша сенингман, ҳамиша сенинг.

Олисда бўлсан ҳам — сенинг борингман,
Ал-Бағдодий эмас, ал-Бухорийман.

Араб дунёсини ҳайратга солиб,
Майдонда тенги йўқ — музaffer, ғолиб,

Учинчи китобин ёзар «Ҳадис»нинг.
Минг бир кеча мисол гўзал мажлиснинг,

Билим уммонида сузар эди у,
Ақлни илм-ла безар эди у.

Ўзича бир олам яратгани рост,
Оламни ўзига қаратгани рост.

Қуръони Каримдир, Ҳадису шариф,
Ва ундан ортиқроқ бўлмагай таъриф.

Шу йўсин билмасди умр ўтганин,
Ёшлик фаслин қайтмас бўлиб кетганин.

Ҳамон ўша фикр, ўша ўйда у,
Ҳадис иштиёқи ўша кўйда у.

Баъзида бўлиниб кетади хаёл,
Шунда содир бўлар ажиб бир аҳвол.

Икки минтақага бўлинар дунё,
Қоқ ўртада турар Абу Абдуллоҳ.

Бир ёқда Бухоро — жондан суйгани,
Уни деб ҳар оқшом, ҳар тонг куйгани.

Онам деб бир куяр ва акам деб бир,
Наҳот кўролмаса энди бир умр.

Фотима деганда кўз ёши селоб,
Ундан нигоҳида қолди бир сароб.

Фотима дейди-ю йиглайди кўнгил,
Йиглаб ўз-ўзини тиғлайди кўнгил.

Юрак қатламида аламдир қат-қат,
Уларга ёзилган эмишдир фурқат.

Фурқат айрилиқдир, фурқат ҳижрондир,
Бир умрлик ҳижрон, сўнгсиз ҳижрондир.

Наҳотки, йўқотдим сени то абад,
Бу не мусибатдир, бу не мусибат.

Бир йўқотиб қайта тополмаганим,
Йўлингда бўталек бўзлаб қолганим.

Менингдек бенаво бўлмасин ҳеч ким,
Дардига бедаво бўлмасин ҳеч ким.

Ва ҳеч ким бўлмасин мендек саргардон,
Ўзи бир сарсону, дили бир сарсон.

Йиглай-йиглай сўлдим, кўз ёш ҳам тинди,
Дунёдан сени деб ўтарман энди.

Оллоҳдан иноят тиларман сенга,
Туну кун ибодат қиларман сенга.

Бу дарду аламни ким ҳам тинглагай,
Фақат күнгил билар, күнгил йиғлагай...

Тақдир не кўрсатар — буни ким билсин,
Айни чоқ сеҳрли, сирли бир тилсим.

Бир ёқда Ҳижоздир, Макка сафари,
Бир куч етакларди Мадина сари.

Иккиси тортади икки томонга,
Бириси — бу ёнга, бири — у ёнга...

* * *

Мадина сафари тушиб күнгилга,
Имом ал-Бухорий чиқдилар йўлга.

Яна Ҳадис ишқи дилда ҳукмрон,
Уни бошлаб борар Ҳижозга томон.

Яна суриштиromoқ, яна излашлар,
Ўтган улувларни яна элашлар.

Жобир ибн-Абдуллоҳ ва ибн Мутъим,
Маъсуд ал-Анзорий ва ибн Муслим.

Ибн ас-Сомитдир, Ҳаким ал-Ҳизом,
Ибн ал-Ҳусайн ва ибн Салом.

Ибн Буср ҳамда ибн Муталлиб,
Умму Ҳониъ ила ул Абу Толиб.

Неча бир котиблар, неча бир китоб,
Булутлар ортида яширин офтоб.

Ҳамон ул ровийлар қилур ҳикоят
Мозийдан қолган бир тухфа-иноят,

Муҳаммад пайғамбар замонидадир,
Имом ал-Бухорий армонидадир.

Үшал хазиналар күзини очмоқ,
Ёпиқ тилсимварни бирма-бир ечмоқ.

Бу заҳмат чекмоқдир ва меҳнат қилмоқ
Борини эъзозлаб, янгисин билмоқ.

Дур каби сочилимиш Ҳижоз ерида,
Мачиту мадраса минбарларида.

Гўёки тонг чоғи гулзор оралаб,
Атиргуллар термоқ сайлаб, саралаб.

Шу хил фикр билан кетар Абдуллоҳ,
Оллоҳ даргоҳига борарди гўё.

Дили равшан эди, хушнуд эди у,
Йўлини ёритиб тураг бир туйғу:

Иншоллоҳ, умид ижобат бўлғай,
Истагинг тангридан иноят бўлғай.

* * *

Сафар давом этар, Абу Абдуллоҳ,
Ўша оқшом чогин эслади ногоҳ.

Катта маросимнинг нақ эртасига,
Меҳмонлар келди унинг ҳужрасига:

Юсуф ал-Фартобий ҳамда Мадийний,
Мусо ал-Абасий ва ал-Ҳамийдий,

Язид ибн Можа ва ибн Ҳанбал,
И мом ибн Ҳажжож ҳаммадан аввал,

И мом ан-Насойй ва ал-Рамозий,
Ибн Сижистоний ва ал-Марвозий,

Келмишли устозлар, дўстлар, шогирдлар,
Кулбани бошига кўтариб улар,

Абу Абдуллоҳни қутлашиб шу чоқ,
Суҳбат давом этди узунлан узоқ.

Даврани бошқарыб борарди Ҳанбал,
У сүзласа суҳбат топарди сайқал:

— Устозидан ўзмаган шогирд — пачоқдир,
Қиличнинг олдида ўтмас пичоқдир.

Абу энди — Имом, устози аввал,
Менки — таъзим қилиб унга ҳар маҳал,

Бир йўла барчамиз мот қилди Абу.
Араб оламини забт айлади у.

Хадисда шоҳ асар «Саҳийҳ»дир албат,
Тенгсиз бир жозиба ундаги қудрат.

«Ас-саҳийҳ» ўзи-ку янги бир олам,
Яна бордир ўзга дурдоналар ҳам:

«Ал-адаб ал-муфрад», «Тарих ас-сағийр»,
«Китоб ал-Илал»дир, «Тарих ал-Кабийр»,

«Ат-тарих ал асват», «Китоб ал-куна»,
«Барр ул-волидайн», неча бир яна,

«Асоми саҳоба» — ўзи бир даҳо,
Ҳар бири — бир дунё ўзича танҳо.

Яна қай бирини айтайин сизга,
Ва ўрин қолдими ортиқ бир сўзга.

Сўнг Ҳажжож сўйлади, сўнг — ал-Фартобий,
Номба-ном саналди барча китоби...

Дўйстлар чехрасида илиқ табассум,
Ал-Бухорий бу дам хушнуд ва матъсум.

Тонггача чўзилди ширин бир суҳбат,
Неча бир саҳоба, неча бир улфат.

Ажиб самимият, меҳр-муҳаббат,
Неча бир эзгулик, неча бир ният.

Яхшилик яхшидир, пешонаси оқ,
Тонг отиб келарди нурли ва оппоқ...

Карвон кечга яқин Басрага қўнди,
Шу дам яккам-дуккам чироқлар ёнди.

Дилдан хурсанд бўлган Абдуллоҳ шу он,
Бўлди Мустафонинг уйида меҳмон.

Шукур, хонадонда омонлик, обод.
Мезбон Абдуллоҳни кўриб бўлди шод.

Иккиси тонг отар гурунг қилишди
Сўнг бир воқеадан роса кулишди.

Ҳокимнинг хотини — сарой бескаси,
Бутун салтанатнинг сулув эркаси,

Дарддан шифо топиб, соғайган ул кун,
Абдуллоҳнинг ноёб хизмати учун,

Ҳокимнинг ҳимматин тинглаб бош табиб,
Мустафо қошига келибди чопиб:

— «Илтижо қиласан, Абуга айтинг.
Ўрнимга бормасин, «бу йўлдан қайт» ленг.

Не тиласа айтсан, муҳайё этай,
Бору бисотимни қўлига тутай.

Тасодиф бир ҳолат, келгинди бир зот.
Амал деб талашса — бўлмасми ўёт,

Менинг кимлигимни билиб қўйсин у,
Не десам — сўзимни тингласин Абу.

Ўйламасдан қадам қўйгани учун,
Саройда оёғи синиши мумкин.

Эл аро шоёндир менинг шуҳратим,
Ҳар нега қолирдир куч ва қудратим.

Ҳукм ҳам шул эрур, қарорим ҳам шул:
Яхшиси — Басрадан кетгани маъқул.

Неки шарти бўлса — ўйлаб кўрайин,
Ҳаттоки, йўл кира деса берайин.

Менинг саховатим балки билмассиз,
Демоқчиман, сиз ҳам қуруқ қолмассиз».

Абу тинглар экан Мустафо сўзин,
Ноқулай бир ҳолда кўтарди ўзин.

Нақадар ҳақорат, пасткаш бир инсон,
Одоб кўчасидан ўтмаган нодон...

Кулгуси — «йифи»га айланди шу чоқ,
Бутун вужудига кирди бир титроқ.

Нечун жоҳилият, бу не тузсизлик,
Нечун беҳаёлик ҳамда юзсизлик.

Афсусдир, саройда шу хил нокаслар,
Разолат бандаси, назари пастлар.

Инсонлик номига келтириб иснод,
Эзгулик қасрини айламоқ барбод.

...Дунё бундайлардан бўлурми холи, —
Муаллақ турарди Абу саволи.

Кўнглига ғалаён солди бир оташ,
Асаблар қалтираб, дили бўлди ғаш.

Минг бора пушаймон бўлди Мустафо,
Бир жиноят қилиб қўйганди гўё.

Абунинг пойига йиқилиб шу он,
Илтижо қиласарди, қалбida туғён.

Нодонлиги учун узр сўрарди,
Гуноҳлар олдида зўрга турарди.

Инсонни қақшатар — инсон қилмиши,
Бу инсон сиёқли шайтоннинг иши...

* * *

Тонгда Ар-Риёдга жўнади карвон,
Абу ҳам кетарди Ҳижозга томон.

Хаёлда айланар оқшомги сўзлар,
Қаҳратон муз каби совуқ ул кўзлар.

Қалбни титратарди, жондан ўтарди,
Милтиқнинг ўқидек тешиб кетарди.

Тун бўйи тўлғаниб, ухломай чиқди,
Тонг отишин кутиб осмонга боқди.

Ҳақорат бўлурми бундан ҳам ортиқ,
Ҳалиям ўзига келганича йўқ.

Кўнгил беҳаловат, зирқиради бош,
Сўнгги нуқтасига етарди бардош:

— Қайдан жоҳилият, бу сўқир бало,
Қайдан бу қабоҳат — дарди бедаво.

~~Худодан ҳам қўрқмас бу аждаҳолар,~~
~~Заррин тўнда юрган соҳта даҳолар.~~

Бунчалик ялмоғиз, бунчалик юзсиз,
Уларнинг олдидаги тангри ҳам ожиз.

Оллоҳ яратганда тенг қилган эди,
Бир хил ёқа, бир хил енг қилган эди.

Ота ким, она ким — тополмас кунлар,
Ҳатто ўётини ёполмас кунлар.

Оллоҳ саховатни тенг қилиб берди,
Мехру оқибатни тенг қилиб берди.

Қилмади бирин кўп, бировини кам,
Тенг қилди нону туз, насибани ҳам.

Ҳар кимга бир улуш тошу тарози,
Йўқ эди ўлчовда қўпи ё ози.

Тенг қилди ётгулик, егуликни ҳам,
Тенг қилди лисону дегуликни ҳам.

Идрок ҳам тенг эди, эзгулик ҳам тенг,
Ўқигулик тенгдир ва ёзгулик тенг.

Хамири бир бўлса, зуваласи бир,
Арқофи бир бўлса, калаваси бир.

Форларда ётгани рост бўлса агар,
Оға-ини ҳамда дўст бўлса агар,

Қайдан пайдо бўлди нафси балолар,
Чайнамай ютувчи очкўз юҳолар.

Қаерда урчиди бунча қаллоблар,
Мол-дунё деганда — хотинжаллоблар.

Оллоҳ, ягонасан ва қудратлисан,
Ҳар нарсага қодир ва қувватлисан.

Билмайсанми текин еб ётганларни,
Сенинг борлигингни унутганларни.

Қудратинг қайдаю, қаҳринг қаерда,
Буларга сочиш-чун заҳринг қаерда.

Банданг-ку ожиздир, ожизму сен ҳам,
Ёки шайтондан ҳам ёмонми одам.

Қаҳрми меҳрми — бу сенинг амринг,
Бүёғи ўзингга ҳавола, тангрим...

Минг бир хаёл ичра кетарди Абу,
Ўйлаб охирига етолмасди у.

Кўнгли хира эди, асаблар титроқ,
Бандидан узилган сўлгин бир япроқ...

V. МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР — ШОИР АЛ-АҚВОЪ

Мадина тарафга кетарди карвон,
Туяга мингашган Абдуллоҳ шу он.

Ногоҳ Мустафони эслар шу заҳот,
Хаёл Басра томон ёзади қанот.

Эслар дўкондорнинг узоқ кутганин,
Ҳамда тўрт китобат тухфа этганин:

Ҳасан ал-Басрий ва Абу Бакрдир,
Асвад ибн-Қайс ва ибн Жобирдир...

Абу мамнун эди ҳаддан зиёда,
Яхши инсонлар ҳам бордир дунёда.

Абу ҳадисларни тўтиё этиб,
Бирма-бир уларни кўзига суртиб,

Бир тоза ҳаводек симириб яккаш,
Кўзларида ёниб меҳр ва оташ,

Фикрлар — чирмасиб кетган бир арқон,
Абу идрок, ўйи банд экан шу он,

Олдинги қатордан келди бир садо,
Кимдир паст овозда қиласарди ҳудоъ¹.

Кўшиқ-ки сеҳрли ва эли таъбдил,
Эрибётар эди эшитган кўнгил.

Абу туябондан сўрар шу лаҳза:
— Ким бўлди хиргойи қилган ул кимса?

— Оддий юк ташувчи, шеърни кўп сўйлар,
Шоир ал-Ақвоънинг қўшиғин куйлар...

Икки юз йил аввал, Хайбар йўлида,
Етакчи хизматкор шундай ҳолида,

Худди шу қўшиқни кетаркан куйлаб,
Ҳамда қизиқ-қизиқ маталлар сўйлаб,

Дўстлар қисташаркан: Хурсанд қилсанг-чи,
Ражазларингдан² бир куйлаб берсанг-чи,

Жаноб Расуллуллоҳ тинглаб шу замон,
Сўрадилар кимдир ўша туябон.

¹ Ҳудоъ — туякашлар қўшиғи, хиргойи усулда куйланади.

² Ражаз — ражаз вазнида ёзилган газаллариниңдан демокчи.

Саҳобалар деди: Ал-Ақвоъ — шоир,
Олис сафарларда ҳамиша шудир.

— «Шеърда ҳикмат мавжуд» деди — пайғамбар,
Чақириңг, айтайин эзгу бир хабар:

Ақвоъ келиб шу çoқ таъзим айламиш,
Расуллұллоҳ унға шундай сўйламиш:

— «Ақвоъ, сенга оллоҳ раҳмати бўлсин,
Унинг мадҳи доим дилингда қолсин».

Абдуллоҳ тингларкан бу хил ривоят,
Шу çoқ ич-ичидан шодланди фоят.

Кўнглида қўзғалди ажиг бир туйғу,
Турфа шоирларни эслаб кетди у:

Ҳассон ибн Собит ва шоир Ақвоъ,
Шоир ибн-Лубайд, ибн Рувахо,

Булутлар қўксини наштардек тилган,
Қаро тун бағрини юз пора қилган,

Шоирнинг шеъридир, дононинг сўзи,
Илму ҳикмат очар оламнинг қўзин.

Туябон қўшиғин тингларкан Абу,
Қалбининг тубила қўзғаб бир туйғу,

Қатор бўлар эли шеърий абётлар,
Куї билан қоришган ширин баётлар.

Абу шоирлигин тутарди пинҳон,
Бир фурсати етиб, бўлар намоён.

* * *

Кечакундуз тинмай, олис йўл юриб,
Йўл юрса ҳам ҳаддан зиёд мўл юриб,

Мадина шаҳрига кириб келишди,
Дорилмусофирга дохил бўлишди.

Мадина ан-Набий, қадим ул Ясриб,
Жаноб пайғамбарга қилмишdir насиб.

Мана, ўша масжид — муқаддас даргоҳ,
Табаррук ул қабр нур сочар гүё.

Абдуллоҳ бу ерга келган неча бор,
Ҳар келиш Абуға фарз эрур такрор.

Яна бошин эгіб турибdi бу дам,
Зиёрат аҳлидир — тинмас бир қадам.

Яна ўша «Равзаи мутаҳҳара»дир,
Абу сажда учун бошин қўядир.

Бир чоқ — Абу эди, Абдуллоҳ эди,
Расулуллоҳ номи дилга жо эди,

Энди — И мом эрур, ал-Бухорийдир,
Бу нисбат Абуға ифтихор эрур.

Шу заҳот ғойибдан келди бир нидо:
— Оллоҳ ёрлақасин сени, Абдуллоҳ,

Унинг номин дилдан туйганинг ҳақдир
Ҳамда ишқи билан куйганинг ҳақдир.

Масжидга бир ёғду таралди шу он,
Гүёки ёришиб кетгандай жаҳон.

— Жаноб Расулуллоҳ, шукрим қабул эт,
Эзгулик йўлида қўлларимдан тут.

Мен поклик, ҳалоллик тиларман бу чоқ,
Тун-кун ибодатлар қиларман бу чоқ.

Мана, пойингдаман, қилғил имтиҳон,
Адолат истайман то бўлғай имкон,

Қабрга бош қўйиб сажда қиларди,
Ўзига қаноат, сабр тиларди.

Ўзинг пок, покиза эрурсан, тангрим,
Боридан юқори турурсан, тангрим.

Үзингдан иноят тиларман яккаш,
Үзингга ибодат қиласман яккаши.

Сабрсизга ўзинг сабр бергайсан,
Йўлдан озганларни йўлга бургайсан.

Тавба қилмаганни тавба қилдиргин,
Айбин билмаганни айбин билдиргин.

Токи оёғингта йиқилсин нокас,
Токи ёмонликни қилмасин ҳавас.

Амалпарастларни шармисор этгин,
Тахтидан қулатиб жарликка отгин.

Ўғри, безорини тошга бостиргин,
Жонга қасд қилганни дорга остиргин.

Адолатли, эркин бир замон бўлсин,
Эл обод бўлсин-у, фаровон бўлсин.

* * *

Мадинада тугаб шукру зиёрат,
Масжиди хосдаги тавоф, ибодат,

Яна елкасига тўнини илиб,
Дўсту ёрлар билан хайру хўш қилиб,

Абдулла Хайбарга йўналди тонгда,
Атроф рангланарди минг қуроқ рангда.

Осмон этагида заррин бир лавҳа,
Янги кун олдидан ёрқин сарлавҳа,

Қуёш кокиллари гўё мажнунтол,
Битта мажнунтолда юз мингта ҳилол.

Ониоқ нур чулғамиш Ҳижоз водийсин,
Қирларни қопламиш сахар ёғдуси.

Абу ҳиссиётлар тўлқини аро,
Бир кема сингари сузарди гўё.

Мана, күз ўнгига зумрад боғотлар,
Саррин хурмозорлар, турфа работлар.

Кетар экан шунда боғлар оралаб,
Гулзорлар хуснига түймайин қараб.

Шу лам олисларга бошлади хаёл,
Содир бўлди шунда ажойиб бир ҳол:

Кўнгил ойнасида кўринди Захро,
Ийманиб, зорланиб турарди гўё.

Тушими, ўнгими — билмасди Абу,
Ногихоний ҳолдан ҳайрон эди у.

Ахир, йиллар ўтиб, замонлар ўтиб,
Қачон эди — Абу қизни унутиб...

Неча бор Басрага келганида ҳам,
Кўринмай қолганди энди ул санам,

Бугун яна, ногоҳ, кўнгилда пайдо,
Ўша иффатли қиз, бу ўша — Захро.

Ўша сулувликдир, ўша малоҳат,
Ўша сарвқомат, ўша назокат.

Ўн олти баҳорли ўша қиз бола,
Ўша баҳор гули, ўша гул лола.

Бу не синоатдир, не савдо, ё раб,
Абу турар эди ойнага қараб.

— Абу, меҳр қилиб бир боқмадингиз, —
Ширин такаллуфда сўйлар эди қиз.

— Боққанди бир нима кам бўлармиди?
Ёки қоматингиз хам бўлармиди?

Мени-ку боққани қўймади ҳаё,
Бизни ожиз қилиб яратмиш худо.

Эркак кўнгил қўйса — йўриги осон,
Агар аёл севса — минг марта ёмон...

Севги ўтди, унинг тафти ҳам ўтди,
Борлиғимни тамом қуйдиріб кетди.

Айттолмадим уни, дилимда пинҳон,
Үзим-үзим билан куярман ҳамон.

Севиб, севилмасам... бўлмас қиёмат,
Кўзда ёшим... сизга тилайман омад...

Абу бир сесканиб, келди ўзига,
Нималар кўринли бу чоқ кўзига.

Фақат шунда сезди — киприкларда нам,
Япроқлар узраким тонгги ул шабнам.

Заҳрога бир нима демоқчи бўлар,
Аммо қиз ўрнида саробни кўрар.

Шу заҳот йўлида тўхтаб қолар у,
Дилга ғулу солар нохуш бир туйғу.

Хаёл билан ҳаёт қоришиб кетар,
Бири бири билан олишиб кетар.

Шу маҳал дунёнинг олис бурчидা,
Хаёл арқонининг нарги учидা,

Хира туманликлар, булутлар аро,
Фотима кўриниб кетгандай гўё.

Нелар содир бўлди — англамас Абу,
Бир аросат ичра қолган эди у...

Бир йилдирки Абу ҳамон Ҳижозда,
Елкада тўнидир, ўша алфозда.

Бир ёқ Қизил денгиз, бир ёқ Ар-Риёд,
Водийга зеб берган дарёни Фурот.

Бир қаранг — Маккада, бир қаранг — Наҳда,
Тоифдир, Абводир ва шахри Хира,

Ҳали Уқоздадир, Шом ила Қуддус,
Тинмай кезар эди кечаю кундуз.

«Сира»¹ билан «Муснад»² топилган куни,
Абуни чулғади севинч түлқини.

Неча қиссаҳонлар айлаб ҳикоят,
Неча бир ровийлар сўйлаб ривоят.

Абу Талха, ҳамда Абу Бакрдир,
Абу Аюб, Авфдир, Абу Саҳлдир.

Баъзизда мадори қурир толиқиб,
Сохта ровийларга баъзан йўлиқиб.

На қофоз етарди, на қалам, сиёҳ,
Бирор егулик ҳам топилмасди гоҳ.

Шундай сонияда ҳайрон қоларди,
Ҳадисларни тинглаб, ёдга оларди.

На чора — мақсадга етишмоқ надир,
Яна қаноатдир ва яна сабр.

* * *

Хайрбарда борарди ғалла ўрими,
Ва боғларда фасли мева терими.

Бир куни Абдуллоҳ далага чиқди,
Унда фаллоҳларнинг ишига боқди.

Хаёлида турар Мисрға сафар,
Борди-ю ҳозирлик кўрмаса агар,

Бу ҳолда бир ёққа кетиши гумон,
Сарфи харж тугаган, бўш эди ҳамён.

На илож, Абдуллоҳ далада юриб,
Гоҳо ғалла ўриб, гоҳ мева териб.

¹ Сира — «Сира ар-расул Оллоҳ» — Ибн Исҳоқ ва ибн-Ҳишом асари, Мұхаммад пайғамбарнинг ҳаёт йўли ҳақида.

² Муснад — Ибн Ҳанбал (780—855)нинг 6 жилдлик ҳадис китоби.

Соҳиб¹ хизматини айларди бажо,
Не юмуш буюрса — этарди адо.

Тонгдан оқшомгача тинмай бир нафас,
Жазира-иссиқда чанқоқ ва лоҳас.

Бошга тушганига кўниккан эди,
Қаро меҳнат аро униққан эди.

Толиққан карвондек ўтарди кунлар,
Бир лаҳза оромга муҳтож у тунлар.

Баъзан «етар-етмас», баъзан эса оч,
Ахир, шундан бўлак йўқ эди илож.

Ожиз Фаллоҳ ҳаққи — дилда изтироб,
Инсондек яшамоқ гўё бир сароб.

Бош узра айланар нотавон тақдир,
Осмон — олис эди, ер эса — тақир.

Узатган нарсага етмасди қўли,
Қанча интилмасин — унмасди «йўли».

Нима қилмоқ керак, не қилмоқ керак,
Баъзиде увушшиб кетади юрак.

Азалдан тузгани шу бўлса не тонг,
Тақдирга ёзгани шу бўлса не тонг.

Не бўлса — бариси оллоҳ хоҳиши,
Яхшими, ёмонми — ўзининг иши.

Неки меҳнат билан келса — у ҳалол,
Меҳнатнинг меваси бўлса — у ҳалол.

Тер тўкиб топганинг — эрур беминнат,
У сенга тухфадир, кўксингга зийнат.

Кундузи далада, сўнг — оқшом маҳал,
Бир фурсат ҳордиққа келганида гал,

¹ Соҳиб — хўжаларга мансуб, ёътиборли ва имтиёзли табақа вакили.

Дўстлар даврасида бошланиб сухбат,
Тонготар гурунглар қизирди фоят.

Сирли ривоятлар бошланар эди,
Не бўлса ўртага ташланар эди.

Абу тинглар эди, ёдга оларди,
Ҳамла ич-ичидан хурсанд бўларди.

Қайси сандиқда бор бу хазиналар,
Тугамас бир умр тингласа агар...

Шу йўсин тугаркан хизмат фурсати,
Ҳамёнга тушаркан йўл харажати,

Бир муддат нафасин ростлали Абу,
Сўнгра Қоҳирага жўнаб кетди у.

* * *

Шаҳрибону кўнгли яна интиқдир,
Абдулоҳдан тағин хат-хабар йўқдир.

Ваҳималар босиб келар ногаҳон,
Аралашиб кетар согинч ва туғён.

Қоронғу тунларда қочади уйқу,
Тонггача Абуни ўйлаб чиқар у.

Ўйлаб, ўйловига етолмай қолар,
Ва битта ўйлови юз битга бўлар.

Онанинг кўнглидир доим болада,
Боланики эса — доим далада.

Ўттиз йил эрурки, кўзлар интизор,
Тонгда ҳам, шомда ҳам кутади такрор.

Ўзича ёнади, ўзича куяр,
Ҳар куйганда бир бор энтикиб қўяр.

Куйиб шамдай адо бўлгани ҳам рост...
Қариб ва қартайиб қолгани ҳам рост.

Үттиз йилдан бери йиғлайди күнгил,
Йиғлаб-йиғлаб ўзин доғлайди күнгил.

Бир пайтлар күз ёши дарё бўлганди,
Йиғилиб-йиғилиб дунё бўлганди.

Аввал бир қўлмакда туриб қолди у,
Туриб-туриб, сўнгра қуриб қолди у.

Энди кўзи эмас, кўнгли йиғлайди,
Ўксиниб-ўксиниб мунгли йиғлайди.

Тақдирда бор экан — не қилсин она,
Билмас — пешонала нелар бор яна.

Қисматда кўришмоқ бормикан ўзи,
Абу кўзларига тушарми кўзи.

Қарилик қайғудир, зўрга юрибди,
Афсуски, бир оёқ гўрда турибди.

Яхшиям баҳтига Аҳмад бор экан,
Яримта бўлса ҳам — омад бор экан.

Келин қилди, дили овуниб юрди,
Иккита кўчқордек невара кўрди.

Шунга ҳам минг қуллуқ, шунга ҳам шукур,
Яратган эгамга минг бор ташаккур...

Орадан ўтаркан бир неча фурсат,
Шу заҳот эшикда кўринди **Аҳмад**.

Уйдан чиққан эди тонглан ҳам бурун,
Дохилий бобонинг «йиллиги» бугун.

Одам билан тўлди устознинг уйи,
Аҳмад белин боғлаб турди кун бўйи.

Чолнинг вафотига бир йил тўлган кун,
Элга ош тарқатиб эслашди бугун.

Расо бир йил аввал аҳли Бухоро,
Кўзларига ёшдир ва мотамсаро,

Зўр бир маъракани кузатган эди,
Чолни сўнгги йўлга узатган эди.

Жаннатнинг эшиги бир зум очилди,
Бобонинг қабрига гуллар сочилди.

IV. ОНА КЎЗ ЁШЛАРИ

Фотима уйида ўзга ҳол эди,
Ўзга ҳол эдидо, ўзга фол эди.

Қоматлар букчайган ул онаизор,
Ҳамонки кўзлари йўлга интизор.

Ҳануз бир рўшнолик кутар бечора,
Ўзи оворадир, дили овора.

Йиглаб-йиглаб, охир тақдирга кўнди,
Йигилар ҳам тинди, кўз ёш ҳам тинди.

Фотима қайдадир билмасди ҳамон,
Ер қаттиқ эди-ю, йироқдир осмон.

Куйиб-куйиб охир кул бўлди жони,
Факат жонимиidi, бутун жаҳони.

Қайда эди бунча кўнгли қаролик,
Қайда эди бунча мотамсаролик.

Бормаган эшиги қолмади унинг,
Кирмаган тешиги қолмади унинг.

Ерга кирдими ё осмонга учди,
Қаерга югурди, қаерга қочди,

Ёлғизи эди-ю, кўзин қароси,
Кўзин қаросию, жоннинг балоси.

— Қайдасан, Фотима, борми маконинг,
Ўликми, тирикми, омонми жоннинг?

Бунча бераҳмсан, ҳой тентак қизим,
Тилаб олган болам. лолам-қирмизим.

Сени қайдан излай, қаердан излай,
Қайларга югурдай, қаерга бўзлай.

Менда югурмоққа оёқ қолдими,
Одамга ўхшаган сиёқ қолдими.

Менда на сабр бор, на қаноат бор,
На тингламоқ бор-у, на итоат бор...

Шу жойда хаёли чалкашиб кетди.
Бир хаёл бирига чирмасиб кетди.

Ердами, осмонда юрарди шу чоқ,
Қайда юрганини билмасди бироқ.

Бир нафас тўхтарди, энтикар эди,
Яна олисларга кўз тикар эрди.

Қайдандир Фотима кўринар шу топ,
Йўқ, Фотима эмас, кўринар сароб.

Хаёллар хазондек тўзғиб кетарди,
Осмону фалакка бориб етарди.

Бир гирдоб сингари айланар хаёл;
Узун арқонларга бойланар хаёл.

Она ҳориб, яна уйга қайтарди,
Яна ўша ҳолат, кўйга қайтарди.

Узоқларга беҳол тикилар эди,
Хазон бўлиб ерга тўкилар эди,

— Қайдасан, Фотима, борми маконинг?
Ўликми, тирикми, омонми жонинг.

Тирик бўлсанг, энди келақол, болам,
Дилимда аламсан, аламсан, алам.

* * *

Наврўз базми тугаб, тонг отди шу он,
Карвон йўлга тушди Кармана томон.

Шарқда осмон бети бўзариб келар,
Уфқнинг этаги қизариб келар.

Ястаниб ётмишdir Малик саҳроси,
Кекса табиатнинг қадим дунёси.

Қуш учса қаноти куяр — бир чўлдир,
Охири кўринмас олис бир йўлдир.

Ўнг томонда яйлов — Кўктоғ дараси,
Чап ёғида оқар Мосул¹ дарёси,

Чўлнинг сарҳадлари уфққа етган,
Қирлар бир-бирига туташиб кетган.

Тупроғи қизилдир — худди лаъл мисол.
Гўё сандиқ тўла зеби-зар мисол.

Баҳор айёмида — зангори гилам,
Кўм-кўк дунё бўлиб товланар олам.

Лолақизғалдоққа ўранмиш саҳро,
Осмондан қизғалдоқ ёғилмиш гўё.

Куртак ёзиб қолмиш ҳазорисипан,
Игна баргларини чиқармиш явшан.

Минг бир гиёҳ ерга сочилиб ётмиш,
Офтобга интилиб очилиб ётмиш.

Рама-рама бўлиб қўйу қўзилар,
Маърашиб, ўйнашиб, қирга ёзилар,

Карвон кетаётir, манзилdir йироқ,
Бир хилда тебраниб борар қўнфироқ...

Не бир тарихларни қўрган бу саҳро,
Не бир воқеага бўлмишdir гувоҳ.

Не бир босқинчилар келиб кетмади,
Гўзал манзилларни хароб этмади.

¹ Мосул — Зарафшон дарёсининг қадимий номи.

Бир чоқ қуюн бўлиб келмиш Искандар.
Уни телба қилмиш олтин ила зар,

Кутайба лашкари изғиди бир чоқ,
Элу юртни кезиб тўзғиди бир чоқ.

Қонларга бўялиб саҳро тупроғи,
Қора тутун ичра яқин-йироги.

Испитомен номли чин қаҳрамонлар,
Муқанна сингари фидойижонлар,

Ёвни тирқиратиб қувганлари рост,
Даҳшатли жангларда қирганлари рост.

Барига шоҳиддир бу қадим тупроқ,
Мозийга туташган бу йўллар йироқ...

Карvon кетаётир Кармана томон,
Поёнсиз саҳродир, поёнсиз осмон.

Фотима ҳам кетар чарчаган, ҳорғин,
Йўлнинг азобидир — ранглари сўлғин.

Бир заҳот, қарангки, туяқаш мардак,
Фотима ёнига келиб жонсарак,

Йўл кира бер — дея тиради оёқ,
Қизнинг бергулиги йўқ эли бироқ.

Фотима ёлворар: бирор нарсам йўқ,
Кўрингиз, оғажон, ҳамёним **куруқ**,

Берар эдим ақчам бўлсайди агар,
Шафқат қилинг, оға, савоби тегар.

— Менга савоб эмас, керакдир ақча.
Бўлақол, фурсатим йўқдир ортиқча.

Фотима иложсиз, дилда бир алам,
Рўмолини ечиб узатди шу дам.

* * *

Түякаш кетаркан ортга бурилиб,
Фотима қаради унга ўгрилиб.

Шу дам ич-ичидан келиб хўрлиги,
Ва дилини ёқиб хору зорлиги.

Не қиларин билмай ўйланди шу чоқ,
Алами кўз ёшга айланди шу чоқ.

Дардлари мунг бўлиб йиғлар эди у,
Айтольмай, гунг бўлиб йиғлар эди у.

Боши берк кўчада ҳис қилди ўзин,
Қоронғу кечада ҳис қилди ўзин.

Рўмолга куймайди, қадрига қуяр,
Ҳам ўксиниш ҳамда бир ғазаб туяр.

Наҳотки, шунчалик пастдир түякаш,
Инсофсиз, иймонсиз қасдир түякаш.

Ақча деб юзсизлик қилур бунчалар,
Шайтондан тўраган шайтонбаччалар.

Нағс дея бир-бирин ғажиб, тишлаган.
Ақчани кўрсатса — томдан ташлаган.

Виждонни бир тутам хас каби ёққан,
Жуфти ҳалолини қиморга тиккан.

Олиб сотарлиқда устаси фаранг,
Энасини сотиб қўймайди аранг.

Туну кун изфишар ақча кетидан,
Уяти йиртилиб кетган бетидан...

Наҳот, ақча ушлаб турмиш дунёни,
Худойим, бормикин бунинг баёни.

Нетай, нодонлигим қолмади ҳаргиз,
Савобга ишониб юрибман ҳануз.

Не билай савобнинг қадри пастлигин,
Сариқ чақага ҳам арзимаслигин.

Шундай номардларга қунимиз қолса,
Дўсту биродарлик агар шу бўлса...

Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон,
Ёлғонга қоришиб кетмиш бу замон.

Оллоҳим, инсоф бер бу нокасларга,
Ўзлигин унугтган эси пастларга.

Уларнинг кўнглига меҳр ато эт,
Кўпию озига сабр ато эт.

Йўлдан адашганни тўғри йўлга бур,
Бировнинг ҳаққини емасин, буюр...

Ўзинг пок, тозасан, оллоҳу акбар,
Ўзинг андозасан, оллоҳу акбар.

Ўзингдан иноят тиларман, тангirim,
Ўзингга ибодат қиларман, тангirim...

Карвон кетаётир Кармана томон,
Фотима ҳам борар шу сафда ҳамон.

Қуёш олам узра ҳукмрон эди,
Пастда-ер, тепада — ул осмон эди.

* * *

Карвон оқшомгача йўл юриб фоят,
Кармана шахрига етди ниҳоят.

Кичик бир саройга қўндилар шу дам,
Баҳор шабадаси, салқин бўлса ҳам.

Бир гулхан ёқишиб, қўйдилар қумғон
Аҳли йўл ўзини қиласди мекмон.

Не қиласдин билмай Фотима гаранг,
Асаб ришталари тортилиб таранг.

Бир чеккада нохуш ўлтирап эди,
Борлиғи увушиб, қалтирап эди.

Тұякашнинг ўша қылган ишига,
Арз қилиб борсинги карвонбошига.

Бу не қилиқ әрур, бу не хүрликдир,
Ёки бир ҳақорат, ёки зўрликдир...

Қаноти қайрилган қүш каби учиб,
Кетиб бораётир тақдирдан қочиб.

Үйларди — олдинда нелар кутади,
Яна неча кун ва тунлар ўтади.

Самарқанд қайда-ю, у ёғи надир,
Янги қўрғон деган манзил қайдадир.

Хаёлга ғарқ бўлиб кетса-да шу чоқ,
Нима қилишини билмасди бироқ.

Ичдан ўз-ўзини койирди фақат,
Шафқатсиз тақдирга ўқирди лаънат.

Орқага қайтсинми борига кўниб,
Пешона ёзиғи не бўлса — кўриб.

Қанча уринмасин — юрак бермас дов,
«Қайси юз билан?» — деб қулгандек биров.

Шу заҳот сесканиб келар ўзига,
Бир қўрқинч кўриниб кетар кўзига.

Нетсин, танҳо эди, ёлғиз эди у,
Аро йўлда қолган, ожиз эди у.

Ёлғизлик нақадар даҳшат ва мудҳиш,
Инсонни хор этиб, девона қилмиш.

Ҳеч ким бу оламда қолмасин танҳо,
Буни душманга ҳам кўрмасин раво...

Яна тонг отмоқда, яна ўша гап,
Карвон кетаётир Машриққа қараб.

Фотима ҳам кетар тақдирга кўниб,
Ўз-ўзича куйиб, ўзича ёниб...

Авф этгайсан, тангрим, гуноҳимизни,
Ўзинг паноҳингда асрагин бизни.

Феълу атворимиз ўзингга аён,
Бизга қийин, аммо сен учун осон.

VII. ЧҮЛИ МАЛИК – КАРМАНА – «ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО»

Бугун Сарипулга етишди карвон,
Савдо-сотиқ иши бошланди шу он.

Ортда қолиб кетди Карман, Қарнаб,
Тимнинг бозорлари шовқинли, сероб.

Қадим Сүғд еридир, неча бир улус,
Тижорат маскани қалъайи Добус.

Бир ёқ Зиёвуддин, тизма Қоратов,
Бир ёқ кенг яйловдир, чайлаю ўтов.

Олисда Нурота қадим ошёндир,
Чашмайи зилолдир, сулув макондир.

Рўпарада эса — Навқа, Мундиён,
Харобалар ичра қадим Рабинжон¹!

Сарипул бозори... сифмайди одам,
Расталарни кезар Фотима шу дам.

Айланиб юраркан бозорни шу тоб,
Кекса чол ёнида кўрди бир китоб

Чолдан изн сўраб китобни олди,
Очиб ўқиди-ю, ҳайратда қолди.

¹ Рабинжон — Каттақўргон яқинидаги қадимий шаҳар, босқинларда бузилиб, харобага айланган.

«Юсуф ва Зулайҳо» — ажыб бир қисса,
Омад боққусидир ким харид қилса...

Фотима ул замон, болалик чоги,
Барқ уриб турганда ёшликтинг бояни,

Дохилий уйида олганди сабоқ,
Зулфизар исмли қизлари ул чоқ.

Илмли лисон ила назм, таворих,
Адабу ахлоқни қилмишди таъриф.

Неча бир эртагу матал, ҳикоят,
«Ҳадис» аталгувчи не бир ривоят.

«Юсуф — Зулайҳо»ю, «Лайли — Мажнун»лар,
Қиссанынлик билан тонготар туналар.

Сулув эди, чиндан кокиллари зар,
Дугоналар ичра бир пари-пайкар.

Чехрасидан ҳардам ёғиларди нур,
Гапирса — лабидан сочиларди дур.

Назм айтганида сеҳрли эрди,
Үзи қисса сўйлаб, ўзи эрирди.

Ҳазиллашар эди устоз ўзи ҳам:
— «Илми ҳикмат бўлса — сеники олам»...

Қанча сувлар оқди ўшандан бўён,
Вақт ўтиб неча бор айланди замон,

Қисмат экан бори, аянч кўргулик,
Не кўрдим ҳаётда: деса дегулик.

Кўз юмиб очгунча турнадек қатор,
Қирқ икки ёз ўтди, қирқ икки баҳор,

Қайдадир ноҳақлик ва қайдадир ҳак,
Бу савол ҳамонки эрур муаллақ...

Ногоҳ учратгани «Юсуф — Зулайҳо»,
Уни хаёлларга чулғади гўё.

Қанийди, ақаси бўлсайди шу он,
Харид қиласр эди уни бегумон.

Кўзини узолмас эди китобдан,
Дилга чироқ ёқсан ўша офтобдан.

Оллоҳининг ўюриғи — сабр, қаноат,
Сабр қилмоқлик ҳам — ўзи бир омад.

* * *

Қоҳира йўллари бунчалар олис,
Филдек нортуялар, ҳаттоки, ожиз.

Неча бир қурама эллардан ўтмоқ,
Жазирама саҳро, чўллардан ўтмоқ.

Ул баҳри азимлар уммони аро,
Гўё денгизлардан иборат дунё.

Сув эрур уфқдан уфққа қадар,
На бош, на оёқдир — қилсангиз назар,

Замин кўринмайди, гўёки ютган,
Бир ёғи осмонга туташиб кетган.

Абдуллоҳ ўтирган ўша кема ҳам,
Тўлқинлар ароким, қалқиб дамо-дам.

Қаноат тугади, сабр ҳам битди,
Минг бир азоб билан қирғоққа етди,

Қуруқликка етган йўловчи шу он,
Оллоҳ борлиғига келтириди иймон,

Сафар давом этар, Абу Аблуллоҳ,
Хаёл қанотида кетарди гўё,

Ҳали Қизил денгиз бўйларин бўйлаб,
Хайбар йўлларида неларни ўйлаб,

Ҳали Нахла, ҳали Тоифла бўлди,
Ривоятлар тинглаб, ҳафталаб қолди.

Ойлаб устозлардан тингларди сабоқ,
Неча мунозара, неча бир сўроқ,

Тинглаб неча ровий, не муддарисни,
Ёдга муҳр этди қирқ минг ҳадисни.

Бирга сабоқ олган ул аҳли толиб,
Абунинг зеҳнидан ҳайратла қолиб,

Сиру асрорини ўйлашар эди,
Гуруҳ-гуруҳ бўлиб сўйлашар эди.

Қанча ақд қерак, қанча иқтидор,
Илло, бир даҳолик қудрати пойдор,

Ар-Риёдда экан, шогирдлар бир кеч,
Абуға ёпишиб, қўйишишмасди ҳеч:

— Оллоҳ кўнглингизни ром этар, балким,
Шахримизда қолиб, бўлсангиз муқим,

Бошимиз осмонга етарди, устод,
Сажла қилар эдик сизга умрбод.

Шунда шогирдларин бошини силаб,
Минг бор қуллуқ қилиб, минг узр сўраб,

Хайру хўш қилганди, киприкларда нам,
Ҳислар тўлқинидир — бўлиб бир олам,

Дилда бир қониқиши, рағбат, бардамлик,
Эзгу туйғуларга ҳамдард, ҳамдамлик.

Янги манзилларга чорларди уни,
Умид-орзуларга боеларди уни...

Қоҳира, йўлларинг бунчалик олис,
Филдек нортуюлар ҳорғин ва ожиз.

Абдуллоҳ кетарди-тетик руҳият,
Дилда гужон уриб неча бир ният...

VIII. ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ — ҚОХИРА

Мана, қадим дунё — ўша Қохира,
Абунинг қалбидан чиқмайди сира.

Олти ой эрурким Абдулла ҳануз,
Яна Қохирада бўлиб нону туз,

Ўша ал-Азҳарда¹ оларди сабоқ,
Бу дафъа фиқҳга тушиб иштиёқ,

Табаррук устодлар меҳрига қониб,
Наинки қонибдир, балки қувониб,

Ҳар битта ларсни-ки дилга жо қилиб,
Қатра-қатра йифиб — бир дунё қилиб.

Арасту даҳоси ҳамда Афлотун,
Фалсафа оламин мот айлаб бутун.

Илм пештоқида устози аввал,
Ҳали ярим дунё мудраган маҳал.

Сўнгра — Жолиниўс ва Имоми Аъзам,
Абу Ҳанифадир — бутун бир олам,

Қўли кўксидадир, қилурлар таъзим,
Ҳар бири ўзича дунёйн азим,

Кечак устоз Ҳанбал берган ул сабоқ,
Абуни баҳсларга чорлади шу чоқ;

— Фиқҳ бир ларёдир — икки тармоқли
Ўғит этай сенга они билмоқни,

Бириси манбаъдир, усул ал-фиқҳ,
Бири тадбиқ этмоқ — фуруъ ал-фиқҳ²,

¹ Ал-Азҳар — Қохирадаги энг улкан ва мартабаси буюк мадраса.

² «Усул ал-фиқҳ» — шарнат манбаларини ишилаб чиқиши. «Фуруъ ал-фиқҳ» — манбалардаги қонун-қонидаларини тадбиқ этиши.

Суннийликда — тўртта ҳуқуқий мазҳаб¹,
Таърифи изҳори — йўсинга қараб,

Малик ибн — Онас, камина — Ҳанбал,
Шофиъий, Ҳанифа — китоби аввал.

Зеҳнга олмоқдир, ҳижжалаб роса,
Ўн марта ўлчаб, сўнг-битта хулоса,

Бу йўриқни барча кўргуси баҳам,
Қоҳираю Қуддус, Бухорода ҳам,

Магар баҳсталабсан, илло, буоргил,
Устоз ортда ва сен олдинда юргил,

Рўёбга чиққуси шунда ҳақиқат,
Илмда шу эрур асл тариқат,

Фалсафа — фикрнинг юксак парвози,
Илму мантиқ эса тошу тарози,

Таворихдир асли уммонда сузмоқ,
Ўлчамоқ, эламоқ — китобат тузмоқ,

Бу бори Ал-Азҳар ўғитлариидир,
Юздан бири, балки мингдан бириидир,

Илоҳим, пирларинг мададкор бўлсин,
Тангри ўзи сенга доим ёр бўлсин...

* * *

Устод Ҳанбал дарсни бошлади шу чоқ,
— «Саъд» ҳамда «Наҳс»дир бугунги сабоқ,

Ибтидо чоғида Тангри таоллоҳ,
Ўн саккиз минг олам яратиб танҳо,

Ҳурмуз, Аҳриманни юборди шунда,
Алар лангар ташлаб баҳри очунда,

¹ Ҳуқуқий мазҳаблар: Ҳанафия, Маликия, Шофиъия, Ҳанбалия.

Бири — ёруғлиkdir ва бири — зулмат
Бириси офтобдир ва бири — бидъат,

Тунда — қоронғулик, кундуз — ёруғлик,
Азалдан белгили — йўл ва йўриқлик,

Ҳукм сурар эди буюк иттифоқ,
Аҳил ва тотувдир, йўқ әди нифоқ.

Бири бирисига эди меҳрибон,
Гўё оға-ини, бир тану, бир жон...

Не баю бўлди-ю, ора бузилиб,
Боғлаб турган ўша ришта узилиб,

Зулмат ёруғликнинг қоплаб юзини,
«Фолиб!» — деб бонг урди ўзи-ўзини,

Еру осмон сиё, борлиқ зим-зиё,
Ёруғлик оламни тарқ этмиш гўё,

Не дарёю денгиз, не боғ, не ўрмон,
Бари қуриб бўлди чўлу биёбон,

Булутлар ортида димиққан офтоб,
Рўёбга чиқолмай бўларди хуноб.

На чора, танг қолган Ҳурмуз шу замон,
Нетсин, йўлга тушиб Аҳриман томон,

Аҳриман хоҳламас ярашмоқликни,
Истамас дилхушлик, кўнгилчоқликни,

Ҳурмуз сабр қилиб, кутади жавоб,
Бир рўшнолик кўрмай бўларди хуноб.

Шу тариқа уч минг баҳор, уч минг ёз,
Фурсат ўтиб кетди — дароздан лароз.

Башар ила Бақар, паҳлавон Арслон,
Келдилар Ҳурмузниңг олдига шу он,

Аҳриманга қарши бошлаб бир юриш,
Уч минг йил тинмасдан қўлдилар уруш,

Ахриман енгилиб қочди нарига,
Сүнгра кириб кетди ернинг қаърига,

Боз яна қайтадан яшарди олам,
Эллар бир-бирига бўлишиб ҳамдам,

Нурдан еру осмон ярақлаб кетди,
Офтоб шуъласидан чараклаб кетди.

Яна ер юзида баҳорий нафас,
Одамлар кўнглида иштиёқ, ҳавас,

Яшнаб ётар эди яйлов, ўтлоқлар,
Боғларга чулғанган кўркам қишлоқлар,

Далаларни буркиб чаман-чаман гул,
Ғунчалар ишқида фифондир булбул...

Аммо ёмонлик ҳам писиб ётарди,
Заҳрини сочмоққа фурсат кутарди...

Устод Ҳанбал дарсни тугатди шу чоқ,
«Саъд» ва «Наҳс»дан эди бугунги сабоқ,

Абунинг дилига инди илиқлик,
Нур бўлиб қалбига кирди ёргулик...

Қоҳира осмони тўла юлдузлар,
Ярқираб турарди, саноқсиз кўзлар.

* * *

Тонгда Қоҳирадан жўнади Абу,
Бир туғён аралаш хайрлашди у.

Бу ерда тотгани қанча нону туз,
Неча бир биродар, неча қоракўз,

Унинг хотирини чулғарди ҳамон,
Дилда бир орзиқиш қўзғарди шу он.

Тили бийрон бўлди, чархланди ақл,
Кўнглига туккани неча минг нақл.

Хотирда муҳрдир кўчмас бир умр,
Нурли бир чироқдир ўчмас бир умр.

Абунинг кетишин билиб шогирдлар,
Ундан сабоқ олган турфа йигитлар,

Иzzату эҳтиром келтириб бажо,
Устозга ёлвориб қилар илтижо:

— Аллома Ҳанбалдан эшитдик бугун,
Кетармишсиз бизни тарк этиб бутун.

Сиз кетсангиз бу боғ қолар боғбонсиз,
Ул нурли масканлар бир чароғбонсиз.

Раҳму шафқат қилинг, устоз, кетмангиз,
Ҳадис дунёсидан жудо этмангиз.

Қоҳирада қолинг, нур ва аъло нур,
Бошимизда тутиб сизни бир умр...

Ривоят бордирким: бир юрт подшоси,
Жоҳилият аро вос-вос савдоси,

Ақлдан адашиб, миниб жаҳлга,
Жаҳл болта уриб шунда ақлга.

Саройдан қувламиш ақл донишни,
Жасоратга йўйиб номақбул ишни.

Зафар оғушида сармаст ва сархуш,
Гўёки кўтарди ғаройиб бир туш.

Faфлат босганини англамас эди,
Панду насиҳатни тингламас эди.

Кема қолганидай тунда маёқсиз,
Сарой ҳам қолганди нурсиз-чироқсиз.

Подшоҳ атрофида изғиб нокаслар,
Алифни таёқ деб юрган ул паствлар.

Бошланибди шунда юртда инқироз,
Қиссанинг ҳиссасин айтингиз, устоз!

Абу сукут ичра турарди бу чоқ,
Онгда бир ғалаён құзғаган «сабоқ»,

Гүёки уйқудан уйғонди Абу,
Шу ғалаён ичра түлғанди Абу.

Бүгилар -- «Хисса»ни айттолмас эди,
Темир панжарадан ўтолмас эди,

Шунда сезди Абу ёлғизлигини,
Жақолат олдидә ожизлигини...

Тонғда Қоҳирадаң жүнади Абу,
Бир түғён аралаш хайрлашды у.

ІХ. ДАМАШҚ ЙҰЛИДА

Карвон кетаётір Дамашққа томон,
Абу ҳам бормоқда сафда сог-омон.

Хаёллар ортидан тикилар күзи,
Хисоб беріб борар ўзига ўзи,

Қоҳирада тугаб учинчи китоб¹,
Янги ҳадисларни этиб сархисоб.

Устоллар фатвосин туғиб күнгилга,
Сүнгра Дамашқ сари тушғанди іїүлга.

Қоҳирада ўтган бир йиллик умр,
Заррин ҳарфлар ила ёзмоқлик зарур.

Яна қирқ-минг ҳадис — рангба-ранг дунё,
Гулзордан сарапаб терилди гүё.

Бир саҳоба леди: — Ё, Расулуллоҳ,
Кимдир яхши ҳұрмат құлмоққа раво?

Расул ледиларки: — Онанғдир фақат.
— Яна ким? Дедилар: — Онанғдир фақат.

¹ Китоб — «Ал-жомиъ ас-Саҳиҳ» — ҳадислар китобининг 3-жылды.

— Яна ким? Дедилар: — Фақат онангдир.
— Яна ким? Дедилар: — Энди отангдир.

Ривоят: Расули Оллоҳ демишилар,
Шундай бир ўгитин баён қилмишилар:

Ким ота-онасин қилса ҳақорат,
Гуноҳи азимдир бу иш бағоят.

Сўрадилар: — У хил нокас ким бўлғай?
Ўз ота-онасин ҳақорат қилғай?

Расул дер: — Бирорвнинг ота-онасин,
Кимки сўкиб ҳамда ҳақорат қилсан,

Билсинки, бу ҳам бир гуноҳи эрур,
Ўз ота-онасин сўккани бўлур.

Ривоят: Оллоҳга ишонган одам,
Хурмат-иззат қилсан қўшнисини ҳам...

Хуллас, ривоятлар сўнгсиз, минг хилдир,
Фараз қилингизки, дарёйи Нилдир,

Бунида тартиб топмиш яна бир китоб,
«Ал-таърих ал-асват» яна бир офтоб,

Бу ҳам бир меҳр-ла йўғрилган эди,
Гўёки бир фарзанд туғилган эди.

Қирқ мингта ҳадисидир, эмас мол-дунё,
Дунёга татирли қирқ сандиқ тилло,

Абу бир силсила — тугёнда эди,
Ерда эмас эди, осмонда эди,

Бир ғаввос сингари туну кун юрди,
Дарёйи қулзумдан ғавҳарлар терди...

Ҳаёллар ортидан тикилар қўзи,
Ҳисоб бериб борар ўзига ўзи,

Карвон кетаётир Дамашққа томон,
Абу ҳам бормоқда сафда соғ-омон.

* * *

Дамашқда бир куни Абу Абдуллоҳ,
Устод Иброҳимни учратди ногоҳ.

Яна мунозара ва яна баҳсдир,
Қизғин баҳс ҳамиша дилда ҳавасдир.

Бу дафъа ўртага қўйилди тарих,
Ғалвирда эланди минг битта таъриф.

— Осмонда ул таҳтдир Арши аълодир,
Борини билгувчи Оллоҳ танҳодир,

Ерда бўлса... баҳсдир энди бу ёғи,
Яратганга маълум яқин — йироги.

— Қай бири кексароқ — Юнонми, Турон?
Шоҳли Искандарми ё туркий Ҳоқон?

Миср эҳромлари — балки ибтидо,
Балки Нил бўйидан тарқалмиш зиё?

Ҳиндми, Хоразмми, Чинми, Мочинми,
Ёки кексаликда «Овасто» чинми?

Агар қадим маскан изласа дунё,
Баридан кексадир балки Бухоро?

— Инсонми, шайтонми — қай бири аввал?
Қайда яратилмиш улар, қай маҳал?

— Қай бири аввалдир — тарих ё ҳаёт?
Орхун битигими ёки Герадот?

— Бириси дўзахдир, бириси — жаннат,
Бири қийноқ эрур, бириси — роҳат,

Оллоҳнинг даргоҳи бунчалар кенгдир,
Бири — ёқа бўлса, бириси енгдир.

— Аввали борлиқми ва ёки йўқлик?
Сувлик аввалмиди ёки қуруқлик?

Одам Атомидир ё Момо Ҳаво?
Қай бири олдинроқ бўлиш пайдо?

Тарозими, тошми ва ёки адад!¹?
Яхшилик, эзгулик ёки мазаммат?²

— Оллоҳга маълумдир ўзи билгувчи,
Ўзи ҳисоб қилиб, ажрим қилгувчи,

— Шаккокликка йўйманг, тангри таоллоҳ,
Фақат эзгуликни яратмиш танҳо.

Унда ёмонликнинг илдизи қайда?
Тубанлик қаердан бўлмишдир пайдо?

— Оллоҳга аёндир, ўзи билгувчи,
Ўзи ҳисоб қилиб, ажрим қилгувчи...

Гирдобга ўхшарди бу мунозара,
Қизирди, охири йўқ эди сира.

Балки бу оламнинг сарҳади йўқдир?
Мингта сарҳаддан ҳам балки йироқдир?

Оллоҳ етти қават осмонда туриб,
«Ер» деган бу сўлим манзилни қуриб,

Инсонни яратди, дилин шер қилди,
Инсон алқаб-алқаб ерни-ер қилди,

«Она замин» деган қадим бир ҳикмат,
Инсон юрагида муҳрдир агад.

* * *

Дамашқ осмонида порлар юлдузлар,
Гўёки чараклар саноқсиз кўзлар.

Тонг маҳал мачитга кетмоқда Абу,
Наҳорни чулғамиш кумуш ранг ёғду.

¹ Адад — сон, саноқ, ҳисоб қилиш.

² Мазаммат — ёмонлик, тубанлик, разиллик.

Етти ойдир Абу яшар Дамашқда,
Хавоси бошқадир, меҳри бир бошқа.

Оқшом чоги эди шогирду устоз,
Йиғилиб Абуни қилишиди эъзоз.

Абу қирқ беш ёшга кирганлиги рост,
Қиличдай қирчиллаб турганлиги рост.

Ҳазиллашиб дейди Ибн-Иброҳим:
«Шундай қирчиллама бўлинг, илоҳим!»

Абу мамнун эди дўстлар «базми»дан,
Бу оқшом чиқолмас улар измидан.

Тонгга уланади оқшомги суҳбат,
Ҳатто сезишмади ўтганин фурсат.

— Сувми оқаётган ёки умрми?
Ким ортга қайтарар ўтган умрни?

Қирқ беш ёз, қирқ бешта баҳор ўтибди,
Қирқ бешта дарёю анҳор ўтибди.

Умр тасбеҳида қирқ бешта мунҷоқ,
Бандидан узилган қирқ бешта япроқ,

Дор узра ўйнаган қирқ бешта дорбоз,
Қўшилиб янграган қирқ бешта овоз.

Қирк кўксин безаган қирқ беш қизғалдоқ,
Тунларни ёритган қирқ бешта чироқ.

Гулзорни яшнатган қирқ беш атиргул,
Тонгда фифон қилган қирқ бешта булбул...

Шиддат, шитоб билан умр-ку ўтар,
Юракнинг бир чети жизиллаб кетар,

Дарёга оқмоқ бор, vale қайтмоқ йўқ,
Олдинга юрмоқ бор, ортга кетмоқ йўқ.

Шодлик ва маҳзунлик юрар ёнма-ён,
Бир ёқда мамнунлик, бир ёқда туғён.

Бир ёқда — ёшликтинг кайфу сафоси,
Бир ёқда — кексалик жабру жафоси.

Абу ҳам баъзида кетар қуйиниб,
Пинҳон бир аламдир кетар қуишиб.

Жайхун сувларидек телбавор ёшликтин,
Баъзида бошлиқдир, баъзан бебошлиқ,

Баъзан ўзанини йўқотган дарё,
Боши оқкан ёққа кетарди гоҳо.

Оллоҳга минг бора таҳсин ва шукур,
Дайидиб, беҳудага ўтмади умр.

Иzlанишда ўтди ҳар бир лаҳзаси,
Югуриш, елишидир ҳар бир нафаси.

Беҳад зарралардан йиғилган тоғдир,
Шиғил мева туккан зумрад бир боғдир.

Меҳнатдан яралган ҳаёт — жозиба,
Беҳудага кечган умр — фожиа...

X. МУСТАФО

Дамашқдан жўнади, маҳзун бир хаёл,
Абуни чулғамиш гаройиб бир ҳол,

Айрилиқ ҳайрати ва ё соғиниши,
Пойига бош қўйиб дилдан сифиниши.

Кўнгилнинг бир чети жиз этду шу чоқ,
Балки бу сўнгиси... энг сўнгги кўрмоқ.

Ёлқиндан бир сеҳр қолли қалбидан.
Ва илиқ бир меҳр қолли қалбидан...

Басра қопқосига етишиди карвон,
Абу борлиғида яна ҳаяжон.

Кетар экан ёлғиз шаҳар оралаб,
Устоз Мустафонинг уйини қоралаб,

Дилига бир ваҳм қуюлди ногоҳ,
Ноҳуш бир ҳолатдан қилгандек огоҳ,

Ҳавода бир губор, бўғиқ лаҳзалар,
Изғигандек бўлар алланарсалар...

Абу билмас эди нелар бўлганин,
Дўсти Мустафонинг қазо қилганин.

Гўёки самони булатлар босиб,
Ёруғлик дунёнинг йўлини тўсиб,

Мана, қарисида қадим Қабристон,
Куни тўлганларга мангалик макон.

Бир сукунат ичра эди мазорат,
Мустафо хокини қилди зиёрат,

Фазлу фазилатин эслаб, айлаб ёд,
Тиловатлар қилиб, руҳин этди шод.

Мунгайиб қолгандек қадрдан даргоҳ,
Отадек меҳрли эди Мустафо.

Ўғлим, деб суюниб ҳар келганида,
Суюниб, куюниб ҳар келганида,

Очиқ чеҳра билан кутар эди чол,
Кўзи қароғида тутар эди чол.

Абудан аямай неки борини,
Дил-дилдан эъзозлаб иқтидорини.

Абу учун доим даргоҳи очик,
Меҳру муҳаббати пойига сочиқ...

Киприклардан сирғаб шабнам қатраси,
Дард бўлиб ёнарди қалбининг саси,—

Дунё яхшиликлардан холи эмасдир,
Яхшилик неъматдир, ёмон абасдир.

Таажжуб — яхшидан ёмони кўпроқ,
Бири — мева бўлса, ўнидир япроқ.

Ибтидо шундайми, ё бу — интиҳо?
Дунё охир бўлиб бормоқдами ё?

Абу фикр қиласар, ўйларди узок.
Ўйлаб охирига етмасди бироқ.

Муаллақ қоларди барча саволлар,
Сочилиб кетарди тўзғин хаёллар.

Абуни эзарди мунгли бир ҳолат,
Асаблари қақшаб кетганди гоят.

Бу сифат изтироб, қайғули чоқда,
Сабру қаноатдир энг сўнгги нуқта.

* * *

Бир ҳафта давоми Абдуллоҳ ҳар кун,
Дўсти Мустафонинг хотири учун.

Дарвоза олдида ўлтирас эди,
Хурматини бажо келтирас **эди...**

Кеч чоғи ҳужрага бош суқди бирор,
Абдуллоҳ ўрнидан қўзгалди дарров.

Ўша кезлар яна учрашиди ногоҳ,
Ё раббий, нигоҳда паришуҳ Захро.

Минг бир ҳаёп ичра туласа эди у,
Абуга энтикиб қарар эди у.

Ўзини йўқотди Абу бир нафас,
Жувоннинг қўзига рўй-рост қаролмас.

Захро бўлса бу дам мийиқда қулиб,
Дилидаги меҳри минг битта бўлиб.

Абу қўзларига тикилар эди,
Сарв қоматлари букилар эди.

Тикилиб-тикилиб қуйиб кетарди,
Лаҳзада жонидан тўйиб кетарди.

Үзи куяр эди, ўзи түхтарди,
Илтижо ахтарди, најот ахтарди.

Билмай қолди шу күй умр ўтганин,
Севги хира тортиб, сўниб кетганин.

Умид узолмасди, севарди баттар,
Севарди-ю, яна куярди баттар:

— Абу, меҳриз қаттиқ, тошми билмадим,
Бир куни эрир леб, парво қилмадим.

Ҳаёт бир бошқа-ю, сўниш бир бошқа,
Севиш бир бошқа-ю, куйниш бир бошқа.

Севиш мумкин, аммо сўймаслик мумкин,
Сўйиш мумкин, аммо қуймаслик мумкин.

Захро билар эди Абу ҳолатин,
Унинг ёшликдаги илк муҳаббатин.

Лекин севги буни тан олмас эди,
Айтиб, тушунтириб ҳам бўлмас эди.

У севги бошқадир, бу бир бошқадир,
Ўзи ҳам билмасди — буниси надир.

Фақат сўйганини биларди Захро,
Ўтла қуйганини биларди Захро.

Ақлга ўргатса — бўларди балки,
Аммо юрагингга ўргатиб кўр-чи,

Ота ва онанинг дилида алам,
Жинни бўлай деди иккаласи ҳам.

Абу бўлса бу дам хаёли тўзғиб,
Итироблар аро борлиғи тўзиб.

Нима қиласини билмайин гаранг,
Асаблар тош қотган, ниҳоят таранг.

Захро Абдуллоҳни зимдан кузатди,
Ва кетар чогида бир хат узатди:

— Абу, сиз Ҳижозда юрганда кезиб,
Қоҳира, Дамашқда китоблар ёзиб,

Тўрт йил йўлингизга тикилиб кутиб,
Мен каби интизор эди бу мактуб...

Абуни бир гирдоб ўради шу дам,
У ўзин уммоғида кўради шу дам.

Тўфон ҳар сорига сурарди уни,
Тошдан олиб тошга урарди уни.

Баъзида тўлқинлар уни йиқарди,
Гёё ер бағрига элтиб тиқарди.

Мадори йўқ эди ўрнидан турса,
Хас ҳам топилмасди ёпишиб кўрса.

Қоп-қора бир тўзон айлантирарди,
Комига тортмоққа шайлантирарди.

Бўғзига нимадир тиқилар эди,
Бехуш бўлиб гўё йиқилар эди,

Гоҳида худ эди, гоҳида бехуд,
Ҳатто қайдалиги бўлганди унут.

Аввал ҳеч тушмаган бу хил ҳолатга,
Йўлиқмаган асло бу синоатга...

Лаҳзада кўзига кўринган Заҳро,
Фотимага ўхшаб кетарди гоҳо.

«Заҳро, Заҳро!» — дерди баъзан бақириб,
«Фотима, қайдасан?» — дерди чақириб.

Фожеъ бир афсона бўлгани ростдир,
Ишқ аро девона бўлгани ростдир...

Мактубни қолдириб кетди-ю Заҳро,
Унда не ёзилган-билмади аммо.

Абуга хушхабар айтмоқлик учун,
Дорилмусоғирга қатнарди ҳар кун.

Баҳорда қатнарди, ёзда қатнарди,
Қатнаб чарчамасди — кузда қатнарди.

Ҳар кун Бухородан кутиб бир мактуб,
Мактуб эмас, гүё Абуни кутиб.

Кундан-кун бўларди тоқатлари-тоқ,
На чора — омади келмасди бироқ.

Муҳаббат не кўйга солмас кишини,
Не бир деворларга урмас бошини.

Ҳақиқий севгини тушунмоқ учун,
Ишқ аро лозимдир тариқи мажнун.

Мажнундан бошқаси -- бариси ёлғон,
Ёлғон эканига келтирдим иймон.

У ҳам бўлса асли қадим афсона,
Турфа эртакларга безак, фасона.

Биз юрибмиз ўша чўпчакни айтиб,
Учар гиламларга ўзни овутиб...

Тун бўйи айланиб гирдоблар аро,
Девлар қанотига мингашиб гүё.

Охири толиқди, чарчади Абу,
Тонг маҳал аслига қайтган эди у.

Ташқарига боқар кимнидир кутиб,
Хонтахтада ётар интизор мактуб...

ХИЁНАТ

Басра осмонида ёрқин юлдузлар,
Чарақлаб тургандек беалад кўзлар.

Оқшом сафосидан дилларда ҳузур,
Самодан ёғилиб туар әди нур.

Ҳужрани ёритган шам ёғдусида,
Хушнуд кайфият Абу тўғрисида,

Түн ярмидан ошиб кетгани чоқда,
Сүнгги саҳифага қўйди-ю нуқта,

Бир ажиб қониқини туйди шу замон,
Тўйнукдан ёришиб келарди осмон.

Истаб бир ҳадиснинг изоҳатини,
Излар Биби Ойша китобатини...

Не ҳайрат — жавонда йўқ эди китоб,
Кўнглида бир ғашлик уйғонди шу топ,

Китобни изларди жонсарак ҳолда,
Неча бир шубҳа чўлғаниб хаёлда.

Аммо «Биби Ойша» кўринмас эди,
Абу тинмай: «Наҳот, наҳотки?» — дерди.

Қалбла туғён урди не бир изтироб,
Қанча изламасин йўқ эди китоб.

Сўнгра бир «Оҳ!» урди, аламли нидо,
Тонгни ҳам оттирди шу кўй, шу ҳидо.

Дилла фужғон урар не фикр, хаёл,
«Бу нечук кулғатдир ва бу нечук ҳол?»

«Наҳотки, бу — ғараз, наҳот-хонилк?»
«Наҳот бу жоҳиллик, разил худбинлик?»

Нима қиласини билмасди Абу,
Бир телба ҳолатга тушган эди у...

Эслали, хаёлда сарой базмидир,
Басра ҳокимининг кўнгил азмидир;

— Муҳтарам Абдуллоҳ, саройда қолинг,
Магарки истарсиз — бош табиб бўлинг.

Тиланг ҳарам берай, бир манзар берай,
Магар хоҳласангиз олтин-зар берай.

Кўнглингиз тилагин айтинг, Абдуллоҳ,
Неки истасангиз қиласай мұхайё.

Қайтариб бердингиз муҳаббатимни,
Ҳозирман беришга бор давлатимни.

Бу не мўъжизаки — ўлган инсонни,
Қайта тирилтирмоқ ул ўлган жонни.

Абу дер: Тақсирим, давронингиздан,
Хазинаи хос ул девонингиздан.

Инъом этинг тангirim иноятини,
Биби Ойшанинг китобатини.

— Билурмисиз, Абу, эски нақдни,
Гарчи туҳфа этиб бўлмас ақдни,

Майли, ўша китоб сизники бўлсин,
Менга буюрмади, Сизга буюрсун!

Шу ерга етганда «Оҳ!» урди яна,
Юракда портлади кучли пўртана.

Абу беҳол эди, bemажол эди,
Ақддан адашган, тили лол эди.

Сўнг... Яна аслига қайтаркан Абу,
Шайх Мустафо сўзин эслаб кетди у:

Саройда кўргани — ўша бош табиб,
Мустафо қошига келибди чопиб:

— Илтижо қиласман, Абуга айтинг,
Ўрнимга бормасин, «бу йўлдан қайт», денг.

Не тиласа айтсин, муҳайё этай,
Бору бисотимни қўлига тутай.

Тасодиф бир ҳолат, келгинди бир зот,
Амал деб талашса — бўлмасми уёт.

Менинг кимлигимни билиб қўйсин у,
Не десам — сўзимни тингласин Абу.

Ўйламасдан қадам қўйгани учун,
Саройда оёғи синиши мумкин.

Эл аро шоёндир менинг шұхратим,
Хар нега қодирлир күч ва қувватим.

Хүкм ҳам шу эрур, қарорим ҳам шул,
Яхшиси — Басрадан кетгани маңқул.

Неки шарти бўлса — ўйлаб кўрайин,
Ҳаттоқи, йўлкира деса берайин.

Менинг саховатим балки билмассиз,
Демоқчиман: сиз ҳам қуруқ қолмассиз.

Абу қуйиб кетди, тутикаш кетди,
Охир — пичоқ бориб сүякка етди.

Абу титрар эди, қалтирап эди,
Боши берк кўчада ўлтирап эди.

— Наҳот, завол тоиди инсоф, диёнат.
Наҳотки, тантана қилди хиёнат?

Оллоҳ билгувчиидир, ўзига аён,
Жазосини тортгуси ким бўлса ёмон.

Ўзингдан иноят тиларман, ё раб,
Ўзингга ибодат қиласарман, ё раб.

* * *

Бош табиб Заҳҳок¹ни саройга чорлаб,
Юввой ул толибнинг кўзига қараб,

Кўлига тутқазди кичик бир тугун,
Деди: — Бу тухфадир, иним, сен учун,

Мұҳим бир топшириқ, фақат ими-жим.
Ва огоҳ бўлмасин бу сирдан ҳеч ким.

Иншоълоҳ, насибанг тўлиқ қилурман,
Ҳамда мартабангни улуғ қилурман.

¹ Заҳҳок — Аз-Заҳҳок иби Муғли — Бухорийининг басраслик шогирдларидан.

Биламан, Бухорий сени ёқтирмас,
Ёмонлаб юради доим ул нокас.

— Тақсирим... эътироz қилмоқчи Захҳок
— Гап битта! — Бон табиб ўшқирди шу чоқ.

Бу олтинлар сенга саройдан эҳсон,
Авлод — аждодингга етади, нодон.

Абу ҳужрасида, унутма зинҳор,
«Биби Ойша» деган битта китоб бор.

Менга келтирасан ўшани бугун,
Ва сенга мунтазир яна бир тугун.

Тангридининг хоҳиши — менинг бу сўзим.
Албатта ижобат бўлмоғи лозим.

Эҳтиёт бўл, иним, омад ёр бўлсин,
Оллоҳ ўзи сенга мадалкор бўлсин.

* * *

Дарлии изтироблар зўрайиб фоят,
Абуни эзиз йиқитди, ниҳоят!

« — Нега бу кулфатдир дунёйи ғаддор?»
Сарғайиб ётарди беҳол, bemador.

Беморлик азоби, тотмай нону туз,
Холий бир гўшада ётарди ёлғиз.

Шу асно эшикда кўринди бирор,
Абу жон ҳолатда тикилди дарров.

Захҳок турар эди қалди букилиб,
Кўзларидан аянч ёши тўкилиб,

Абунинг кўзига қаролмас эди,
Ўзин тутиб, тик ҳам туролмас эди.

Елкадан босгандай тоғдайин гуноҳ,
Дўзах эшигига турарди гўё.

Қилмиши — хиёнат эканин билиб,
Минг бора тавбаю таззару қилиб,

Осий нодонликнинг шафқатсиз заҳри,
Юракка қадалган қиличнинг қаҳри,

Тандирда ловуллаб ёнарди дили,
Бир нима демоққа лол эди тили...

Сўнг тиз чўкди Абу ёнига келиб,
Гўё мўрт новладек синиб, эгилиб.

Абу нигоҳидан яшириб ўзин,
Ерга тикканича гуноҳкор кўзин,

Зўрға сўз бошлади: Муҳтарам устод,
Тавқи лаънатларга қолдим умрбод.

Ақлдан оздирди мени бош табиб,
Пойингиздадурман бечора, ғариб.

Кўр эканман, кўзим очилди, нетонг,
Қўлимдаги кишан ечилиди, нетонг...

Заҳҳок кўзи тўла ёш билан шу дам,
Қўлтиғидан олиб кичик бир ўрам.

Абдуллоҳ қўлига тутқазди йиғлаб
Ва унга ёлворди сийпаб, қулоқлаб.

Абдуллоҳ қараса: «Биби Ойша»дир,
Ўша китоб эди ...ҳа, ҳа... ўшадир!

Абдуллоҳ қалтираб китобни олди,
Бир фурсат жим бўлиб, гарангсиб қолди.

Сўнг деди: Ўксинма бўтам, аёндир,
Недир ажабланиш, ноқис замондир.

Менга аён бўлди табибнинг иши,
Разолатдир унинг бу хил қилмиши...

Заҳҳок дер: Авф этинг мен кўрнамакни,
Дилингиз ранжитган сўқир марлакни...

Сүнг нуқтага етиб пэтироб, қайғы,
Шу чоқ йиғлаганча чиқиб кетди у.

* * *

Аблуллоҳ қўзини очсаки, ҳануз,
Хонада бир ўзи ётарди ёлғиз.

Ўрнидан турмоққа етмасди ҳоли,
Рұҳият синиқдир, ноchor аҳволи.

Фақат ул иокасдан қылганди гумони,
Хиёнат бўлганин биларди аён...

Сўнг деди: Хайрият — манзарим қайтди,
Подшоҳлигим, олтин ва зарим қайтди.

Яна қайтиб келди Оллоҳ неъмати,
Биби Ойшанинг бул китобати.

Тангрим, шафқатингга минг бора шукур,
Иноятнинг ҳаққи минг бор ташаккур.

На қувват қолганди, на сабру бардош
Кўзин ҳалқасила шовуллаган ёш.

Ёлғизлик жонини ёқиб борарди,
Хаёл гирдобида оқиб борарди...

Оллоҳим раҳм қил, паноҳ бўл менга,
Илтижо қиласман, шифо бер менга.

Ўзинглан иноят тиларман, раббим,
Ўзингга ибодат қиласман, раббим.

* * *

Ниҳоят мактубни ўқиди Абу,
Акаси Аҳмаддан келган эди у,

Ўқиди-ю, бирдан кетди қалтираб,
Бутун борлигин бир даҳшатга ўраб,

Мактуб қўлларидан сирғалиб тушди,
Ловуллаган олов қалба ёпишди,

Кўз олдига келди — ўша сўнгти хат,
Уни ҳам йўлловди оғаси Аҳмад,

Не бир воқеалар бўлиб ўтганин,
Устоз Дохилийнинг вафот этганин,

Оғаси Аҳмаднинг ўғил кўрганин,
Онаси суюниб, хурсанд бўлганин,

Йиллар бир лаҳзадек чопиб ўтмишдир,
Қушининг қанотида учиб кетмишдир,

Ўн йил деганидир — гёё ўн лаҳза,
Наҳотки, вақтнинг қаноти бўлса?

Кўз юмиб очгунча, айланар дунё,
Девлар қанотига бойланар дунё...

Фотима ҳақида ёзмасди Аҳмад,
Қизнинг ўзидан ҳам келмас эди хат.

Абу ҳар мактубда уни сўрарди,
Бир мужда кутарди, интиқ юрарди.

Ҳозир ўқигани — аянч бир ҳайрат,
Фожеъ бир ҳақиқат эди у фоят.

Фотима бошига тушган балолар,
Дунёни титратган аксу садолар.

Сабр сўнг нуқтага бориб етгани,
Қизнинг чимилидиқдан қочиб кетгани.

Ўн йил кутишди ул бедарак қизни
Аҳмад ёзолмаган эди бу сўзни,

Шу ерга етганда қулади Абу,
Ерда ер бағирлаб ётар эди у.

Мунгли бу хабардан энтикар юрак:
«Фотима бедарак, ҳамон бедарак»,

Ниҳоят, тақдирга аза очиши,
Гүёки бир қултдан заҳар ичиши,

Хеч ким билмас эди тирикми, ўлик,
Дилларни қақшатиб мудҳиш кўргулиқ.

Дарёга чўккандек жим бўлиб кетди,
Аlam, алам билан йиллар ҳам ўтди.

Аҳмад югурибди, тинмай елибди,
Янги қўрғонга ҳам бориб келибди,

Қиз ҳамон беларак, ҳамон беларак,
Эшигандан ногоҳ — титрайди юрак,

Ўқидими, эшигиди — билмасди Абу,
Мунгли фарёд ичра эзиларди у.

Бир куч хаёлларин тўздирап эди,
Тўздириб, ақлдан оздирап эди.

Хатни неча такрор ўқирди Абу.
Ўқиб, ўқиб, дилдан йиғлар эди у!...

* * *

Карвон кетаётир Бағдодга томон,
Машриқдан ёришиб келарди осмон.

Озурда хаёллари ичида Абу,
Қалбида изтироб, аянч бир туйғу.

Алами қирғоқдан ошиб тошгани,
Шу кўй Басра билан хайрлашгани,

Мустафо уйига борди бир оқшом,
Балки бу бориши — сўнгги эҳтиром.

Мустафонинг қизи узатди шу тоб,
Отаси атаган иккита китоб:
— Отамизнинг Сизга туҳфасидир бу,
Уни қабул этинг, муҳтарам Абу,

Бири Ал-Бухорий ҳадислариидир,
Бири падаримиз мерослариидир,

Абу тухфаларни қабул қиларкан,
Шу чоқ китобларни қўлга оларкан,

Шодлиги қалбига сифмай ошарди,
Ошарди, қирғоққа сифмай тошарди,

Сўнгра хайрлашди омонлик тилаб,
Киприклари узра кўз ёш тирқираб...

Хаёли узилди. Карвон кетмоқда,
Ва Багдод сафари давом этмоқда,

Яна бошқа туйғу гирдобга олди,
Унинг юрагига бир ғавғо солди.

Заҳрони ўйларди, ўша Заҳрони,
Мажнун саҳросида ўша Лайлони.

Фотимага қўнгил берганди Абу,
Умилини ундан узолмади у.

Тақдир ипларига бойланиб қолди,
Ул қизнинг қулига айланиб қолди,

Уни ўраб олди севги занжири,
Афсус, шу экан-да унинг тақдирин.

Фотиманинг исми тушмади тилдан,
Юлиб ташлолмади у гулни дилдан.

Ўша илк севгидан қайтолмади у,
Заҳрога бирор сўз айттолмади у.

Заҳро садоқати дарёга менгзар,
Нурга қиёс меҳри дунёга менгзар:

— Севгини ҳақорат қилолмадим, рост,
Бир қалбни иккига бўлолмадим рост.

Муқаддас туйғуга хиёнат надир,
Ва хиёнат қилган инсон — нимадир?

Кечиргил, малагим, ношуд бу қулни,
Захро, беролмадим сенга күнгилни.

Күнглинг ноласига арзимасман мен,
Сочинг толасига арзимасман мен.

Мен ерман, сен эса осмонсан, Захро,
Мен — сахро, сенг эсанг — бўстонсан, Захро,

Пойингга поёндоз бўла олмадим,
На баҳору, на ёз бўла олмадим.

Кечиргил, малагим, ношуд бу қулни,
Тақдирга урилиб синган күнгилни.

Хиёнат қилмадим, адолат қилдим,
Жаҳолат қилмадим, саодат қилдим,

Ўз тақдирим қолиб, сенга йиглайман,
Сенингмас, ўзимнинг бағрим доғлайман.

Сени деб оловга кирганим бўлсин,
Сенга омад тилаб юрганим бўлсин,

Иноят тиларман сен учун, Захро,
Ибодат қиларман сен учун, Захро...

* * *

Етти ой бўлдики Абу Бағдолда,
Қадрдон маскани — илмободда.

Туну кун хужрада бир ўзи танҳо,
Ҳафталааб хонадан чиқмасди гоҳо,

Ёзиб тутатгани — «Учинчи китоб»,
Сўнгги олти йиллик умрга ҳисоб.

Уни неча қайта этарди таълиф,
Неча марта изоҳ, неча бор таъриф.

Донини ажратар эди сомондан,
Яхшини ажратар эди ёмондан,

Мағзини пүчөқдан тозалар эди,
Ранг кириб, ул маңнан тузалар эди.

Билмас эди Абу — қачон тонг отар,
Тун қандай ўтар-у, қачон күн ботар.

Баъзан ҳовли бети, ойнинг ёруғи,
Коронғу хонада чироқ йўқлиги.

Ҳадислар карвони кутарди навбат,
Шалоладек дилга қуюлиб фоят;

Қўшилиб келали ҳалол ва ҳаром,
Бири хуш анломдир, бириси — бадном.

Ҳаром ҳалолликни бўғар бўғзидан,
Еб турганин тортиб олар оғзидан.

Ҳалол фарёд қилас, ҳаром — тантала,
Фолиблик нашъаси авж қилас яна.

Баъзан жарга қулаб кетади ҳалол,
Рақобатга кирап савобу увол.

Гоҳо қоронғуда қилич санчилар,
Гоҳо тегирмонга солиб янчилар.

«Тавба қилдим!» — дейди бечора ҳалол,
Нетсин — юролмаса, эркин, bemalol.

Ҳаромга қоришиқ бўлса асолат,
Қайдан бўлсин юртда адлу адолат!

Подшоҳ ҳам, ҳоким ҳам ҳаромга тортса,
Туя ҳам, эшак ҳам ҳаромни ортса.

Негадир жим турса, еттинчи қават,
Эзгуликни бўғиб турса жаҳолат!

Биров тингламаса арзи-ҳолингни,
Кундуз талаб кетса ҳалол молингни.

Кимга додлайсан-у, кимга илтижо,
Бандаси тингламас, тингларму оллоҳ?

Нафсини тиймаскан гар аҳли сарой,
Ундей мамлакатнинг аҳволигавой.

Кимга ёлворишин дили задалар,
Тахтда ўлтиришса ҳаромзодалар!

То ҳалол бўлмаскан инсонда вижлон,
Оллоҳ ато қилган инсоф ва иймон.

Ҳалол деганимиз олис рўёдир,
Асли ўзи ёлғон, ёлғон дунёдир...

Абу хонасида бирдан шу асно,
Ногоҳ янграб кетди қўрқинч бир садо:

— Ҳалоллик, ҳалиям тирикмисан сен,
Ҳалиям гердайиб юрибмисан сен?

Таъзим қил, йўқ десанг жарга йиқарман!
Томирларинг қирқиб, гўрга тиқарман.

Дунёнинг эгаси — ҳокими мутлақ,
Оlam менинг эрур, менман — аналҳақ!...

Абу туриб кетди ўрнидан, «дод!» деб,
Бу хил юзсизликдан ўксиб, «фарёд!» деб.

Тавба қил, кофирсан, тавба қил, кофир,
Тавба қил, кофирсан, «аналҳақ» — куфр.

* * *

Абу ҳужрасида ҳамон танҳодир,
Қуралаш ҳадислар турфа рўёдир,

Тилло сандиқларда қатма-қат мато,
Гоҳида Фарангдир, гоҳида — Хито,

Ҳамон сараланиб бойланар эди,
Охири саҳийҳга айланар эди,

«Саҳийҳ»ларнинг ўзи бўлур тўртта жузъ,
«Файри саҳийҳ»лар ҳам неча бир минг юз...

Бугун Ҳурайрадан ва Ибн Маъсуд¹,
Олтинни тупроқдан ажратиш — мақсул.

Абдуллоҳ бу оқшом ўлтириди узоқ,
Хаёлин банд этди одоб ва ахлоқ.

Ибтидо замони, ваҳшийлик — у чоқ,
Сўқир мақсад эди емоқ ва ичмоқ.

Инкишоф — ҳайвондан ажралди инсон,
Унга ато қилди ахлоқ ва иймон.

Ҳасаддан «бир ери» куйған Азозил²,
Инсонни ҳаромга айлади мойил,

Одамзод дунёсин безаган ахлоқ,
Абу аро йўлда турарди шу чоқ,

Оллоҳнинг туҳфаси иймон ва одоб,
Кундан-кун хирадир, қундан-кун сароб,

Подшоҳ ҳаром билан бўларкан машғул,
Бирор кас саройда бўлмаса масъул,

Юртнинг инқизозга кетиши аниқ,
Нуфузнинг балчиққа ботиши аниқ,

Агар ахлоқизлиқ бошланса элда,
Иймон деган нарса қолмаса дилда,

Жоҳилият келур булатдек босиб,
Бори эзгуликнинг йўлини тўсиб,

Абу қалтирап ва борлиги титрап,
Жарнинг ёқасида омонат турар.

Қора қуюн аро қолганда ёлғиз,
Не қиласин билмай нотавон, ожиз,

Субутсиз дунёдан ювиб қўлини,
Не бир васвасалар қуршаб дилини:

¹ Абу Ҳурайра, Ибн Маъсуд — саҳобалар, ҳадисшунос олимлар.

² Азозил — шайтоннинг ҳақиқий исми.

— Ахир жоҳилият авж олса агар,
Ахлоқ ерга тушиб, лой бўлса агар,

Дунёда қиёмат бошланур шу чоқ,
Олов ва тўзонда қолур ҳаммаёқ.

Одамзод наслига шафқат қил, тангрим!
Борлиқ мавжудотга паноҳ бўл, тангрим,

Ўзинг билгувчисан, саодатлисан!
Раҳм қилгувчисан, адолатлисан!

Ўзингдан иноят тиларман, оллоҳ,
Ўзингта ибодат қиласарман, оллоҳ.

* * *

Абу ҳужрасида ҳамон танҳодир,
Қураш ҳадислар турфа рўёдир.

Уларни саралаб, берарди пардоз,
Кўнгилда ғужғондир ажиб сарафroz:

— Кимки меҳнат қилиб, тошда гул унса,
Маъмурликнинг қуши бошига қўнса,

Пешона теридан кўкарса дарахт,
Унга қулиб боқса жиндайгина баҳт,

Дарҳол ғазабидан тутоқиб ҳасад,
Илон чиққан каби тўлғаниб ғоят,

Ичидан қирииди ўта бошлади,
Маломат тошларин ота бошлади.

Ҳасаднинг касбидир заҳар сочмоқлик,
Оллоҳ номи билан қасам ичмоқлик.

Бодри-ю савобли бир иш қиласангиз,
Оргингиздан пойлаб юрар изма-из.

Рўпара келганда таъзимга тайёр,
Сизни мақтаб кетар-ўлгулек айёр.

Сийлаб күксингизга нишон тақади,
Шундай бурилдингиз, нишин суқади.

Гоҳо тутаб кетар, ёниб кетади,
Аламга чидолмай ўтга отади...

Абу Қоҳирала ва Ҳижозда ҳам,
Қайдаки беш-ўнта олим бўлса жам.

Маккалир, Малина, Ҳайбар, Ар-Риёд,
Дамашқдири, Басрадир, Кулдус ва Бағдод.

Мунозара эмас, Ҳасадни кўрди,
Мамнунлик қайдадир, ҳасратни кўрди.

Мисол — занг темирни кемирса қандай,
Ҳасад ҳам юракни кемирар **шундай**.

Абуға боққанда ҳасалли кўзлар,
Шакарга буланган заҳарли сўзлар.

Дунё ишларидан безиб кетарди,
Ранглар заъфарондир, тўзиб кетарди,

Оллоҳим, не учун бу хил жоҳиллик,
Бу хил разолату, бу хил баҳиллик...

Бундай балолардан асрагин, ё раб,
Кўнгли сиёлардан асрагин, ё раб!

Қайга бошлар бизни бу хил нодонлик,
Наҳотки, дунёни бузса ёмонлик.

Ўзингдан иноят тиласман, тангрим,
Ўзингга ибодат қиласман, тангрим.

XI. САМАРҚАНД САРИ

Савдо-сотиқларни битказиб шу он,
Самарқанд сорига йўл олди карвон,

Кетишар тонг маҳал дарё ёқалаб,
Қизарган уфқанинг йўлига қараб.

Фотима ҳам кетар неча бир ўйлов,
Дилида не кечар, сўрамас биор.

Наҳорги шабада, жунжикар бадан,
Қўнгироқ зарбига ҳамоҳанг қадам,

Хоргин бир қиёфа, чарчоқ, афтода,
Олға интиларди пойи-ниёда...

Гоҳо ўкинарди қилган ишига,
Гоҳ пушаймон бўлиб ўз қилмишига,

Гоҳо юравериб қурир мадори,
Нигоҳда намоён онаизори,

Йўлига термулиб қарашларири, йўни
Ёноқларин ювган кўз ёшларири,

Бу не мусибатдир, бу не кўргулик?
Тоқат ҳам қолмади энди юргулик,

Қалбини эзади шу битта туйғу:
«Не учун тақдирга тан бермади у?»

Бу дам кетаётир йўқликка қараб,
Йўқликка қарабмас, йўқликни сўраб.

Ажабтовур эллар, неча бир қишлоқ,
Тўпиққа чиққудек йўлдаги тупроқ.

Ниҳоят, кўринди катта бир қалъа,
Айлана деворлар — мисоли ҳалқа,

Иштихон эталмиш ажиб бир манзил,
Салобати ҳар не таърифга арзир.

Бир заҳот кўринди уфқда офтоб,
Карвон бир қўналға таинлади шу тоб...

Бозор айланарди тижорат аҳди,
Арzon олиб, қимматга сотмоқлик аҳди,

Туну кун югурап, тинмас, жонсабил,
Ёзу қиши кезмоқ ҳам эмасдир ҳазил...

Кун пешиндан оғиб, тушганда салқин,
Пасайиб ҳарорат, офтобий ёлқин.

Карвон йўлга тушди-тарки онёндири,
Энди истиқболда Янги қўрғондири,

Кўзлаган манзилга интилган сари,
Учиб бораётган бир қуш сингари.

Яқинлашар экан ул Янги қўрғон,
Фотимани қуршаб келар ҳаяжон...

Абунинг аммаси Нурбегим ая,
Фотималар учун яқин ҳамсоя,

Ул замон Фотима ёш бир қизалоқ,
Аяни кўргандир, эслолмас бироқ.

Сўнг бир вақт онаси айтганди унга,
Тўй бўлиб кетганин Янги қўрғонга...

Севгининг дардига тополмай даво,
Қочиб келаётир истаб бир паноҳ,

Ая ларгоҳига не деб боради?
Неки бўлса энди баҳтдан кўради.

* * *

Фотима бедарак кетгандан бери,
Қолмади онанинг бормаган ери,

На жўги, на қушноч, на фолбин қолди,
Ўйлайвериб кўнгли зардобга тўлди.

Шахрия олдига келади ҳар кун,
Юрак дардин бироз бўшатмоқ учун,

Не тонг, у ерда ҳам кўнгиллар нотинч,
На бирор хушхабар, на бирор овунч,

Шахрия дер: — Мен ҳам кўзим гирёндири,
Фарзанди ноқобил-куюгижондири.

Тирик бўлатуриб бир эсламаса,
Онам бор эди-ку менинг, демаса.

Она кўнгли болада деганлари шу,
Бола кўнгли далада деганлари шу.

Куйиб-куйиб бўлдим адойи тамом,
Хира бир чироқдир Абу деган ном.

Яхшиям Аҳмадим бор экан, шукр,
Уни пешонамга битган экандур.

Ўнта бўлса — ўннинг қилиғи бошқа,
Ҳар бирин ўз ўрни, йўриғи бошқа.

Буниси мени ва униси сизни,
Тенгма-тeng куйидирди иккаламизни,

Азалдан ёзиглиқ тақдирни худо,
Бирини биридан айлади жудо.

Бири-унда, бири-бундадир ёлғиз,
Биз бўлсак ўртада сарсону ожиз.

На чорамиз бордир сабрдан бўлак,
Дунёдан ноумид бўлмаслик керак,

Шу дам Фотиманинг онаси ногоҳ,
Йиглашга тушади — ёш бола гўё...

Мана, уч ойдирки ҳаётдан тўйиб,
Фарзанди доғида куйиб ва куйиб,

Она ётиб қолди нотавон, бемор,
Толеъга шукурки, Шаҳрибону бор.

Муштипар кундан-кун кетса ҳам ҳолдан,
Бедарак Фотима кетмас ҳаёлдан,

Ҳамон интизордир, йўлладир кўзи,
Гоҳо нигоҳида жонланар қизи...

Гўёки эшикдан келаётгандай,
Онага парвона бўлаётгандай,

Мабодо тириклир... оллоҳ билгувчи,
Фарид инсонларга шафқат қилгувчи.

Курраи заминдир унинг измида,
Бори саф тортишиб турар азмиди...

* * *

Хаёл гирдобида кетар Фотима,
Хаёлдан хаёлга ўтар Фотима.

Ая даргоҳига не деб боради?
Лозимдир — барчасин сўйлаб берали...

Шу маҳал туякаш — зоқчакўз мардак,
Фотимага гоҳо сурканиб андак.

Гоҳо шафқат қилиб юрган бўларди,
Гоҳида тикилиб, қараб қоларди.

Сұхбатнинг пайтини юрарди пойлаб,
Тортиниб, қимтиниб, илтижо айлаб,

Бир кун Фотимага ёрди дардини,
Дарди билан бирга қўшиб арзини:

— Ҳой бека, гапимни баён этарман,
Хўп дессанг Қошгарга олиб кетарман,

Уйимда суюкли ойим бўлурсан,
Мен кулинг, сен эса бойим бўлурсан,

Ичу ташқаримни берурман сенга,
Иста-Қошгаримни берурман сенга,

Яйловим, қирларим сенга сийловдир,
Пўрсилдоқ ерларим сенга сийловдир.

Фотима жим эди, чиқмасди садо,
Тинглаб, маънисига етмасди гўё.

— Нега индамайсан, сўйлагин, бека?
Сўзим ёлғон эмас, ўйлагин, бека.

Шунча йил юрт кезиб, ўтказдим умрим,
Олис шу йўлларда кетказдим умрим,

Энди фикр қиласам ҳаёт ўтибдир,
Йўқ, ҳаёт турибдир, ёшлиқ кетибдир.

Менга раҳм қиласин, сўрайин, бекам,
Шафқат қилақолгин, кўрайин, бекам.

Бекажон, сенинг ҳам дардинг ичингда,
Синик ранггу рўйинг, зардинг ичингда.

Бекам, йўқ демагил, бирга бўлайлик,
Энди қолганини ўйнаб-кулайлик.

Фотима жим эди, жим эди ҳамон,
Дилида айланар эди бир тўфон.

Портлаб кетгудайин асаби таранг,
Борлиғи қалтираб борарди аранг.

Бирор бир калима келмас тилига,
Хаттоки бир қил ҳам сиғмас дилига...

XII. ЯНГИ ҚЎРГОН

Карвон етиб келди Янги қўргонга,
Ва Фотима тушди зўр ҳаяжонга,

Не бир машаққатни кечириб ғоят,
Кўзланган манзилга етли ниҳоят.

Шунда карвон билан хайри хўш қилди,
Қалъа чеккасида бир ўзи қолди.

Сўнг аяни излаб кўчама-кўча,
Сўраб, суриштириб айланди анча,

Калаванинг учи топилди ногоҳ,
Фотима севинчга сиғмасди гўё...

Пахса девор билан ўралган работ,
Бағри кенг бир ҳовли-ораста-обод

Хонадон соҳиби кекса отахон,
Юз ҳунар эгаси, қўли гул боғбон.

Тинглаб Фотиманинг арзи ҳолини,
Ҳижжалаб паришон ул хаёlinи,

Фикрини бир жойга йиғди-ю, шу он,
Неки билганларин айлади баён:

— Тўргт эшик нарида, ён қўшни эдик,
Гоҳо бир майизни ўртада ердик.

Нуруллоҳ Махсумининг суюқ завжаси.
Наники завжаси, балки равзаси.

«Бухоролик ая» — дердик барчамиз,
Иzzат қилар эди бугун кўчамиз.

Оллоҳ марҳамати қўллабди сени,
Айни чоқ биз томон йўллабди сени.

Хуш келибсан, қизим, бўлурсан меҳмон.
Бегоналик қилмас сенга бу ошён.

Қисматда не бўлса кўради одам,
Дунёдан ўтишди икковлари ҳам.

Аввал Махсум почча, сўнгра Нурбегим,
Қабрлари нурга ўралсии дегум.

Тақдир экан, ўйқдир ўлим чораси,
Бир куни кетғуси инсон боласи.

Ёлғиз ул қизлари — Нурпошшо ойим,
Бахтини зиёд қилсин илойим,

Келин бўлиб тушди Даҳбет элига,
Қалъаси яқин Самарқанд йўлига.

Фотима тингларкан ўйтириб танҳо,
Боши берк кўчага кирганди гўё.

Шодлиги саробга айланди, не тонг,
Яна тугун бўлиб бойланди, не тонг:

— Яна не ерларга бўзламоқ керак?
Энди Нурпошони изламоқ керак.

Илинжим, бунчалик мендан қочасан?
Етай деганимда қушдай учасан,

Сенга интиламан кезиб эрта-кеч,
Этагинг учини тутқизмайсан ҳеч.

Фотима наздида ўша бир учқун,
Яна хира тортиб, сўнгандай бутун,

Хаёлларин яна тўзғитар шамол,
Яна ўша тугун, яна ўша ҳол.

Бир зумда ҳувиллаб қолди ҳаммаёқ,
Асаблар титради, руҳий бир чарчоқ...

XIII. БАҒДОД

Бағдод осмонида чақнар юлдузлар,
Порлаб тургандай ададсиз кўзлар.

Абу ҳужрасида ҳамон танҳодир,
Куралаш ҳадислар турфа рўёдир.

Икки йилки «Биринчи», «Иккинчи» жузъни,
Варақлар, саралар ҳар битта сўзни.

Қирқ ёшлиқ чоғида ўн бир йил аввал,
Ушбу китобларни ёзгани маҳал.

Сизга айтақолай ажиб бир нақл,
Ўшанда йўқ эди ҳозирги ақл.

Энди бошқа тошу, бошқа тарози,
Бошқача бўлғуси пардоз-андози,

Бир ҳадис юз рангда товланар эди,
Юз рангда товланиб, турланар эди.

Битта «Эътикоф»га¹ — ўн етти таъриф,
Минг бора ҳижжалаб қилинар таълиф.

¹ Эътикоф — Масжиддан узоқ муадат чиқмай ибодат қилиш.

Яна бир ҳадисда — фирибгар касрлар,
Инсон қиёфали, аммо нокаслар.

Үзи бир бошқа-ю, сўзи бир бошқа,
Юзи бир бошқа-ю, кўзи бир бошқа.

Сувга тушиб, қуруқ ўтиб кетади,
Лозимдир ҳалолин сотиб кетади,

Дўзахдан ҳам тоймас юзи сиёҳлар,
Бир-бирин ғажийди нафси балолар.

Ўн икки ровийда — ўн икки йўсинг,
Қай бирин ўчиреди, қай бирни қолсинг?

Неча бор элакдан ўтказар эди,
Элаб маромига етказар эди.

Қачонки кўзгуда кўринса тақрир¹,
Фақат шундагина тугарди таҳрир.

На ҳаловат бордир, на бордир уйқу,
Туну кун тинмайин уринар Абу.

Токи тер тўқмасанг омад қайдадир.
Жонни куйдирмасанг роҳат қайдадир?

Баъзан сут ё қатиқ, баъзида ёвфон,
Баъзан тансик бўлиб кетар бурда нон.

Осонмас ўз-ўзин бунга кўндиromoқ,
Тунлар мижжа қоқмай йўқдан йўндиromoқ.

Ёлғизлик азоби дилни куйдириб,
Куйдириб, куйдириб, жондан тўйдириб.

Пушаймон қилдириб туғилганингга,
Шодон чапак чалиб бўғилганингга,

Шу ғариб кунни ҳам кўрмайин рано,
Не бир ғаламислик, не бир ифбо.

¹ ТАҚРИР — Пайғамбар маъқуллаган сўз ва ҳатти-ҳаракат.

Барига чидарди бечора Абу,
Барин меңнат билан енгар эди у.

Баъзида ич-ичдан ўксинар эди,
Қарсиллаб йиқилар ва синар эди.

Тинмай ўчиради, тинмай ёзарди,
Гүё игна билан қудуқ қазарди,

Оллоҳ билгувчицир, унга аёндир,
Жазосин торғуси кимки ёмоидир...

XIV. БОТИНИЙ – ЗОҲИРИЙ

Абу ҳужрасида ҳамон танҳодир,
Қуралаш ҳадислар турфа рўёдир.

Кунлар ўтар эди, ҳафталар ўтар,
Абу ҳамон ўша — ўчирап, битар.

Устоз ҳолатидан бўлай деб огоҳ,
Маснадий ҳужрага бош суқди ногоҳ,

Шогирдин кўраркан Абдуллоҳ мамнун,
Эҳтиром билдири ташрифи учун,

«Тўртинчи»¹ китобни ёзарди Абу,
Интиҳоға яқин келган эди у.

Бир зумда бошланди баҳс-мунозара,
Устоз ҳам, шогирд ҳам бўш келмас сира.

«Учинчи» китобнинг битта нуқтаси,
Нуқтасими ёки битта шохчаси:

— «Ботиний» нима-ю, «Зоҳирий» нима, —
Тушунтириб беринг менга, аллома,

Абу зеҳн солди шогирдига шу чоқ,
Шаккоклик кўрмади руҳида бироқ,

¹ «Тўртинчи» — «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ»нинг тўртинчи жилди.

— «Ботиний», «Зоҳирий» илдизи бирдир,
Ўша битта осмон ва битта ердир.

Иккиси бир бутун нарсадир асли,
Ўша тўрт унсурнинг азалий насли.

Мутлақ яхлит, аммо бор икки ёғи,
Бир ёғи ердадир, кўклида бир ёғи.

Ботиний — ер қаъри, кўринмас дунё,
Бутун бир борлиқдир кифтида гўё.

Вулқону, зилзила, оловли тўфон,
Тенгсиз бир қудратдир, ботиний жаҳон.

Кечаги ботиний зоҳирдир бугун,
Биз бўлсақ ботиний бўлурмиз бир кун,

Қизни безаб турган олтин балдоғи,
Бу ўша ботиннинг йилт этган чоғи.

Дунё — ярми зулмат, ярми ёруғдир,
Ёруғлик ва зулмат бирга — тўлиқдир,

Тўгарак дунёдир, айланар сўнгсиз
Минг марта турланар адасиз, сонсиз,

Ул зоҳир ботиндир, ул ботин — зоҳир,
Бири унда, бири бундадир зуҳур.

Гар ботин бўлмаса, зоҳир ҳам йўқдир,
Бу — мозийдан қолган қадим сабоқдир.

Ботинлик дилладир, зоҳирлик тилда,
Бир учи томирда, бир учи гулда.

Қуёш ботса — ботин, чиққанда зардир,
У ёқда садафдир, бунда гуҳардир...

Пилла қурт уруғи ўзича ботин,
Қуёшнинг тафтига тутсанг тўрт-бейш кун,

Ул қуртга айланиб зоҳир бўлғуси,
Рангба-ранг ипаклир жило берғуси.

Тухум ичилдеги суюқлик — ботин,
Товуқ босиб ётса йигирма бир кун.

Күшгө айланади — зохир бўлади,
Күп тухум туққандаги ботин бўлади.

Абу зеҳн солли — Маснадий мамнун,
Баяни мунозара тоғуси якун,

Ёруғлик бордирки зулмат ҳам бордир,
Ожизлик бордирки қудрат ҳам бордир...

Оллоҳ билгувчилир, унгадир аёи,
Биз унинг айтганин қилғумиз баён.

* * *

Бағдод қучофидир ажиб бир макон,
Тепасида эса феруза осмон,

Дажлада жимиirlар мавжли тўлқинлар,
Іоз рангда товланар нурли ёлқинлар.

Масжиди жомеъда катта бир йифин,
Бир қарич жой тансиқ — одамлар тиқин.

Машварат тўрида аҳли ақобир,
Жаноб Ҳалифа¹ ҳам бўлмишдир ҳозир.

Шаҳар донишлари, не бир даҳоси,
Йиғамиш арабий илм дунёси,

Бир поғона пастда ўлтуурлар жим,
Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим.

Илм жамоаси бўлганида жам,
Минбарга чиқади қозиюл аъзам:

— Тақсир алломалар, эй аҳли авом,
Ҳазрат Ҳалифага аввал эҳтиром!

¹ Ҳалифа — Бағдод халифаси Маъмун, 827-851 йилларда халифалик қилган.

Имомлар пешвоси ал-Бухорийдир,
Ушбу мажлис аро эрурлар ҳозир.

Донишманлар ичра донишдир бисёр,
Хадисшуносликла ташо, бетакрор,

Бу чоқ Бағдол ахшын иззатин қилиб,
Бир сүз айтмоқ учун даврага келиб...

Шу дам Имом Муслим ибн ал-Хажжож.
Қозининг нутқига берали ривож:

— Адолатни «А»дан бошламоқ лозим,
Имом Бухорийга этайилк таъзим,

Бухородан келган жажжи йигитча,
Менинг хаёлимда, гўёски кечади...

Дажла мавжларида бир шур оқмоқда,
Нур эмас, мажларда умр оқмоқда,

Ўттиз етти баҳор, ўттиз етти ёз,
Турна қатор бўлиб, қилишиб парвоз,

Ўша Абу букун буюк даҳодир,
Даҳолар ароким ўзга дунёдир,

«Қуръони карим»дир, «Хадиси шариф»,
Бундан ортиқ яна бормидир таъриф...

Шу дам пастдан келди бўғиқ бир нидо,
Пичинг, кинояга тўла бир садо:

— Кечиргайсиз мени, муҳтарам Ҳажжож,
Беҳад мақтовларга борми эҳтиёж?

Еттинчи осмонга қўтардингиз-ку,
Имом Бухорий ким — биздек олим у,

Билмасак ким эрур насиби, насли,
Олдингдан оққан сув қадрсиз, асли...

Яна эшитилди турли нидолар,
«Ғалат! Ғалат!» — деган янгроқ садолар.

И мом ал-Бухорий минбарга чиқиб,
Бир вазмин нигоҳда атрофга боқиб,

Гүё тўлқинларда оқар эди у,
Олис қирғоқларга боқар эди у:

— Бағдод, шаҳарларнинг зебо гулисан,
Ва менинг умримнинг ўн тўрт йилисан,

Ўн етти шаҳарда ўттиз етти йил,
Туну кун демадим, кездим муттасил.

И ногят тиладим оллоҳдан яккаш,
Ибодатлар қилдим оллоҳга яккаш.

Макка, Мадинанинг тупроғин ўпиди,
Муҳаммад пайғамбар «этагин» тутиб,

Олти юз минг ҳадис дилга бўлди жо,
Токи ибтидодан токи интиҳо.

Неча милъён марта ўчириб, ёзиб,
Неча милъён марта кўчириб ёзиб...

Ул мачит саҳнидан келди нидолар,
«Офарин! Офарин!» — деган садолар.

Икки юз мингтасин ёдимга ёздим,
Хотира ипига мунчоқдек тиздим.

Етти минг икки юз қирқ-саҳийҳ-мумтоз,
Минг бор сараланиб, берилиб пардоз.

«Ал-Жомиъ ас-Саҳийҳ тўрт жилдли китоб...»
Овозлар янгради: «Ул тўртга офтоб!»

— Тўқсонта устоздан ўргандим таълим,
Ва тўқсон шогирдга бўлдим муаллим,

Қарангки, ел каби умр ҳам ўтди,
Энди хайрлашув фурсати етди,

Нону тузинг ҳаққи таъзим, эй Бағдод,
Кўпу озинг ҳаққи таъзим, эй Бағдод.

Үзим кетсам ҳамки, күз ёшим қолур,
Ёшлигим ва сабру бардошим қолур.

Барча ээгуликлар, яхшилар дилда,
Устозу шогирдлар ҳамиша тилда.

Мен сажда қилганим араб дунёси,
Ҳанбали, Ҳажжожи, илму зиёси.

Ал-Мустафосини дейинму унинг?
Ёки Захросини дейинму унинг?...

Шу заҳот Ҳалифа нутқ айлаб ирод,
Деди: — Бегонамас Сиз учун Бағдод.

Истанг — шаҳримизда бир умр қолинг,
Ал-Бухорий эмас, Бағдодий бўлинг!

— Рухсат беринг менга, соҳиби карам,
Мартабангиз буюк бўлсин яна ҳам,

Ҳазрат, таклиф учун Сизга ташаккур,
Ва эҳтиром ҳаққи оллоҳга шукур!

Менга баҳт эшигигин очмишдир Бағдод,
Лек Бухоро менга жонимдан зиёд,

Ватанини севмоқлик иймондан эрур,
Унга меҳр кўймоқ инсон бурчидир.

Ул мачит саҳнидан келди нидолар,
«Қолинг, устод, қолинг!» — деган садолар,

Ал-Бухорий бир пас нафасин ростглаб,
Кутиб турган аҳли авомга қараб,

«Сураи ихлос»ни¹ қилди қироат,
Машварат аҳлини лол этиб ғоят,

У ибодат эмас, абёт ўқирди,
Муножот қиласарди, фарёд ўқирди.

¹ Сураи ихлос — «қул ҳуваллоҳу аҳад» деб бошланувчи бу сурада оллоҳининг сифати мадҳ этилали.

Дилга қуюларди, бир наво бўлиб.
Куйган юракларга бир лаво бўлиб.

Ҳар сўзни қалбларга муҳрлар эди,
Гиря қиласар эди, сеҳрлар эди.

Абу замзамага чиққани маҳал,
Инсон шуурини чулғаб галма-гал.

Ҳис ва ҳаяжонни оширав эди,
Ҳайрат қирғогидан тоширав эди.

Ўтирган барчанинг кўзида ёшлиар,
Қироаттаги сеҳридан тугаб бардошлар.

Ҳофиз овозидан сел бўлиб диллар,
Калимага келмай, лол бўлиб тиллар.

Ҳамон эшитилар эди нидолар,
«Офарин! Офарин!» — деган садолар.

Абу ҳам турарди, кўзларида ёш,
Тугаб борар эди сабр ва бардош:

— Энди хайрлашмоқ фурсати келди,
Оллоҳнинг хоҳиши менга шу бўлди.

Бағдод, кетсам ҳамки, юрагимдасан,
Шууримдасану, тилагимдасан.

Мехру муҳаббатим бағрингла қолиб,
Кетурман бир сиқим тупроғини олиб...

УЧИНЧИ ҚИСМ

I. ИСФАХОН САФАРИ

Исфаҳон сафари бошланди бугун,
Яна йўл ташвиши Абдуллоҳ учун,

Кўз олдида турар қадрдан Бағдод,
Ажойиб, ғаройиб, тинимсиз ҳаёт.

«Ҳадис»лар қиёми шу ерда пишди,
Яна ўнлаб асар қофозга тушди.

«Ат-таърих ас-Сагиyr», «Ал-алаб Муфрад»,
«Ат-таърих ал-Кабиyr», «Ат-таърих Асват...»

... Ҳар бири-бир фарзанд, мевали дараҳт,
Пешона теридан сирқиб келган баҳт,

Ўша оқшом чоғи — подиоҳ Саройи,
Турфа безакларнинг нурли чиройи,

Базм аро хуинуддир Абу Абдуллоҳ,
Шодлик уммонида кезарди гўё,

Халифа ҳимматли эди ушбу тун,
Абу елкасига ёни заррин тўн.

Сўнг эса дуога очганича кўл,
Ином бухорийга тилади оқ йўл...

Таъзимда туарди Абу Абдуллоҳ,
Уни олқишилаган жамоа аро,

Ҳайратда қолдириб аҳли мажлисни,
Заррин муқовали тўрт жилд «Ҳадис»ни,

Абу Халифага айлади савғо,
Китобмас меҳрини баҳши этди гүё...

Тонготар маҳали, субҳидам чоғи,
Қадрдон ҳужранинг ўчли чироги.

Дўсту ақраболар тун бўйи сухбат,
Ва жўнаш фурсати етиб ниҳоят,

Айрилиш онлари... тоқат, бардошлар,
Энг сўнгги лаҳзалар... алам, кўз ёшлилар.

Мана, Исфаҳонга кетмоқда Абу,
Хаёл гирдобида айланарди у.

Ҳамонки Бағдоднинг сеҳри, шуури,
Тортишув, баҳсларнинг гала-ғовури,

Фикру хаёлинин оларди чулғаб,
Гўёки ўзига тургандек чорлаб.

II. «АЛ-ЖОМИЙ АС-САҲИХ»

Абу Исфаҳонга етгани маҳал,
Дорулмусоғирга борди даставвал.

Икки кун ўтмаёқ тарқаб хушхабар,
Абу келганини эшитди шаҳар.

Масжиди Жомеъга қилишди таклиф,
Неча бир мақтовлар, неча бир таъриф...

Абу хотирлади — кўп йиллар бурун,
Маккага кетаркан ҳаж қилмоқ учун.

Ёнида она ва оғаси ҳамдам,
Олис йўл ташвишин кўришиб баҳам,

Бир кун Исфаҳонда бўлишиб меҳмон,
Сўнг жўнаб кетувди Ҳижозга томон.

Не замонлар ўтди ўшандан бўёқ,
Исфаҳонга йўли тушмади бироқ.

Мана, бугун эса яна ўша жой,
Ўша таниш хужра, ўша хос сарой.

Не бир муҳаддислар келишиб кечә,
Нечә бир илтижо, тазарруъ неча.

Дейишиди: Бир фурсат бунда қолсангиз,
Мадраса аҳлига сабоқ қилсангиз.

Тинимсиз изланиш, неча ўн йиллик,
Соҳиби иқтидор рамзи-комиллик.

Бағдод олқишлиари етмишиди бизга,
Ва интизор эдик биз йўлингизга...

Шу ниятда эди Абу ўзи ҳам,
Барча мухлислари шунда бўлиб жам.

Яна ўша гапдир — баҳс, мунозара,
Сўнгсиз тортишувлар тугамас сира.

«Ал-жомиъ ас-Саҳийҳ» — ҳадис дунёси,
Арабу ажамда акси-салоси.

Илмда поклиkdir, покиза ғоят,
Ногоҳ аралашиб қолса шум ният.

Нечук бедодликдир, жоҳилиятдир,
Ғайри адолатдир, ғайри одатдир.

Илм чекинади, навбат — қиличга,
Шунда жоҳилият киради кучга.

— Ахир баҳс жанг эмас, мунозарадир,
Оқибат ҳақиқат сари борадир.

Яна галамислик — Абуни тирнар,
Оқни қора дея асабни қийнар...

Абу хужрасига қайтди хафақон,
Бугун яна бир бор қийралди иймон.

Абу чидолмасдан тўлғанар эди,
Яна «Жанг» қилмоққа чоғланар эди.

Нечун зўравонлик, нечун қатагон?
Бу разиллик қачон тугайди, қачон?

Яна неча тонглар отмоғи керак,
Яна неча йиллар ўтмоғи керак.

Инсон умри — лаҳза, бир чақмоқ бўлса,
Лаҳзада йилт этган бир чироқ бўлса.

Неча авлодларнинг умри етаркин?
Нечта авлод келиб, нечта кетаркин?

Нечук бедодликдир, жоҳилиятдир,
Файри адолатдир, файри одатдир!

Абу чидолмасди, тўлғанар эди,
Яна «Жанг» қилмоққа чоғланар эди.

Энди шиддат ўтган, рағбат ҳам кетган,
Дилга не озору, ранж, алам етган.

Яхшисидан кўра ёмони кўпдир,
Ушалмасдан қолган армони кўпдир...

Оллоҳ билгувчиdíр, ўзига аён,
Жазосини тортгуси ким бўлса ёмон.

Ўзингдан иноят тиларман, ё раб,
Ўзингга ибодат қиласарман, ё раб.

* * *

Абу малрасага қатнарди ҳар кун,
Сабоқ ўқир эди шогирллар учун,

Оқшом мунозара, яна жанг-жадал,
Бири жумбоқ бўлса, бири бўлар ҳал.

Неча бир ровийлар, неча қиссаҳон,
Абу ҳузурила жам бўлиб шу он,

Устод тинглар эди ва ёзар эди,
Яна пардозларди ва безар эди...

Бир оқшом Абуни ўртага олиб,
Муаммо ташлашди күпчилик бўлиб:

— Исафаҳонда кўтдан юрар бир ҳадис,
Айтиб кетган экан қай бир мұхаддис.

«Аёлни севганин — оллоҳ севади,
Ким унга ишқ қўйса — у ҳам қўяли»,

Айтишга айтган-у, бермаган изоҳ,
Тақсир, изоҳидан этсанғиз огоҳ,

Оллоҳга ишқ бошқа, ёрга бошқами?
Қуралані әмасми ва мантиқ қани?

Абу тафсилотга киришиди шунда:
— Мен бирор бир жумбоқ кўрмайдим бунда.

Мұхаббат биггадир ва биттадир ишқ.
Яхлиг ва мутлақдир ишқ билан ошиқ,

Оллоҳ ишқи борлир ҳар бир кўнгилда.
У дилда туғилар, кўмилар дилда.

Оллоҳ яратган одамзод наслин,
Үндан ташқарила ишқ йўқдир асли.

Оллоҳга ишқингиз ҳаётга ишқдир,
Ҳаётга ишқингиз бунёдга¹ ишқдир.

Аёл ҳам оллоҳнинг севган бандаси,
Одам ва Момонинг суйған боласи,

Демакки, аёлни севган ҳар инсон,
Фараздир — оллоҳни севди ул шу он.

Мұхаббат биттадир ва сўймоқ битта,
Ишқ олови битта ва кўймоқ битта.

Бир томирдан ўсган ишқ дарахтидир,
Кимга насиб этса ўшал баҳтидир.

¹ Бунёд — бунёдкорга, яъни яратганига.

Оллоҳни севмоқ-чун аёлни севинг,
Оллоҳ зоҳир бўлган хаёлни севинг.
«Аёлни севганни — оллоҳ севади».
«Ким унга ишқ қўйса — у ҳам қўяди».

* * *

Уч ойдирки Абу Исфаҳондадир,
Билмасди ором не, ҳаловат надир.

Неча минг ҳадисни тартибот этди,
«Китоб ал-Кунани»¹ ёзиб тугатди...

Бир кеч йигилиши барча қадрлон,
Ҳадис нешволари келишли шу он,

Неча қиссаҳонлар — бари келишиб,
Абу ҳужрасида давра олишиб,

Баҳсу мунозара, тонготар суҳбат,
Имом ал-Бухорий мамнундир ғоят...

Кундуз қимир этмай, тунлари тинмай,
Тонгдан оқшомгача ўрнидан турмай,

Қирқ тўрт минг ҳалисни саралаб, ўқиб,
Тўғри, нотўғрисин англаб ва ўқиб.

Форсий забонида занжирга тизди,
Ҳамда арабчага ўгириб ёзди...

Тонгда дўстлар билан хўшланши Абу,
Сўнгра Нишонурга жўнаб кетди у.

Қуёш кокилларин тараф келарди,
Борлиқни нурига ўраб келарди.

III. ОНАИЗОР — АҲМАД

Бир зеҳн солайлик атрофга қараб,
Қани Бухорода не савдо, не гап?

¹ «Китоб ал-Кун» — Имом ал-Бухорий китоби.

Қанча сувлар оқди ўшандан буён,
Неларни кечирди бу қадим ошён.

Кимлар келди дейсиз, кимлар кетмади,
Не бир ҳодисалар бўлиб ўтмали,

Бугун Аҳмад ҳожи бел боғлаб юрар,
Ўлган онасига йил оши берар.

Бундан бир йил бурун ул онаизор,
Абу йўлларига бўлиб интизор,

Охири ўглини кўролмай кетди,
Дарду алам билан оламдан ўтди,

Фарзандига интизор — шу кўйи-балда,
Күйиниб-күйиниб, сўнг оқибатда,

Тақдирга тан бериб, кўзини юмди,
Дийласида қотиб, кўз ёши ҳам тинди...

Ҳовлиси ҳувиллаб қолди Аҳмаднинг,
Тўлдириб юраркан она раҳматли.

Қачонки Абудан келса хушхабар,
Байрам бўлар эли уйда ҳар сафар...

Шахрия бонудан икки ой аввал,
Алами фалакка чиққани маҳал,

Қизи Фотиманинг қўйида куйиб,
Охири-оқибат жонидан тўйиб,

Телба бир ҳолатда ул онаизор,
Дилини минг қатла доғлаб охузор,

Ўзини Шоҳрудга отганди ҳайҳот,
Қирғоқ, дов-дараҳтлар қилишиб фарёл,

Она тақдирига йиғлашган эди,
Йиғлаб, қалбларини тиғлашган эди...

Оналар ўларкан «болам!» деб — бу рост,
Кўнглинин ёндириган аламдин — бу рост.

Биз бўлсак нодонмиз, ўйнаб, куламиз,
Бало келганини билмай қоламиз.

Ташлаб кетамиз-у, қарамаймиз ҳам,
Аҳволинг нечук, деб сўрамаймиз ҳам,

Осмондан сепилган бир уруғ бизлар,
Гўё ердан чиқсан замбуруғ бизлар...

Бир йўқотиб, қайта тополмаганим,
Тириклиқда қўлин тутолмаганим,

Изларингдан бўзлаб, йиглаб қолдим мен.
Йиглаб-йиглаб, бағрим тиғлаб қолдим мен.

Қиёмат қарз бўлиб қолди елкамда,
Бир умрлик ҳасрат энди илкимда.

Онажон, кўзларим очилди бу чоқ,
Сен йўқсан, фурсати ўтганди бироқ.

Тавба-тазарруйим қабул айлагил,
Нокас бу ўғлингни сўнг бор сийлагил...

Аҳмад бир неча кун атрофга чопиб,
Шоҳруд ариғидан мурдани топиб,

Дағғи этди бечора онани ул дам,
Бажо қилди расму русумларни ҳам.

Тонг оқариб келар, унинг нурлари,
Оламни ёритар ёйилган сари,

Фотима Даҳбетга томон кетарди,
Не бир овулларни босиб ўтарди.

— Илинжим бунчалик мендан қочасан?
Етай деганимда қушдай учасан?

Энди Нурпошшони излаб борарди,
Кўнглида бир умид, бўзлаб борарди,

Олисларга кетган араваиз йўл,
Боғ ва экинзорлар эди ўнгу сўл.

Кун бўйи йўл юрди Фотима тинмай,
Гоҳо ҳолдан тойиб, йўли ҳам унмай,

Гоҳо тўхтаб қолар оёқлар толиб,
Яна йўлга тушар озроқ лам олиб.

Шу зайл кеч тушиб, гира-шира чоқ,
Олдинда кўринди яна бир қишлоқ...

Чап қўл бурумила кичикроқ овул,
Бошлиб кирав эди унга сўқмоқ йўл.

Фотима шу замон бурилиб кетди,
Қишлоқ четидаги бир уйга етди.

Ўзини танитди уй эгасига,
Боғбоннинг сўзлари келди эсига:

«Йўловчи-мусофири эканингни айт,
Ва менинг номимни эслатгин шу пайт».

«Пичноқчи» аталмиш бу оддий маскан,
Темирчи устолар манзили экан.

Фотима шу ерда ўтказди тунни,
Ховли эгалари сийлашди уни.

Яна тонг маҳали йўлга тушди у,
Хаёлида яна бир ширин туйфу.

Ўша Нурпошони излаб борарди,
Самарқанд тарафга бўзлаб борарди.

Бир йифоч йўл эмиш Даҳбет қальласи,
Карнай-сурнай чалса келармиш саси.

Кун тикка бўлганда етди манзилга,
Ўша Даҳбет деган нотаниш элга.

Сўраб, суриштириди кун қайтгунча то,
Нурпошодан дарак топмади аммо.

Шу асно кезаркан уйма-уй сарсон,
Нақшин дарвозага бош сукди шу он.

Уни қаршилади нуроний бир чол,
Ҳамда Фотимадан сўрди ҳол-аҳвол.

«Нурпошшо бор бўлса, қолар топилиб,
Ҳозирча яшаб тур, шу ерда қолиб».

Қария таклифи кўринди маъқул,
Ва бу илтифотга рози бўлди ул.

Кунлар ўтар эди бир-бирин қувиб,
Фотима ҳамонки ич-ичидан куйиб,

Ҳамон умидини узолмас эди,
«Балки бир дараги топилар» — дерди.

Умрнинг эллик бир баҳори ўтар,
Эллик бир турнадир — олислаб кетар.

Вақт ўтган сайин хаёллар тинди,
Охир-оқибатда тақдирга кўнди.

Баъзан хаёлида кўринар Абу,
Олисдан тикилиб туар эди у.

Фикрлар чалкашиб кетарди шу он,
Ўликми, тирикми — оллоҳга аён.

— Мен ожиз бандаман, нотавон, ожиз,
Ҳамонки ёлғизман, ҳамонки ёлғиз...

IV. НИШОПУР

Ёйиларкан тонгнинг заррин нурлари,
Абу кетар эди Нишопур сари.

Бир тўзон сингари қуршаб хаёллар,
Босиб келар эди труфа саволлар.

Устозлар, шогирдлар, хаёлда пайдо,
Ат-Термизий шу чоқ жонланди ногоҳ.

Бағдодда юрганда, бир йилча аввал,
«Мадрасайи Хосда» бир сабоқ маҳал,

Нишопурдан келгән бир ҳадисшунос,
Исо Термизийга қиларкан ихлос,

«Хөзир үл шаҳарда муқим қолмишdir,
Мартаба, шуури баланд эрмишdir».

Тингларкан, Абуда бу шириң ҳисдир,
Күришмоқ нияти дилда ҳавасдир,

Неча йиллар бурун, хотирлар Абу,
Исо Термизийни эшигтанды у.

Бир сира Дарёйи қулзум бўйидан,
Камтарин қиссаҳон каснинг уйидан.

Бир сира Маккада рамазон чоғи,
Яшил товланганда унинг ҳар ёғи,

Термизий ҳақида баҳс кетган эди,
Абу хаёлини банд этган эди.

Бир сира Басрада «Сунан»¹ баҳсида,
Маъруза қилгани ҳамон эсида.

Аммо кўришмаган эди иккиси,
Қирғоғидан тошиб учрашиш ҳиси.

Абунинг кўнглига соларди ҳайрат,
Энди Нишопурда кўришса ғоят...

Қуръони Каримлир оллоҳ китоби,
Ваҳийдан ергача етган офтоби.

Инсон шуурида топмаса зухур,
Дилни ёритмаса ўша келганд нур,

Пайғамбару уммат бориси ҳечдур,
Ўзига ботиндур, барчаси пучдир,

Шу бир фикрларки кўнглидан ўтар,
Идрок шуурини тамом банд этар.

¹ «Сунан» — Исо ат-Термизийнинг ҳадис китоби.

Куръони Каримдир, Ҳадиси шариф,
Мен ҳеч чарчамасман құлмоқдин таъриф.

Шу олами маънан бўлмаса агар,
Ақлини мунааввар құлмаса агар.

Инсонни бурмаса яхшилик томон,
Агар ёмон қолса ўзича -- ёмон,

Инсон ўз нағсипни тиймаса агар,
Агар у ҳаромдан құлмаса ҳазар.

Бухороий ҳам ҳечдир, Термизий ҳам ҳеч,
Дунё ёлғон эрур ва ҳаммаси пуч.

Демакки умримиз зое ўтмишдир,
Барча қылганимиз ёлғон бир ишдир...

Оллоҳ билгувчиидир, ўзига аён,
Бизга қийин эрур, оллоҳга осон,

Ўзингдан иноят тиларман, тангirim,
Ўзингга ибодат қиларман, тангirim,

Шафқатлисан оллоҳ, бизни сийлагин,
Тавба, тазаррутьмиз қабул айлагин.

* * *

Бу оқшом Термизий ўзида йўқ шод,
Хужрайи хос бу дам файзли, обод.

И мом ал-Бухорий ташриф этмишдир,
Ажиб бир хушнудлик, сафо этмишдир.

Мана, бир ойдирки Абу Абдуллоҳ,
Соҳиби илмдир, табаррук сиймо.

Нишопур аҳлининг даврасидадир.
Дўсту қадрдонлар орасидадир.

Ўзаро гурунгдир, қизийди суҳбат,
Шу асно зоҳирдир зўр салоҳият.

Термизий шу лаҳза қилиб эҳтиром.,
Устоз Бухорийга бағишилар калом.

— Маълумингиз эрур, — сўз бошлар Абу,
Эзгу бир журъатга шайланганди у,

Шуни айтайнинки ҳаммадан аввал,
«Куръони Карим»дир дастурул амал.

Бу — «дунёйи маънан» халқ учун баҳтдир,
Дастури бўлмаган юртлар бадбаҳтдир.

Қорин тўқ бўлса-ю, руҳ бўлса қашшоқ,
Фожиа бўлмагай бундан ёмонроқ.

Бизнинг қорнимиз ҳам, руҳимиз ҳам тўқ,
Шу «Дастурал амал» берур йўл-йўриқ.

Йигирма уч йилдир — Оллоҳ муттасил,
Куръон оятларин айлади Нозил.

Ҳазрати Жаброил ул оятларни,
Оллоҳ инъом этган иноятларни,

Расулга етказиб турди ҳар замон,
Шу зајіл зоҳирдир муқаддас Куръон,

Расул оятларни шарҳламоқ бўлиб,
Таъриф этар эди ҳадислар қилиб,

Сўнг улар оғзидан ўтиб оғизга,
Биттаси бир зумда старди юзга.

Элу элатларга тарқаб кетарди,
Дарё-дарё бўлиб оқиб ётарди.

Аралаш-қуралаш, остин ва устун,
Қай бири қум эрур, қай бири олтин.

Сараламоқ ҳамда айламоқ мумтоз,
Мумтозларга яна зийнат ва пардоз.

Ҳадис ўрмонлари шовуллар эди,
Чексиз уммон бўлиб гувиллар эди.

На чеки бор эди, на чегараси,
Файриси қайда-ю, қайда сараси.

Бир тоғдай кўндаланг турарди сўроқ,
Афсуски, жавоби йўқ эди бироқ...

Шу заҳот Термизий айтар ташаккур:
«Борлигингиз ҳаққи оллоҳга шукур!»,

Дўстлар, мунозара бугунча басдир,
Суҳбатимиз ҳали боқий эмасдир.

Ал-Бухорий менинг бошим узра тож,
Ортиқча мақтovга йўқдир эҳтиёж.

Барча аҳли мажлис бўлдилар шодмон,
Эшикда тонг отиб келарди шу он.

Икки юз эллик йил бурунги тарих,
Юпун бир хужрада этилмиш таъриф...

V. ЗАҲРОНИНГ ХАТИ

Тунда хужрасига қайтаркан Абу,
Ажиб бир тўлқинлар ичра эди у,

Исо Термизийда тўқис бир сифат,
Донишлик устига боз салоҳият...

Хаёл сарҳадлари бунчалар йироқ,
Исоқ ибн Роҳвайҳ¹ жонланди шу чоқ,

Абу ўн беш ёшли тиришқоқ шогирд,
Осмондан юлдузни олағон йигит,

Устози Роҳвайҳдан сабоқ тингларда,
Хадисларни чақиб, мағзин англарди.

Бир кеч мунозара қизғин лаҳза,
Устоз билан шогирд талашди роса.

¹ Исоқ ибн Роҳвайҳ — асли марғилик бўлиб, ал-Бухорийнинг ҳадис бўйича устозларидан бири.

Сўнгра Роҳвайҳ деди: Тинглагил Абу,
Хоҳла истак, хоҳла ўгитимдир бу.

Сен араб мулкига кетмоғинг керак,
Ўзингни фидойи этмоғинг керак.

Сенинг иқтидоринг менга аёндир,
Аҳли Бухорога манзур, шоёндир,

Икки асрдирки ҳадис дунёси,
Тошиб, лойқаланиб оққан дарёси,

Териб, саралашига муҳтож хазина
Билим чўққисига — ададсиз зина.

Тошда гул ундириб, омад қўзламоқ,
Уммонлар қаъридан гавҳар изламоқ,

Фақат сен эрурсан бу ишга қодир
Үдла қилаолмас ҳар не баҳодир,

Кўтона қўй кўпу, қўчкори йўқдир,
Туялар қатордир, лек нори йўқдир.

Дерлар — зар қадрини билади заргар,
Ҳар ялтироқ нарса ахир эмас зар.

Сенга ишонаман, бардам бўл, Абу,
Оллоҳнинг йўлида илтижойим шу...

Абу «Ал-адаб...»¹ ни варақлар шу он,
Унинг шуурини чулғар ҳаяжон,

Бир мактуб кўринди китоб қатида,
Таниш бир имлодир унинг бетида,

Бир маҳал қараса — Заҳронинг хати,
Шу асно жонланди унинг суврати.

Абу ҳайрат ичра турарди қараб,
Вужуди қалтираб, қўли қалтираб:

¹ «Ал-адаб...» — «Ал-адаб ал-муфрар» — имом ал-Бухорий китоби.

— Аллома, аввало дуойи салом,
Оллоҳ инояти — муқаддас қалом,

Хоҳлангиз Лайлиман, хоҳланг Зуҳроман,
Ишқингизда куйган ўша Заҳроман.

Сизни деб лунёдан тоқ ўғлим, Абу!
Икки оламни ҳам тарқ этдим, Абу!

Нетайин кўрмадим бирор илтижо.
Аввал танҳо эдим, охир ҳам танҳо.

На чораки, Абу, типч юролмасам,
Уринисам, қалбимни кўндиrolмасам.

Мен қўй деган билан, қўймаса нетай?
Бошқани суй десам, суймаса нетай?

Бу ишиқ саҳросидир, дашги Карбало,
Бу бир бедаволир, бу бир бедаво.

Бир араб қизининг муҳаббати бу!
Дунёни ёритган сехрли ёғду,

Бир севсами севар, ҳай-ҳай, кўп ёмон,
Унинг оловидан жон қолмас омон.

Ҳам суяди Сизни, ҳам суйдиради,
Ҳам ўзи куяди, ҳам куйдиради,

Бу шундай ишқидирки... аълодир, аъло,
Айрилмас балодир, айрилмас бало!

Бу дарддир, аламдир, ғамдир, кўз ёшдир,
Сабрдир, саботдир, тоқат, бардошлир.

Раҳму шафқат қани, иноят қани?
Меҳр қани, меҳр, ҳидоят қани?

Қани муҳаббатнинг сехри, жилоси,
Алифбоси қани, қани имлоси?»

...Абу аянчлилир, сўник қарашлар,
Киприклардан сирқсан дардли кўз ёшилар,

Изтироб ароким лол ва гунг эди,
Борлиги қуярди, дили мунг эди...

— «Басра ҳам, Бағдод ҳам қолди ҳувиллаб,
Дилимда түлқинлар тинмас шовуллаб.

Қочмоқ ҳам хунардир, Абу, билсангиз,
Нетарди озгина раҳм қиласангиз?

Абу, омон бўлинг, этинг мени ёд,
Захро Абу билан тирик умрбод».

Бир телба ҳолатда турагди Абу,
Олис-олисларга қарап эди у.

Тушими, ўнгими — билолмас эди,
Фаҳмлаб, ажрим ҳам қилолмас эди...

Захро тураг эди кўзи ўнгига,
Куйиб, йиғлаб-йиғлаб, йиги сўнггида.

Қалбини ёндириб, ёндириб фифон,
Кўзларига **суртди мактубни шу он...**

VI. МУСО АТ-ТЕРМИЗИЙ

Тунда хужрасига қайтаркан Абу,
Яна дилда фужгон турфа хил туйғу.

Беш лаҳзадек ўтди беш йиллик умр,
Гёёки беш марта йилт этди ул нур.

Ўшандада Термизий қўярда-қўймай,
«Қолинг!» — деб ёнишиб олли бутунлай.

Деди: «Нишонурда Сиз каби даҳо,
Кўкли парпираган ҳилолдир гўё.

Масжиди Жомеъда мударрису хос,
Иншаоллоҳ, унда топурсиз эъзоз.

Бирор йил биз билан бўлсангиз эди,
Ҳамла раҳнамолик қиласангиз эди.

Бунда ҳалис илми ғарип бир ҳолла,
Нишопур ўнгланмас бу хил аҳволда.

Авж олиб кетмишлир «Сунан» ва «Муснад»,
На бир маъно бордир, на бирор сифат,

Аслият йўқолиб, кўпаймиш ёлғон,
Инсоф қаерладир ва қайдада иймон.

Қайдаки илмга бош суқса ҳаром,
У ерни жаҳолат эгаллар тамом.

Илтижо қилурман, йўқ деманг, устод,
Балки зуҳро бўлур, «Иккинчи Бағод»,

Улуғлар ҳамиша соҳиби карам,
Шулар билан обод маънавий олам...

— Термизий сўзлари мени этди лол,
Не бир журъатларга шайланди хаёл,

Исонинг дилида шунча эҳтирос,
Ва менда қолмади ортиқ эътиroz.

Яна фидойилик ҳадис шайдоси,
Яна кутар унинг чигал дунёси.

Илмга лоқайдлик — гуноҳи азим,
Демакки — бу ерда қолмоғим лозим...

Беш йил фурсат ўтмиш ўшандан бўёқ,
Юзма-юз турибмиз иккимиз бу чоқ.

— Исо, ватандошим... буюк иқтидор,
«Саҳиҳи Термизий»¹ — эрур улуғвор.

Неча такрор уни ақлга тиздим,
Неча йил мен унинг мағзида кездим,

Илм аҳли аро ажиб ҳикмат бор,
Шогирд устозидан ўтмаса бекор.

¹ Саҳиҳи Термизий — Имом Абу Исо ат-Термизий китоби.

Мен ҳайратдан лолман, азизим Исо,
«Ҳасан Саҳиҳ»¹ — эрур янги бир дунё.

Бунақасин ҳали билмас илму фан,
«Саҳиҳ»нинг устига безакдир «Ҳасан».

Термизий бир сифат ийманиб шу дам.
Бир ибо аралаш бошинн этиб хам,

Деди: Сиз туфайли мендаги ривож,
Ортиқча мақтовга борми эҳтиёж?

— Бу мақтов эмасдир, Исо,adolat,
Оқни оқ демаклик фандаги одат.

Энди шогирд киму ва кимдир устоз,
Ҳамду сано кимга ва кимга эъзоз.

— Не десангиз бари менга сабоқдир,
Абу машъал бўлса, Исо чироқдир,

— Оллоҳ билгувчиидир ва унга аён,
Бизга қийин эрур, оллоҳга осон.

Ўзингдан иноят тиларман, тангри!
Ўзингга ибодат қиласман, тангри!

* * *

Қаранг, бундан роса беш йил муқаддам,
Ушбу мажлис аҳли бўлган эди жам.

Ўшанда тинглашиб Абудан сабоқ,
Олим даҳосига ортиб иштиёқ.

Тамом сеҳрланиб қолишган эди,
Ва бугун яна жам бўлишган эди...

Абу дер: Умрдан беш йили ўтди,
Энди хайру хушнинг фурсати етди.

¹ «Ҳасан Саҳиҳ» — «Жуда Саҳиҳ», «Жуда тўғри» деган маънода, Ҳадисшунослика ат-Термизий қўллаган янгилик.

Бухоро мәхридиң тортар дилимни,
Мен ҳалдан соғиндим она элимни.

Нишопурда ўтган беш йиллик ҳаёт,
Олий сабоқ бўлиб қолди умрбод,

Мен олтин топмадим, Сизларни топдим!
Мехр билан боққан кўзларни топдим!

Топганим эзгулик, буюк самардир,
Инсон отлиғ ўшад тенгсиз гуҳардир.

Бор гуҳарни сизга туҳфа этарман,
Мен фақат меҳрни олиб кетарман.

Бир-бирга иноқлик-иймондан эрур,
Ҳасаддан йироқлик — иймондан эрур.

Қалбим тўла, аммо қўлларимдир бўш,
Ризқу рўз топилар омон бўлса бош,

Орага ёмонлик тушмасин асло,
Не тонг, ёмонликдан зерикди дунё.

Илло, ёмонликдан қилингиз ҳазар,
Ёмонлик зарадир, ёмонлик — заҳар,

Навбаҳор гулларни сўлдиради у,
Эзгу-диёнатни ўлдиради у.

Расууллоҳ демиш: Энг сўнгти амал.
Яхшиликни ушлаб турувчи тамал.

Дўст бўлиб яшамоқ адолатдандир,
Бир-бирин сийламоқ саодатдандир,

Қардошлиқ риштаси узилмасин ҳеч,
У абад тургуси — агарки зар печ.

Дўст бўлсанг — йўлларинг бўлгуси ёрқин,
Севинчдан кўнглингда бир дунё тўлқин,

Дўстлик қудратига тоғлар эгилар,
Еттинчи фалакдан нурлар ёғилар.

Дүстлик дегани бу — енгилмас құрғон,
Күзни қамаштирган зийнати жаҳои.

Уни асрангизлар қорачиқ каби,
Дилни иситувчи ёниқ чүф каби.

У гуллаб, безаги оламни тутгай,
Шұхрати, шукуҳи дунёға кетгай.

Бириңчи амалдир салом ва алиқ,
У сәхр, қудратга қодир шунчалик.

Мәхр-оқибатдир — оллоҳ хоҳиши,
Шұнга молик бўлгай мусулмон киши.

Мен олтин топмадим, садоқат топдим,
Умримга етгулик саодат топдим.

Оллоҳ билгувчиидир ва унга аён,
Биз учун қийиндир, оллоҳга осон.

Ўзингдан иноят тилярман, тангрим,
Ўзингта ибодат қиласарман, тангрим.

Дўстга зор қиласин илоҳим бизни,
Ёвга хор қиласин илоҳим бизни!

* * *

Мен олтин топмадим, Сизларни топдим,
Гоҳида ғаразли кўзларни топдим.

Тунларим батьзида ўтади бедор
Не учун замона бунчалик ғаддор.

Асабларни рўй-рост кемирар ҳасад,
Ҳар бир муюлишда бир фисқу фасод.

Тун-кун изғишидаи нафси балолар,
Бойлик орқасидан елган гадолар.

Қабр тошларига йиғишидаи пул,
Бева-бечорани талашар нуқул.

Уларнинг номуси, виждони пулдир,
Диёнати пулдир, иймони пулдир.

Пулни кўрса томдан ташлар ўзини,
Сотар аёлинни, сотар қизини.

Бу не шармандалик, бу не ҳаёдир,
Уятсиз, ҳаёсиз — нечук дунёдир.

Алар эътиқоди, матлаби ҳам пул,
Масжиду мадраса, мактаби ҳам пул.

Муҳаббат ҳам пулдир, садоқат ҳам пул,
Пулга қулдир, қулдир, яна пулга қул.

Пул деб етти ойлик йўлга югурадар,
Пул деб аждаҳонинг оғзига кирадар...

Сизларга не десам, бойлик аслида,
Ҳаётнинг ибтидо, мургак фаслида.

Оллоҳ яратмишди дунё учун зеб,
Борлиқ мавжудотнинг тириклиги леб.

Зеру забарларга чулғанди олам,
Қайдандир ёпишди кўзи очлик ҳам.

Шунда содир бўлди фожеъ бир қисмат,
Не бир замон ўтиб, етганда фурсат.

Ялмоғиз инсонни гирдобга ўраб,
Охири сиртмоққа айланди, ё раб.

Хонаи хуршилдир бузилди, тўзди,
Инсон бойлик дея ақлдан озди.

Очқўзлик дастидан бузилди жаҳон,
Оллоҳнинг қаҳрига йўлиқди инсон.

Кошки тавба қилса, таззарруъ қилса,
Инсоф, диёнатга юзини бурса!

Авжига чиқмоқда таъма, хиёнат,
Тупроққа қоришди дину диёнат.

Қачонки чүққига чиқса разолат,
Билингки, бошланар шунда қиёмат,

Оллоҳ билгувчидир ва унга аён,
Биз учун қийиндири, оллоҳга осон.

Үзингдан иноягтиларман, тангрим,
Үзингта ибодат қиларман, тангрим.

Биласан хулқимиз ва феълимиизни.
Нафси балолардан асрагин бизни.

Оллоҳ, дўзахингга жўнат ёмонни,
Халос эт улардан еру осмонни.

Ўзинг қудратлисан, адолатлисан,
Раҳму шафқатлисан, саодатлисан.

БЎҲТОН

Абдуллоҳ ҳужрада ёлғиз бир ўзи,
Туйнукдан самога тикилмиш кўзи,

Осмонда юлдузлар кезмоқда секин,
Нишопур оқшоми сукутли, сокин.

Бир неча қундурки Абу бехузур,
Ботиний туйгулар бехосда зухур.

Дилини тирнарди алам, изтироб,
Барчаси бехуда, гўёки сароб.

Адолат деди-ю, разолат туйди,
Дунё ундан, Абу дунёдан тўйди.

Кунлар судраларди, секин ўтарди,
Баъзан Нишопурга сиғмай кетарди.

Асабни кемирар қабиҳлик, ҳасад,
Балки, сарҳисобга етгандир фурсат.

Нега судраласиз кеча-кундузлар,
Нега жим турибсиз, ёруғ юлдузлар?

Нечун афтодаман, нега мен ёлғиз,
Нега бир рўшнолик кўрмадим ҳануз!

Япроқлар тўкилиб, хазон бўлмоқда,
Умр поёнига етиб бормоқда.

Тунлар заҳмат чекдим, тонглар оттирдим,
Бу дунёга келиб не ҳам орттиридим...

* * *

Ўша кунлар эди, тўрт йилча аввал,
Нишопурга энли келгани маҳал.

Руҳи бардам эди, кўнгил ҳам хушнуд,
Баҳсли давраларда гурунглар масъуд.

Имом ат-Термизий, не бир акобир,
Суҳбатлар авжидан нозиру ҳозир,

Бир ёқ — мунозара, арбоби таърих,
Ҳар битта ахборга юз битта таъриф.

Ақлни лол этиб не бир асотир,
Неча бир малойик, неча бир ботир,

Исо Термизийнинг илмий шукуҳи,
«Ҳасан Саҳиҳ»¹нинг теран ул руҳи,

Абдуллоҳ қалбига бағишлар шуур,
Шогирлар камоли — бир олам ғурур.

Масжиди Жомеъда мумтоз йигинлар,
Гўзал мажлис аро барча йифилар.

Ҳадис тингловчилар сонсиз, беадад,
Ҳамсуҳбатлар шуни қилмишди одат.

Ихлосманд кундан-кун ортиб борарди,
Бу ҳолдан Абдуллоҳ масрур юрарди...

¹ «Ҳасан Саҳиҳ» -- Исо Термизийнинг ҳадис саралашдаги янги услуби.

Шу маҳал қаранг, Зуҳалий¹ дарғазаб,
Тош ота бошлади Абуга қараб.

Сабабки — Зуҳалий масжиди қолиб,
Нафоис талаблар ҳамфирк бўлиб,

Абу мажлисига чопишар эди,
Унда бир беҳбудлик топишар эди.

Аслида, Зуҳалий соҳиби даврон,
Найсабур тахтига яқин билимдон.

Олий мартабали яксар бир қутб²
Шайх ул-аълам³ликнинг мақомин тутиб,

Юксак чўққиларда юаркан мағур,
Ногоҳ соя солиб келмиш бир қусур.

Абдуллоҳ шуҳрати ортиб кун сайин,
Зуҳалий нафсига тегар атайин.

Зирқиаркан дарз кетган нафсу иззат,
Унинг юрагида қўзғалди ҳасад.

Ҳасадки — ортида тугаб фисқ-фужур,
Ботиний қабиҳлик бўларди зухур.

Хушомадгўйлар ҳам топилди шу чоқ,
Фаразчига тўлиб кетди ҳаммаёқ.

Пичоғин қайрарди бўхтончи — каззоб,
Лойга қоришиқдир диёнат, инсоф.

Қора тутун бўлиб бурқсир ҳаммаси,
Абуга осилди туҳмат тамғаси.

Бутун Найсабурга тарқалди ифво,
Сувни лойқалатган аслида — Яҳъё.

«Абу йўлдан озган бир коғир» эмиш,
«Куръон тиловати маҳлуқдир» демиш.

¹ Зуҳалий — Мұхаммад ибн Яҳъё аз-Зуҳалий.

² Қутб — Замон пешвоси.

³ Шайх ул-аълам — Исломдаги олий мартаба, устоз.

Яхъё дер: Абу яқинлашса ким,
Менинг ғазабимга бўлғуси маҳқум.

Аввалига Абу қилмади парво,
Биларди азалдан шу таҳлит дунё.

Гарчи — ҳаддан бисёр эл ичра нокас,
Зеро, яхшилар ҳам ахир, йўқ эмас.

Тарозига қўйиб, ўлчаб амалда
Сўнгра ўз-ўзига берарди далда:

Шукрким: ёнида хушфаҳм Исо,
Ишончли суюнчик, қадрдон, порсо.

Ибни Роҳуядир ва ат-Термизий
Имом Муслим, Аҳмал — дўсти самимий.

Амр ал — Каффоғдир, ҳам ал-Ҳоким,
Заррин қалам-ҳаттот Абдулло Ҳаким¹.

Неча бир меҳрибон, зийрак шогирдлар,
Неча бир ихлосманд толиб, муриллар...

Шу йўсин орадан йиллар ҳам ўтди,
Күёш неча чиқиб, неча бор ботди.

Аммо фисқу фасод тинмади ҳамон,
Авж олиб борарди кун сайин бўҳтон.

Не тонг — изтироблар гирдоби бир кун,
Сўнгги нуқта бўлди Абдуллоҳ учун.

Ортиқ чидамоққа бўлмади бардош,
Сабру бардош недир, эрир эди тош.

Абу эзиларди, не қилмоқ керак,
Қабоҳат алами, юрар жонсарак.

Кундан-кун толиқиб сўлиб борарди,
Асаблари қақшаб, ётиб қоларди.

¹ Номлари зикр этилганлар Бухорийнинг Нишопурдаги маслакдош дўстлари ва шогирдлари.

Бир оқшом күзда ёш, дили аламнок,
Деди: Эй Оллоҳим, ниятимдир пок,

Ахир, ҳаммасидан әурсан огоҳ,
Умрим осмонида булутлар пайдо.

Үзинг билгувчисан, бариси асн,
Бизга қийин эрур, сен учун осон.

* * *

Бир кун Абдуллоҳ жазм айлаб ногоҳ,
Кириб орди Яхъё мажлиси аро,

Бу ҳоядан Зуҳалий бўлиб ҳангуманг,
Мажлис минбарида турарди аранг.

Бундан ажабланиб йигин аҳли ҳам,
Абдуллоҳ томонга боқдилар шу дам.

Абдуллоҳ минбарнинг ёнига келиб,
Сураи ихлосни қироат қилиб,

Деди: Мен сизларни этдим беҳузур,
Кўлларим кўксимда, сўрарман узр.

Сўнгги бор сизларни кўрмоқ истадим,
Бир лаҳза юзма-юз турмоқ истадим.

Гина-кудратни хушламас оллоҳ,
Ноҳақлик юз қаро бўлсин, илоҳо.

Адолатни истаб бу ерга келдим,
Фитнаю ҳасаддан дилзада бўлдим.

Сўнгра Зуҳалийга бурилди Абу,
Кўзинга тик боқиб турага эди у.

— Шаккоклигим бўлса, маъзур тутингиз,
Магар гуноҳкорман — афу этингиз.

Сиз эмасмидингиз бир чоқ қўллаган,
Абу Абдуллоҳга олқиши йўллаган.

Нега керак бўлди бу сохта фурур,
Подшоҳга суюнган шоҳона суур.

Нечун ғаддорлик, Мавлоно Зуҳалий,
Билим олий шондир, ҳасаддан холий.

Энди қулоқ тутинг яна бир карра,
Дилингизда гумон қолмасин зарра.

Тангрим ҳузурида этайин изҳор,
Ҳақиқатни яна айтайин бир бор:

Куръон тиловати олий ҳавасдир,
Тиловат қилмоқлик махлуқ эмасдир.

Инсоннинг лафзида икки маънодир,
Бир-бирига муҳолиф икки дунёдир.

Биттаси безакдир, яъни олий ҳулқ,
Бошқаси куфрдир, яъни у — махлуқ.

Турфа қиёфадир инсон атвори,
Ва унга мусаххар¹ лафзнинг бори.

Демакки, атворнинг турли қирраси,
Лафзда намоён бўлур, хулласи.

Лафзинг гўзал эрса, демак олий ҳулқ,
Магар замимадир², демакки — махлуқ.

Ал-Бухорий покдир, Оллоҳ билгувчи,
Ҳақ ва ноҳақликни ажрим қилгувчи.

Яхшиларга камол бергил, Оллоҳим,
Ёмонларга завол бергил, Оллоҳим.

* * *

Нафасин ростлади Абу Абдуллоҳ,
У янги журъатга чоғланар гўё;

¹ *Мусаххар* — бўйсундирилган.

² *Замима* — ёмон ахлоқли замима, ёмон ҳулқлар.

— Азизлар, умрдан беш йили ўтди,
Энди хайру хушнинг фурсати етди.

Бухоро меҳридир тортар дилимни,
Мен ҳаддан соғиндим она элимни.

Нишопурда ўтган беш йиллик ҳаёт,
Олий сабоқ бўлиб қолди умрбод.

Мен олтин топмадим Исони топдим,
Ақл топдим, илм, зиёни топдим,

Мен учун олтин ҳам, дуру гавҳар ҳам,
Бойлигу, бисоту, лаъл ила зар ҳам,

Илмдир, иймондир, ҳамда эътиқод,
Тангри иродаси дилда умрбод.

Шу заҳот Термизий бошлади калом,
Олий ул машварат этарди давом:

— Имом ал-Бухорий — қирқ икки йилдир,
Беалад, ҳисобсиз олис бир йўлдир.

Арабу Ажамда тенгги йўқ даҳо,
Эрону Туронда бир акси садо.

Етти мамлакатдир, ўн етти шаҳар,
Ўлчасанг у юрган йўлларни агар.

Машриқдан мағрибга етади учи,
Бир бурчи ердадир, кўқда бир бурчи.

Ҳеч ким билолмаган сирни билди у,
Ҳеч ким қилолмаган ишни қилди у.

Бор ҳикматни ўигиб ҳалққа тутқазди,
Аладсиз мевали дараҳт ўтқазди.

«Саҳийҳ»и Бухорий — шоҳона асар,
Шаҳримни берардим имкон бўлса гар.

Дониш кўп, Бухорий битта дунёда,
Оллоҳим умримни қилсин зиёла.

Йўлингиз оқ бўлсин, оллоҳу акбар,
Нурдай порлоқ бўлсин, оллоҳу акбар.

Тангридан иноят тилармиз бу дам,
Тангрига ибодат қиласмиз бу дам.

Оллоҳ билгувчилир, ўзига аён,
Бизга қийин эрур, оллоҳга осон.

Минг йил умр кўринг, устоз, илоҳим,
Уни паноҳида асра, оллоҳим.

Йўлингиз оқ бўлсин, аллоҳу акбар!
Нурдай порлоқ бўлсин, аллоҳу акбар!

VII. МАРВ ТОМОН

Оипоқ тонг нурлари ёйилган чоқда,
Қалрдон Нишопур қолиб йироқда.

Марв қалъаси сари жўнади карвон,
Ал-Бухорий билан Термизий шу он.

Дунёни тебратган иккита даҳо,
Қўнгироқ сасига берилиб тўё.

Кетиб бориншарли сукут ичра жим,
Недир хаёлларда айланар балжим.

Оқшом қуолганди Марвга етдилар,
Чекка бир саройда маизил тутдилар.

Бирга келишарди иккита йигит,
Асли Нишопурлик ихлосманд шогирд.

Ортда қолиб кетди не шахру қишилоқ,
Машҳаду Ишқобод... не дарё, қирғоқ.

Кўнгилда туради бурч ила ният,
Марвазий¹ қабрини қилмоқ зиёрат.

¹ Исек иби Ройваҳ Марвазий, ал-Бухорий ва ат-Термизийнинг устоди, ҳадисшуннос олим.

Бир зумда атрофга тарқади хабар,
Шу чоқ огох бўлиб бутун бир шаҳар.

Масжиди Жомеъда жамоа аҳди,
Қалъа уйғонмайин, тонг отмай ҳали.

Барча Бухорийни қутишар эди,
Унинг йўлига кўз тутишар эди.

Бухорий масжидга келган онида,
Одам сиёмас эди унинг саҳнида,

Бухорий минбарга чиққани ул чоқ,
Дуойи саломга тўлли ҳаммаёқ,

Сўнг узоқ чўзилиди ул баҳсу сұхбат,
Термизий ҳам мамнун кўринди ғоят.

Марвазий хусусида кетганида гап,
Бухорий кўзида ёши тирқираб,

Делики: Марвла даҳо ётибди,
Илмда жонфило, фидо ётибди.

Унинг даҳосига эгилмиш бошим,
Қабртошларига тўкилмиш ёшим.

Жойлари жаннатда бўлсин илоҳим,
Қабрлари нурга тўлсин илоҳим.

Масжидни тўлдирди дуюю нило,
Янграб тарқар эли бир акси садо.

«Рұҳлари шод бўлсин, оллоҳу акбар,
Жойи обол бўлсин, оллоҳу акбар...

Тун ўтиб, тонг отди, шогирду устоз,
Бир-бирини минг бор қилишиб эъзоз.

Кучоқ очиб, узоқ хайрлашдилар,
Сўнгра йинелаб-йинелаб йўлга тушдилар.

Исо дер: Начора, айри тушди йўл,
Изнироб ароким ўксинар кўнгил.

Дуога қўл очиб, қилди илтижо:
«Дийдор кўринимоқни насиб эт, оллоҳ!»,

Абу йўлга тушди Бухоро томон,
Термизий жўнали Балх сари шу он.

Ниншонурлик ўша содиқ шогирдлар,
Имом Бухорийни қузатиб борар.

* * *

Йўл юриб, мўл юриб, охири карвон,
Жайхун қирғоғига етишиди шу он.

Дарё ўз-ўзича оқиб ётарди,
Ойнинг кумушшида ярқ-ярқ ётарди,

Унинг мавжларига тикилди Абу,
Сўнгра таъзим учун букилди Абу.

Кўзида бир севинч, сувнинг ёлқини,
Қалбидан тўфонли дарё тўлқини:

— Ассалом, Жайхуним, дарёлар шоҳи!
Турон диёрининг пушти паноҳи!

Шукур, бўйларингга етганим учун,
Шукур, қўлларингдан тутганим учун.

Ёнингга етганда қўчмоқ истардим,
Сувнингдан бир қултум ичмоқ истардим,

Бир ҳовуч сув олиб юзига суртди,
Дилини пок этди, ибодат этди...

Барча юмушлари битиб, ниҳоят,
Кемаларга тушди аҳли тижорат.

Сув узра кемалар сузиб борарди,
Чолиб, бир-биридан ўзиб борарди.

Соҳилга етишиди барча соғ-омон,
Уфқла тонг отиб келарди шу он,

Улкан тўқайзорда ўзгача бир ҳол,
Юлғин ҳилларини уфуар шамол.

Саксовул шохлари тарвақайлаган,
Турфа ранг қушлардир ўйнаб, сайраган.

Абу юрагига кирап ҳаяжон,
Гўзалликка боқиб, бўларди ҳайрон...

Яна давом этар карвон юриши,
Фақат йўл босмоқдир тижорат иши,

Неча бир далаю, қирлардан ўтиб,
Фороб қўргонинга келдилар етиб.

Машаққатлар билан ҳориган карвон,
Кўргон чеккасига қўнди шу замон.

Абу шогирдлари — иккита ўғлон,
Устоз хонадонин сўрашди шу он.

— Аркнинг биқинида, Нақшин гузари,
Ҳалво дўконидан озгина нари.

Аҳмад ҳожи деган менинг оғамдир,
У ер ўзгачадир... ўзга оламдир...

Абу кўзларida ҳалқаланди ёш,
Охири тугади сабр ва бардош.

Эслади Аҳмаднинг сўнгги хатини,
Онаизорининг васиятини.

Ич-ичидан куйинди, ўксинди шу дам,
Изтиробга тушди шогирдлари ҳам...

Сўнгра оқшом чўқди, кўкда юлдузлар,
Гўё боқишарди ададсиз кўзлар.

Абу ҳам ҳорганди йўл босиб узоқ,
Барчаси уйқуга кетишли шу чоқ...

* * *

Абдуллоҳ уйқуга кетгани заҳот,
Бухорога учди учта учқур от.

Иккиси -- Абунинг шогирди меҳмон,
Бири Элободлик Рустаму достон.

Улар Бухорога етди тоңг-саҳар,
Абунинг келишинин қилишда хабар.

Бу оддий хабармас, бир жаҳон эди,
Аҳмал қалби тўла ҳаяжон эли.

Дил тўлқинин баён этолмасди у,
Севинч ёшлиарини тутолмасди у.

Шу зумда шаҳарга югуриб кетди,
Гузардан гузарга чонқилаб ўтди.

-- И мом ал-Бухорий келянти, эй халқ,
Бухорода байрам бўлянти, эй халқ,

Малраса, мачитга зув югуради,
Қавму қариндошига хабар берарди.

Хабар қилди олим, алломаларни,
Неча бир маҳалла, жамоаларни.

Сарой аҳдига ҳам етди бу хабар,
Етиб борди ҳатто подшоҳга қалар.

Неча бир талаб шаҳар кезишиб,
Бухорий келишинин инга тизишиб.

Хабар қилишарди карнайчиларни,
Ноғора, чилдирма, сурнайчиларни...

Аҳмал ўринатарди катта дошқозон,
Турли мавзелардан чақирар мөҳмон.

Бутун укажони келар уйинга,
Шаҳарни чорлайди унинг тўйинга.

Масжиди Жомеънинг катта имоми
Мұлло баччаларга етиб каломи.

Шаҳар қозисини эшиитди огоҳ,
Үшбұ маросимігә сүрашиб фатво...

Бу маҳал Форобла ўзға бир ҳолдир,
Ўзға бир ташвишиу, ўзға хаёлдир.

Шотигрларин излар Абу Абдуллоҳ,
Улар түп ароким йўқолмиш гўё.

Изтироб чекаркан Абдуллоҳ ину дам,
Алар хабарини берди бир одам.

Оқпом чоғи отта миниб учовлон,
Чонтириб кетишди, билмас қай томон...

Не бўлса ҳам бу дам улар йўқ эди,
Ҳарқалай тугули бир жумбоқ эди.

Шу чоқ жўнаш учун шайланди карвон,
Бир зумда ҳувиллаб қолди бу макон.

Ат-Бухорий кетар хафақон ва жим,
Билмас эди тунда не сир кечдийкин?

Энди истиқболда эди Бухоро,
Бухоро демаким, бир оҳанрабо.

Яқинлашган сайин тушар ҳайратта,
Дилини қуршаган турфа ҳолатта...

VIII. АССАЛОМ, БУХОРО!

Энди истиқболда эди Бухоро,
Бухоро демаки, бир оҳанграбо.

Яна кун ўтди-ю, яна ўтди тун,
Бухоро, йўлларинг бунчалар узун.

Машриқ алвон тусли, яна тонг отди,
Күнфироқ садоси Саёдга¹ етди.

Турфа ҳангомали бир бозор экан,
Саёдхон² сайр этган зап³ гузар экан...

Бир түлкүн ароким кетарди Абу,
Тушими, ўнгими -- билмас эди у.

Уни эркаларди бир субҳи сабо,
Нур бўлиб бетларин сийпарди гўё,

Ажиб бир тароват рўйи заминда,
Нозу назокатлар -- ҳаммаси бунда...

Абу хаёлинни чулғар у кунлар,
Ўн олти баҳорли уйқусиз тунлар,

Оёқяланг чопиб юрган кўчалар,
Шоҳсанамлар⁴ билан ўтган кечалар,

Осмондаги ойнинг олтин ўроғи,
Сеҳргар кўсанинг темир тароги.

Қани ул болалик, сочма тангалар,
Қошлари ўсмали сулув янгалар.

Лола, қизғалдоқлар -- баҳор қизлари,
Дилига фулу солар апур юзлари.

Зангори нур бўлиб товланар боғлар,
Кўзни қувнатгувчи яшил ўтлоқлар,

Ариқларда сувнинг шилдирашлари,
Қушларнинг тинмасдан чулдирашлари.

Кўзга сурма тортиб чиққанда Зуҳро,
Ақтидан адашиб кетмасми дунё...

¹ Саёд -- Қоракўл ва Бухоро орасида кичик қўрғон-қалъа.

² Саёдхон -- халқ достонларида кўйланувчи қаҳрамон.

³ Зап -- шева, ажиб, кўркам маъноларида.

⁴ Шоҳсанам -- «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам» афсонасига ишора.

Абу бир сесканиб келди ўзига,
Не тонг, ишонмасди шу чоқ кўзига.

Рўнарада туарар учта сувори,
Бухоронинг уча бедов-тулниори.

Кулиб туарар эди бир полвон йигит,
Хамда ғойиб бўлган иккита шогирд,

Абуни миндириб тўртинчи отга,
Ва тужжор аҳлини қолдириб ортга.

Отга, қамчи босиб шу дам тўртовлон,
Йўргиб кетишдилар Бухоро томони.

Кун генага келиб қиздирган бир чоқ,
Заррин нурлар билан тўлиб ҳаммаёқ,

Отлар йўрғаларкан кишинаб галма-гал,
Кизик бир ҳолиса бўлди шу маҳал.

Ҳаяжонга солиб еру самони,
Ҳайратга қолдириб борлиқ дунёни,

Янгради карнаю, сурнай садоси,
Чор атрофии чуғааб акси-нилоси.

И мом Бухорийни кутар Бухоро,
Унинг пешонасин ўпар Бухоро...

Шаҳар аҳли чиқиб бир тошлиқ¹ йўлга,
Турфа гулдасталаар олишиб қўлга.

Йўллар тахтиравон — нардоzu андоz,
Абу оёғига солиб пояндоz.

Унинг боши узра гуллар сочишиб,
Қунчоқларин очиб, маҳкам қучишиб.

Дарёга ўхшарди одам тўлқини,
Мехр-муҳаббатнинг нурли ёлқини.

Бар тош — тахминан 8 чақирим йўл.

Ажабо, икки ён — иккита дарё,
Абу сузеб борар түлкінда гүё.

Қайдан қайнаб чиқмис бунчалик одам,
Гүё одам билан тұлмишил олам.

Бу бир байрам эди — мусиқа, қүшиқ,
Улкан зафарларга эди ярашиқ.

Яңгарді чилдирма, ғижагу танбур,
Яңгарді олқышлар, шоллик ва сурур.

Имом Бухорийни кутар Бухоро,
Оlamга тантана этар Бухоро...

Қирқ икки баҳордир, қирқ икки ёздир,
Бу инсон умрига күпми ё оздир,

Бухорий ич-ичдан хүрсинар эди,
Хүрсинар эди-ю, ўксинар эди.

Күзидан шовуллаб оқарди ёши,
Күз ёшига айланди сабру бардоши.

— Ассалом, Бухоро, суюк онажон,
Ассалом, Бухоро, буюк онажон.

Сени ҳаддан зиёд соғинганим рост,
Оллохга ёлвориб сиғинганим рост.

Дилимда соғ әди, пок әди ният,
Мурод, мақсадимга етдим, хайрият.

Мен сени соғиндим кундуз ва кеча,
Мен сени соғиндим неча ва неча...

Бухорий кетарди шаҳарға қараб,
Киприклардан сирқсан ёши ярқираб.

У билан ёнма-ён оқарди дарё,
Наинки дарёдир, оқарди дунё.

Ҳамон тинмас әди халқ шодиёнаси,
Бахши дўмбирасин янгроқ ул саси.

Мана, соғингани ўша — Бухоро,
Жондан сиғингани ўша — Бухоро,

Дарвоза ёнига етганды Абу,
Отдан тушиб, элга таъзим қилди у,

Бир маҳал қараса — ёнида Аҳмад,
Үша жигарбанли, ўша девқомат,

Туришар иккита алпифат полвон,
Бўйлари яранган хунқомат ўғлон,

Абу жиянларин қучиб, эркалар,
Бош эгиб, таъзимда турарди улар.

Сўнг ерга эглиб Бухорий шу чоқ,
Кафтига олди-ю бир қисим тупроқ.

Уни кўзларига суртаркан шу дам,
Дили хушнуд эли, рух эли бардам.

Нонинг бутун бўлсин, онажон шаҳрим,
Бағринг нурга тўлсинг, жонажон шаҳрим,

Зиёда бўлгайсан, оллоҳу акбар,
То абал тургайсан, оллоҳу акбар.

Мана, соғингани ўша Бухоро,
Тун-кун сиғингани ўша Бухоро.

Шаҳристон саҳнига сиғмасди одам,
Уларга қўшилиб борар Абу ҳам.

Бухорода гуллар шунча кўпмили,
Меҳри, меҳрибон лиллар кўпмили?

Кўчаю майдонга гуллар сочилган,
Гўё борлиқ ерла гуллар очилган.

Тўлқин оқар эли кўчалар бўйлаб,
Бухорий мадҳини кўй қилиб, куйлаб.

Киндик қони томган ўша ҳовли, уй,
Абдуллоҳ пойига сўйилган ул қўй.

Улкан мис қозонда оши худойи,
Тўкин ластурхоннинг ёниқ чиройи.

Ёғлиқ патир, кўячча, оби наввотдир,
Иссиқ нону қаймоқ жонга роҳатдир.

Ҳалвойи лавз, қантак¹, чақчаки дандон,
Ҳусайнини, соҳиби ҳам нўхат бирён...

Давом этар эди ул базми жамшид,
Ҳадлан чароғондир хонайи хуршил.

Кўргани келарди аҳти фуқаро,
Кўргани келар шаҳри Бухоро.

Кутлагани келар катта-ю кичик,
Уч кеча-кундуздир дарвоза очиқ.

Тонгдан оқшомгача тинмасди Аҳмад,
Нечукдир келмади Зуҳалий² фақат.

Кариндошлар мамнун ҳаммадан бурун,
Тонг отар сұхбатлар, қизийди гурунг.

Келар мударрислар ва аҳли толиб,
Кескин мунозара, Абдуллоҳ ғолиб.

Неча бир маҳалла, неча бир гузар,
Чилангару, мискар-соҳиби ҳинар.

Келиб кетишарди гурросу гуррос,
И мом Бухорийга қилишиб ихлос.

Ҳафтанинг охири, меҳмон йигитлар,
Нишопурдан келган ўша шогирдлар.

Неча бир таҳсину истаклар айтиб,
Келган изларига кетиниди қайтиб.

Тўй ҳам поёнига етиб қолганди,
Абдуллоҳ ҳам анча ҳориб-толянди.

¹ Қантак — ўрикнинг бир пави.

² Зуҳалий -- Бухоро амири. Ҳомил ибни Аҳмад аз Зуҳалий.

Бир ҳафта ўтибди, қаранг, шу йўсин,
Оллоҳ шу хонадон муродин берсин.

IX. ОНА ҚАБРИДА

Тонг ёришиб, нурга тўлганда дунё,
Қабристонга кириб келди Абдуллоҳ.

Ёнида жиянлар, акаси Аҳмад,
Онасин қабрини кўриб, шу фурсат,

Еариб бир аҳволга тушди ногаҳон,
Кўз олди қоронғу бўлиб шу замон.

Юрак торлик қилиб ҳаяжонига,
Секин яқинлашди қабр ёнига.

— Онажон!... Шу заҳот йиқилди Абу,
Қабр тошинин маҳкам қучоқлади у.

Қадди эгик, қалби тўла мунг эди,
Борлиғи қалтираб, лол ва гунг эди.

Муздек тош узраким қўйди бошини,
Тош устига тўқди кўзин ёшини.

Ҳарчанд гапиролмай тили тутилиб,
Бўғизга нимадир гўё тиқилиб.

Бир аросат ичра турар эди у,
Хаёлда онасин кўрар эди у.

Нуроний бир сиймо, кўзларда сеҳр,
Чанқоқ қарашларда қалқиб бир меҳр,

Тикилиб турарди олмай кўзини,
Фидойи қилгулай чоғлаб ўзини...

— Дилимда бир тугён, туганмас алам,
Чексиз ва ҳудудсиз менда дарду ғам.

Мен ўшанда, э воҳ, Маккада сўнг бор...
Шундан кейин сизни кўрмадим такрор.

Зор бўлиб яшадим нигоҳингизга
Не ҳам қиллим, она, ҳаётда сизга?

Тақирида бор ækан айрилиқ, ҳижрон.
Пешонамга ёзиқ ækан, онажон!

Оллоҳ иродаси шу бўлса, не тонг?
Ва иймоним шуни буорса, не тони?

Руҳим ҳақиқатга қўйди иштиёқ.
Руҳ ўлса — ҳақиқат ўлади шу чоқ.

Кексайдим, волидам, умр ўтгувчи,
Дунё қолгувчидири, инсон кетгувчи.

Замон тўзончари мени қаритмиш,
Белим буқчайтириб, сочим оқ этмин.

Онажон, мен ўша — қўзи қорангиз,
Ҳамон ўйинқароқ, тентак болангиз.

Хизмат қилолмадим, мени авф этинг,
Мана, бошим эгик... гуноҳим ўтинг.

Қабрдан бир нидо келди шу замон,
«Болажоним, Абу, бормисан омон?»

Ёнимга келганинг билиб ётибман,
Дуойи жонингни қилиб ётибман...

Абдуллоҳ йиғларди... ҳамон йиғларди,
Алам, кўз ёш билан багрин тигларди:

— Дийдор-қиёматга қолди, волидам,
Мени кечирмаслар ўша ерла ҳам.

Сабабки — гуноҳим савобдан кўпроқ,
Ва менга жаннатдан дўзах яқинроқ...

Тинч ётинг, иноят тиларман бу дам,
Руҳизга ибодат қиларман бу дам.

Сўнг Абу Дохилий қабрини излаб,
Аҳмаднинг ортидан бўтадек бўзлаб.

Устозининг ҳокини топиб ниҳоят,
Ибодатлар қилиб, этди зиёрат...

Х. ФОТИМАНИ ИЗЛАБ

Бу оқшом Абдуллоҳ бир ўзи ёлғиз,
Шу ёлғизлик аро нотавон, ожиз,

Дарл-алам қуидан-қун эди зиёда,
Абу таниҳо эди холий дунёда...

Ўша кун мозордан қайтинигач, Аҳмад,
Фотима қиссасин сўйлали тоят.

Аянч бир тақдирдир, зирқиравар юрак,
Фотима беларак эмиш, бедарак.

Абу хаёллари чирқираб кетар,
Софинч кўз ёш бўлиб, тирқираб кетар.

Шу дам юрагига қуюлар **бир ҳис**,
Ва шу ҳис идрокка қўйғандик ташҳис.

Кўнгилнинг қаъридан келур бир нидо,
Ва қалбни ларзага солгувчи садо.

Абдуллоҳ сесканиб, келар ўзига
Фотима кўринишиб кетар кўзига.

— Фотима, қайдасан?... Хона бўм-бўшдир,
Бу нима — ўнгими ва ёки тушдир.

Бу бир қуюшқондир, телба **ҳолатдир**,
Турфа кўринишни **бир хаёлотдир**...

Сўнг Абу хонага сиғмай кетади,
Тўрт девор ичида ёлғиз нетади.

Шу заҳот шошилиб чиқар ҳовлига,
Ўзи тушунмасди ўзин ҳолига.

Осмон булутлилир, қоронғу кеча,
Үй-уйнига тарқаб кетмишди барча.

Абу кетар эди елиб, югуриб,
Нафасин ростларди баъзан ўлтириб...

Мана, ўша боғдир ва ўша йўлак,
Ўша ёлғиз бодом ва ўша тилак:

— Фотима, қайдасан? — янграйди нидо,
Боғ ичра тарқалар бир акси-сало.

Сўнг ўша бодомга суянар Абу,
Ўтмиш лавҳаларин хотирлайди у:

«Бир баҳор палласи, гул фасли эди,
Баҳорки шукуҳли, ҳавасли эди.

Зарафшон бўйларин дилбар ҳавоси,
Ғазалхон қушларнинг нағма-навоси,

Гулга чулғанганди борлиқ, ҳаммаёқ,
Ўша бир сония, ўша сирли чоқ.

Қалбига кирганди Фотима бегим,
Бинафша атридан маству лол эди.

Ўша гулгун қабо, лаблари қирмиз,
Ўша тонгги сабо, кўзлари юлдуз.

Ўша нозик ниҳол, ўша мажнунтол,
Ўша сарвқомат, қошлари ҳилол.

Ўша қизил ғунча, ёниқ бир чирой,
Ўша тиниқ олам, ўн тўрт кунлик ой.

Қалбига кирди-ю, ақлини олди,
Неча бир савдони бошига солди.

Сўнг... бир кун ўша баҳт тарқ этди уни,
Гуллар базми аро йўқотди уни.

Мана, юрагида сўнгсиз бир алам,
Ҳамда кўз ўнгига бир сирли олам».

— Фотима! Кўзларинг кўрмоқ истайман,
Бир лаҳза ёнингда турмоқ истайман,

Нечун йироқдасан, мендан йироқда,
Иккимиз турибмиз икки қирғоқда.

Күнгелим күзгусида ўша кўзларинг,
Қалбимга қуолар мунис сўзларинг.

Қуёшниңг йўлига ҳар тонг қарайман,
Турналар ўтганда сени сўрайман.

Софиниш ҳислари дилда ҳукмрон,
Борлигум ўртайди ҳижрону туғён.

Яна ер саҳнини безади баҳор,
Яна атир гуллар очилди такрор.

Кўм-кўк майса билан қопланди ерлар,
Қип-қизил лолага бурканди қирлар.

Кўклам севинчлари эрур қатма-қат,
Сен йўқсан, Фотима, сен йўқсан фақат...

Осмон гулдураши — баҳор нафаси,
Күшлар чулдираши — баҳор нафаси.

Мажнунтоллар яшнаб, попук тақиши,
Андорла сувларниңг тўлиб оқиши.

Сени кутаётир баҳор бу фурсат,
Сен йўқсан, Фотима, сен йўқсан фақат...

Баҳор остонада турибди қулиб,
Келмишдир этаги лолага тўлиб.

Кўзни қамаштирап турфа ранглари,
Ҳамда янграб унинг куй, оҳанглари.

Баҳор сени кутар, **Софиниш Фотима**,
Сен йўқсан, **Фотима, сен йўқсан фақат!**..

Бир зумла қўлимдан тутиб шод-хандон,
Қалбимга бағишлаб завқу ҳаяжон.

Мени боилаб, кетар лола сайлига,
Жимтина юраман унинг майлига.

Баҳор кутар, қилиб сабру қаноат,
Сен йўқсан, Фотима, сен йўқсан фақат!..

Шу дам яшиаб кетар ям-яшил боғлар,
Атласдай товланар яйловлар, тоғлар,

Алвоиранг шафакқа ўранаар олам,
Баҳор гўзалигигин кўрмоққа баҳам.

Ўзига чорлайди сени нафосат
Сен йўқсан, Фотима, сен йўқсан фақат...

Қоронғу кечани ёритиб гўё,
Фотима шу заҳот боғ ичра пайдо.

Бир юлдуз мисоли чақнар кўзлари,
Тўлин ойга ўхшар нурли юзлари:

— Абу, Сиз бормисиз ёргуғ жаҳонла?
Излаб тополмадим еру осмонда?

Сизни деб дунёдан тоқ ўтлим, танҳо,
Сизни деб шайдоман, Сизни деб шайдо.

Тақдир бу — қанотим қайрилди, нетай?
Ўлмай туриб Сиздан айрилдим, нетай?

Шу бодом дарахти севгимга гувоҳ,
Сизни севганлигим гар бўлса гуноҳ.

Сизни севар эдим яна қайтадан,
Сизни суяр эдим яна қайтадан.

Гули савсар каби қайрилмоқ нечун?
Ўлмай туриб ёрдан айрилмоқ нечун?

Сиз ҳамон ўшасиз — яхши боласиз,
Менинг юрагимда шундай қоласиз...

Қоронғу кечани қолдириб доғда,
Шу дам ғойиб бўлди Фотима боғда.

— Фотима! Қайласан! — чақирап Абу,
Телба бир ҳолатда бақирап Абу.

Акса садо келар туннинг бағридан,
Үксук нидо келар юрак қаъридан:

— Фотима! Тириксан! Қайдадир борсан?
Сенга зорман, сен ҳам мен учун зорсан!

Олис садоларга қулоқ тутиб жим,
Мени кутмоқдасан, сезади қалбим.

Интиқ ул ҳисларинг чопар мен сари,
Тонгни кутмоқдасан менинг сингари.

Бу оқшом хонангда ўчмади чироқ,
Күнгил равшанилиги тонг каби оппоқ,

Шу чироқ ёритар менинг йўлимни,
Интизор орзулар ўртар дилингни.

Ул тонг ёғдулари жаҳонга тарқаб,
Ёнингга борурман сени сўроқлаб,

Ажиб бир хушхабар **етади сенга**,
Ва бошим қўюрман сенинг кўксингга...

Шунда гуноҳимдан ўтарсан балки,
Мен ҳам муродимга етарман балки.

Ҳамма гуноҳларим йиғилса агар,
Устма-уст қўйилса, **осмонга қадар**,

Етиб, яна ортар, эй парвардигор,
Бир бандангда наҳот ўчишта **гуноҳ бор**...

Фотима, тириксан, қайдадир борсан,
Сенга зорман, сен ҳам мен учун зорсан.

Мен рўёда кўриб турибман юзинг,
Рұҳимда эшитиб турибман сўзинг.

Фотима, жонимдан суйғанлигим рост,
Бир умр ишқингда куйғанлигим рост.

Сени деганимга оллоҳим гувоҳ,
Ва севгиниг олдида қилмадим гуноҳ.

Қирқ икки баҳордир хаёлимдасан,
Қирқ икки баҳордир сен ёнимдасан.

Хаёл эрур асли ишқнинг меваси,
Инсон юрагининг нурли равзаси.

Дилни ёндиримаган фироқ-фироқмас,
Бир дарё иккита ўзандан оқмас...

Сени деб борлиқни унугтаним рост,
Сени деб дунёдан тоқ ўтганим рост...

Куртаклар уйғониб, хуш ҳид тараалди,
Анҳорлар ёқаси гулга ўралди.

Бу баҳор фаслидир, баҳор нафаси,
Шудир севишганлар орзу-ҳаваси.

Табиат күркига интилиб бу дам,
Не ажиб ҳислардир дилимга ҳамдам.

Навбаҳор васлидан севинчга тўлдим,
Сенинг рухсорларингни кўргандай бўлдим.

Қуёш кокилларин ёзгани маҳал,
Тўлин ой ёғдуси сочиlsa ҳар гал,

Мен сени ўйлайман, сени Фотима,
Ишқингни куйлайман сенинг, Фотима!

Кўкда чарақласа сонсиз юлдузлар,
Тонг чоғи кўринса боғ ичра қизлар,

Мен сени ўйлайман, сени, Фотима,
Ишқингни куйлайман сенинг, Фотима!

Бинафша юз очса ариқ бўйида,
Булбул фифон этса ғунча кўйида.

Мен сени ўйлайман, сени, фариштам,
Мен сени куйлайман, сени, фариштам!...

Бодомлар гуллади, яшнади боғлар,
Яшнади соҳиллар, қирлар, қирғоқлар.

Бу баҳор нафаси, сенинг нафасинг,
Навбаҳор нафаси, сенинг нафасинг...

Баҳор оғушида маст бўлган Абу,
Ҳамон боғ айланиб юрар эди у.

У билмасди ҳали туннинг ўтганин,
Уфқ ойдинлашиб, тонгнинг отганин.

Абу учолмасди — қаноти синган,
Абу йиғлолмасди — кўз ёши тинган.

Ўнгими, тушими — билолмасди у,
Идрок ҳам, фикр ҳам қилолмасди у.

Бодом дараҳтига суюниб, э, воҳ,
Кўз очиб, қараса — ўтибди дунё...

БЕЗОВТА РУҲ

Фотима, қайдасан? Фариб, куйик жон,
Шу ёруғ оламда бормисан омон?

Фариштам, бир фасл унуганим-чун,
Сендан йироқлашиб кетганим учун.

Тиз чўкиб қилурман тавба-таззарру,
Менинг лоқайдлигим, гуноҳимдир бу.

Минг тавба... азизим, ҳолинг нечукдир,
Бу ранжли дунёда фолинг **нечукдир?**

Неча бир кунлардир руҳим **безовта**,
Ёмон тушлар кўриб, дилим ҳам зада...

* * *

Замон тўлқинлари бешафқат қаҳр,
Лойқа хаёлотлар суронли наҳр.

Фалакнинг гардиши айланар тинмай,
Беаёв қудратли сел ва тошқиндай,

Тун-кун Фотимани ўйлантирали,
Гирдобига ўраб айлантиради.

Ахир тош эмас-ку ҳар нечук бардош,
Дарё ҳам эмасдир кўздан оққан ёш.

Поёни кўринмас ўша — ёлғизлик,
Сўнгсиз сўқмоқларда кезган ожизлик.

Фотима руҳини қиларди пора,
Аро йўлда қолган фарид, бечора.

Фалак пештоқига чирмашиб доди,
Интиҳосиз тугён, ўтли фарёди,

Асаб торларини узиб бирма-бир,
Умр соҳилига келтирди охир:

— Шунчалар бешафқат бу золим дунё.
Буткул жаҳолатга айландингми ё?

Наҳотки, зуғуминг шунча беадад,
Бир ожиз бандангни қийнайсан беҳад,

Не бир дўзахларда куйди Фотима,
Охир бу дунёдан тўйди Фотима.

Сўниб борар эди унинг чироги,
Сарғайиб борарди умр япроғи.

Ёлғизлик жонини кемирар эди,
Тошдан тошга уриб емирар эди.

Хаёл олиб қочар тўлқинилар сари,
Хазон япроқлари тўзган сингари.

Дунё шу экандир, шу экан тақдир,
Оллоҳ берган қисмат... чораси йўқдир.

Фифон қилар эди йўқликка қараб,
Кундан-кун сарғайиб, сўлиб, қавжираб.

Бу сўнгги манзилдир, борсин қаёққа,
Гўё етиб келди сўнгги қирғоққа.

— Дунё, сенга келиб нима ҳам кўрдим,
Наҳотки, баҳтсизлик уйини қурдим?

Оллоҳ, на ҳожатдир менга бу ҳаёт,
Ҳаммаси барбоддир, ҳаммаси барбод.

Бошимга ажалнинг уруғини соч,
Энди дўзахингниг эшикларин оч!

* * *

Атроф қоп-қоронғу, булутли осмон,
Қора қуюн ичра бутун бир жаҳон.

Эл оёғи тинди, сокин коинот,
Фотима ҳовлидан чиқди шу заҳот.

Қайга кетяпти билмас эди у,
Уни судрар эди аламли туйғу.

Дилга ғулу солған тун ваҳимаси,
Сирли шовуллаган юлғунлар саси,

Қоп-қора булутлар айланар эди,
Бир тўғон қылмоққа шайланар эди.

Кетиб борар эди бир телба мисол,
Ожиз — у нотавон — бир афтодаҳол,

Сўқир сўқмоқлардан ўтар эди у,
Қинилоқдан олислаб кетар эди у.

Энг сўнгги дақиқа тугаб бардоши,
Гёёки гумбурлаб тоғларнинг тоши,

Уни васвасага солганди шайтон,
Дилга алам бўлиб ёпишган туғён,

Ундар эди уни йўқлик қаърига,
Сингиб кетмоқдайди туннинг бағрига.

Мана, рўпарада шовқинли дарё,
Бир ажлар сингари пишқирар гўё.

Наҳотки, энг сүнгги нуқта бўлса бу,
Ўзинг мадад бергил, Оллоҳим! Ёҳу...

Хаёл олиб қочар... учқур қаноти,
Шайланиб турибди ажалнинг оти.

— «Эй, шум тақдир, сенинг дастингдан минг дод!»
Дунёни бузгудай янгради фарёд.

Наҳот, бу хотима? Наҳот — хотима?
Сўнг бор булутларга боқар Фотима.

Дарё қирғоғига яқинлашди у,
Ҳаётдан узилган лаҳза эди бу.

«Дарёга ўзингни от! — дейди шайтон,
«Сабр қил! — шу заҳот ялинар иймон.

Осмон гумбурлайди — момоқалдироқ,
Фотима илтижо қиласиди шу чоқ;

— «Дарё, олиб кетгин менинг танимни,
Сўнг бор кўрай ахир ўз Ватанимни!»

«Алвидо, ёлғизлик! Ҳаёт, алвидо...»
«Фотима!» — шу заҳот бўғиқ бир нидо.

Борлиқни титратиб акс-садо шу чоқ,
Гўёки ёришиб кетди ҳаммаёқ.

Булутлар тарқади, осмон мусаффо,
Қуёш чарақлади... ёраб, шу асно —

Баҳор чечаклари ёғилиб шу он,
Гуллар оғушида Фотима ҳайрон.

Оппоқ нур ароким ўша — Абдуллоҳ,
Ҳарир шуъла ичра нурли бир сиймо...

— «Ортга қайт, Фотима!» — бақирди Абу,
«Мен келдим», — энтиқиб турар эди у...

Бу бир хаёлмиди ва ёки рўё?
Тескари айланиб кетдими дунё?

Түгёнли мунг аро йиғлаётган ким?
Ошиқ юракларнинг фарёди балким.

Ажиб бир ҳолатдир, Фотима ҳайрон,
Гўёки уйқудан уйғонди шу он.

Аросат ичидагунг ва лол эди,
Лаҳзада чақнаган бир хаёл эди.

«Абу, тирикмисиз, наҳотки борсиз,
Мен зорман, наҳотки, мен каби зорсиз?

Менинг дили-жоним, кутгандим Сизни,
Наҳотки, тангрим йўқдан — бор этди бизни!

Худойим, даргоҳинг оч, мен кирайин,
Ишқнинг диёрида бир дам юрайин.

Сўнг, майли мен учун тугасин дунё,
Ўзинг мадад бергин, қўллагин, Оллоҳ!»

* * *

Даҳбет осмонида ёниқ юлдузлар,
Гўё чараклайди саноқсиз кўзлар.

Эй сен, Зарафшоний, кўк қаърига боқ,
Нелар кечаетир самода бу чоқ.

Турфа садоларга қулоқ тут бир дам,
Ажиб оҳангларга тўилиқ бу олам.

Түғёнли бир алам инграр шу заҳот,
Икки дил йиғлайди... ўтли муножот...

XI. САРОЙГА ТАКЛИФ

Бир йил бўлибники Абу Абдуллоҳ,
Ёлғиз ул хонада ўзиdir танҳо.

Фарибона ҳаёт, сокин ҳаммаёқ,
Масжиди Сангинда беради сабоқ.

Толиблар қўпайиб борар қундан-кун,
Бухорий сўзини тингламоқ учун.

У ҳадис илмидан дарс ўтган дамлар,
Мадрасага сифмай кетар одамлар.

Мантиқдан машғулот ўтса ҳар сафар,
Чопиб келар эди бутун бир шаҳар.

Баъзан тиб илмидан ганирган чоқда,
Шов-шув бўлиб кетар яқин-йироқда.

Номозда қироат қилгани кезлар,
Йиғлашиб келар ҳатто ҳофизлар.

Шуҳрати юртларга тарқарди гўё,
Бундайин кўрмаган Бухоро.

И момлик насаби — бошта олтин тож,
Бошқа бир таърифга йўқдир эҳтиёж.

Таъзимда турмишdir араб дунёси,
Илмда ягона унинг даҳоси.

Атрофини ўраб юзлаб шогирдлар,
Ҳавасини қилар неча бир юртлар.

Ҳадис оламининг ошиқ-шайдоси,
Ул «Байтул ҳикма»нинг танҳо подиоси.

Бугун Бухорода, она элида,
Ва Бухоро мадҳи упинг тилида,

Бу кимгадир ёқар, кимгадир ёқмас,
Не ажаб-густоҳлар қайрилиб боқмас.

Ҳасалдан ҳалакдир бировлар жони,
Гўё ярим бўлмиш аларнинг нони.

Шу асно таърифи саройга етиб,
Амир чақиритирди фармойиш этиб:

— Бухорийга айтинг, саройга келсин,
Амирзодаларга сабоқлар қилсин!

Эртаси тонг маҳал келиб бир чопар,
Имом Бухорийни саройга чорлар...

Амир ҳузурида турарди Абу,
Унинг буйругини кутар эди у.

Калондимоқ амир зимдан тикилиб,
Абуни кузатгач мийғида кулиб.

Деди: Фармойишим етгандир сизга,
Келиб хизмат қилинг саройда бизга.

Абу дер: Тақсирим маззур тутгайсиз,
Магар терс гапирсан афу этгайсиз.

Илм инсонни ҳеч излаб келмаган,
Тарих бунақасин асло билмаган.

Кимгаки керакдир илмдан сабоқ,
Лозимдир илмнинг оргидан бормоқ.

Хор қилиб илмимни келтирмам Сизга,
Зодалар боришин ҳузуримизга.

Илмни хор этган — хор бўлур охир,
Ундей юрг илмга зор бўлур охир.

— Бухорий, ўт билан ўйнашмоқ нечун,
Наҳот унутсангиз амирлик кучин?

Менман Бухорода ҳокими мутлақ,
Кўрамиз ким ҳақдир ва кимдир ноҳақ.

— Шиддатга минмангиз жаноби олий,
Мен оддий сарбозмас, Имом Бухорий!

Жаҳлга минарсиз бу дам албатта,
Лек сўзим биттадир, эътиқод битта!

— Майли бу учун ҳам топурмиз илож,
Мен сизни шаҳардан қилурман ихрож.

— Асли ҳокимларга ётдир маърифат,
Уларнинг қонида туур жаҳолат.

Қаерда амалдири — унда жоҳиллик,
Жоҳиллик бор ерда — бўлар қотиллик.

Бунга катта ақл керак эмасдир,
Ахлоқ басир бўлса — шу ўзи басдир.

— Ҳаддингиздан ошманг, саройдан кетинг,
Тонгдаёқ шаҳардан жўнанг, тарк этинг.

— Мен ўз шаҳримдаман, туғилган элим,
Бухорода менинг жоним ва дилим.

Босқинчи демадим, дедим келгинди,
Сиз жўнаб кетсангиз яхшийди энди.

— Бас қилинг, қонимни бунча қайнатманг,
Бузук ҳулқингизни намоён этманг.

— Гарчи юртим қарам ва эрур мағлуб,
Сиз ҳамон салтанат тахтида болиб.

Таним қул бўлса ҳам, руҳим эркиндири,
Балки мұтазила¹ энди яқиндири.

Ибн Ато билан Аллоф, Аи-Наззом²,
«Бағдод мактаби»га этдилар эҳсон.

Нур бўлиб сочилиди «Арғанун»³ у чоқ,
Аввом дунё уни билмасди бироқ.

Оллоҳ иродаси — руҳ бўлсин эркин,
Балки тушунарсиз уни бирор кун.

Мұтазила асли — мантиқ маҳсули,
Ва шу таълимотнинг тарғиб усули.

¹ Мұтазила — ирода эркинлиги ҳақидаги таълимот.

² Ибн Ато, Ал-Аллоф, Аи-Наззом Бағдодда биринчи бўлиб мұтазила таълимотини тарғиб қилиган олимлар.

³ «Арғанун» — Арастунинг шу номдаги китоби. Мұтазила таълимоти ҳақидаги бу китобни 850 йилда олим Ҳунойи ибн Исҳоқ араб тилига таржима қилиган.

Халифа Маъмуннинг¹ саховатидан,
Юнон даҳосининг саодатидан.

Кошкийди, бирор сўз билсангиз эди,
Ё саъии ҳаракат қилсангиз эди.

Балки бўлмас эди бундайин ҳолат,
Наинки ҳолатдир, балки жаҳолат.

— Бас қилинг деяпман, сафсатангизни,
Кўришга кўзим ҳам йўқ эрур сизни.

— Оллоҳ билгувчиидир, унга аёндир,
Бизларга қийиндир, унга осондир.

Гуноҳ қилган бўлсам жазо қил, тангрим,
Иймонсизга иймон ато қил, тангрим,

Ўзингдан иноят тиларман, оллоҳ!
Ўзингга ибодат қиларман, оллоҳ!

Ким ҳақдир — одоб эт, оллоҳу акбар!
Ноҳақдир — барбод эт, оллоҳу акбар!

Дуойибад² қилдим сизни умрбод,
Не тавр хукм бўлса — чиқарар ҳаёт.

— Ким бор, ҳайданг буни! — бақирди амир,
Бир телба ҳолатга тушганди ҳозир.

Тутоқиб кимнидир чақирап эди,
Ғазаби қайнарди, бақирап эди.

* * *

Абу уйга қайтди, оғир кайфият,
Асаблари барбод, толиққан фоят.

¹ Маъмун — 827–851 йилларда Бағдод халифаси.

² Дуойибад сабабми ёки бошқами орадан бирор вақт ўтгач Бухоро амири аз Зуҳалийни Бағдодга чақириб, тахтдан маҳрум этиб, жазоладилар.

Қалбдаги түлқин ҳам энди тинганди,
Чил-чил бўлиб унинг кўнгли синганди.

Изтироб ичида хонада ёлғиз,
Не қиласин Абу билмасди шу кез.

Сарой тўқнашуви қақшатар уни,
Юрагини эзар, қон этар уни.

Ўксинишу хўрлик ва чексиз алам,
Кўз ёшлар абётга айланар шу дам.

— Туғилган шаҳримга сифмасам бугун,
Нечун бу ҳақорат, бу хоҳиш нечун.

Ахир киндик қоним сингган бу тупроқ,
Наҳотки бегона мен учун бу чоқ.

Мен жондан суйганим шу азиҳ гўша,
Жоним, жаҳонимда эди ҳамиша.

Ҳамиша жон аро сақлардим уни,
Жону жаҳон аро сақлардим уни.

Уни суйганилигим жазосими бу?
У леб куйгалигим жазосими бу?

Гар мен ёмон бўлсам, нега яратдинг,
Ё бир нодон бўлсам, нега яратдинг?

Не учун яратдинг баҳти қарони,
Яна бир толеъсиз мотамсарони.

Агар яхши бўлсам — нега бу зулм?
Айт-чи, мен золимми ё удир золим?

Айт-чи, парвардигор, кимдир кучлироқ?
Айт-чи, сенми, ёки у қулратлироқ?

Тангрим, ҳар коримдан воқифсан ўзинг,
Йўғимдан, боримдан воқифсан ўзинг.

Ўзинг ажрим қилгин, адолат қилгин,
Ўзинг қарам қилгин, иноят қилгин...

XII. ИХРОЖ

Тонгда Бухорони тарк этди Абу,
Самарқанд тарафга кетар эди у,

Бир оқшом аммасин эслаб ниҳоят,
Ҳикоя қилганди акаси Аҳмад.

Аммасининг қизи Нурпошио бегим,
Тақдирни қарангки, нима ҳам дердим.

Она ҳам, ота ҳам оламдан ўтиб,
Ёлғиз ул қизалоқ ўсиб, бўй етиб.

Хартанг қишлоғига бўлганмиш келин,
У манзил қайдадир, билмасмиш йўлин,

Даҳбет қўрғонидан бурилар эмиш...
Сўнгра чап томонга юрилар эмиш...

Абу йўл босаркан атрофга қараб,
Бир озод қуш каби севиниб, яйраб,

Янил далаларга тикарди кўзин,
Кўм-кўк боғлар аро кўтарди ўзин.

Бунча жозибали бу юрт чиройи,
Жаннатга монанддир ҳар битта жойи.

Менинг Вобкентим бу ва Фиждувоним,
Менинг Бўстоним бу ва Фардиёним.

Қадим бир тарихдир шахри вайрондир,
Кўхна бир манзилдир ул Ҳурносондир¹,

Менинг Насафим бу, менинг Термизим,
Жайхуним, Сайхуним, қарогим, кўзим.

Менинг Самарқандим ва кекса Шошим,
Фарғонам-жаннатим, менинг кўз ёшим.

¹ Ҳурносон -- Малик чўли этагида, Зарафшон бўйидаги шу номли тепликка ишора.

Зарафшон бўйлари жондан зиёдроқ,
Қутайба лашкари топтаган тупроқ.

Талангандан, хўрланган жафокаш юртим,
Жафоларга қолган балокаш юртим.

Зулукдай сўришар халқим қонини,
Бори-будин олар, олар жонини.

Бир юзу олтмиш йил аввал бошланган,
Парча-парча қилиб бўлиб ташланган.

Яжуж-мажуж каби келмиш бостириб,
Қаршилик қилганни ўлдириб, қириб.

Шундай сулув ўлка хорузор бўлса,
Куйса, вайрон бўлса, торумор бўлса.

Наҳот чегараси йўқдир бу ернинг,
Наҳотки эгаси йўқдир бу ернинг.

Айтинг, қачон биз ҳам одам бўламиз,
Қачон қўлимизга қилич оламиз.

Шундай буюк Ватан қул бўлиб ётса,
Ерга парчин бўлиб, кул бўлиб ётса.

Бедард, лоқайдлигинг жонимдан ўтар,
Тўқсон икки қавмим, бирлашсанг нетар?

Хоқонларинг қани, суруринг қани?
Ору номус қани, фуруринг қани?

Наҳот юрагингда олов бўлмаса?
Қонингга бўялган ялов бўлмаса?

Оғзингда ошингдир, қўзингда ёшинг,
Охир қачонгача етар бардошинг?

Бир бор кўзғалмоғинг кўрсайдим эди,
Қилич-ла ёнингда турсайдим эди.

Юртимиз ёвлардан этсайдик озод,
Бизга насиб қилса шундай бир мурод.

Оллоқ иродаси юртлар күркидир,
Элнинг ободлиги, инсон эркидир.

Босқинчилик асли эрур жаҳолат,
Босқинчини қувмоқ — эрур адолат.

Юртим балолардан халос эт, тангрим,
Очкўз юҳолардан халос эт, тангрим,

Ўзингдан иноят тиларман яккаш,
Ўзингга ибодат қиласман яккаш,

Ўзинг билгувчисан, ўзингга аён,
Бизга қийин эрур, сен учун осон,

Душманга завол бер, оллоҳу акбар!
Юртимга камол бер, оллоҳу акбар!

XIII. ХАРТАНГ

Ҳамон йўл босарди Абу Абдуллоҳ,
Чарчаб ва толиқиб қоларди гоҳо.

Анча сувлар оқди, кунлар ҳам ўтди,
Бир ҳафта деганда Даҳбетга етди.

Сўраб Хартанг деган ўша қишлоқни,
Борарди ҳижжалаб яқин-йироқни.

Яна неча муддат тинмай йўл юриб,
Кун тикка келганда Хартангга бориб.

Нурпошшо бегимни топди ниҳоят,
Дили равшан эди ушбу дам фоят.

Нурпошионинг эри қўли гул боғбон,
Босиқ табиатли, исмидир Усмон.

Иккита ўғилдир ва битта қиздир,
Одобли, ахлоқли ва ширин сўздир.

Узоқ давом этди оқшомги сухбат,
Меҳмон ҳам, мезбон ҳам мамнундир фоят.

Кунлар ўтар эди бир-бирин қувиб,
Сувлар гоҳо тўлиб, гоҳида қуриб.

Ҳар замон масжидга қатнарди Абу,
Тақдирдан ўксиниб кетар эди у.

Баҳор ўтди, ёз ҳам, яна келди қиши,
Абу сезар гоҳо ўзини нохуш.

Гоҳида асаблар титраб кетарди,
Гоҳо уйқусизлик жондан ўтарди...

Ёш ҳам қишига қараб тинмай чопарди,
Олтмишинчи кузак эшик қоқарди...

Кеча тонг чоғида номоз маҳали,
Масжиднинг Имоми Мұхаммад Али,

Абу оёғига ногоҳ йиқилиб,
Таъзим бажо айлаб ва сажда қилиб,

Тавоғ этиб уни тақрору тақрор,
Қалбин ҳаяжонин айларди изҳор:

— Имом ал-Бухорий, мўътабар устоз,
Этагингиз ўпид, қилурмиз эъзоз,

Оллоҳга шукурлар, толеъимизга,
Сиз каби даҳони етказмиш бизга,

Кечада күёвингиз, дўстимиз Усмон,
Сирингизни ошкор этди ногаҳон

Ақлга сифмаган мўъжизадир бу,
Дунёни мунаvvар айлаган ёғду.

Бухорий қайдадир, қайдадир Хартанг,
Бири-уммон, бири томчидир аранг,

Бахту иқболимиз тўлиқлиги шу,
Ҳамда юртимизнинг улуғлиги шу...

Тасалли, лутфлар қатор тизилиб,
Абдуллоҳнинг қўнгли бироз ёзилиб,

Шогирдлар туфайли тарқаб бу хабар,
Етди Самарқандга, саройга қадар.

Аммо буни ҳали билмасди Абу,
Үзи билан ўзи машғул эди у,

Китоблардан нусха кўчирап эди,
Неча бор тузатар, ўчирап эди...

Бир кун Исо билан баҳсда тортишиб,
Гоҳо ҳазиллашиб, гоҳо туртишиб,

Исо дер: Кўп нарса ўргандим Сиздан,
Оламга татирили даҳойингиздан.

Абу дерди шунда: Инсоф-ла айтсан,
Менинг ўрганганим Сиздан эмас кам,

Энди кимдир шогирд ва кимдир устоз,
Ўзингиз айтсангиз бўлар эди соз.

Шу ои Термиз сари бурилди хаёл,
Гёё елиб кетди учқур бир шамол:

— Унда Термизийнинг ҳоли не экан?
Кўзи шифо топиб, ўзи соғмикан...

Турфа хаёл билан банд эли Абу,
Чархнинг паррагида айланарди у.

Неча ойлар ўтди келгандан буён,
Абу яшар эди Хартангда ҳамон.

Усмон — бир фарзанди мисоли гүё,
Туну кун хизматин қилас Нурпоишо,

Абу толиқарди, ўйларди узок,
Аммо йўл-йўригин топмасди бироқ.

На илож, ҳеч ерга кетолмас эли,
Дилин дардини ҳам айттолмас эди.

Кундан-кун синиқиб борар эди руҳ,
Асабни эзарди алам ва андуҳ.

Минг бора ўлчаб, сўнг кесиб бир бора,
Унинг бисотида қолмагач чора,

Дардини Усмонга айлади баён,
Анча енгил сезди ўзин ҳам шу он...

Усмон дер: Ота-ю фарзандмиз энди,
Ва энди Бухорий — Хартанг фарзанди,

Энди бирдир ўлик, тиригимиз ҳам,
Неки бор — ўртада кўрамиз баҳам,

Усмон фикрлари чин, етук эди,
Абу мамнун эди ва тетик эди...

Бир кун хаёл қилди — шаҳарга бориб,
Ҳоким даргоҳига, саройга кириб,

Ўзимнинг кимлигим айтсамми экан?
Қадру қимматимга teng келармикан?

Биридан не кўрдим, буниси недур,
Амалдорки бордир — бариси бир гўр.

На ҳожатдир унга эгилиб бормоқ,
Ҳамда даргоҳидан қадрият сўрмоқ.

Кўй, Абу, тақдирга тан бергил энди,
Бўлари бўлди-ю, бўёғи синди...

XIV. ХАЁЛДА ФОТИМА

Абу ётар эди хонада ёлғиз,
Яна Фотимани ўйлади шу кез:

— Фотима, қачонки мен қолсам танҳо,
Ўша чоқ нигоҳда бўлурсан пайдо.

Кўряпман тириксан, қайдадир борсан!
Мен сенга зордирман ва сен ҳам зорсан!

Олис садоларга қулоқ тутиб жим,
Мени кутмоқдасан, сезади қалбим.

Сенга тилаганим ўша омонлик,
Қайда-ю, зоҳиддир фисқу ёмонлик.

Оллоҳга илтижо қилганим замон,
Ажабки, ёнимга келади шайтон.

Ҳаловат истайман кекса руҳ учун,
Бўронлар домига бўламан тутқун.

Қалбимни шафқатсиз бир ўт ёқадир,
Кўзимдан ёш эмас, қонлар оқадир.

Замон тўйди мендан ва ундан мен ҳам,
Дарёдан оқмоқда сув ўрнида ғам.

Бир пайтлар мавж уриб гуллаган кўнгил,
Энди фараз қилки — қовжираган гул.

Ҳавода муаллақ қолди қўлларим,
Сен учун саралаб терган гулларим.

Зулмат босиб келар, кўнгил хирадир,
Ҳар дамда асаблар титраб турадир,

Қанийди бир қатим нур бўлса эди!
Нурсиз юрагимни ёритса эди.

Хонаи хуршидни ёритган офтоб,
Лутфу карамидир унинг беҳисоб.

Ёритаолмади менинг дилимни,
Манзилдан адашган борар йўлимни,

Мени-ку хор этди дунёйи номард,
Ҳеч кимнинг бошига тушибасин бу дард.

Мен кўрган дарахтлар кесилиб кетди,
Мен эргашган карвон манзилга етди.

Очилмайин ҳазон бўлган ғунчалар,
Ҳаёт, сен шафқатсиз экан бунчалар.

Бу дунёга келиб нима ҳам қилдим,
Сўранг-ки, аслида не учун келдим?

Тонг каби сержило рангин түйғулар,
Ширин тушлар билан кечган уйқулар.

Турға саҳифалар варақланар жим,
Менинг болалигим қайтаради ким?

Сокин бир кайфият бутун борлиқда,
Менинг қўшиқларим тугаб бормоқда.

Омадсиз бу юртда баҳтсиз бандаман,
Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам шундаман.

Фотима, ҳаётсан, қайдадир борсан!
Мен сенга зордирман ва сен ҳам зорсан!

Оллоҳдан иноят тиларман сенга,
Туну кун ибодат қиласман сенга...

* * *

Бир тонг чоғи Усмон келтирди хабар,
Самарқанд ҳокими юбормиш чопар,

Дебтики: Бухорий саройга келсин,
Ҳимматимиз билсин ва меҳмон бўлсин.

Хартанглаги ўша содик шогирлар,
Абдуллоҳ ҳақида қилмиши хабар.

Бухорий бир муддат ўйланиб қолди,
Сўнгра дарвозага қараб йўл олди.

Чопар отдан тушиди ирғиб шу заҳот,
Етовида эди яна битта от.

Сўнг отларга миниб иккиси шу дам,
Илиқ илтифотлан дили хотиржам,

Эзгу бир фикрни туйиб шу замон,
Жўнаб кетишдилар Самарқанд томон.

Ёнма-ён кетарди икки суворий,
Атрофни кузатиб борар Бухорий.

Кузак шамолидан сарғайиб боғлар,
Күю құзиларга тұла ўтлоқлар.

Кечки пайкалларда қовун ва тарвуз,
Узумзорлар этиб ўзини күз-күз,

Абдуллоҳ кетарди томоша қилиб,
Чопар йигит билан ҳамсуҳбат бўлиб.

Даҳбет қўрғонидан ўтдилар шу чоқ,
Аммо шаҳаргача йўл ҳали йироқ.

Зарафшон бўйига етишган маҳал,
Абдуллоҳ ўзини нохуш сезди сал.

Яна олға томон юришгач бироз,
Йигитдан тўхташи қилди илтимос:

— Отдан туширсангиз мени бир муддат,
Аҳволимни ёмон сезяпман **ғоят**.

Тузук бўлар эди орқага қайтсак,
Хамда бир амаллаб Хартангга етсак.

Бор вужудим бутун оловдек ёниқ,
Бу ҳолда саройга етмасим аниқ...

Тўнин ёстиқ қилиб боши остига,
Абдуллоҳ ётарди майса устида.

Сўнгра аравага уни ётқизиб,
Чошгоҳда Хартангга зўрға етказиб,

Шу чоқ Самарқандга жўнади чопар,
Ва сарой аҳлига етди бу хабар...

Ал-Бухорий ётар — ранглари синиқ,
Руҳила толиқиши, кўзлари сўниқ.

Нурпошшо ўлтирад киприкларда нам,
Шогирдлар келишар эди дамба-дам.

Сарой бош табиби этиб келган чоқ,
Абдуллоҳ ўзига келганди озроқ.

«Зўриқиши сабабдан тез урар юрак,
Сакта томирларни ёзмоқлик керак».

Табиб тайин этиб дори ва дармон
Хайрухўш қилди-ю, жўнади шу он.

XV. МУНОЖОТ

Бир ҳафтадир Абу осмонга қараб,
Яратган оллоҳдан илтижо сўраб.

Касаллик дардини чекиб ётарди,
Нурпошшо борига шукур этарди.

Усмон ва хотини кечаю кундуз,
Касални қолдирмай ўзини ёлғиз.

Барча деганини келтириб бажо,
Бошида парвона эдилар гўё,

Тунлари беморда иссиқ ошарди,
Кундан-кунга дарди оғирлашарди.

Сўнг, дўқшом хонада қоларкан танҳо,
Рўба-рў бўлганда бевафо дунё,

Аlam кўз ёш бўлиб чиқди кўзига,
Дардларини айтди ўзи-ўзига:

— Сўнг бор бу йўллардан ўтаётирман?...
Айтинг, мен қаёнга кетаётирман?

Олтмиш йил муқаддам юрганим сўқмоқ,
Бандидан узилган олтмишта япроқ,

Арава чархидек тугарак дунё,
Тегирмон тошидек айланар гўё...

Умр деганлари — ул неча фурсат,
Кўз юмиб, очишга улгурдим фақат.

Гоҳо хаёлимни олиб қочди у,
Гоҳо қанотида олиб учди у.

Бухоронинг сўнгги, маҳкум юртидан,
Ўша-олтмишинчи тоғнинг ортидан.

Сўнг бор чиқар балки менинг қуёшим,
Сувсиз Зарафшонга томиб кўз ёшим...

Балким бир тўлқинлар қилғувси пайдо,
Шунда адолатни тан олар дунё.

Нечук адолат бу — ожиз¹ ва сўқир,
Туғилган шаҳримга сифасам ахир?!

Куфага сифсам-у, Бағдодга сифсам,
Макка, Мадина, Ар-Риёдга сифсам,

Сифсам шаҳри Машҳад ва Исфаҳонга,
Нишопурга сифсам, мулки Эронга,

Наҳлага, Тоифга, Абво, Укозга,
Ироқу, Шом ила Хайбар, Ҳижозга,

Шаҳрим Бухорога сифасам, э воҳ,
Қани адолатинг, эй, золим дунё?!

Қоҳирага сифсам, Луқсорга сифсам,
Басра деган ўшал гулзорга сифсам,

Дамашққа сифсаму, Куддусга сифсам,
Хироту, Балх ила Термизга сифсам,

Шаҳрим Бухорога сифасам, э воҳ,
Қани адолатинг, эй, золим дунё...

Абу ҳолдан тойиб, сўнг бир ўксинди,
Гёёки мўрт дарахт қисирлаб синди.

Сўнг деди: — Мен сўзим айтиб тугатдим,
Адолат ҳаққига қасида этдим,

Сабр бер, қаноат, оллоҳу акбар,
Элга бер адолат, оллоҳу акбар,

¹ Ожиз бу ўринда «Кўзи ожиз кўр маъносида».

Юртим деб иноят тиларман, тангрим,
Юртим деб ибодат қиларман, тангрим,

Оллоҳ, билгувчисан ва сенга аён,
Бизга мушкул эрур ва сенга осон.

* * *

Абдуллоҳ сезарди кунин битганин,
Қуёш пастга кетиб, вақт ўтганин,

Қиличини қайраб турган ул ҳасад,
Асабни қақшатган фисқ ила фасод.

Замона зўрники дегани шудир,
Магар зўр эмассан иложинг надир.

Темирни занг каби кемирди гўё,
Томирни оғулек емирди гўё.

Охир олиб келди жар ёқасига,
Ҳаётнинг энг сўнгги минтақасига.

Энди муолажа амали ҳечдир,
Шам ёниб тугарди, ҳаммаси кечдир.

Жаҳду жаҳолатнинг ластидан минг дол,
Ёмонлиқ дастидан минг битта фарёд!

Тириклиқ йўлида чағир хору ҳас,
Энлиги кўз ёшлар — барчаси абас.

Абунинг борлиғи ёниб борарди,
Дилдаги чироқ ҳам сўниб борарди.

Даҳо бўлатуриб хор бўлганилиги,
Битта эзгу сўзга зор бўлганилиги.

Дунёни олди-ю, дунё йўқотди,
Бир дарё бўлди-ю, дарё йўқотди.

Султон бўлатуриб, қул бўлиб қолди,
Олов бўлатуриб, қул бўлиб қолди.

Оллоҳим, дўзахинг дарвозасин оч,
Қанчалик қаҳрингдир бошим узра соч!

Иймону диёнат — барчаси ёлғон,
Инсофу адолат — барчаси ёлғон!

Дағн тугар экан тинди ҳаммаёқ,
Имомни бағрига яшириди тупроқ.

Тангри раҳмат қилсин уни илоҳим,
Қабри нурга тўлсин унинг илоҳим,

Бухорий, жойингиз бўлсин жаннатда,
Танангиз-тупроқда, руҳ-адолатда.

Ўзингдан иноят тиларман, раббим,
Ўзингга ибодат қиласман, раббим!

Оллоҳ, билгувчисан, ўзингга аён,
Бизга мушкул эрур, сен учун осон.

* * *

Даҳбетда яшарди Фотима ҳамон,
Ўша қариянинг уйидир — ошён,

Қанча замон ўтди ўшандан бери
Аммо Фотиманинг дилдаги сири,

Ҳамонки яширин, ҳамонки пинҳон,
У сир эмас, қалбга ёпишган нолон.

Вақт уммонида умр нимадир,
Етти йил гўёки етти лаҳзадир.

Қалбининг олови пасайиб, тиниб,
Шу ерда яшарди тақдирга кўниб,

Қария қайгадир кетганди, шу он,
Уйга қайтиб келди бўлиб хафақон.

Фотима сўради: Отажон, не гап,
Бундай кайфиятга не эрур сабаб?

— Сўрама, жон қизим, бўлдим ҳангуманг,
Ўзимни йифидан тутардим аранг,

Кўшни эл — Хартангда мотамсаролик,
Мотамсаролик не, баҳтиқ аролик.

Имом ал-Бухорий деган буюк зот,
Аввал эшиитмаган эканман, ҳайҳот!

Абу Абдуллоҳдир — Ибн Исмоил,
Жумла олам эмиш илмига қойил...

Агар мусулмонлик шу бўлса охир,
Унда мен-дўзахий, унда мен-кофир!...

Адолат, ҳақ дедим — чекдим минг озор,
Шу йўлда айладим жонимни нисор...

Кўзларида ёшми ва ёки алам,
Нурпошшо, Усмонни чақирди шу дам.

— Энг сўнгги сўзимдир, ёдда тутинглар,
Ҳув, чинор тагида дағн этинглар,

Шунда менинг руҳим тинч ва шод бўлгай,
Замон келиб бу жой кўп обод бўлгай.

Имом ал-Бухорий кароматимдир,
Менинг адолатим — саодатимдир...

Тонг маҳал Хартангда бўлди қиёмат,
Фақат қаноатдир, фақат қаноат...

Бир чинор қулади бу тонг гурсиллаб,
Шоҳлари ҳам синди унинг қарсиллаб.

Дунёни бузгулай момақалдироқ,
Гумбурлар... гумбурлар эди ҳаммаёқ!

Ер юзин қоплади даҳшатли тўзон,
Аламлидир замин, аламли осмон,

Қоп-қора булутлар бугун тонг-саҳар,
Оламга тарқатди ўқинч шум хабар,

Имом ал-Бухорий оламдан ўтди!
Бу ёргу дунёни, ҳайҳот, тарқ этди!

Зарафшон тўлғаниб оқмоқда бу дам,
Тўлғаниб оқмоқда Жайхун, Сайхун ҳам.

Зилзилага келиб гумбурлар тоғлар,
Мотам либосини киймиши боғлар.

Ҳовлида Нурпошшо қиларди фарёд,
Усмон ҳам қон бўлиб солар эди дод!

Жанозага келмиш туманот одам,
Неча қишлоқлару, элатлардан ҳам,

Бунақа йифинни кўрмаган Хартанг,
Тобутни масжидга этдилар аранг...

ХОТИМА

Тангриим, қуллуқ сенинг инояtingга,
Ва менга йўллаган саодатингга.

Нурдай оқиб кирди қалбимга қувват,
Қаламимга инди сеҳрли қудрат.

Назм бўйтонидан гулласта туздим,
«Имом Ал-Бухорий» — қиссасин ёздим.

Беш юзу ўн бир кун кечаю-кундуз,
Саҳифалар узра сочилган юлдуз.

На қўлим, на юрак билмади ором,
Фаройиб оламга чорлади илҳом.

Бир минг икки юз йил Мозийга кетиб,
Бир минг икки юзта довондан ўтиб,

Изладим Бухорий сифатларини,
Буюк алломанинг тийнатларини¹...

¹ *Tiyat* — хулқ, феъл, табиат.

Үн олти баҳорни күрган Абдуллоҳ,
Зеҳнда анвардур, чақнайди гүёс.

Қадим Бухородан чиқиб иккимиз,
Сафар халтаси ва бир тўн — юкимиз.

Етти мамлакатдир, ўн тўқиз шаҳар,
Қирқ тўрт йиллик умр — жамланса агар.

Бухородир, Балҳдир... Қоҳира, Бағдол,
Поёни Хартангдир... тўрт минг юз абёт.

Ижод меҳри билан банд эди қалбим,
Унинг занжирига боғланиб қолдим.

Куёш қачон чиқиб ва қачон ботди,
Неча кунлар ўтди, неча ой ўтди.

Ашъор шавқи ила қолдим билмайин,
Завқим келар эди ёзганим сайин.

Мени ухлатмасди илҳом париси,
Эрам боғларининг анвойи иси,

Бунақа, жаноза бўлмаган асло,
Ва бундай мотамни кўрмаган дунё.

Фотима ҳайратда қолганди қотиб,
Ақлу ҳушин шу чоқ тамом йўқотиб.

— Бу ўша, отажон, ўшадир, Абу!
— Ким ўша, Фотима? Айт-чи, кимдир у...

Фотима лол эди, гунг эди бу чоқ,
Мунг бўлиб йиғлар-у, гапирмас бироқ.

* * *

Эртаси тонг отиб, кўк ёришган он,
Фотима, қария кетар ёнма-ён.

Мана, келишидилар Хартангга стиб,
Абунинг қабрини зиёрат этиб.

Қабрни қучоқлаб йиғлар Фотима,
Күйган юрагини дөглар Фотима.

— Нима қилиб қўйдинг мени, шум тақдир!
Сенга хусуматим, аламим бордир!

Абу, куйикижон, куйикижонсан,
Тириклай ўлдирган қаҳри ёмонсан!!

-- Фотима! — шу асно янграп бир нило,
Қабрдан гўёки келар бир садо.

— Мен энди тупроқман, руҳ қолди фақат,
Руҳи жаҳонимла яшарсан абад,

Фотима йиғларди... гунг ва лол эди,
Барчаси ададсиз бир хаёл эди...

— Нима қилиб қўйлинг мени шум тақдир,
Сенга хусуматим, аламим бордир,

Чол дер: — Жоним қизим, тургил кетайлик,
Умр ғаниматдир, шукур этайлик,

Шу лам қуёш чиқиб, ёғду тараалди,
Оlam саҳни оппоқ нурга ўралди...

Ғунчалар гул бўлиб очилар эди,
Тонгда атир-бўйлар сочилар эди...

Абуни кузатиб юрардим доим,
Қолмади у билан бормаган жойим.

Абу дараҳт эди, мен эдим соя,
Абу шараф эди, мен пилланоя.

Гоҳо акобирлар орасидамиз,
Гоҳида подшоҳлар даврасидамиз.

Гоҳида Маккада қилдик ибодат,
Гоҳо улуғларни қилдик зиёрат.

Карбалони кезлик писла,
Ранжу алам чеклик ҳаддан зиёда,

Оху фарёд қилди жунун саҳроси,
Лайли ила Қайснинг мунгли навоси...

Қирқ йил ҳадис излаб, ҳадислар ёздиқ,
Милён ҳадисларни маржондек тиздиқ,

Тўрт жилдли «Ҳадис»дир, йигирма китоб,
Ҳар бири ўзича яна бир офтоб.

Минглаб сабоқларни тингладик бирга,
Ботину зоҳирни англадик бирга,

Баҳс ичра неча бир қараашлар эди,
Неча бир тўқнашув, талошлар эди.

Неча бир устоздир, неча бир шогирд,
Неча мард, номардга бўлгандинк шоҳид.

Гоҳида бурда нон, гоҳо эса оч,
Гоҳида юпунлик, гоҳо яланғоч.

Заҳронинг ишқидир, кўз ёшлиари дир,
Мехру вафо ила қараашларидир.

Бечора Фотима алам, фарёди,
Фожеъ муҳаббатнинг ўқинчи, ёди...

Шунча эллар кезиб, шунча йўл юриб,
Қирқ тўрт йил неча бир дунёни кўриб,

Доим дилда бўлди она Туркистон!
Ҳамиша Бухоро, ҳамиша Турон!

Қирқта Бухорони кашф этдиқ, аммо,
Баридан қимматроқ эди Бухоро.

Арабий ва форсий ажиб жаҳондир,
Туркий ҳам жаҳондир, ҳам дилу жондир!

Бухорий оламдан ўтди, аламдир,
Кўз ёш қилиб қолган кекса оламдир.

Менга раҳномалик қилган ҳам ўзи,
Ранжу машаққатим билган ҳам ўзи.

Бугун маснавийга қўйдим сўнг нуқта,
Неки билдим, уқдим Бухорий ҳақда.

Тизиб, алломага атаганим рост,
Шонрик бурчимиň ўтаганим рост.

Бухорий меҳрини дилга туйдим мен,
Ўзбек назми ила ҳайкал қўйдим мен.

Истагим «маснавий» дунёни кўрса,
Бу ҳайкал эя аро абадий турса.

Элатим, миллатим бўйса баҳраманд,
Шонир ҳам юртида юрса сарбаланд.

Қабул эт, онажон, аҳли Туркистон,
Дилингга завқ берсин бу шеърий бўстон.

Инишооллоҳ, тангрим қўлимдан тутар,
Хабари Арабу Ажамга етар.

Туҳфам сенга эрур, назмтаъб авлод,
Кузинг тушса, ўқиб, мени қиласига шод.

*Бухоро— Самарқанд
1992—1997 йиллар*

МУНДАРИЖА

I Қисм

Мұқаддима	3
Бухоро	5
Жайхун-Балх-Ҳирот	10
Нишонур-Машҳад-Исфаҳон	16
Бағлод-Басра	19
Макка-Хајк-Хайрлашув	22
Бодом дарахти	31
Фотима	37
Мазнина ан-Набий	40
Фасли баҳор	44
Шагг үл-араб	50
Захро	63
«Байтул ҳикма»	70
Коҳира	78
Шаҳрибону	85
Сарой базми	95
Луксер, Искандария-Куддус	98
Дамашқ	106
Дашти Карабало	109
Муножот	114
Тўй-шайх Дохиийӣ	128
Биби Оинъя китобати	136

II Қисм

Байдол	140
Халифа Мәмьун	144
Бедарак	149
Зарафшон соҳили	157
Мұхаммәд нағімбар — Шоир ал-Ақвөй	171
Оғи кўз сингари	182
Чути Малик-Кармана — «Юсуф ва Зулайҳо»	189
Кизил дениз — Коҳира	193
Дамашқ йузига	198
Мустағфо	203
Хиёнат	208

Самарқанд сари	223
Янги қурғон	228
Багъод	230
Ботаник Зоҳирин	232

III Киси

Ноғаҳон сафари	239
«Хі-Жомин де-Саҳиҳ»	240
Ойни юр-Аумад	244
Низонур	248
Захронинг хати	252
Мусо ат-Гермизий	255
Буғон	261
Мирз томон	268
«Ассалом, Бухоро!»	273
Она кабрида	279
Фотимани излаб	281
Безовий рух	287
Саронга тақлиф	291
Ихроҷ	297
Хартанг	299
Ҳасла Фотима	302
Муножот	306
Хотима	311

Адабий-бадиий нашр

ДУШАН ФАЙЗИ ЗАРАФИШОНӢ

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

Шеърий роман

Муҳаррир: З. Мирзаева.

Мусаввир: Т. Герасимова.

Расмлар муҳаррири: Ю. Габзалиев.

Техн. муҳаррир: У. Ким.

Мусаҳҳихлар: Д. Қодирова, М. Ҳўжсаева.

Теринига 11.03.98 да берилди. Боснига 22.07.98 да рухсат
тилди. Ўрками 84×108^{1/2}. Шартли боема табоги 16.8. Шашр
табоги 12.99. Офсөт боема. Шаршома 17-98. Азали 5000.
Буюртма № 8071. Бахоси келишиндан нархда
«Ёзувчи» паприёти, 700129. Тошкент шаҳри,
Навонӣ, 30уӣ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
ижаралаги Тошкент матбаа комбинати, 700129, Тошкент,
Навонӣ кучаси, 30.

Үз 2
3-37

Зарафшонъ-й, Душан Файзи

Имом Ал-Бухорий: Шеърий роман / Масъул мудар-
рир: Б. Валтихўжаев/. — Т.: «Ёзувчи», 1998.—320 б.

Үз 2+86,38



119718

3 330000 181049

134042

